

МАЖБУРИЙ НУСХА

Боқий МИРЗО

**ЎҒРИНИНГ  
МУҲАББАТИ**

**РОМАН**

**(Иккинчи фасл)**

«Наманган» нашриёти  
2013 йил

УДК: 821.512.133-31

ББК 84(5ЎЗБ) 7 - Ҳ.Б. ағаб.

M-21

Боқий МИРЗОнинг «Ўғрининг муҳаббати» романининг иккинчи фасли ҳам аввалги фасли каби ВАТАНни севиш, унга хизмат қилиш ва бугунги кун учун долзарб бўлиб турган одам савдосига қарши курашга бағишланган.


Ёзувчи ҳаётини мисоллар, кўрган, зшитган воқеалари асосида хориждаги юртдошларимизнинг аҳволи, уларнинг матонати, юртимиз ўғлонлари томонидан гаровдагиларнинг озод этилиши ва тугилган маконига қайтарилиши ҳамда иззатини жойига қўйилиши ҳақида ҳикоя қилади. Турли феъл - атвордаги кишиларга дуч келаркансиз, қалбдаги ният билан кўз олдимизда рўй бераётган ҳаёт саҳнаси мутаносиб тарзда ривож топишига гувоҳ бўласиз.

Бундан ташқари, ёзувчи ким ҳақида ва қаердаги воқеалар ҳақида ҳикоя қилмасин, ҳар бир сатрдан юрт муҳаббати, унга хизмат қилиш гоёси уфуриб туради. Китобни ўқиғач, бунга амин бўласиз.

НН 1110-3529,0-1576530 2013  
1111-(12,5)-(04)

ISBN 978-9443-528-63-1

- © Боқий МИРЗО
- © «Ўғрининг муҳаббати-2»
- © «Намунган» нашриёти. 2013. 224 б.



10-39700/2  
291

Сергей Макарович билан Нина Максимовна севишиб турмуш куришганди. Ўн беш йил бирга яшаб, ёлғиз қизлари Галина ўн ёшга тўлганида оилавий ҳаёт дарз кетди. Нина Санкт-Петербургга хизмат сафари билан борди-ю, икки ойдан кейин феъли ўзгариб қайтди. Эрини назари илмас, аллақаяқларга тез-тез кўнғироқ қиларди. Унга ҳам нотаниш кимсалардан кўнғироқлар кела бошлади. Эри улар ҳақида сўраса:

- Шахсий ҳаётимга аралашма! - дея жеркиб берадиган одат чиқарди. Сергей Макарович кутилмаган бу ўзгаришдан ҳайрон бўлиб, анча вақт камситилгандай тунд, аламзада юрди. Бир куни улфатлари билан роса ичди-да, уйга келиб Нинанинг бўғзидан олди.

- Нега бундай қилаётганингни айтмасанг, ўлдираман!

Нина кипригини қоқиб ҳам қўймади. Аёл қаршилиқ кўрсатмагани учун эр шаштидан тушди. «Балки мен нотўғри ўйлаётгандирман?» - деди ўзига ўзи. Сўнг ўйлана-ўйлана ётоқхонасига кириб кетди. Кечки овқатга чақиришганда унинг кўзлари қизарган, хаёли паришон эди. Индамай овқатланишди. Аёл идишларни ювиб бўлгач, қизини хонасига киритиб юборди. Сергей Макарович:

- Беш минутга ўтир! - деди хотиржам оҳангда.

Аёл бамайлихотир ўтирди. «Нима гапинг бор?» деган маънода унга кибр билан боқди.

- Нега бундай қилаётганингни тушунтириб берарсан?

- Нимани тушунтиришим керак?

- Ахир, сафардан бошқача бўлиб қайтдинг, менга муносабатинг ўзгариб қолди.

Нина чиройли кўзларини қадаб, ичида «Эҳ, хомкалла!» деди... Гапирмоқчи эмасди.

- Ё мени ёқтирмай қолдингми?

Нина эрига хунук қаради.

- Бу асосий масала эмас.

- Одамга ўхшаб гапир!

«Халиям тушунмадингми?»

«Тушунтир!» - Сергей Макарович жаҳллана бошлади.

Аллақачон кайфи тарқаган бўлса-да, қўллари, лаблари титрарди.

- Мен бошқасини севиб қолдим!

Аёл гўё боғча боласи ўртоғига «Энди сен билан ўйнамайман!» дегандай оҳангда хотиржам гапирди. Эр кўзларини катта-катта очиб, хотинини энди кўриб турган каби ҳайрат билан тикилди.

- Қанақасига? Ахир биз севишиб турмуш қурган-миз, битта қизимиз бор-ку!

Нинанинг туси ўзгармади. Жавобни ўйлаб қўйган, шекилли, ўзини дадил тутиб ўрнидан турди.

- Мен бир-икки йил алоҳида яшамоқчиман! Қизимизни кўриб кетишинг учун доим эшигим очиқ.

Масала кескин тус олишини хаёлига келтирмаган Сергей Макарович бирдан шалвираб қолди. Аммо ўзини қўлга олиб, хотинининг қаршисига келди.

- Ҳаётим нима бўлишини ўйладингми?

- Буни сен ўйлайсан, чунки у сенинг ҳаётинг.

- Йўқ, азизим, биз битта оиламиз, бир-биримиз ҳақимизда қайғуришимиз керак. Наҳотки, шунча йил бирга яшаб, бир-биримизни қадрламасак?

- Мен аллақачон қарор қилганман!

- Ким ўша нусха, билсам бўладими?

- Шарт эмас!

- Шарт!!! Ким у аблаҳ? - кутилмаганда овозининг борича бақириб юборди Сергей Макарович.

- Уни аблаҳ дема! - деди Нина кўзларини чақчайтириб, - сабр қилишга ўрган, шароитга мослаш!

- Сенга нима ёмонлик қилдим, Нина? - ялинчоқлик билан хотинини инсофга келтирмоқчи бўлди эр.

- Мен Санкт-Петербургга кетаман, ўша ердан иш, квартира топдим! - деди аёл.

- Ўн беш йиллик турмушимиз нима бўлади?

- Қайғурма, тарихда қолади, ширин хотира сифатида қалбимизда яшайди. Хайр, энди дам олайлик!

Нина ётоғига кириб кетди. Сергей Макарович хolidильникдан ароқ олди-да, тўйгунча ичди. Ўзини тутолмайдиган даражага етгач, диванга чўзилди. Эрталаб турса, хотини кийимларини, ўзига керакли буюмларни ва энг муҳими, қизини олиб кетиб бўлибди. Столда бир варақ хат турибди. «Сергей, мендан хафа бўлма, сен яхши одамсан. Аммо қандоқ қилайки, юрагим ўша томонга тортяпти. Балки бу Худонинг буйруғидир. Сен ақлинг билан вазиятдан чиқа оласан. Агар ҳаётда бир-биримизни учратмасак, мендан рози бўл!»

Эр хатни чангаллаб пешонасига урди, столни муштлади: «Аблаҳ, сени ким йўлдан урди, а?»

Шу зайл унинг рангсиз, туссиз кунлари бошланди.

Хотини ва қизи ҳаётининг нури, жозибаси эканлигини теранроқ тушунаркан, хувиллаган уй унга дўзахга ўхшаб кўринар, ишга эрта кетиб, кеч қайтарди.

Бора-бора у ичкиликка муккасидан кетди. Ишга кеч борадиган, иш пайтида маст юрадиган, айрим кунлари эса мутлақо келмайдиган одат чиқарди.

Орадан икки йил ўтди.

Кунларнинг бирида у кафедра винохўрлик қилаётганида эски ҳамкасбларидан бири четга тортди.

- Макарович, хотини ташлаб кетган эр битта сен эмас! Ўзингни қўлга ол. Наҳотки ичишни ташлаб, қайғуни енгишга ироданг етмаса? Ахир, эркаксан!

- Сен мени тушунмайсан, Коля! - деди Сергей Макарович чайқалиб, кўзларини юмаркан, - мен уни севардим! У эса бошқаси билан кетди, қизимни кўргим келяпти, аммо уларни тополмаяпман, алаимдан ичяпман!

Коля меҳнат таътилдан қайтиб, уни яна шу алпозда кўрди.

- Ошна, - деди Коля жиддий, - хотинни бериб кўйдинг, энди аламингни ароқдан олмасдан ўзингни қўлга ол! Икки йилдан бери қизингни излаб бордингми?

- Эсга... келмабди.

- Алимент берасанми, кийим-кечак совға қилдингми, ўқиши билан қизиқдингми?

- Вақтим бўлмади...

- Аммо ароқхўрлар билан бўкиб ичишга вақт топасан, а?

- ...

- Уни излаб бор!

- Манзилини билмайман...

- Топиб бераман, кечкурун уйга кел.

- Хўп бўлади...

Коля Нинанинг манзилини топиб берди. Уни кузатаётди тайинлади:

- Аввал ичишни ташла, акс ҳолда Нина қабул қилмайди, қизинг ҳам дада демайди...

Сергей Макарович индамай чиқиб кетди. Йўлда учраган улфатларига ҳам бир оғиз гапирмади. Бир ой ўзини тутиб юрди, ичмади. Ишхонасидагилар тартибга тушиб қолганига ишонч ҳосил қилишди, шекилли, Санкт-Петербургга бориб келиш учун рухсат ва моддий ёрдам сўраганида йўқ дейишмади.

У Нинани манзил бўйича топаман деб умид қилганди, афсус, қўнғироқ тугмасини босганда олифта кийинган, худбинбашара киши эшик очди. Сергей Макарович унга тез разм солдию, ичида «олифта» деб от қўйди.

- Сизга ким керак? - деди олифта сўрашишни хаёлига ҳам келтирмай.

- Кечирасиз, менга Нина керак эди.

Олифта унга бошдан-оёқ разм солди.

- Қанақа Нина? У бу ерда яшамайди, - деди бепи-санд.

- Менга шу манзилни беришган эди.

- Биз бир йил олдин ажрашганмиз.

Олифта гаши келгандай, совуқ оҳангда сўзларди.

- Қаерда туришини айта оласизми, илтимос?..

- Шаҳар чеккасидаги бир уйда ижарада туради, деб эшитгандим.

- Битта яхшилик қилинг, манзилини аниқ биладиган одамни айтинг.

Олифта иягини кафти билан ишқалади-да, ерга қаради. Сўнг бош бармоғи билан қўшнигиникини кўрсатиб, хайрлашмасдан эшикни беркитди.

Сергей Макарович қўнғироқ чалиши билан катта ёшли одам чиқиб, уйига таклиф қилди...

У Нинани тезда топди. Собиқ хотини аввал ҳайратга тушди, кейин «хайрият», дегандай унга қўл узатди. Уйга киришди. Бир неча дақиқа гапни нимадан бошлашни билмай, ерга қараб қолишди. Нина айбдорларча бошини эгиб турар, эрининг ҳар қандай ҳақоратларини эшитишга тайёрдай эди. Ўзини тутиб олган эр:

- Нима бўлди, Нина? - деди сукунатни бузиб.

- Асло сўрама, Серёга, - деди шикаста овоз билан Нина, - Антон... мен кутган одам бўлиб чиқмади, худбин ва фирибгар экан. Сендан беркитиб йиққан пулларимни, тилла буюмларимни тортиб олди, бир йилдан кейин кўчага ҳайдади.

Сергей Макаровичнинг қиёфасида икки йиллик ароқхўрлик ва бетартиб ҳаёт изи аксланиб турганидек, Нинанинг тинимсиз ёш оқаётган кўзларида ҳам изтироб, ғам асорати сезилар, юзида пардоз беркитолмайдиган ажинлар пайдо бўлганди. Сергей Макаровичнинг унга раҳми келди...

- Бир йилдан бери кўча-кўйда сарсонман. Аниқ яшаш жойим йўқ. Бу ерга келишимга тиш-тирноқлари

билан қарши турган ота-онамнинг олдига - Москвага боришга бетим чидамаяпти.

Сергей Макаровичнинг дили оғриди. Аммо бу вазмин кечинмадан устун чиқиб сўради:

- Нима қилмоқчисан?

- Бошим қотган, таниш-билишим йўқ, яхши ишга жойлашолмадим. Қизимни аранг боқяпман.

- У ҳозир қаерда?

- Мактабда.

Иккови шу яқиндаги кафедра тушлик қилишди. Сўнг ижара уйга қайтишди. Ота ўзича қизим бўйнига осилади, деб кутган ва руҳан шунга шайланганди.

Қиз қачондир ўз отасининг излаб келишини хаёлига келтирмаган бўлса керак, унга довдираб қаради, кейин бегонасираб, аллақандай аламзадалик билан қошларини чимириб, ортига тисарилди.

Қизнинг бу қилиғи отани гангитиб қўйди. Кўксида пайдо бўлган тахир бир туйғу бўғзигача келиб, димоғини ачиштирди. Ҳадеганда тили калимага келмади. Ўша аччиқ ютум кўзларидан сизиб:

- Галина, мени танимадингми, отангман, ахир! деёлди овози бўғилиб.

Галинанинг дадасини кўрган заҳотиёқ кўзларини тўлдирган, аммо ўзи ўжарлик ва катта сабот билан яшириб турган ёшлари бирдан тирқираб кетди.

«Даданг билан саломлаш, қизим», демоққа лаб жуфтлаган Нина дилидагини тилига чиқаришга улгуролмади. Чунки бу пайтда Галина Сергей Макаровичнинг кўксига юзини босганча овозини чиқармай йиғлар, унинг ўпка-гина билан ҳиқиллаши нафақат отасининг, балки онасининг ҳам кўнглини бузиб, қалбида ўз ишидан пушаймонлик туйғусини кучайтирди.

Ота қизини бағрига босаркан, юрагида беғубор туйғу, ҳаётни севишга ундайдиган ёқимли нафас сизди.



- Қизалоғим!.. - деди енгил хўрсиниб. Хорлик ва тубанликда ўтган йиллар эсига тушиб, ўпкаси тўлди. Галина кўзларида синиқлик, ёшига ярашмаган тажаниглик билан ўксиб-ўксиб йиғлар экан, Сергей Макарович ўзи ва хотинининг хатоси қизи учун қанчалар қимматга тушганини англади.

«Нега Нинани маҳкам ушламадим, биринчи зарбадаёқ енгилдим, а? Эҳ, хом калла! Битта хотин, битта қизни эпложмаган эркак эркакми?! Мени одам демасаям бўлади, Коля айтмоқчи хотини ташлаб кетганларнинг ҳаммаси алкаш бўлаверса, Россиянинг ярмидан кўпи одамлигини йўқотади-ку! Йўқ, оғайни, бунақаси кетмайди. Оиламни тиклайман!»

Эртасига олифтаникига бориб, тилла тақинчоқларни талаб қилишди. Аммо у ҳеч нарсани тан олмади. Ҳатто гаплашишни ҳам истамади. Икковлари аламли, газабнок қиёфада автобус бекатида туришганида бир машина келиб тўхтади. Орқа эшикдан қора кўзойнак таққан пўрим кийинган одам тушди-да, Сергей Макаровичга яқин келди.

- Танимадингми, оғайни? - деди тўсатдан унинг елкасига чапанчасига қоқиб.

Сергей Макарович гангиб қолди, нотаниш одам қора кўзойнагини олгачгина, рўпарасида кулиб турган бу киши курсдоши Валентин эканини таниди. Курсдошлар бир-бирларининг бағриларига отилишди.

Валентин уларни меҳмон қилди. У шаҳардаги олифта яшайдиган туманнинг прокурори экан. Муаммоси бўйича Нинанинг аризасини олди-да, икки кунда ҳамма тақинчоқларини ундириб берди. Бахтли тасодифдан, тақдир туҳфасидан эр-хотиннинг бошлари осмонга етди.

Оила тикланди, аммо Сергей Макарович ичкиликка берилган йиллари жигаридан хасталаниб, ошқозон раки бошланганди, бир йилга етмай вафот этди. Нина автоҳалокатда оғир жароҳат олиб, ҳаётдан кўз юмди.

Бобоси ва бувиси жуда қарилиги учун Галинани Нинадан кейинги эрсиз холаси боқиб олди. Хола эрга теккандан кейин Галина болалар уйида яшади. У ёши улғайган сари ақли тўлишди, она хатосини такрорлашни истамаса-да, ҳаёт ва тирикчилик гирдоби уни ҳар хил кўчаларга олиб кирди. Болалар уйдан кетгач, Дронкинлар гуруҳига қўшилди. Аммо қил устида юргандай, омонат яшаётганидан афсусланар, ўз оиласи билан хотиржам умр кечиришни истарди...

Галина бир неча йигитлар билан учрашди. Уларнинг ақли-фаросати ва қарашларини синаб кўрди, аммо бирортаси кўнглига тўғри келмади. Чунки йигирма ёшдан ўтаётган бўлса ҳам қалбига севги меҳмон бўлмаганди. Олим билан бир кеча бўлдию, юрагига чўғ тушди, севги оташида қоврила бошлади. Михаил Дронкин «Алик ўзи хоҳламагунча унга яқинлашма!» дегани учун кўнғироқ қилолмади. Олим жангда енгилса, бошлиқ уни соғ қўймасди...

Олим уйга кетаётганини нариги гуруҳдаги жосусдан эшитди-ю, Галина ўзини қўярга жой тополмай, аэропортга чопди. Ҳали ҳеч ким билмаган, балки билолмайдиган мақсади бор эди унинг.

Галина қанчалик севмасин, садоқат изҳор қилмасин, Олим у билан яшамаслигини, ҳеч қачон севмаслигини биларди. Бироқ аёл сифатида ўз орзусидан кечолмас, ниятга етиш учун ҳамма ишга тайёр эди.

Ахир аллакимларни ниятига етказиш учун бегона тўшақларда шаҳвоний ҳиссиётлар бағрида тунашга мажбур бўлди, виждон азобида қоврилди, сотқинлик, хиёнат қилди. Энди нега ўз мақсади йўлида курашмаслиги керак? Шу хулосага келгандан бери турли режалар туза бошлаганди.

Галинанинг бундай яшашига ота-онасининг турмуш тарзи таъсир қилгани аён. Фақат қиз улардек саргардон ва бечораҳол эмас, балки ёлғиз бўлса ҳам орзусига эришган, обрўсини йўқотмайдиган тарзда яшашни истарди.

Шу боис Олим билан хайрлашса-да, унинг қайтишига умид боғлади.

\* \* \*

Уларни аэропортда Одилнинг укаси Раҳимбой, Олимнинг дадаси Умаржон кутиб олди. Олим дадасини кўриб, ҳайрон бўлди. Йиллаб ўғлини кўрмайдиган, ҳатто онасини истаб келмайдиган меҳрсиз ота нега кутиб оляпти?! Олим дадасининг кўзига қараб, ташвиш ва изтироб кўрди. Бу нимаси? Танбал ва лоқайд одамни нима безовта қилиши мумкин? Наҳотки, ўғлини соғинган, йўлига кўз тиккан бўлса? Унга инсоф кирдими? Ёки ўғли узоқ юртларда қийналиб юрганлигини сезиб, унга ачиндимикан?

Олим отасини яхши билмасди. Ўрталарида эслашга арзийдиган ҳеч нарса бўлмаган.

«Москвадаги жангларда ғолиб чиққанганимни, катта пул билан келаётганимни эшитиб, истиқболимга пешвоз чиқдимикан?»

Олим яна унинг кўзига қаради. Бунақа мақсад сезилмайди, ташвиш, бироз қайғу бор отасининг кўзларида.

Уйга кетишаётганда гапиришмади. Ҳовлида беш-олтита катта ёшли қариндошлар, ичкарида аёлларни кўрдию, бувиси эсига тушиб юраги ўртанди. «Бувим! Бир нарса бўлдимикан?» Фикри сўнггига етмаган эдики, узоқ қариндошларидан бири уни четга тортди.

- Олимжон, энди анча улғайиб қолдинг, тушунган йигитсан, амаки бироз тин олди, - бувингнинг олдига кирганда ортиқча ҳаракат қилма, бир неча кундан бери тил кетиб қоляпти!

- Нега? - Олим бирдан туюқди, - кетаётганимда соппа-соғ эдилар-ку!?

- Қаричилик Бошларини силаб, «Буви, мен келдим», десанг кифоя! Бир неча кундан бери сенга илҳақ

бўлиб турибдилар, бора қол энди!

Олим аёллар билан наридан-бери сўрашиб, бувиси ётган уйга кираётганида, онаси унга пешвоз чиқиб бўйнига осилиб йиғлади. Аёллар бир нарса дейишди, шекилли, ўғлини қўйиб юборди. Олим катталарнинг имоси билан бувиси ёнига тиз чўкди.

- Буви! - Олим унинг юзига қараб негадир хўрлиги келди, кўзларидан ёш қуйилди, - мен келдим, кўзингизни очинг! Мен Олимман...

Буви нурсиз кўзини очиб, қоқсуяк қўлини узатди. Олим унинг юзидан ўпди. Буви титроқ қўллари билан набирасини кучиб, унинг юзини ўзининг юзига босди-да:

- Хайрият, сени кўрдим, мендан рози бўл, болам! деди, холос. Кўп ўтмай жонсиз қўллари шилқ этиб ёнига тушди.

Олим «Бувим ўлиб қолди», деб йиғлаб юборди. Набира келин кўраман, деган ниятига етолмагани учун унга дил-дилидан ачинди. Бувисига дурустроқ меҳрибончилик қилолмаганига ўкинди.

Буви тушдан кейин омонатни топширди. Қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй, Олимнинг таниш-билишлари, синфдошлари йиғилди. Марҳумани тупроққа қўйиб келингач, Олим ҳувиллаган ҳовлига кирди. Рўпарасида қўл қовуштириб, ҳамдард кайфиятда турган Шоҳбоз кучоқлашганда кўзларига ёш қалқди. Кейин ҳамма синфдошлари билан бирма-бир сўрашди. Одамлар орасида турган Одилга кўзи тушиб, у бувисининг бетоблигини Петровичга айтиб, Ватанга қайтиш масаласини зудлик билан ҳал қилганини ўйлади ва унга меҳри товланди.

Одамлар тарқалиб, яқин қариндошларгина қолишди.

Олим ота-онаси билан узоқ кўришмай, бегонадай бўлиб қолганлигини шу куни аниқ ҳис этди. Оғир кунларда ташлаб қўйишгани туфайли уларга кўнгли

исимади. Ота-она эътиборсизлиги йиллар давомида кўнглини губор каби қоплаб олганди. Қалб қувончи, меҳр ва таскинни бувижониси ва Интизор беролгани учун қалбида шуларгина руҳий мадад, маънавий таянч эдилар.

Интизорга кўнгироқ қилиш учун Одил акасидан янги симкарта олиб келишини илтимос қилди. У илтимосини бир соатга қолмай бажарди. Олим ҳовли этагига бориб, Петрович билан хабарлашди.

- Алик, таъзиямни қабул қил, бувинг вафот этибди!

Олим ҳайратланди. Ким етказдийкан? Наҳотки, шу ерда ҳам одамлари бўлса?!

- Раҳмат, Петрович!

- Қизинг Америкага учиб кетди. Жойлашгандан кейин эртага Одилнинг уйига кўнгироқ қилади, хавотир олма! Маросимларни ўтказиб, тезроқ қайт, бизни Италияда кутишяпти!

- Яхши!..

- Омон бўл!...

Олим қадам шарпасини сезиб, ортига ўгирилди. Одил гапини эшитадиган даражада яқинлашиб қолган эди.

- Сенга симкарта олиб келаётиб, уйдагиларга телефон рақамингни бериб қўйдим. Интизор кўнгироқ қилса етказишади.

- Раҳмат, ака! Интизор учиб кетибди. Эртага сизлар билан боғланади...

Одил Олимни янаям четроққа - дадаси ва қариндошлари турган жойдан узоққа бошлади.

- Бугундан - деди у одамлар эшитиб қолишларини истамаётгандай атрофга аланглаб, - маросимлар бошланади. Ҳамма раҳмат дейдиган қилиб, қариндош-уруғ, танишлар билан гавжум ўтказиш керак!

- Маслаҳатингизга муҳтожман...

- Одатда, маъракагача пешин ё шомдан кейин маҳаллани, муллаларни тўплаб эҳсон қилинади. Беш

кундан кейин - маърака. Ұн етти кунда «Кичкина қирқ», ўттиз еттинчи кунда «Катта қирқ» ўтказилади. Бир йилдан кейин эса «Йил» маросими бўлади. Маъракада кўчқор сўйиш керак. Одамлар марҳум ҳурматини маросимларнинг серхаражат ва дабдабали ўтказилишига қараб белгилайдиган бўлиб қолишган...

Олим эшитарди-ю, кўнглидан изтиробли ўйлар кечарди: «Бувим тириклигида меҳрибончилик қилолмадим, меҳнатларини қайтаролмадим, энди дабдабали эҳсон, маърака қилсам, бувимга нафи тегармикан? Миллион сўмлик маросим тириклигида берилган иккита иссиқ нончалик қадрли бўладими? Йигирмата муллага, ўнта отинойига қуръон ўқитиб, даста-даста пул, қимматбаҳо латта-путталар берсам, соғлигида ҳады қилинган битта чит қўйлакчалик нафи тегадими?»

Биламан, ота-онам катта шаҳарларда минглаб доллар топиб, ресторанларда зиёфат қилишган. Аммо бувимнинг тирикчилигидан йилда бир марта хабар олишмаган. Шу қари кампир битта тирик етимимизни боқяпти, тарбияляяпти, биз қилолмаган ишни қилипти, леб ўйлашмаган! Энди ўлгандан кейин хўжакўрсинга кўз ёш тўкишлари, бел боғлаб ҳамманинг таъзиясини қабул қилишлари риёкорлик эмасми?»

- Ота-онамга айтинг, - деди Олим Одилга қатъий оҳангда, - бувимнинг маросимларини ўзим ўтказаман, сиз ўргатиб турсангиз, бас! Худога шукр, пул бор!

Одилнинг юрагида илиқ туйғулар уйғонди, ўзидан анча ёш йигитга нисбатан кўнглида ҳурмат ва эҳтиром туйди...

\* \* \*

Болалар уйида Володя деган йигитча Галинанинг атрофида айлана бошлади. Йигитча ҳар куни унга бирор ишда кўмаклашар, шаҳарга айлангани чиқишганда, ёки кино-театр томошасига олиб борилганда ёнида бўлишга интилар, бировни унга яқинлаштир-

масди. Яхши кўриши ҳақида гапирмаган бўлса ҳам кўзига термулганча, дилидан севги сўзини такрорлаётгандай туюларди. Галина унинг ақлли, раҳмдил эканини ҳурмат қиларди. Аммо бу тоифадаги кишиларнинг ҳаётда оғзидагини олдириб, билимсиз тўнкалар қўлида қўғирчоқ бўлиши мумкинлигини ўйлаб, муносабатларини жиддийлаштирмасди. Володя эса борган сари унга боғланиб, кўнглини топишга интиларди. Мактабни битиришгаётганда болалар уйига бир йил аввал келган Вадим Володяни чеккага тортди-да, бўғзига кичкинагина пичоқча қадади:

- Яна Галинага яқинлашсанг «қих», тушундингми?

Қўрқиб кетган Володя аввал довдиради, аммо севги жасорат берди, шекилли, «қўлингдан келганини қил! Сендан қўрқадиган аҳмоқ йўқ, Мен Галина учун ҳаётимни тикканман!» дегач, тумшуғига тушган муштан икки метрга учиб тушди. Ўрнидан туришга интилаётганида қовурғасига бир неча марта тепки еб, инграб юборди. Шафқатсиз Вадим уни ёқасидан олиб кўтарди:

- Бу шаҳарда менинг севгимга тўсиқ бўладиган одам ҳали туғилмаган, эртадан ундан узоқлашмасанг...

- Узоқлашмаса, нима қиласан?

Вадим ортига қаради-ю, мағрур турган Галинани кўрди.

- Эй, нодон, мени дўстим Володядан ҳимоя қилмоқчимисан? У билан тўрт йилдан бери дўстман, орамизга тушма, агар муносабатларимизга раҳна солсанг...

- Нима қиласан?

- Терингни шилиб оламан!

- Зўрсан-у!

- Иккимиз бир бўлсак, сендақалар шарпамиздан чўчийдиган бўлади!

У Володянинг чангларини қоқиб, дастрўмоли билан лаби четидаги қонни артди ва билагидан ушлаб, болалар уйи ётоқхонаси томон бошлади. Вадим уларга қараб муштини тугди...

Шу-шу йигитчалар бир-бирларига душман бўлиб қолишди. Галинага билдирмай бир неча марта муштлашишди, бу ўқитувчилар хонасида муҳокама қилинди, болалар ўртасида роса гап-сўз қайнади. Мағрур Галина эса парво қилмасдан мактабни битирди...

У Олим билан бир кечани ўтказди-ю, оромини йўқотди. Ҳозиргача бирорта эркакда қалбини ром этадиган ҳиссиёт, вужудини жунбушга келтирадиган эҳтирос кўрмаганди. Олимнинг иси бошини айлантирди, у севги асирасига айланди, Михаил Дронкинга Олим ҳақида оғиз очди, Михаил Дронкин унга ҳеч нарса демади. Бегона эркак билан бўлишга мажбур ҳам қилмади.

Галина Олимни кузатгандан кейин бир неча кун паришон юрди. Бугун шаҳар боғига бориб кўнглини ёзмоқчи бўлди, салқин ичимликлар ичди, Олимни ўйлаб, ширин хотиралар билан ўзини овутди. Уйга қайтиб, машинани гаражга қўйиши билан телефони жиринглади.

- Галина!

- Эшитаман!

- Яна Аликка яқинлашсанг, каллангни узиб, Москва дарёсига ташлайман!

Пўписа Вадимнинг дўқидан кучли ва қўрқинчлироқ эди. Суянганлари бўлса-да, чўчиди.

- Кимсан, нега дўқ қиляпсан?

- Танишинг шарт эмас. Мен аяб ўтирадиган аҳмоқ эмасман, болани чалғитма!

- Менга хўжайин эмассан!

- Энди каллангни узиб, Олимнинг уйига жўнатаман. Бувиси ўлган, маросим қилганда калла гўштингдан сомса пишириб, меҳмонларга қўяди. Мен Петровичман!

Галина тилини тишлаб қолди. Бу одамнинг ваҳшийлиги ҳақида кўп эшитган, қанча-қанча қизлар бедарак йўқолган, жувонмарг бўлган. «Петровичнинг қўлига



тушсанг, омон чиқмайсан!» деган гап юришини эсла-  
 дию, юраги сесканди. Ҳозир одамлари бостириб келиб,  
 калласини узиб кетадигандай бошини ушлади. Уйга  
 кириб кийимларини алмаштириб, диванга чўзилди,  
 хаёлини чалғитиб, қўрқувни тарқатиш учун телсви-  
 зорни улади. Аммо хаёлидан Олимга бўлган севгиси-  
 ю, Петровичнинг пўписаси кетмасди. Нима қилсин?  
 Илк севги дардига мубтало бўлсаю, ўзини қийнаб  
 юраверсинми? Бу қанақа дунё, бемалол севишгаям  
 қўйишмайди-я?!


Галина сиқилганидан у ёқ-бу ёққа ағдарилди, чу-  
 қур-чуқур «ух» тортди, сўнг ўтириб тиззасини кучоқ-  
 лаган кўйи хаёл дарёсига фарқ бўлди. Ҳисобидаги  
 пулни чамалади. «Алик келармикан? Балки бутунлай  
 келмас, келса Петровичлар Европага олиб кетишади.  
 Кўришолмай қолишим мумкин. Сиқилиб юргандан  
 кўра, Ўзбекистонга бориб келсам-чи? Бувиси ўлган  
 бўлса, Алиқдан кўнгил сўрардим. Мақсадга етгандан  
 кейин у ёғи бир гап бўлар... Ишқилиб, Петровичнинг  
 одамлари йўқмикан? Э, йўли осон - қиёфамни ўзгар-  
 тираман. Сочимни қорага бўятиб, майдалаб ўрдира-  
 ман. Тошкентга бориб, у ерга мослаб кўйлақ тиктира-  
 ман, Петровичнинг хаёлига ҳам келмайди бу. Севган  
 аёл битта макрини ишга солса, ҳаммаси оғзини очиб  
 қолаверади».

У Ўзбекистонда қанча вақт бўлишини аниқ билмай-  
 ди. Ҳеч бўлмаса, ўн кунга жавоб олиши учун ишончли  
 баҳона ўйлаб топиши керак!

Ниҳоят, кечки овқатга чиқиш олдидан Дронкинга  
 кўнғироқ қилди...

\* \* \*

Маъракадан бир кун аввал тушга яқин оппоқ рўмол,  
 махси-кавуш, оқ кўйлақ кийган ёшгина қиз ёнида бир  
 келинчак ва ёши каттароқ аёл билан дарвозадан кириб



келишди. Келинчакнинг кўлида тугун.

Олим билан Одил эндигина бозордан келишган, дарвозахонада дадаси ва бир-иккита қариндошлари билан ўтиришган эди.

Аёлларнинг назокатли кўриниши ҳамманинг эътиборини тортди. Одил Олимга қаради.

- Танимадим, - дея елка қисди у. Аммо Одил ўйланиб қолди.

- Сен танишинг керак! - деди Одил.

- Ўлай агар, биттасиниям кўрмаганман!

- Шошилмай турайлик-чи, шахси аниқланиб қолар!  
- дея мийиғида кулди илгари милицияда ишлаган қариндошлардан бири.

Ичкарида отиноий қуръон тиловат қилди. Аёллар дуо қилишгандан кейин ўн дақиқача гаплашиб ўтиришди. Сўнг яна дуо қилиб кўзғалишди.

Эркаклардан бир оз узоқлашган аёллар сал чеккалаб, кимнидир кутган каби қадамларини сусайтиришди. Мезбонлар бир-бирларига саволомуз боқдилар. Сўзсиз мулоқотдан сўнг уй эгаси сифатида Олимнинг мулозамат қилиши маъқул топилди. Амаки унга қоши билан имо қилди. Олим аёлларга яқинлашганида катта ёшлиси унинг елкасидан олди.

- Ўғлим, хафа бўлмай турибсизми? Бувингизни Худо раҳмат қилган бўлсин, Яратган сизга сабр берсин! - дея кўришди. Кейин ёш қиз оқ рўмолини қия очди. Олим не кўз билан кўрсинки, у Зарина эди!

Олим кўзларига ишонмай, сал эгилиб, унга яқинлашди.

- Ака, бувингизнинг жойлари жаннатда бўлсин! - деди қиз онасига ўхшаб. Бир лаҳзалик тараддуддан кейин шошилинич пичирлади: «Сизни жуда соғиндим!» Бу гапни ҳаяжон ва соғинч билан айтгани ўтли нафасидан, ҳаёдан қизарган юзидан сезилиб турар, нигоҳларида ташналик, маъсумлик ва хумор...

Унинг дуркун вужудидан таралаётган ёшлик ҳа-

рорати шу тобда Олимга Интизорни эслатиб юборди.

Заринадан кейин кўришган келинчак Дибра эди.

Улар йўл четидан оҳиста-оҳиста қадам ташлаб чиқиб кетишганида ҳаммада ёқимли таассурот уйғонган, айниқса, фаришта сингари келиб-кетган Зарина Олимнинг кўнглида алланечук илиқлик пайдо этганди.

Шоҳбоз жаноза, фотиҳа кунлари ёнида туриб, дўст қайғусига шерик эканини кўрсатишини Олим эл кўзига бўлса керак, деб ўйлаган эди. Аммо бугун онаси, хотини ва сингисининг кўнгил сўраб келиши «Шоҳбознинг нияти тоза», деган фикр туғдирди. Қолаверса, кечки пайт Шоҳбоз тўртта синфдошини ёнига олиб, майда-чуйда бозор билан келди. Маҳалла мулласи қуръон тилават қилгандан кейин озгина гаплашиб ўтиришди.

- Ёрдамим керакмасми? - деди Шоҳбоз ташқарида. Унинг «Маъракага қарашворайми?» деган маънода гапирганини Олим тушунди.

- Раҳмат, ўзим эплайман!

- Худо хоҳласа, эртага ёнингда турамиз...

- Раҳмат, дўстим!

Шоҳбоз бомдод намозидан кейинги эҳсонда ҳам турди. Эркаклар кузатилгандан кейин:

- Машинабоп хизмат чиқиб қолса, бу йигит бажариб туради,- дея шеригига машинаси калитини узатди. Сўнг бирга келган оғайнилари билан чиқиб кетди.

Кечқурун Олим УМР, ВАҚТ, ЯШАШ ва ИНСОН ҳақида чуқур ўйга толди... Россиядаги ҳамкорлари умрларини бойлик кетидан қувиб, бир-бирини ғажиб ташлашга, ҳукмронлик ўрнатишга сарфлашяпти, мақсадларга етиш учун разилликдан қайтишмаяпти. Бу ерда-чи?

Бувиси қандай умр кечирди? Болалиги, ёшлигида туғилган орзу-ниятларига етдими ёки армон билан ўтдими? Эри эрта оламдан ўтиб кетгандан кейин у бир

ўғли, бир қизини ўзи катта қилди. Энг муҳими, буви ҳаёт машаққатлари, тақдир зарбаларига бардош бера олар, бировларга ҳасрат қилишни истамас, аксинча, кўни-кўшнилари ҳасрат қилишса, кўнгилларини кўтарар, тўғри йўл кўрсатарди. Олимга қийинчиликлар олдида иродаси букилмаслик бувисидан ўтган. Шунинг учун бешафқатлик ёки ноҳақлик олдида ичи ёниб, юраги вайрон бўлиб турган бўлса ҳам сиртига чиқармайди, матонат билан енгади, ўзини ўзи суяб, ўзига тиргак бўлиб яшайди доим.

Интизорни севиб қолган вақтлари бувисига термулиб: «Ёшлигида чиройли қиз бўлган, шекилли, юзлари тиниқ!» деб ўйлаганди. Москвадан келиб, олдига кирганида юзлари буришиб, рангсиз бўлиб қолганини кўрганида: «Бувимнинг ёшлиги ва гўзаллиги қаерда?» дея изтироб чекди. «Яйраб-яшнаб юрган кунлари бўлганми ё фақат ташвиш ва болалар гами билан яшаганларми?»

Кутилмаган кўнғироқ унинг хаёлини парча-парча қилиб ташлади. Экранига қараб, таажжуб билан ула ниш тугмасини босди.

- Алло, Олим, қалайсан?

- Раҳмат, яхшиман.

- Бувинг оламдан ўтибди, хафа бўлмай турибсанми?

Таъзиямни қабул қил!

- Шунақа бўп қолди. Раҳмат.

Овоз эгаси Ботир эди. Олим унинг қаердан кўнғироқ қилаётганини ўйлаб турганида, у овозини балан длатди.

- Эртага етиб бораман, сенга сабр берсин, дўстим!

- Раҳмат...

- Кўп куюнма, ўзингни қўлга ол, ҳаёт туғилиш, яшаш ва ўлишдан иборат.

- Шунақа экан!

- Петрович кўнғироқ қилдимми?

- Ҳа.

- У ёққа кетишга шошмай тур, маслаҳатлашадиган гаплар бор.

- Ўзим ҳам шунақа фикрдаман.

- Эртагача.

- Хўп.

Суҳбат Олимни шошириб қўйди. Ундаги маҳзун, фалсафий кайфият ўрнини шиддат ва жўшқинлик эгаллади. Москвадаги ҳаётини эсга солди. Хаёл пучмоғида шаффоф бўри, унинг овози сезилди. Бир неча кундан бери гам-андух, кайфиятсизликдан шалвирган танасига дадиллик ва журъат қайтиб, кўзлари чақнади. Ҳолатини ёнидагилар сездими-йўқми, билмайди, аммо ўзи даст ўрнидан турди-да, ҳовли этагига - одамлардан панага ўтди...

\* \* \*

Елена Аркадьевна - москвалик аёллар ўртасида таниқли шахслардан бири. Аёллар бизнесини юргизиш, эркакни қўлга олиш, душманларини йўқотиш, керакли одамлар билан алоқани мустаҳкамлаш каби масалаларда ундан ёрдам сўрашади. У фол ё сеҳргарлик биланми - ҳеч ким аниқ билмайди, ҳаммага ёрдам беради. У битиролмаган иш кам. Ишлари битганлар борган сайин унга талпинаверадилар, у ишонч билан келганларнинг пулини олиб, ҳурматига сазовор бўлаверади. Фақат битта ғалати хислати бор: эркакларни қабул қилмайди! Айтишича, атрофини қуршаган кўринмас кучлар эркак зотини ёқтирмас эмиш...

Галина оғир вазиятдан чиқиш учун неча бор унинг хузурига бош эгиб борди. Ва ҳар сафар унинг илму амали кор қилиб, ишлари юришди.

Ўзбекистонга жўнашдан аввал ҳам Еленанинг академик Королёв кўчасида жойлашган уйига борди, афсуски, у Москва ташқарисидаги дала-ҳовлисида экан. Ният қилгани учун эринмади. Таксига ўтирди-

да, дала-ҳовлига жўнади.

Галина Елена Аркадьевнага ўзида кечаётган жараёнларни, мақсадини тушунтирди.

- Ишинг оғирроқ, - деди Аркадьевна Галинанинг кўзига жиддий боқиб, - менинг амалим унга таъсир қилмаслиги мумкин!

- Нега?

- Аниқ сезяпман, йигит - руҳан бақувват, тахминча, ваҳший ҳайвоннинг қонини ичган! Ҳеч қачон енгилмайди...

- Шунақаям бўладими?

Аслида Галинага Олимнинг шу хислати ёқиб тушган, ўзи ҳам кучли ва қудратли бўлишини хоҳлаётган эди.

- У билан неча марта кўришгансан?

- Бир марта яқинлашганман, бошқа вақт шунчаки...

- Қийин иш, Галина!

- Елена Аркадьевна, ўзингиз бир йўлини қилмасангиз, сиқилиб ўлиб қоламан, уни жонимдан ортиқ севаман, илтимос...

Елена унга ачинди, Олимни севишида шунчаки тасодиф эмас, тақдир ҳукми борлигини илғади. Бошига тушажак балолардан огоҳ этмоқчи бўлди, аммо қизни кўрқитгиси келмади. Кўнглининг бир чеккасида аёл усталик билан уларни четлаб ўтиши мумкин, деган фикр уйғонди. Галина нажот истаб, унга термулиб турар, йўл кўрсатмаса, ҳаётдан кўнгли совиб, тубанлашиб кетиши эҳтимолдан холи эмасди. Елена бошини чангаллаганча бир оз ўйланди.

- Эҳ, Галина, Галина! Сенга бу савдолар қаерда қараб турганди-я?!

Галина йиглаб юборди. Йигиси муножотга ўхшарди.

- Фақат битта йўли бор, - деди Елена бошини кўтариб, - у билан дўстлашиб ол, жоду билан яқинлашсанг, йиртқич сени соғ қўймайди...

Галина ёшли кўзларини унга қалади. Юрагида қувонч,

бир четида қоронғуликка ўхшаш андуҳ пайдо бўлди. Игна учитай умид бўлса ҳам жонини беришга тайёр тургани учун Еленани қучоқлаб олди.

- Раҳмат, опажон! Яхшиям бахтимга сиз борсиз!
- Ҳовлиқма, бу сен ўйлаганчалик осон эмас.
- Йўли бор экан-ку!
- Бўйсунувчан бўл, унга гап қайтарма, ёқтирмайдиган ишини қилма...

\* \* \*

Галина самолётдан тушгандан кейин Тошкент шаҳри марказидаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасига жойлашди. Режасига мувофиқ, гўзаллик саломида сочини қорага бўятди, майдалаб ўрдирди, ўзбеклар ҳинд қизларини яхши кўришларини ҳисобга олиб, бошига узун ҳарир шарф-рўмол ташлади, тоза матодан ўзбекча кўйлак тиктирди. Олимнинг қишлоғига кириб келганида, йигитлар суқланиб қарайдиган бинойидек гўзалга айланган, ўзини тутиши ҳам чиройига ярашиб турарди. Олим дадаси ва тоғаси билан ташқарига чиқиб кетаётганида эшиги рўпарасида янги «Ласетти» тўхтади. Орқа эшиги очилиб, қора кўзойнак таққан қиз тушди. Ҳайдовчи юкхонадан ўртачадан каттароқ жомадонни олиб қиз олдига кўйди. Ва хайрлашиб машинани юргизди.

Қиз жомадонни кўтариб, уларнинг эшиги томон юрди. Олим чопон билан дўппи кийган бўлса ҳам Галина уни дарров таниди. Қиз тўғри Олимнинг олдига келди-да, қора кўзойнагини олди ва унга қўл узатди.

- Алик, салом, мен Галинаман!

Олимнинг оғзи очилиб қолди. Аввалига нима дейшини билмай турди, кейин довдираб сўради:

- Наҳотки, бу сенсан? Бу ерларни қандай топиб келдинг?

- Буving вафот этибди, таъзиямни қабул қил, сендан кўнгил сўрагани келдим!

- Раҳмат, Галина. Яхши этиб келдингми, узоқдан овора бўлсан-да!

- Ҳечқиси йўқ, баҳонада юртингизни кўриб кетман. Бу ерлар менга жуда ёқди.

Олим яқинларига Галинани Москвадаги ҳамкоримиз, деб таништирди. Сўнг уни аёллар олдига бошлаш-бошламасликни билмай, иккиланиб турганида Одил акаси жонига оро кирди:

- Ичкарига бошла, йўл юриб чарчаган, аёллар билан овқатланади. Улар орасида рус тилини биладиганлари ҳам бор.

Аёллар даст ўринларидан туриб, меҳмонга пешвоз чиқдилар. Аллаким «Марускамиз келдими?» дея пичирлади.

Олим ташқарига чиққанида дарвоза рўпарасида тўхтаган «Мерседес»дан пўрим кийинган, қора кўзойнак таққан қомати тик киши босайми-босмайми, дегандай юриб келар, ҳамманинг кўзи унда эди. Олим аввалига Галинанинг орқасидан келган тансоқчи бўлса керак, деб ўйлади. Сўнг унга пешвоз чиққан шерикларига қўшилди. Сўрашгач, яланг четидаги олма тагига қўйилган сўрига ўтиришди. Одил қуръон тиловат қилди. Фотиҳа ўқилгач, меҳмон ҳаммадан кўнгил сўради, Олим билан кучоқлашиб, таъзия изҳор қилди ва уни ташқарига бошлади.

- Олимжон, мени танимайсиз, аммо сизни яхши биламан, айниқса, Москвадаги жанглариңизни эшитиб, бошимиз осмонга етди.

Олимнинг боши қотди «Бу киши ким? Жанглариمنى қасрдан эшитган, ҳозир нега келган?»

- Уйланманг, ҳаммасини тушунтираман, - деди меҳмон унинг фикрини уқиб тургандай, - аввал қаратэ федерациясида ишлаганман, ҳозир... ҳозир ҳам шу соҳа билан шуғулланиб тураман...



- Менга қандай хизмат?

- Бувингизнинг маросимлари ўтгач, учрашамиз.

У Олимнинг кўзига қарамасдан сирли гапирар, ўзини жиддий, жуда сипо тутарди.

- Ҳар ҳолда, Москвага Галина билан кетиб қолмасангиз керак?

Олимнинг таажжуби ортди. Галинанинг келганини қасрдан биледи? Оритдан пойлаб келганми ё бу Михаил Дронкиннинг одамими?

- Ҳали кетиш ниятим йўқ, ўйлаб кўраман.

- Эрта-индин яна учрашармиз.

У машинага ўтириб кўздан ғойиб бўлгач, Олимни бешбаттар ўй босди.

Маърака ўтгандан кейин Галина Олимни чеккага тортди.

- Менга бу қишлоқнинг ҳавоси ёқди, яна бирор ҳафта турсам майлими?

- Ихтиёринг, зерикиб қолмайсанми?

Олим хушламай гапирётганини Галина сизди, аммо мақсади йўлида оғирлик ва изтиробга чидаши кераклиги ёдига тушди.

- Зериксам сен борсан-ку, Алик, мени соғинмадингми?

- Ўша кунни кўнглингни ололмаганмидим?

- Ҳозир бу гаплар сизмайди!

- Тушунаман, лекин уйда ўтиравериш жонингга тегмадими?

- Одат шунақа.

- Бир-икки кундан кейин Тошкентга бирга бориб келсак...

- Зарур иш бормиди?

- Мен учун бир кеча-ю бир кундуз ажрат... Тошкентни яхши билмайман!

Олимни биров чақирди, Галина ичкарига кириб кетди.

У кўчага чиққанида маъракада келган, пўрим кийинган одам йўқлаб келибди. Ичкарига кириб дуои фотиҳа қилинган, меҳмон сўз очди:

- Маросимлардан бироз қутулгандирсиз, бу ёғи секин кетаверади.

- Ҳа, албатта!

- Кетиш масаласини ҳал қилдингизми?

Бу гапдан Олим ўзида малоллик сезди ва хушламайгина жавоб берди:

- Бир қарорга келганим йўқ! Тинчликми?

- Бир таклиф бор эди.

- Қандай таклиф?

- Мен дангал гапирадиган одамман!

- Хўш?

- Бирга ишласак, ўша пулни шу ерда ҳам топса бўлади!

«Наҳотки, қанча пул топганимни билган бўлса?! Бу одамга нима қизиғи бор?» Олим мулоҳазани йиғиштириб қўйиб, унга астойдил разм солди. Кўзидан тулкидек айёрлиги, пул топишда Олимдан фойдаланмоқчилиги сезилиб турар, лекин унда ваъдасини бажарадиган қатъият ва бурд кўринмади. Қолаверса, асл мақсади аён эмас, бундан ташқари, бу ерда жанг учун катта пул тикадиган бизнесмен, корчалонлар йўқ! Қондасиз жанглар бу мамлакатга муносиб эмас!

- Ака, ҳозир мавриди эмас! Россияга кетмайман, уйларимни қайта қурмоқчиман! Мени қидириб овора бўлманг, бир қарорга келсам, сизни ўзим топаман!

Меҳмон суҳбатга яқун ясалганини фаҳмлади, ташриф қоғозини бериб, машинасига ўтирди...

\* \* \*

Машина олиб қочиш воқеасидан кейин Ботирнинг иши ўнганмади. Онаси роса койиди: Сени етимликда

боқаётгандим, оиламизни шарманда қилдинг, деб уришди. Аммо у билак кучи билан обрў орттириши, пул топиши, ўз келажагини яратиши керак эди. Бир гуруҳ уста болаларга қўшилиб, Остонага кетди. Умрида оғир меҳнат қилмаган, узлуксиз ишламагани учун бошланишида қийналди, ҳориб қолди. Аммо ўзига савол берди. «Шунча вақт каратэ билан шуғулланиб, оддий одамлар олдида толиқиб қолса уят эмасми? Улар «каратэчи бўлгани билан иродаси бўш экан», дея устидан кулишмайдими?»

У ўзини қўлга олди. Эрталаб машқ қила бошлади. Аввалига уста ва ёрдамчилари «Кундузги меҳнат каммиди, аҳмоқ?» дегандай истехзо билан қарашди. Бироқ кунлар ўтган сайин меҳнати, бақувватлигини кўриб, гайратига тан беришди. Офтоб қиёмга келган кунларнинг бирида кўйлак майкасини ечиб ишлаётганида катта бошлиқнинг иш юритувчиси Алтинбек келди-ю, бўртиб чиққан мускуллари, юк кўтаришини, дадил ишлаётганини кўриб, четга чақириб, у билан қисқа суҳбат қурди.

- Спортчимисан?
- Каратэ билан шуғулланганман.
- Разрядинг борми?
- Бор.
- Мусобақаларда қатнашганмисан?
- Республикада иккинчи ўринни олганман.
- Ростданми?
- Ишонмасангиз синаб кўринг!

Ботирнинг куч ва шиддат ёғилиб турган мускулларига қараб ҳамон ҳайратини яширолмаётган Алтинбек унга ишонди.

- Эртага одам жўнатаман!

Ботир «Синаб кўрармикан ёки бошқа иш бормикан?» дея ўйланиб тонг оттирди. Нонушта қилиб, ишга бориш учун автобус кутишаётганда қоп-қора «Мерседес» келиб, уни олиб кетди. Алтинбек уни

спорт залга бошлаб кириб, танасини қиздириб олиши учун бир соат вақт берди.

У икки нафар йигит билан кирганида Ботир сўнгги машқларни бажараётган, танасидан ҳарорат ва тер ёғилиб турарди.

- Озгина дам ол! - деди Алтинбек, сўнг ўзи билан келганларни кўрсатди. - Булар билан ҳозир рингга тушасан!

Ботир уларга қараб кучини чамалади. «Енга оламан!»

Биринчи жингалак сочли йигит билан курашди. Ўн дақиқага етмай додини бериб қўйди, иккинчиси олтинчи дақиқада қўлини кўтарди.

- Етарли, - деди Алтинбек Ботирга қараб жилмаяркан, -- бугундан қурилишда ишламайсан, ўн кун ўзингни формага солиш учун машғулот ўтказасан!

Уни меҳмонхонага жойлаштириб, алоҳида шароит билан таъминладилар. Муддат келгач, Алтинбек:

- Қоидасиз жангларда қатнашишни хоҳлайсанми? - деди. Ботир бу таклифни ўйлаб кўришга улгурмай, Алтинбек отини қамчилади: - Қисқаси, бугундан бизнинг жангчимизсан, ойлигинг қурилишдагилардан ўн баробар кўп! Келишдикми?

Ботир таралдудланарди. «Ҳа» ёки «Йўқ» дейиш лозим!

У республика мусобақасига кетаётиб, дуо сўраб, қари тоғасининг олдида борганида, унинг «Худога таваккал қил!» деганини эслади.

- Келишдик! - деди.

Улар қўл олишишди.

Уч кундан кейин шаҳар марказидаги улкан бино ертўласида катта жанг бўлди. Даъвогарларнинг бирортаси Ботирга тенг келолмади. Мафия оламидагилар унинг кимлиги билан қизиқиб қолишди. Иккинчи жангдан кейин эса Петровичнинг Остонадаги одамлари, одатдагидек, тушумнинг йигирма фоизини ваъда

қилиб Ботирни ҳам тортиб олишди. Даромади Олим-никича бўлмаса ҳам, ўзини қониқтирар эди. Ботир сўнгги жангни ўткаганида эллик минг долларча пул ишлаганди. Сўнг уйга бориб келиш учун хўжайинларидан рухсат сўради.

Ботир туғилган юрти томон талпинар экан, Остонага келган илк кунларини эслади. Содда, гўр экан, янги ҳаёт гуркираб ўсар, жараёнга қўшилганларни ўз фалсафаси, қоидаси билан улғайтириб борарди.

Ботир ўзга юртда Ватан қадрини англади, Ватан туйғусининг ажиб сеҳрини туйди. Илгарилари шоир-ҳофизлар ижросидаги шеър-қўшиқларни истеҳзо билан тинглаган бўлса, энди бундай сатр ва оҳангларга жон қулоғини берар, дил-дилидан тўлғониб келадиган бир туйғу унинг бутун вужудини титроққа туширарди.

Ўзбекистон ҳудудига қадам қўйиши билан улкан бино пештоқидаги «БУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА АЗИЗДИР ИНСОН» деган ёзувни ўқиб, кўзлари яшнади. Арзимаган пул учун Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларда қийналиб юрган, хор бўлиб, ҳатто йўл ҳақи тополмасдан юртига қайтолмаётган миллатдошларини эслаб, юраги тирналди... Хориждан жасади келаётган ватандошлари ёдига тушди. «Ўз юртимизда ҳам ризқ-насиба териб еса бўлади-ку! Инсон қадрини баланд тутадиган бизнинг юртдан кетганларнинг пешонаси ярқираб кетмаяпти-ку. Тақдирдан қочиб бўлмайди, аммо улар инсонга ақл нима учун берилганини ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди».

Остонадан қадам қўйиб, ҳовлида куйманиб юрган онасини кўрганда ҳам кўнгли тўлиқди. Бу соғинчми, меҳрми, киндик қони тўкилган жойга эҳтиром туйғусими - аниқ билолмади. Онасининг иссиқ меҳрини сезганида Ватан она каби, она ватан каби ягона - пешонага ёзилган қисмат эканлигини ҳис қилди ва

«Онажон!» - деди эркалиниб.

Ховли ўзгармабди, данғиллама бўлмаса ҳам файзи бор, саранжом-саришта, одамни тортадиган оҳанрабоси йўқолмаган.

Дийдорлашувдан кейин Ботир рсжаларини амалга оширишга киришди.

Олимникига келганида кун пешинга яқинлашган, ҳаво салқин эди.

Ботир Олимни бағрига босди, хориждаги ютуқларига чин дилдан ҳавас қилаётгани яққол сезилиб турарди.

- Кўришадиган кун бор экан, а, дўстим?!

- Насиб бугунга экан!

Улар Москвадаги ишлар, Остонадаги фаолият ҳақида сўз очишмади. Олим у ерда нима ишлар билан шуғулланганини яширгани каби Ботир ҳам янги «хунар»ини бировларга билдирмоқчи эмасди. Бу ҳақда алоҳида жойда, хотиржам гаплашиш лозимлигини ва бу суҳбат яқин кунларда содир бўлишини, унда муҳим мулоҳазалар айтилишини иккови ҳам бир қарашдаёқ тушуниб етишди. Ботир хайрлашиб, қайтаётганда ўзи гап очди.

- Эртага қаерда бўласан?

- Галина билан Тошкентга боришим керак, тинчликми?

- Қайси Галина?

- Москвадаги қиз-чи...

- И-е!?! - Ботир унга ҳайрат ва таажжуб, аллақандай ҳадик билан қаради, - У - «Кўзиқорин»нинг одами. Алоқани узиш ҳақида огоҳлантиргандим-ку!..

- Таъзия билдириб, кўнгил сўрагани келибди.

- Ҳозир қаерда?

- Қариндошлар билан ўтирибди. Эртага Тошкентга бориб келамиз.

Олим чақиртиргач, Галина Ботир билан оддийгина саломлашди, таажжубини яширмай, ичкарига кириб

кетаётганда:

- Эски танишмисизлар? - деган саволни эшитиб, ортига қайрилди.

Галина савол тагидаги маънони билиш учун Олимга тикилди. У билан ўтказган ксча ёдига тушиб, ерга қаради.

- Михаил Дронкин билан Остонага борганда кўргандим...

У «Остонада унга эътибор бермаганман, ҳозир ҳам сен чақирмасанг, чиқмасдим», деган маънода бепи-санд гапирарди. Олимнинг бироз олдин безовта бўла бошлаган кўнгли хотиржам тортди. Аммо нега? Буни ўзи ҳам билмади...

Иккови кўчага чиққач, Ботир сўради:

- Фақат кўнгил сўрагани келганига ишондингми?
- Бошқа нияти бор, деб ўйлайсанми?
- Михаил Дронкиннинг одами-ку!
- Менга муносабати бошқачароқ.
- Э, уларнинг услуби шунақа!
- Яна билмадим...

Шу пайт улар олдида шаҳд ва шиддатга тўлган Галина пайдо бўлди.

- Биламан, мен ҳақимда нотўғри хаёлга боряписизлар! - деди кутилмаганда аллақандай маҳзунлик билан.

- Қаердан билдинг?

- Аслида нега келганимни ҳатто Михаил Дронкин ҳам билмайди.

- Мақсадинг нима? - кескин сўради Ботир. Галина унинг овозидаги таҳдиддан жавоб бермасликнинг иложи йўқлигини англади. Бироз ўйланиб, маънос тортган нигоҳларини узоқларга тикди. Кўнглидаги ғалаёнларни билдиришни лозим топмади.

- Аликни кўргани келдим!
- Муносабатларингни билмаган эканман!
- Билишинг шарт эмас, бу - шахсий ишим!

Галина Олим томон бир қадам юрди, жиддийлигини йўқотмай давом этди.

- Истаган жойимга бориб, хоҳлаган кишим билан учрашишимни ҳеч ким тақиқлай олмайди, ҳатто Михаил Дронкин ҳам!

Ботир Галинанинг шахидан бўшашиб, бироз хижолат чекди.

- Гап йўқ, мен шунчаки сўрагандим!

- Алик, - унга юзланди Галина, - эрталаб Тошкентга жўнаймиз, а?

- Албатта! Кечки пайт такси буюриб қўяман! Хотир-жам бўл.

Галинанинг кўзлари порлади, кайфияти кўтарилган одамдай уйга кириб кетди.

Ботир Олим билан учрашиб, ҳамкорликда амалга ошириладиган режаларини айтмоқчи эди.

Кутилмаган «спектакль» қарама-қарши фикрлар уйғотган бўлса-да, Ботир Олимдан Галинага нисбатан муносабатини сўрашдан ўзини тийди. Асосий мавзудан чалғимай, унга юзланди.

- Дурустгина ишладингми?

Олим савол тагида нима борлигини илғамай туриб, Ботир иккинчи саволни тахлади.

- Пулларингни нима қилмоқчисан?

- Режаларим бор.

- Сир бўлмаса айта оласанми?

- Ҳеч қандай сир йўқ. Бувимнинг маросимлари ўтгач, уйларимни замонавий лойиҳа билан қурмоқчиман. Машина оламан.

- Пулинг булардан ортиб қолади, шекилли? Қолганига бизнес қиласанми?

Олим «Россияга кетмайман, қолган пулим баҳорга-ча аранг етади», демоқчи эди, бироқ Ботир ўзининг ниятини айтади, деган умидда сукут сақлади.

- Менда бошқа режа бор!

- Қандай?



- Каттароқ пул топиб, чет эллик сармойдор билан ишлаб чиқариш корхонаси очсак, нима дейсан?  
- Олим бундай фикрни кутмаган эди...

\* \* \*

Галина Тошкентдаги меҳмонхонадан ўн кунга люкс жой банд қилганди. Муддати тугашига олти кун бор. У рус тили муаллимаси бўлиб ишлаб пенсияга чиққан Олимнинг қариндоши билан сўриток тагидаги каравотда гаплашиб ўтирганди, кўчада машина тўхтовсиз сигнал чалди. Соқол қиртишлаётган Олим деразадан калласини чиқарди.

- Галина, ҳайдовчига айтиб қўй, ўн минут кутиб турсин!

- Яхши, сен бемалол соқолингни олавер.

Галина ташқаридан кириб, газ плитадаги бир пақир сувни олиб келиб, сўриток орқасидаги ариқча лабида Олимнинг бошидан қуйиб турди. Олим совунланиб ювинаркан, бу ишдан кўнгли тўлмай, дилидаги тилига кўчди:

- Янги уй қураётганда, ҳаммом ҳам соламан!

- Алик! Алик! - деди Галина унга эркаланиб, - сендақа чиройли, спортчи йигитларга ҳаммом, душ керак!

У Олимнинг бошини силаб, сувини оқизиб ташлади, елкалари узра чиройли кафтини юргизиб, чайир ва кўркам танасига ҳавас ва завқ билан термуларкан, «Йигитларнинг зўрини севганман-да», дея севиниб, юрагида ҳузур бағишловчи гурур пайдо бўлди. Худди шу лаҳзада «Бироқ у меники эмас-да», деган ҳазин ўй ўтди кўнглидан. Катта сочиқни Олимнинг елкасига ташлаб:

- Тезроқ кийин ё ёрдамлашиб юборайми? - дея биқинидан чимчилаб, кўзини қисди..

- Лаҳзада тайёр бўламан!

Катта йўлга чиқишганида таксичи Олимга юзланди.

- Битта гап сўрасам хафа бўлмайсизми?

- Сўрайверинг.

- Сизни ўттиз киши билан сотилиб кетган, деб эшитувдик. Ун минг доллар жўнатганингиздан кейин қондасиз жангда қатнашибди, дейишди, шу ростми?

Олим ҳайрон қолди. Ҳеч кимга гапирмаганди-ку, ҳатто Одил акаси билан ҳам келишиб олишганди.. Таксичи буларни кимдан эшитган? Одамлар ер тагида илон қимирласа билишади-я, тавба!

- Бекор гап! - деди Олим жиддий тарзда. - Сотилиб кетганим тўғри, лекин фақат ўзимни эмас, ўша ўттиз нафар ҳамюртимни ҳам қутқардим! Кейин шу қўлларим билан меҳнат қилиб, пул топдим!

- Қойилман сизга! - деди таксичи аввалдан тайёрланган одамдай, - Бир ўзингиз қандай қутқардингиз?

- Тарихи узун. Мавриди келса гаплашармиз.

Олим Тошкентга етиб боргунча одамлар ўзи ҳақда яна нималарни тўқиб гапирётганлари билан қизиқди. Кутилмаган ишлар номи билан боғланаётганидан таажубга тушди.

Интизорни Москвада уч мафиоз барзанги чангалидан қутқариб чиққанмиш, Галина исмли рус қизи билан никоҳдан ўтиб, уйига олиб келса, бувиси кўтаролмай ўлиб қолганмиш...

Ҳатто Москвада «Дикий волк» лақаби билан машҳурмиш, қизлар уни деса ўлиб қолармиш...

Олим ҳаммасини тушунтиргач, Галина бахтиёр жилмайди, елкасига бош қўйиб, қўлини сиқди.

Улар меҳмонхона яқинида таксидан тушиб шаҳар айланишди.

- Мен Тошкентнинг бунчалик чиройли, ривожланган шаҳарлигини билмас эканман.

- Европада бўлганмисан?

- Бир неча марта.

- Италия, Рим қанақа жойлар?

- Воҳ! деди Галина кафтини букиб, бош бармоғини тиккаларкан, - аммо-чи, Тошкентнинг иссиғи, сариштаси бор. Ўзбекистонда мазза қилиб яшаса бўларкан. Мева-чева, қовун-тарвуз, сабзавот, умуман, ҳамма нарса сероб, энг муҳими, мазали ва арзон.

Галина Олимнинг қариндоши билан бозор айланган куни тоғ-тоғ уйиб ташланган қовун-тарвузларни кўрганида оғзи очилиб қолган, беш юз рублга ўнта катта-катта тарвуз олганди. Келинбармоқ узумини кўрганда ёқасини ушлаб, сотувчига беш юз рубл узатувди, бир сават узум берди. Бозордан келасолиб, Олим беҳабардай буларни тўлиб - тошиб мақтанганди...

Тушликдан кейин «Интерконтинентал» меҳмонхонасидаги Галинанинг хонасига киришди. Кунига бир юз эллик долларлик жойни банд қилгани учун Олим унга «Пулни увол қилибсан», демоқчи бўлди, юмшоқ диванда ёнбошлаб, ҳордиғи чиқа бошлаганида фикрини унутди. Москвадаги дамлар ёдига тушиб кайфияти кўтарилди. Бироқ унинг миясида саволлар гужғон эди: «Галинанинг асосий мақсади нима? Бугун Тошкентга нега келишди? Михаил Дронкин жўнатган бўлса, қандай шумликни кўзлаган? Петрович хабардорми?»

Ана шундай лаҳзаларда Олим Петровичга қўнғироқ қилиб ҳаммасига ойдинлик киритишни ўйлади, бироқ Галинадан бир гап чиқар, деган ниятда фикридан қайтди.

У қизнинг ошиқона нигоҳига боқаркан, миясидаги нохуш ўйлар шамолда учган хазондай йўқолиб, кўнгли таскин топаётганга ўхшади. Жиддий сабаб билангина узоқ йўл босиб келиши мумкинлигини ўйласа, юрагини туман қоплайверади...

Галина хонадан чиқди. Душдан сув қуйилаётгани, шалоплаши эшитилгандан кейингина Олим сал тинчиди.

Галина хиргойи билан ваннадан чиқиб, кўшни хонага кириб кетганида Олим юзтубан ётарди. Қанча

ётганини билмайди. Эшик оҳиста очилиб, хонадаги сирли сокинлик бузилди. Олим ўтирилиб кўзини очди. Очди-ю...

Кўз олдида Галина эмас, балки ҳозиргина осмондан тушган, ердаги ифлосликлар билан айнамаган, булоқ сувидан ҳам покизароқ гўзал турарди. Кўзлари пиёладай-пиёладай очилган Олим танасини тиклади-да, дивандан сирғалиб тушди. Қиз атрофида айланиб ундан ёғилиб турган ифор, ёшлик ва гўзаллик нафасига мафтун бўлди.

Олим Москва чеккасидаги дала - ҳовлида у билан ўтказган кечани эслади. Ўшандаги мафтункорлик ҳозир ўн чандон ошган. Ўтли нигоҳи соғинч ва изтироб билан тўла. Оппоқ тунги кўйлаги, кўксига тикилган пушти ҳошияси танасининг ранги билан уйғунлашган.

- Сенга ёқаётганимдан хурсандман! - деди ниҳоят Галина одам эканлигини билдириб қўймоқчидай.

Олим қизнинг қўлини силаб, билагидан ўпди. Галина унинг кўксига бош қўйди. Аммо шу пайт Олимнинг миёсига бир фикр урилди: «Галина мени йўлдан ургани келган!»

Ўзини қўлга олиб, узоқлашмоқчи бўлаётганида Галина бўйнига қўл солди. Эркаланиб кўксини силади...

- Алик, сендан бир нарсани сўрамоқчиман?

- Нимани?

- Аёл туйғуларини қадрлай оласанми?

- Уддасидан чиқсам керак...

Галина унга маҳкамроқ ёпишди. Бу Олимга таъсир қилмай қолмади. Қизнинг белидан ушлаб, ўзига тортиди.

- Мендаги ўзгаришларни кузатганмисан?

- Чиройли бўлиб кетибсан!

- Ҳиссиётларни-чи, сезасанми?

- Бироз..

Галина сукут сақлади. Олимнинг бўйнидан қўлини

олиб, диван ёнидаги трюмо ойнасига ўзини солди. Кўкси, қадди-қомати бирорта гўзалникидан қолиш-маслигидан, қисқаси, чиройидан кўнгли тўлди, шекилли, бармоқлари билан сочини тараб, Олим томонга ўгирилди.

- Алик, ўша кечадан бери сени севиб қолганман! Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, севги оловида ёнаман, қийналаман! Аммо ҳеч ким мендан ҳол-аҳвол сўрамайди. Ўзини оқибатли, уддабурро кўрсатган «Кўзиқорин» - Михаил Дронкинга ўхшаган пул бандаларининг иши битса бўлди, менга буюмдек қарайди.

Галина ҳайрат билан тикилиб турган Олимга яна бир назар солди.

- Одам бир марта севади, аммо кимни севиш ўзига боғлиқ эмас экан. Менга келсак...

Галина тўхтаб қолди. Олим унинг юзига қараб ўзи ор қиладиган, бироқ мажбур бўлган ишларни изтироб билан ўйлаётганини сизди.

- Мен ҳақимда фикринг яхши эмаслигини биламан. Аммо бегоналар тўшагида ётишга мажбур бўлганим хулқи ёмон дегани эмас-ку! Бунинг устига отам-онам...

Галина ота-онаси ва ўз тарихини оқизмай-томизмай айтиб берди.

Сўнг Олим кўнглига тугиб қўйган гапни сўраш мавриди келганини тушунди.

- Кўпчилик сендан эҳтиёт бўлишимни маслаҳат берган!

Гап томдан тараша тушгандай айтилган бўлса ҳам Галина аччиқланмади. Аксинча, унга тушунтириб қўйиш имкони туғилганидан севинди.

- Очиғини айтсам, мени Марказий разведка бошқармасида ишлайди, деб ўйлашади!

- Сабабини биласанми?

- Ҳаммаси ҳазилдан келиб чиққан!

- Ёлғон гапиряпсан!

- Сени, ягона севганимни аллашдан фойда йўқ! Мажбур ҳам эмасман. Биласанми, Алик, мен воқеаларни олдиндан биламан. Дугонамни йигити билан кўрсам, «Бир ойда ажраб кетасан!» ёки «Кейинги ҳафтада йигитингни бошқаси тортиб олади», десам, албатта, тўғри чиқаверганига ҳайрон қоламан! Икки йил олдин Аннага тасодифан «Санкт-Петербургга бориб келдингми?» десам, «Тавба МРБ агентига ўхшаб ҳамма нарсани биласан-а?» дея ҳазиллашганди. Тасодифни ҳеч кимга тушунтиролмадим...

- Мени ишонади, деб ўйлайсанми?

- Ишоняпсан, аммо тан олгинг келмаяпти, тўғри-ми?

- Балки...

Олим ишона бошлаган эди. Лекин Галина ўйлаган сахна тугагини кутишга қарор қилди.

- Очиғини айтсам, Домодсдово аэропортига хайрлашгани келганингда туйғуларингни сезгандим...

- Хайрият! Сенда ҳам қалб бор экан!

- Фақат жанг қилмайман. Мен ҳам севаман!!

Галина «Мени пинҳона севганмикан?» дея бирдан кувониб:

- Кимни севасан? Айтақол, Алик! - деб юборди ялинчоқ овоз билан.

- Шартми?

- Билишим керак!!

- Интизорни!

Галина ҳафсаласи пир бўлган одамдай кейинги саволни бергиси келмаса ҳам йигит сезмасин деб, шаҳдини сўндирмасликка интилди.

- Ким у Интизор?

- Битта шаҳарданмиз.

- Ҳа... - деди Галина ўйчан ва маҳзун қиёфага кириб, - сени кўп қизлар севишини биламан! Ҳатто Петровичнинг қизи бўйнингга осилволаётган эмиш...

- Уни ёқтирмайман.

- Ресторанда сени кучоқлаб тушган расмларини москвалик қизларга мақтаниб юрибди-ку!...

- Интизорнинг олдида уялмай суйкалавергани жаҳлимни чиқарди.

Галинанинг кўзида рашк кўринди.

- Сени севармикан?

- Билмадим, лекин севмагани яхши.

- Нега?

- У - тантиқ, шарм-ҳаёсиз қиз, бошимни қотириши мумкин.

- Мен ҳам, - деди Галина унга ҳазин термулиб, - бошингни қотираётган эканман-да!

- Сени йўригинг бошқа, Галинка!

Қиз жилмайиб, Олимга яқинлашди.

- Лекин Россиядан келишинг сабабини аниқ билолмаяпман...

Галина ўйланиб, жиддийлашди. «Мақсадимни айтадиган вақт бўлди. Мени Михаил Дронкин жўнатмагани ёки ёмон ниятда келмаганимни билсин!»

- Очиги, илгари яхши яшасам етарли, деб ўйлардим. Севиб қолгач, қачонгача улар қўлида ўйинчоқ бўлман, деган ўй оримни кўзгаб, тинчимни ўғирлади! Кейин гуруҳдан сирғалиб чиқиш йўлини топдим!

- Билсам бўладими?

Галина Олимнинг кўксига бош қўйди.

- Ниятимга етишга ёрдам бер, Алик!

- Қандай қилиб?

- Сен учун қийин эмас! - Галина диванга ўтириб, Олимга тикилди. Кўзларида хуморлик, изтироб ва илтижо бор эди. Нозик ва ҳал қилувчи дақиқалар кечаётгани учун у бироз асабийлашарди.

- Мени хотин қилмаслигингни биламан, аммо севган йигитимдан фарзанд кўришни истайман!

Галина кейинги сўзларни шаҳд билан гапирди. Кўзлари катта-катта очилиб, ўрнидан турди-да, дераза олдида бориб, шаҳарга қаради.

- Кўз очиб юмгунча умр ўтиб кетади, эллик ё олтмишга кирганда қаровсиз, ташландиқ кампир бўлишни истамайман! Суянадиган ўғлим сенга ўхшаб полвон, енгилмас ва шиддатли бўлишини орзу қиламан, илтимос, Москвага армон билан кетмайин...

Олим Галинанинг қайноқ нафасини сезиб, бўйнига узатилган қўлини олиб ташламади...

\* \* \*

Вашингтон университетида уни эҳтиром билан кутиб олишди. Интернет орқали танишган муаллима Мадлен Драйзер кафедрага олиб кириб, шартшароитлар, имтиёз ва бурчлари хусусида суҳбатлашди, университет ҳақида умумий тушунчалар берди, сабоқ берадиган ўқитувчилар илмий даражаси, бошқа ўқув юртлари билан алоқалари ҳамда дунё фанига қўшаётган ҳиссалари, илмий жамоатчилик тан олган ишлари тўғрисида гапириб, сўзи охирида ўзини таништирди.

Мадлен Драйзер ўн икки йилдирки, шу даргоҳда ишлаб, грант асосида Ўрта Осиёдан ўқишга келувчилар билан шуғулланар, магистрантларга халқаро ҳуқуқ асосларидан дарс берар экан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан беш йил аввал докторлик ишини ҳимоя қилибди. Ҳали турмушга чиқмаган бўлиб, Вашингтон марказидаги осмонўпар бинонинг ўттизинчи қаватида ота-онаси билан яшаркан.

Суҳбат охирида Мадлен хоним:

- Эртадан бошлаб бизникида туришингиз мумкин, - деди жилмайиб, - сиз билан зерикмаслигимга ишонман!

- Тил ўрганиш курслари тугагунча сиз билан турсам, ўқиш даври ҳақида ўйлаб кўрармиз, сизларга малол келмаса, балки бирга яшайверармиз!

Мадлен хоним хурсанд бўлди. Ҳатто бугуноқ Инти-



зорни бирга олиб кетишга қарор қилди.

Улар бирга тушликка чиқишди.

Икки ҳафтадан кейин Мадленнинг онаси Маргарита хоним нонуштадан кейин беш дақиқалик суҳбат сўради.

- Шахсан менга ёқиб қолдинг, Инди! Характеринг мулойим, ҳамма билан тил топиша оласан, бировга муаммо туғдирмайсан, ҳамма ўзбеклар сенга ўхшайдими?

- Мен уларга ўхшасам керак!

Хоним жилмайди.

- Ўзингни бемалол тутавер, оила аъзойимиздай яша! Уйдагиларни соғинсанг, телефонимиздан фойдаланишинг мумкин. Ёрдам керак бўлса, тортинма!

Интизор ҳар куни нонушта тайёрлар, кечки овқат пиширар, идишларни йиғиштириб, ювар эди. Ҳатто ҳафтада бир марта улардан сўрамай уйларни тозалаб, саранжом-сарништа қиларди. У пиширган печенье, блинчик ва кекслар Маргарита хонимга жуда ёқиб қолганди.

Уйдаги айрим хизматкорлар ҳам Интизорчалик кўп ишламаслигини ўйлаб, у хижолатда эди.

- Бу ишлар миямни дам олдиради, уйда ўрганиб кетганман, - дея Интизор уни вазиятдан чиқарди.

Аслида бу ишлар уйда хизматкор аёл билан онасидан ортмас эди.

Шоҳбознинг совчиларига узил-кесил рад жавоби берилгандан кейин ота-онаси хотиржам тортган бўлишса-да, қизлари улғайганини, қачондир, кимгадир узатишларини ўйлаб, безовталанишарди. Интизор уй юмушларини билмас, ўқиш, тил ўрганишдан бўшамас эди. Бир куни онаси уни олдига чақирди.

- Қизим, катта бўлганингни билмай қолибмиз. Энди қизалоқ эмассан!

- Тўғри...

- Эртага бировга берсак, уй-рўзгорни эплотмасанг,

ҳамма устимиздан кулади. Бугундан уй юмушларини биз билан қиласан, барини ўрганмагунча оқсочнинг ёнида бўласан. Бу сенга оғирлик туғдирмайдими?

- Туғдирмайди-ю, - жилмайди Интизор отасига қараб, сўнг уялганнамо кўзини онасига қадади. Шу пайт қўшни хонада отасининг телефони жириглади. У чиқиб кетгач, онасига ўтирилди, - қаерга берсангиз, хизматкоримиз билан кетаман!!

Онаси кулиб юборди.

Хизматкор аёл Интизорга иш ўргата бошлади. Қиз бир ойда барини ўзлаштириб олди. Ҳатто отаси белгилаган кунлари идиш-товоқларни тез йиғиштирар, яхшилаб ювар, уй тозалайдиган кун хизматкордай кийиниб, ишга астойдил киришар, бу ишларни ўйнаб-кулиб, хиргойи қилиб бажарарди.

Бу хонадонда ҳам юмушларни шу қўйи бажарганидан ўзи ҳам, оила аъзолари ҳам хурсандлигини кўриб, ота-онасидан мамнун бўлди...

Дам олиш кунлари Маргарита ва Мадлен хонимлар Интизорни Вашингтоннинг дунёга машҳур, тарихий жойлари бўйлаб айлантиришди.

Интизор янги жойга - дунёга машҳур шаҳарга келиб, ўзгача ҳаёт, турли-туман одамлар билан танишиб, руҳий оламида янги саҳифа очилганидан, энг муҳими, орзусига етаётганидан чин дилдан қувонар, Мадлен хонадонидан уй-рўзғор ишларини бажариш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасди.

Аммо уни Олим акасига, ота-онаси, туғилган юртига бўлган соғинч қийнарди. Интизор Америкага жўнашидан бир кун аввал дугоналари билан туғилган шаҳрини тўйгунча айланган, музқаймоқ дўконида суҳбатлашган, ота-онаси билан аэропортда кучоқлашиб, ўпишиб хайрлашган маъсуд дамларни эслаб, соғинчдан энтикди. Олим акаси билан эса тўйиб гаплашолмагани, Москвани дурустроқ сайр қилолмагани учун соғинчи юрагини куйдиради. Ёнидагилар

буни уйдагиларни соғинганга йўйишади.

Олимнинг телефон рақамини сўраш учун Одил аканинг уйига икки марта кўнғироқ қилди, аммо ҳеч ким гўшакни кўтармади. Бугун дарсдан кейин яна кўнғироқ қилишни дилига тугиб, сўзлашув жойига борди.

Хайриятки, Одил аканинг қизи олди ва дадаси тайинлагандай, Олимнинг блокнотга ёзилган телефон рақамини айтиб, ҳамманинг саломини етказди.

Интизор олтин топган гадойдай севиниб, Олим акасининг рақамини терди. Олим бу лаҳзаларда Галина билан «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг биринчи қаватига тушиб келаётган эди.

- Эшитаман!

- Олим ака! Яхшимисиз?

Олим Галинадан орқада қолди-да, дераза ёнига борди.

- Интизор!! Ўзингизми? Дунёда бормисиз? Интизор қилвордингиз-ку!

- Менми, сизми? Эсон-омон етиб келдингизми?

- Раҳмат, ўзингиз-чи?

- Сизни соғиндим, бошқа муаммо йўқ!

- Соғинишни сира гапирманг! Хаёлимда фақат сиз!

Галина Олимнинг кўзларидан яқин одами билан гаплашаётганини сезиб, уни нарироқдаги диванда кутди.

Интизорнинг овози нариги хонадан келаётганга ўхшаб, тиниқ ва жаранглаб эшитилар, биров Америкадан гапиряпти, демасди. У:

- Қаердасиз? - деб сўраганида гуноҳ ёнига ҳадиксираш қўшилиб, Олимнинг кўзлари ғалати бўлиб кетди. Кечқурун Галинанинг нажотталаб илтижоларини енголмай, вазиятдан чиқарган, аммо Интизор олдида ўзини гуноҳкор сезиб, ичини ит тирнаётган эди. Ҳозир саросима ичида кўнғироқ хориждан келганини эслаб, ҳушини йиғди.

- Шаҳарга иш билан келувдим...
- Ҳамма тинчми?
- Жойида...

Интизор Маргарита хонимнинг телефон рақамини айтиб, Вашингтон вақти билан кечқурунлари кўнғироқ қилишини тушунтирди.

Олим Галинанинг олдига келганида ҳаяжони босилган, аммо қизариб кетган эди.

- Алик, мени кечки пайт самолётга кузатиб қўясанми?

- Кузатаман! - деди у кескин, - бундан кейин қачон учрашишимиз номаълум. Сенга тўйиб олай!

Олим бу гапни кўнгил учун айтди. Аслида, ундан тезроқ қутулишни, самолёт кетгач, ярим кечада бўлса ҳам уйга етиб олишни ўйлаётганди.

Улар тушгача шаҳар айланиб, ресторанда овқатланишди, сўнг меҳмонхонада дам олишди. Кечки пайт аэропортда учиб вақтини кутишаётганда эрталабки суҳбатни Олим давом эттирди.

- Галина, Москвадан овора бўлиб келиш шартмиди? - деди қизиқсиниб, - яқинда борардим-ку!

- Умрим ўтяпти! Тезроқ қорним дўппайса, ҳомиладорликни баҳона қилиб, гуруҳдан кетаман, холамдан уйимиз пулини олиб, оддий одамлардек яшайман! Аммо сени унутмайман, вақти билан топиб оламан!

Олим унга ўқрайганнамо қаради.

- Тўғри маънода айтяпман, жаҳлинг чиқмасин!
- Мен ҳам сени соғинарман.
- Ўғил кўрсак, исмини Алик қўяман! Майлими?
- Ихтиёринг...

Галина самолётга чиқиш олдидан унга Елена Аркадьевнанинг манзилини узатди.

- Москвада қийналсанг, мени айт, ёрдамини аямайди...

\* \* \*

Бувининг кичкина «қирқ»и ўтгандан кейин ҳамма уй-уйига тарқади. Ҳовли ҳувиллаб, Олим хавотирга тушаётганини сезган дадаси:

- Кўчиб келиб, ёнингда бўлайликми? деди кетиш олдидан.

Олим отасининг «Уйнинг ярмини эгалламоқчиман», деган маъно балқиб турган кўзини нигоҳи билан энгиб, тўғридаги стулга ўтирди.

- Эртадан усталар келади, уйни бузиб қайта қурмоқчиман.

Ота бу янгиликдан ҳайрон бўлди. Сўнг:

- Қурилиш материали йўқ-ку?! - деди.

- Бир ҳафтада пойдевори тикланади. Унгача ўттиз мингта пишиқ гишт келтиришади. Икки қаватли уйни тиклаш учун шунча вақт кифоя, кейин ҳаммом, ошхона қурилади. Пардозлаш битгач, Худо хоҳласа, бувимнинг катта қирқини янги уйда ўтказаман! Ҳайрон бўлманг, дадажон, бу ишлар билан Одил акам шуғулланади...

Ота ҳайратини яширолмай, иршайди:

- Мендан қандай ёрдам керак?

- Борлигингиз - катта давлат, уринманг, болаларингизга қаранг...

Отанинг туси бирдан ўзгарди. Олим эътибор бермай, ичкарига кириб кетди...

\* \* \*

Зарина энг яқин дўстига ҳам сир айтмайди. Ҳамма ишни ўзи режалаштирар, кечинмаларини таҳлил қилар, севгиси, руҳияти билан боғлиқ муаммоларни бемалол ечишга заковати етарди. Олим акаси Россияга кетаётганида берган хатини ўзидан бошқа биров билмаган, орзу-мақсадлари-ю, севги изтиробларини аввали Худо,

кейин ўзи биларди.

Олим акаси хатини ўқигандан кейин Зарина ҳақида хаёллар сургандир, аммо бу қизга номаълум. Бироқ таъзия билдиргани боришганда «Сизни соғиндим, ака!» деган гапи Олимни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаган, ҳозир «Бу ҳам сароб, шекилли», деган хаёлга бораётган эди.

Зарина Олимни ўзига оғдириш режасини тузганида Интизорга хиёнат қилаётган, икки ёш бахтига раҳна солаётган, виждон азобида қовурилаётганга ўхшарди. Олимни унутиб, севгига бефарқ яшашга кўникмоқчи бўлганида бахти учун курашиш йўлини тополмайдиган, лақма қизга айланиб қолаётгандай қийналарди. Ҳозир андишани йиғиштириб қўйиб, Олимни ўзига оғдириш имкони бор: Интизор узоқда, Олим қиз билан сайр қилиш, кино ёки дискотекага боришга ташна! Бироқ уни нима тўсиб турибди? Андишами? Ёки кўрқоқликми?

«Аслида икки-учта қизни бир-бирига қўшмасдан айлантириб юрган учар йигитлар қанча? Кўз очиб юмгунча товусдай товланиб, ҳаммасининг кўнглини олса ҳам бировга билдирмайди. Аммо... аммо уларнинг йўриғи бошқа! Олим акаси виждони тоза, имони бақувват йигит! Енгилтак, учар йигитларга ўхшаб кунда янгисини илинтиравермайди!

Барча макримни ишга солиб, Олим акани ўзимга оғдирсам, бахтимга Интизорнинг бахтсизлиги ҳисобига эришиб, виждон азобида қийналаман-ку?!

Интизор Америкадан келса, таниш-билишлари, айниқса, Нигина барча гапларни айтади. Опа-сингилчилик макр-ҳийла экан-да, деб ўйлаб, бетимга тупурмайдими?

Энг муҳими, Олим акасининг қалбидан Интизорни чиқариб ташлашнинг иложи бормикан?!»

Зарина ўзини қийнаётган асосий муаммони тушуниб етди ва юракни хижил қиладиган нимқоронғи оламга кириб қолди...

\* \* \*

Самолёт осмонга кўтарилганида Галинанинг руҳи тетик, кайфияти баланд эди. Гўзал ва ширин туйғулар қалбига ором берар, келажак ҳақида яхши нарсаларни ўйлагиси келарди. Кўзларини юмиб, хаёл дарёсига фарқ бўлди. Руҳиятига ёпишган губорлар ариди. Ўзбекистондан, хусусан, Тошкент ва Фарғона водийсидан, содда ва самимий одамлар суҳбатидан, муомаласидан олган таассуротлари кўнгил мулкини бойитган, тотли туйғуларини кўзгатган эди. Олимнинг гоҳ ўйчан, гоҳ самимий чехраси, меҳмонхонада ўтказилган эҳтиросли тун хаёлида жонланиб, ишқи аланга олаётганга ўхшарди.

Ёнида китоб мутолаа қилиб кетаётган одамга эътибор бермасдан бир соатча хаёл сурди. Олим билан Тошкентдаги халқаро бизнес марказидаги фаввора олдида тушган суратини томоша қилди. Суратдаги Галина унга бошқачароқ нигоҳда боқарди. Сумкасидан ойна олиб, акси ва суратдаги кўзини солиштирди, юрагини аллақандай қувонч қоплади. Хотиржамлик, самолётнинг бир хилдаги гуриллаши, ҳаётдан қониқиш туйғуси руҳига ором берарди. Бир томонга сал суяниб ухлаганини билмай қолибди. Стюардесса салқин ичимлик ва егулик олиб келгандагина кўзини очди.

У самолётдан тушибоқ, Михаил Дронкиндан қишлоқдаги холасиникига бориб келишга рухсат сўради. Ўзбекистонда бўлиб қайтганини Михаил Дронкин айғоқчилари орқали сездими-йўқми, Галина билолмади.

У бир-икки дақиқа сукут сақлаб:

- Боравер, керак бўлсанг чақираман! - деди.

Галина эрталаб йўлга отланганида ҳаво очиқ эди. Қозон вокзалидан Москва - Захарово йўналишидаги

электричкага ўтиргач, ёмғир шаррос қуйиб берди. У Ўзбекистонга бориб келгунча иссиқдан бошқа нарса-ни кўрмагани учун ёмғирни соғинган экан, каттароқ бекатда перронга тушди, кийимлари ивиғунча, сочларидан сув томчилагунча турди. Тепловоз жўнаш учун кучли овоз бергандагина орзуси ушалган бахтиёр одамдай вагонга кириб келди. Плашчини илиб, сочларини сочиқ билан қуритди.

Наталья хола уни яхши кутиб олди. Қиздаги ўзгаришларни яхшиликка йўйиб, атрофида парвона бўлди. У икки ҳафта аллақандай ўйчан, вазмин яшади. Холасининг ўғли Женя ва ўртоқлари бир неча марта дискотекага таклиф қилди, ресторандаги ўтиришга олиб бормоқчи бўлишди, яқинларининг туғилган кунларига судрашди, аммо у розилик бермади. Женянинг ўртоғи Гена, айниқса, унга астойдил боғланиб қолди. Галина унинг кўзига қаради. Севги куртак ёзаяпти.

- Кераги йўқ, Гена, мен сенга муносиб эмасман! Севаман десанг, ёш, чиройли қизлар кўп...

Гена кўнмади, парвона бўлаверди, Галина уйда қабул қилишни истамаса, соатлаб кўчада ўтирар, ҳатто кечқурунлари ҳам эшигидан кетмасди. Охири, Галина унга очигини айтди.

- Гена, бекорга овора бўляпсан, менинг йигитим бор, яқинда тўйимиз бўлади....

- Илк бор севдим, йигитинг ҳам, тўйинг ҳам халақит беролмайди. Сени кўриб турсам, бас!

У телбага ўхшарди. Галина ўзи бир вақтлар Олимни севиб, жинни бўлаёзган дамларни эслади-ю, Генага раҳми келди. Афсуски, унга ёрдам беролмасди...

...Баъзан дўкон айлангани, бозордан нарса харид қилиш учунгина уйдан чиқарди. Келганига ўн беш кун бўлганида тонгга яқин туш кўрди. Олим билан нотаниш жойда сайр қилиб юрибди, ажрашаётганларида йигит нозик, аммо мустаҳкам ишланган тилла



узук совға қилди. Галина қувониб бир сакраб айланди. Узук номсиз бармоғига жуда-жуда ярашди. Олимнинг бўйнидан кучоқлаб ирғишлаётганда, кино тўхтаб қолгандай туши узилди.

У яхши кайфият билан уйғонди. Қалбидан ёрқин, баҳорий туйғулар тошиб келаётган бўлса-да, тушини ҳатто холасидан ҳам қизғонди.

Икки ҳафта ўтгач, яна туш кўрди. Бу сафар тушига вужудидан шиддат ёғилиб турган, улиётган бақувват бўри кирди... Ҳозир ҳам овози қулоқлари остидан кетмаяпти.

У вужудидаги ўзгаришларни сизди, режаларини белгилаб олиш учун Елена Аркадьевнага учрамоқчи бўлди.

Елена Аркадьевна қизни кўриб, ҳайратда қолди.

- Наҳот, бу Галина бўлса?! Ўзгариб кетганингни қара!- деди у кучоқларини очиб.

- Табриклайман, Галинка!- деди Елена уни бағрига босаркан,- иродали қиз экансан, сени Худо қўллабди...

Галина тушини айтиб берди.

- Унутма: Шарқда тушдаги тилла узук - фарзанд, бўри эса...

Хотини туққан эр яқинларидан суюнчига борса, «Бўрими-тулки?», деб сўрашади. Чақалоқ ўғил бўлса, «Бўри!», қиз бўлса, «Тулки!» дейишади. Фарзандинг бўри экан!!

Галина севинганидан Еленани кучоқлаб олди. Бундан кейин қандай ҳаракат қилиши зарурлигини сўради.

- Ўзингни эҳтиёт қил, анави Михаил Дронкин-сураларингдан кеч, бунақа имконият ҳадеб келавермайди...

У холасиникига қайтиб, уй пулини суриштирди. Натальянинг эри Артём яхши одам эди.

- Пулинг бизда, Галина! - деди - бизнесга қўшиб

юборганмиз, Санкт-Петербургдаги уйимиз сеники!

Бир-икки ойдан кейин Артём у билан Санкт-Петербургда бориб уйни кўрсатди. Уч хонали квартирада замонавий мебеллар, маиший жиҳозлар барчаси муҳайё - яшаш учун ҳамма нарса етарли. Галина Артёмни кузатар экан, чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди ва яна бир бора омад кулиб боққанидан ичичидан севинди.

Бир ҳафтадан кейин келажагини ўйлаб, йирик фирма бошлиғига котиба бўлиб ишга жойлашди.

\* \* \*

Уй битиб янги мебеллар, элита парда ва жиҳозлар келтирилган кунни Олимга Зарина кўнғироқ қилди. Эртага «Таманно» кафесида учрашишни сўради. Олим рад этмади.

Кечкурун пўрим кийинган, қора кўзойнакли одам яна келди. Мезбон совуққина қаршилаган бўлса ҳам, ташқарига чиққанда яна гапни айлантирди.

- Мақсадингиз пул топиш бўлса, сизга қаерда курашишнинг нима фарқи бор?

Олим жиддийлашди, жаҳли чиққан бўлса ҳам ўзини босди. Бунга ўзича тушунган «Пўрим» отини қамчилди.

- Қисқаси, мен билан ишлайсиз!

Пўписа Олимнинг ҳамиятига тегди. Ҳаммасига нуқта қўйиш вақти келган эди.

- Мени кечирасизу, умуман, сиз кимсиз?

«Пўрим» Олимнинг вазоҳатини кўриб, сал бўшашди. Аммо вазиятни ўзи бошқаришни лозим топди, шекилли:

- Кимлигимни ҳамкорлик бошланганда биласиз! - деди дадил.

- Мен ўзим билмаган, хоҳламаган одамлар билан ишламайман!

Олимнинг «Музокара тугади, орага бошқа гап сиймайди», демоқчилигини «Пўрим» тушунишни хоҳламади.

- Олимбой, - деди аллақандай менсимаслик ва таҳқирловчи оҳангда, - сиз Ўзбекистонда, бизнинг ҳудудимизда эканингизни унутманг!

- Бу ер менинг ҳам ҳудудим!

- Бизга кўпроқ тегишли... Ким айтади сизни Россияда арена кўрган одам, деб? Майда гапларни тўхта-тинг, эртдан йигитлар сиз билан шугулланишади...

Олим ўзини босолмади. Фурури қўзғалиб, вужудига шиддат тўлди.

- Маслаҳатим - ишларимга аралашманг, ўзим туғилган Ватанда қандай хоҳласам, шундай яшайман. Эркимга ҳеч ким даҳл қилолмайди.

- Чучварани хом санабсан, бола! Ҳамма ернинг ўз бўрилари бўлишини унутма!

«Пўрим» охириги сўзни тугатиши билан Олимнинг кўз олдида аллақандай шаффоф шамол, бўрон қўзғалди, сўнг олис нуқтадан бўри учиб келди-да, танасига сингиб кетди.

Олим «Пўрим»нинг беписанд нигоҳига қаради-да, газаби аланга олди. Муштини тугиб, жағига икки мушт уриб, йўлакка ағдарди. Кутилмаганда йўл бўйидаги қора «Ласетти»дан иккита йигит тушиб, Олимга ташланди. Олим биринчисининг сочидан ушлаб, бўйнига кафтининг қирраси билан уриб, ҳушидан кетказди, кейингисининг кўкрагига тепиши билан йўл бўйидаги кичик ариқча қулаб, лойга беланди. Инқиллаб тураётган «Пўрим» «Бекорга «дикий волк» дейишмаган экан!» деб ўйлаб турувдиямки, бўйнига тепки тушиб, ерга қапишди.

- Латталарингни машинангга юкла-да, уч минутда кўзимдан йўқол! Акс ҳолда, бўриларинг келиб суяқларингни териб олади! - деди Олим важоҳат билан.

Шу пайт Олимнинг қўл телефони жиринглади.

- Мен, Ботирман!  
- Қалайсан?  
- Олтин! Қаердасан?  
- Уйда, тинчликми?  
- Ўн беш минутда етиб бораман, кутилмаганда Россияга боришга тўғри келиб қолди, кетмай тур!

- Мен боролмайман, уй ёлғиз!  
- Мен айтаётган масала уйдан муҳим!!  
Ботир кескин ва дадил гапирар, кутилмаганда қалтис муаммо чиқиб қолгани ростга ўхшарди.

- Петрович чақирдимми?

Ботир алоқани узди.

Олим шошиб қолди. У ҳозир келиб, Москвага олиб кетишадигандай, кечагина битган, ҳамманинг ҳавасини келтириб турган уйга қаради. «Ёлғиз қоладими? Эртага Зарина билан учрашишга ваъда берганман. Индинга бувимнинг катта қирқи!..»

Фаромуш ҳолда Ботирни кутиб олиш учун ташқарига чиқаётганида яна телефони хаёлини бузди.

- Олимжон ака!

Қизнинг ёқимли овози Олимга хуш кайфият бериш учун эшитилгандай бўлди.

- Эшитаман, Зарина, саломатмисиз?

- Яхшиман. Битта илтимосим бор эди. Майлими?

- Қўлимдан келармикан?

- Эртага эмас, бугун учрашсак, вақтингиз борми?

У ялинчоқлик билан гапирар, овозидан соғинч ҳисси сезилиб турарди. Олим унинг туйғуларини тушунишга ҳаракат қилди. Бироқ Ботир келиб кетгунча ваъда беролмаслигини ўйлаб фикрини жамлади.

- Ярим соатдан кейин гаплашсак, майлими?

- Нега?

Овоз эркаланганнамо эшитилди. Олим ўзида кутилмаган хайрихоҳлик туйди.

- Ҳозир битта танишим келади, кетгандан кейин ўзим сизга қўнғироқ қиламан.

Зарина бироз жим қолди. Шошиб нафас олар, нега гапирмаётгани Олимга қоронғи эди.

- Бирортаси билан учрашмоқчимисиз?

Олим кулиб юборди.

- Мени нотўғри тушунишингиз хаёлимгаям келмабди!

- Хафа қилган бўлсам узр, аммо ким билан кўришингиз қизиқ туюляпти-да!

- Битта дўстим билан!

- Менга ўхшаган қиз дўстингиз кўп, шекилли, а?

Бу сафар Олим ҳақиқатан қаҳ-қаҳ отиб кулди.

- Ўзим кўнғироқ қиламан, Зарина!

Ботир янги, целлофан гилофи олинмаган «Нексия»-да келди. Дарвоза олдида тўхтаб, Олимга қараб юраркан, кўзида аллақандай ташвиш бор эди.

- Машина муборак, дўстим! Яхши кунларга мин!

- Раҳмат, айтганинг келсин! Сен ҳам тезроқ ол, таксида юриш жонга тегаркан...

- Нима гап?

- Вазият жиддий, - деди у ташвишли, қайғули оҳангда, - қисқаси...

\* \* \*

Зарина кафега келганида Олим йўқ эди. Каштан тагидаги столга жойлашиб, телефонидаги кераксиз рақамларни ўчираётганида суянчиққа илинган сумкасини биров тортди. Шошиб ўгирилди-ю, тепасида Олимни кўриб, қувониб кетди.

- Вой, ака, бунақа келасиз деб ўйламагандим!

У елкасини теккизгудай яқинлашиб сўрашди. Йигит нафасидан ранги ўзгарди. Кўзларида балқиб турган соғинч - андишани йигиштириб қўйиб, йигитни учрашувга чақиришга мажбур қилгани яққол билиниб турарди. Оппоқ кофтаси устидан кийган бежирим курткачаси, сўнги русумдаги соч турмаги ўзига яраш-

ганди, бутун вужудидан ёшлик ва гўзаллик нафаси, муҳаббат ва орзулар тафти уфурарди. Қиз кўзидан «Мен сизни Интизордан кўпроқ севаман, энг муҳими, олдингиздаман, мендан ўзингизни тортманг!» деган маъно ёғиларди.

- Дардингизга шерикман, Олим ака!

- Раҳмат, дўстим!

- Дўстим, дейишингиз чиройли эшитиляпти! Уни ярим йилдан кўп кутганимни биласизми?

- Билсам керак...

- Туйғуларимни бошқага айтолмайман! Мен қийна-либ кетдим, Олимжон ака!

Зарина Олимга тикилди. Унинг кўзида ёш милтилар, яноқлари қизарган, парвозга шайланган қушдай гўё.

Олим ҳузурланди. Қиз севги изҳор қилса, нима дейиши керак? Қабул қилсинми ё кескин рад этиб, эртага Москвага кетиб юборсинми?

Кўзлари умид алангаси билан ёниб турган қизни хафа қилиш, кўнглини синдиришдан ёмон нарса борми?!

- Москвага кетганингиздан бери сизни ўйлайман, хаёл суравериб ўзимдан безор бўламан! Юрагимга сўроқсиз киргансиз, деб сизни айблайман-у яна севган мен, у киши беҳабар-ку, дея оқлайман! Мен - аҳмоқман, севган қизи бор одамни севиш рисолага тўғри келмайди. Аммо юракка буйруқ бериб бўлмаслигини иккимиз тушунамиз, тўғрими?!

Олим руҳи тушиб кетаётган Заринага далда зарурлигини англади.

- Сиз яхши қизсиз!

Зарина Олимни тушунди. Бироқ севгисига хайрихоҳлиги бор-йўқлигини билолмади.

- Севгимни айтсам, Интизор опанинг юзига оёқ қўйган енгилтак қизга ўхшаб қоламан. Буни сира хоҳламагандим, ишонинг, Олим ака, истамагандим!

У юзини кафтлари билан беркитиб, бошини столга қўйди-да йиғлаб юборди. Сочлари шамолда бироз тўзғиди, ифори Олимга урилди...

Қиз бошини кўтарганида қайноқ кўз ёшлари яноғини ювиб, кафтларини ҳўл қилган, киприклари орасида инжу каби илиниб қолган, изтироб ёйилган юзи янаям очилиб кетганди. Олим Зарина чин юракдан севиб қолганига ишонди.

- Севиш гуноҳ ёки айб эмас, Зарина!

Қиз Олимнинг қандай маънода гапирганини тушунишга интилиб, давомини кутди.

- Дўстим севги азобида қийналади-ю, ачинмасмидим!

- Азобларни енгишда менга ёрдам беринг, Олимжон ака!

Олим қизнинг қалби тоза, севгиси самимий эканлигига ишонса-да, азоб чекишини ўйлаб, раҳми келди.

Қиз унинг «Менга ҳам ёқасиз, учрашиб турайлик», дейишини кутаётгандай эди.

Олимнинг юрагида азобкаш туйғулар борлигини қиз билмасди.

«Интизорга бир марта хиёнат қилиб, виждон азобида қовурилиб юрибман, қизга раҳм қилиб, яна азобда қолайинми?»

Ҳозир битта ёқимсиз гап қизнинг кўнглини синдиришини Олим яхши тушунади. Шафқат эса янги муаммо туғдиради. Аччиқ ҳақиқатга тик қаролмаслик, икковини муаммолар гирдобига улоқтиради.

- Зарина, эртага бувимнинг маросимини ўтказиб, индинга Москвага кетаман!

Қовоғи солинган қиз «ялт» этиб Олимга қаради. Нигоҳида «Шунчалик бағритошмисиз?» деган савол ёнар, кўзёшлари гўё аланга ичида эди.

- Нотўғри ўйламанг, қайтиб келиб, сизга ёрдам беришим мумкин!

Қиздаги тушкунлик ўрнини умид эгаллади. Били-

нар-билинмас титраётган мулойим қўллари билан йигит бармоқларини ушлади.

- Хурсандман, Олимжон ака! Қачон келасиз? Ишонмайми?

- Худо хоҳласа, ишимиз кўпга чўзилмайди. Келиб, уйни пойлайдиган ёки оиласи билан яшаб турадиган ишончли одам топишим керак!

Зарина севиниб кетди.

- Суриштириб кўрайми?

Қизнинг кўзлари чарақлаб, қалби севинчга тўлди.

- Сизни ташвишга қўйишни истамайман, қариндошларга айтарман.

- Шуюм ташвишми? Ёрдамим тегса, ўзимни бахтиёр сезардим. Ахир, сиз ҳам ёрдам ваъда қилдингиз-ку!

«Бечора қиз, - хаёлидан ўтказди Олим, - мен ўйлаган ёрдам у кутган нарса эмаслигини билмайди...»

\* \* \*

Ботир билан Олим ёнма-ён жойга чипта олишди. Авиалайнер мўлжалдаги баландликка кўтарилиб йўлига тушиб олгач, Ботир гап бошлади.

- «Узоққа бориб топилган ризқ аччиқ бўлади», деб эшитганман. Очиғи, сабабини билолмадим. Нега, меҳнат қиялпмиз-ку?!

- Эътирозинг тўғри! Минг-минглаб ҳамюртларимиз хорижда энг қийин ишларни бажаришяпти. Уларнинг ҳар бири уч юз долларга қилган ишни ерлик аҳоли минг долларга ҳам бажармайди! Биз эса, жонимизни гаровга қўйиб, пул топамиз! Фафлатда қолсак, ҳаётимиз барбод бўлади...

- Улар рўзгорларини бутлаб, тўйлар қилишяпти, уйлар қуришяпти. Ўзинг ҳам данғиллама уй қурдинг, маросимлар ўтказдинг!

- Фикрингга қўшиламан, аммо пулга тузоқ қўйган кимсалар, қанча-қанча йигитларни қўйдек сотиб юбо-



раётгани, бола-чақаси «Дадам катта пул билан келади», деб интизорлигини гапирмаяпсан-да! Танганинг иккинчи томонини кўрмаслик керакми?!

Ботир чуқур ўйга толди.

Қозоғистонда навбатдаги жангни ўтказиб, ресторанга дам олгани боришганида озгина ичди, рақсга тушди, қизлар билан ўйин-кулги қилди, тўйгунича кабоб еди. Ташқарига чиқиб, машинага ўтираётганида, кийимлари хароб, озиб-тўзиб, қорайиб кетган икки киши олдига келиб, соф ўзбек тилида салом берди. Ботир аввал чўчиб тушди. Ўзбекистонда ҳар қадамда мис қўнғироқдай жаранглаб турадиган сўзлар таъсир қилди-ю, улар олдига борди.

- Нима хизмат, амаки?!

Ранги докадек оқариб кетган ёши каттароғи ўзини ташлаб юборди. Уни йўл четига олиб чиқишга шеригининг мадори етмасди...

Иккови уч кундан бери туз тотмай, очликдан силласи қуриган экан. Яқиндаги кафеда овқатлантирди.

Квартирасида улар билан суҳбатга чоғланганда, гапнинг эгасини айтиб, кесимига улгуролмай ухлаб қолишди. Шу билан эрталаб тўққизда кўз очишди.

Нонуштадан сўнг бошларидан ўтганларини айтиб беришди.

Ошхона мудирини Байбўлатнинг янги уйида пардозлаш ишларини уч минг долларга баҳолаб, икки ой ишлашибди. Буюртмачи иш давомида озиқ-овқат учун пул берибди, пардозлаш охирига етиб, ҳисоб-китоб қилишга келганда қочиб юраверибди. Бир куни ошхонасига бориб, маҳкам ушлашибди. Кайфи бор экан, ҳеч нарсани тан олмабди, устимга бостириб келди, деб милиция чақирибди... Хайриятки, бошлиқ ўринбосари чимкентлик ўзбеклардан экан, бир неча кундан кейин уларни чиқариб юборибди. Байбўлатнинг уйига боришибди, у йигитларни спорт залга қамаб, иккита

овчаркани қўйиб юборибди. Икковининг тинка-мадори қуриб, полга чўзилиб қолгандан кейин устидан зарб билан шлангда сув сепибди.

- Пулинг керакмас, бизни қўйиб юбор! дейишибди улар.

- Уч соатда тумандан чиқиб кетмасанг, гўштингни итларга едираман! - дебди дағдаға билан Байбўлат.

Икки кун пиёда юриб, Остонага келишибди...

Бошлиққа айтиб, уларни ишга жойлади. Уч ойдан кейин уч минг доллардан ишлаб, иккови қишлоққа жўнашди.

Хайрлашгани келишганда:

- Энди бу ерларни елкамнинг чуқури кўрсин! - дейишди.

Ўша воқеаларни эслаб, Ботир хўрсинди:

- Инсон инсонни шундай хўрлайдими?

- Ўзимизнинг одамларда ҳам камчилик етарли-да, оғайни. Энг муҳимини айтайми?

- Эшитаман.

- Хорижга ишлагани борганларнинг аксарияти ўша ернинг тилини билишмайди, вақтинчалик рўйхатдан ўтиб, ишлашга рухсат олишмайди, фирма бошлагининг гапига кириб, ҳужжатсиз, яширинча ишлаб юраверишади. Натижада, милиция ушласа, катта жаримага тортилишади. Унутмагин, булар соддалик туфайли кўрилаётган жабр олдида ҳеч нарса эмас.

- Нега?

- Яқинда бир воқеа содир бўлди.

- Гапир-чи?

- Уч нафар қариндошга хўжайин бир хонали квартирани топшириб қўйган. Ётиш олдидан газ плитани ёқиб ухлаганлар. Ярим тунда газ ўчган, бир соатдан кейин газ келиб, хонада тўпланган, улар заҳарланишган, биттаси ўша кун, иккинчиси эртасига, учинчи ёшроғи эса бир ойдан кейин оламдан ўтган. Уларга ачинишним, бировдан хафа бўлишним билмайсан.

Одам шунчалик оми бўладими?

Бошқа мисолни айтсам, жаҳлинг чиқади.

- Айтавер.

- Қурилишда ишлаётганлар маош олиб, тушликда тўйиб ичишади. Бир соат ишлагандан кейин биттаси тўртинчи қаватдан тушиб кетиб, тил тортмай ўлади.

- Ажали етган одам ўз уйида, текис ерда қоқилиб, жони чиқиб кетиши ҳам ҳеч гапмас!

- Йўқ, дўстим, аксарият жойларда укувсизлик, биллиб-билмай ишга қўл уриш одамларимизнинг бошига катта кулфат келтиряпти!

- Гапинг тўғри!

Улар самолётдан тушиб, тўғри Петровичнинг олдига боришди.

У Олимни кўриб, севинган бўлса-да:

- Қўнғироқ қилганингда йигитлар кутиб олишарди!  
- деди ажабланиб.

- Раҳмат, шарт эмас, Петрович! Ҳозир бошқа масала билан юрибмиз. Менга бир ҳафтага рухсат берасиз.

- Нега?

- Ҳисоб-китобли иш чиқиб қолди. Менга иккита тўплонча керак!

- Қандай ишлигини айта оласанми? Хавфли эмасми?

- Кўрқитишга, холос.

- Энг муҳими, сенга зарар етмайдими?

- Хотиржам бўлинг, Петрович, бир ҳафтадан кейин соппа-соғ олдингизда бўламан!

- Сенга ишонаман, аммо туманларда пайдо бўлган ҳар хил гуруҳлар билан тўқнашиб қолсанг, аяб ўтиришмайди. Пешонангга «Петровичнинг одами», деб ёзиб қўйилмаган-да!

- Сизни уялтириб қўймайман...

- Балки ёнингга одам қўшиш керакдир, Алик?

Олим дарров жавоб берди.

- Ўзимиз эплаймиз, битта давлат рақами олинмаган янги машина керак...

Улар Москвадан чиқиб, Дмитров туманига бурилишганида атрофни қоронғилик ўрай бошлаган, узоқда, адирлик томонда булутлар орасидан тушаётган ой ёруғида парраги айланиб турган каттакон шамол тегирмони аллақандай ибтидоий махлуқдай таассурот уйғотарди. Катта йўлда машиналар камайиб қолганди.

Манзилга яқинлашган сайин кутилмаган, муҳим воқеа содир бўлаётгандай Олимнинг юраги гупиллаб урарди.

Георгий қишлоғидаги айланма йўлдан ўтиб, чапга бурилишди. Ўн километрдан кейин ўрмон бошланди. Тик қомат дарахтлар кечки шамолда ҳайбат билан шовуллар, осмонни қора булутлар қоплагани учун қоронғилик қуюқлашиб, нохушликдан дарак бераётгандай юракка ваҳима соларди. Олим атрофга аланглади, Ботир қўлидаги харитага қаради.

- Ҳозир ўнга бурилиб, яна йигирма километр юрамиз! - деди.

Кўнгироқ қилган аёлнинг гаплари ҳамон Ботирнинг қулоғи остида янграр ва аянчли овоз билан тезроқ кутқаришга чорларди.

Князи қишлоғидан ўтишгандан кейин ўрмон тугади. Ўн километрча йўл босиб, кичик дарёдан ўтишди. Узоқдан милтиллаган тўртта лампочка кўринди.

- Ана шу жой! - деди Ботир кўзлари чақнаб, - машинани четроқда қолдириб, ўраб кўямиз!

Пиёда ярим соат юришгандан кейин токли сим билан ўралган катта кўрғон, сўнг молхона келди. Деворлари устида ҳам тиконли сим. Қамоқхонанинг ўзи! Боя узоқдан кўринган тўртта лампочка аслида кўрғоннинг тўрт тарафига ўрнатилган улкан прожекторлар экан. Кўрғон ичи ёруғ. Деворларга пашша кўнса кўрсатади.

Улар юзларига қора ниқоб тақиб, тўппончани жанговар ҳолатга келтиришди.

- Қурғонга кираверишда иккита қоровул бор, - деди Ботир.

- Улар қуролланганми? - паст овозда сўради Олим.

- Аниқ билмайман, эҳтиёт бўламиз.

Қоровулларнинг бири эшикни очиқ қолдириб, ташқарига чиқди, «Жигули»га ўтириб, қишлоқ томон кетди.

- Менимча, у қайтиб келса керак! - деди Ботир ўйчан қиёфада.

- Нега?

- Эшик очиқ қолди, магазиндан нарса олгани кетди. Ярим соат кутамиз.

Ботирнинг гапи тўғри чиқди. Қоровул ёнида бир одам билан қайтди. Дарвоза яқинида тўхтаб, целлофан халталардаги нарсаларни олишди-да, ичкарига киришди. Эшикни ёпишмади. Дарвоза ёнидаги катта қоровулхона деразасидан уларнинг киришгани, целлофан халтадан нарсаларга қўшиб, иккита шишани олишаётганда юзлари ёришгани яққол кўринди.

- Улфатчилик бўларкан! - деди ютиниб Олим.

- Шунақага ўхшайди, Ботир унга бош ирғади.

- Шошилсак, ишни бузиб, ҳаётимизни хавф остида қолдирамиз!

Улар «тиқ» этган шарпага ҳадик билан қулоқ тутишар, атрофга олазарак боқишарди.

Икки шиша ароқ етмади, шекилли, бояги одам яна машинасини юргизди. У қўрғон йўлидан катта кўчага бурилгач, Олим шивирлади:

- Бошласак бўлаверади.

- Кетдик!

Ботир дарвозадан кириб, қоровулхона эшигини тақиллатди. Ичкаридагилар хавотирга тушишди, шекилли:

- Ким у? - дейишди бараварига. Эшик яна тақиллади.

- Саша, қара-чи...

Эшик очилгач, Олим шиддат билан Сашани ташқ-

арига тортиб, бўйнига кафтининг қирраси билан уриб, хушидан кетказди. Ботир ичкарига отилиб кирди-да, мастликдан кўзи сузилган одамнинг ҳаво йўлига мушт солди.

Икковлон улфатларнинг кўзини қора мато билан ўраб, каравотга ётқизиб боғлашди, оғизларига латта тиқишди. Сўнг ташқарига чиқиб, «Жигули»ни кута бошлашди.

У кўп куттирмади. Машинани жойига қўйиб, целлофан халтада икки шиша ароқ кўтариб бир неча қадам босди ва... Олим унинг кекирдагидан бўғиб, эсини оғдириб қўйди. Уни ҳам шериклари ёнига ётқизишди.

- Иккинчи постга олға! - пичирлади Ботир.

Икки қаватли бинонинг биринчисидаги битта хонагина ёруғ турар, унда ҳам икки киши ивирсиб юрарди. Иккинчи қаватдаги хоналардан беш-олтитасининг чироғи ёниқ.

Келишувга кўра, Ботир чўзма отар билан дераза ойнасига майда тош отди. Бир аёл шиддат билан пардани суриб, ташқарига бўйлади. Ботир яна тош отди. Аёл иккала кафтини бирлаштириб, бирдамлик ишорасини қилди. Олим билан Ботир биринчи қаватдаги кўриқчилар хонасига бостириб кириб, икки кўриқчига тўппонча ўқталишди. Довдираб қолган шериклар ўринларидан тура бошлашди.

- Қимирласанг, отаман! Полга ёт, тез! - деди Олим.

Улар буйруққа бўйсунди.

Бироқ бири чаққонлик билан ўрнидан турди-да, Олимга ташланди. Аммо шундай зарба едики, бир сонияда каравот тагига учиб кетди. Наригиси кўтарилаётганда Ботир оёғининг қиррасига мўлжаллаб, тепкини босди. У додлаб юборди.

- Яна қимирласанг, миянгдан отаман!

Олим уларнинг қўл-оёғини боғлаб, кираверишдаги шерикларига ўхшатиб қўйди.

- Юқорига!

Ўқ овозидан хавотирга тушган икки аёл пиллапояда уларни кутиб туришарди.

- Дилбар опа, сизмисиз? - бақиргудай сўради Ботир.

Олим «ялт» этиб Ботирга қаради: «Танишмисизлар?»

- Телефонда адашиб тушиб, қутқаришни сўраган аёл! - изоҳ берди Ботир шошганча.

- Мен! - новча аёл унга яқинлашди, - нима қилайлик, укажон?

- Ҳамма жўнасин!

- Кетамизми? - аёлнинг кўзига ёш келди. Эркаклар ортга қайтиб, одамларни огоҳлантиргани кетишаётганда кўча тарафдан машина овози эшитилди.

Дилбар опа ваҳимага тушди.

- Катта бошлиқ келди. Фашист у. Қочиб уринган аёлларни йигирма даража совуқ бассейнда яланғоч чўмилишга мажбур қилган. Тўппонча, қўриқчи билан юради.

- Бугун келишини билармидингиз?

- Ҳар хил вақтда келади. Машинасининг овозидан танидим.

- Ҳамма ўз хонасига!!

Коридорда келаётганлар ҳам ортига тисарилди.

Ботир бинодан чиқа бошлаганида яна баланд сигнал эшитилди...

- Ботиржон! - деди нотаниш овоз ортидан.

Сочлари ўсган, озгин эркак улар томонга келарди.

- Дарвоза код билан очилади, қоровуллар боғланган бўлса...

- Сиз биласизми?

- Ҳа!

- Тез боринг! Биз девор тагидан юрамиз...

Сочи ўсган одам қоровулхонага кирди-да, аппаратдаги тугмачаларни босди. Дарвоза мусиқа билан очилди.

- Қоровуллар қани?

«Фашист» машинадан тушиб, сочи ўсган одамни сўроқ қила бошлади.

- Ухлаб қолишибди, хўжайин!

«Фашист» «Ҳе, онасини...» деб сўкинди-да, қўриқ-чисига ишора қилди. У қоровулхонага кириб, бир дақиқа ўтмай, қайтиб чиқди.

- Павел Иванович! - деб бошлиққа яқинлашганда дарахт панасидан чиққан Олим уни бўғиб олди. «Фашист» воқеани идрок қилиб улгурмай, Ботирнинг зарбасига учраб, олдинга қулади. Ётоқхонадан бир тўда эркак-аёллар ёпирилиб келишди-да, Павел Ивановични тепкилай бошлашди. Хотинлар қарғанар, эркаклар сўқинишарди. Павел Иванович гоҳ додлар, гоҳ бақиришга кучи етмай, жимиб қоларди. Вазият ёмон тус олди. Ҳазабга минган оломон «фашист»ни ўлдириб қўйиши мумкинлигини тушунган Ботир бақирди:

- Ҳамма тўхтасин!

Одамлар эшитмасди.

- Бас қилларинг!

Ҳеч ким тўхтамади. Ботир уларни битта-битта суриб, итариб ташлади. Аммо жабрдийдалар яна ёпирилишди. Ноилож қолган Олим осмонга қарата ўқ узди. Кўпчилик гаранг бўлиб қолди. Ўртадан ялангбош аёл отилиб чиқди-да, кийими ичидан каттакон пичоқ олиб, инқиллаб ётган Павел Ивановичнинг тепасига келди.

- Бу ифлос синглимнинг номусига теккан, уни ўлдираман!

Ботир унинг қўлидан ушлади.

- Буни ўлдирсангиз, ҳамманинг пулини ким тўлайди? Икки қўлингизни бурнингизга тиқиб кетасизми?

Дилбар опа ўртага чиқди.

- Ботиржон тўғри айтяпти. Сабр қилайлик, ҳамма чеккага чиқсин!

Олим қўриқчини бўйнидан бўғганича пешонасига



тўппонча тираб турар, оломоннинг ҳаракатидан ғазабланаётган эди.

Павел Иванович огриққа чидаёлмай, ётган жойида инқилларди.

- Арқон топиб қўл-оёғини боғланглар! - деди Ботир Дилбар опага. Унинг ишораси билан бир киши молхонадан арқон олиб келди.

Совуқ шамол одамлар кайфиятига мос тушар, улар воқеа давомини кутишарди. Павел Иванович боғлаб бўлингач:

- Уни симёғочга боғланглар! деди Ботир.

Павел Иванович прожектор рўпарасида тургани учун башарасининг дабдала бўлгани, қасос руҳидан даҳшатга тушаётгани яққол билинарди.

Олим қўриқчини Павел Ивановичнинг ёнига боғлади. Ҳамма уларга яқинлашди. Бояги аёл ғазабланган кўйи пичоқ билан турар, Павел Ивановични ҳеч бўлмаса ярадор қиладиган сиёқи бор эди.

Шу пайт бир аёл ётоқхонадан пақир кўтариб чиқдида, бассейннинг музини синдириб, сув олди. Сўнг Павел Ивановичга сепиб юборди.

Олим аёлга ўқрайди.

- Бу шайтонга бир пақир сув кам! Яланғоч қилиб, бассейнга ташлаш керак. Бизни музлаган бассейнга чўктирган! Ўшандан бери йўталаман, ўпкам шамоллаган! Бунинг устига, саккиз ойдан бери ҳақимизни бермайди!

Хўжайин «уҳ»лаганча Олимга қаради. Унинг қарашлари аянчли, аммо айёрона эди.

- Сиз, ака, - деди Ботир бояги сочлари ўсган ориқ одамга юзланиб, - эшикни яхшилаб беркитинг, асосий ишни бошлаймиз!

Кутилмаганда Павел Ивановичнинг кўзлари чарақлаб, Олимга қараб кулгандай бўлди.

- Алик! - деди у Олим томонга интилиб, - сени танийман!

Олим унга тикилди. Бирор жойда кўрганини эслолмади. Аммо Петрович билан боғлиқ эмасмикан, дея ўйлаб хавотирга тушди.

- Сен - дикий волксан! Тўғрими?

- Ҳозир аҳамияти йўқ! Муҳими, ўттиз нафар одамни марказдан узоқда, ҳаётдан узиб, итдек ишлатяпсан, бир тийин маош бермаяпсан! Аёлларни зўрлаб, эркакларни хўрлаяпсан!

- Сен бу ювиндихўрларнинг гапига қулоқ солма, саккиз ойдан бери текинга боқяпман, ишлагани еганига етмаяпти, кетгани йўлкираси йўқ!

- Ёлғон! бақириб юборди бир қадам олдинга чиққан эски куртка кийган одам. - Ҳар куни икки маҳал ювинди беради, ойига беш юз доллардан ваъда қилган эди. Ўн беш-ўн олти соатдан ишлаб, бўрдоқига боқилаётган икки мингта новвосга қараймиз, гўнг ташиймиз, ёзда икки ой пичан ўрдик, аммо бир тийин пул олганимиз йўқ! Саккиз ойдан бери бирортамиз уй билан гаплашмаймиз, улар ўлик-тиригимизни билешмайди.

- Энг ёмони, - деди ёшроқ бир йигит. - Энг ёмони, Павел Иванович - қотил, самарқандлик Абдуллани уриб ўлдирган, ўлигини қаёққа кўмганини билмаймиз! Иккита ёш аёлни фоҳишахонага олиб кетган! Касалман, деб ишлолмаганларни ваҳшийларча уради. Бизни одам қаторида кўрмайди. Буни ўлдириш керак!

Ҳамма уларнинг гапини маъқуллаб, бақириб-чақирарди.

Павел Иванович бу гапларни рад этишнйям, тан олишнйям билмас, юрагида булар мени нима қиларкан, деган ғам бор эди. Шу пайт чўнтагидаги телефони жиринглаб қолди. Олим шошиб келди-да, аппаратни олди. Экранини унга тўғрилаб:

- Кимнинг рақами? - деб сўради.

Павел Иванович бир назар ташлаб, юзини четга буриб:

- Нотаниш! - деди.

Олим телефонни ўчирди. Павел Ивановичнинг кўзида қўрқув ҳукмрон эди.

- Павел Иванович, - деди Олим, - буларнинг саккиз ойлик иш ҳақини ҳисоб-китоб қиласан! Ҳар бирига тўрт мингдан, жами бир юз йигирма минг доллар берасан ва қулдек, ҳатто итдек ишлатганинг учун эллик минг доллар товон тўлайсан! Бир кеча-кундузда шуларни бажармасанг... - Олим Ботирга қаради.

- Бажармасам, қўлингдан нима келади? кутилмаганда ўдағайлади хўжайин.

Ботир курткаси чўнтагидан тўрт бурчак аппарат олиб хўжайиннинг бурни тагига олиб борди.

- Манаџини боссам, - у қизил тугмани кўрсатди, - икки мингта бўрдоқи боқилаётган чорва мажмуанг портлайди. Зангорини боссам, Дмитров районидаги уч қаватли вилланг ер билан яксон бўлади. Буни боссам эса, - Ботир унга нафрат ва ғазаб билан қаради, - ўғлинг билан қизингни Африка ўрмонларидаги ваҳший ҳайвонлар тушлиги учун олиб кетишади!

Павел Иванович аввалги гапларга беписанд эди, охиргисини эшитгач, кўз олдига икки фарзанди келди-ю, хаёлида ваҳший ҳайвонлар жонланиб сесканди.

- Сен мени қўрқитма, - деди бироз мулойимлик билан, - Москвада қўлим етмайдиган жой йўқ! Ҳаммангни йўқ қилиб юбораман, паспортларинг менда, булар ўз розилиги билан келган.

- Аммо ваъдаларинг бошқа эди-ку, хўжайин.

- Павел Иванович, биз сен билан ҳазиллашмаяпмиз, ишонмасанг, ҳозир ишни бошлаймиз!

Шу лайт асосий дарвоза томондан радио карнайдан овоз келди.

- Иккала босқинчи, қуролингни ташлаб ерга ёт!

Олим Ботирга қаради. Кўзларида хавотир, қўрқув бор..

- Ишчилар ҳаммаси ётоқхонага қайтсин!

Бу сафар овоз баландроқ келди.

- Яна қайтарамиз, қурооларни ташлаб ерга ёт! Акс ҳолда, огоҳлантирмасдан отамиз!!

Одамлар қўрққанларидан орқага тисарилишди, аммо ичкарига кириб кетмоқчи эмасдилар. Бир-бирларига яқинлашиб, жипслашиб туравердилар. Кутилмаганда ўқ овози янгради. Улар осмонга отишган эди. Ботир Олимга қараб, кўз қисди. Тўппончасини ўқдан бўшатиб, ўзидан бир метрча нарига қўйиб ерга ётди, Олим ҳам шундай қилди. Орқаларидан икки кишининг қадам товуши эшитилди.

- Икковинг ким билан ўйнашаётганингни биласанми?

- Ҳа, - деди Олим ётган кўйи бошини у томон буриб.

- Одамларимизни қулдек ишлатиб ҳақини бермаган золим билан!

- Овозингни ўчир! Ҳозир миянгдан дарча очиб қўяман.

Улардан бири Павел Иванович томонга яқинлашаётганида, Ботир қўли билан турди-да, иккала оёғи билан унинг бўйнидан қисиб олди. Олим наригисининг қўлига тепди. Одамлар уларни тепкилай бошладилар.

- Булар, - деди бир аёл. - Анавининг лайчалари, бизни совуқ бассейнга итариб юборган... қасос оламиз!

Ўнтача аёл инқиллаб ётган лайчаларни судраб бориб, бассейнга итариб юборди...

- Павел Иванович, қандай қарорга келдинг? - Олим ундан жиддий сўради.

- Ҳеч қандай, сенларнинг бундай қилишга ҳаққинг йўқ! Буларнинг ҳаммаси совуқда оч-яланғоч, бошпанасиз қолганида қорнини тўйғаздим, иш, иссиқ жой бердим. Ҳаммаси мендан қарздор!

- Шунақами? Сендан қарздормизми? Биз-а?!

Дилбар опа Ботирга ўгирилди.

- Буларни бассейнга ташланса, ҳушига келади!!

Олим ўйланиб ўтирмади.

- Ташланглар!

Эркаклар уларни усти музлаган ҳовузга отиб юбордилар. Муз ойнага ўхшаб синди, улар сувга чўкишди. Лайчалар эса ҳовуз четида тишлари такирлаб турар, қочиб кетишга мажоли етмас эди уларнинг. Павел Иванович билан кўриқчи чидамсиз экан, бир дақиқага етмай, дод-вой қилишди.

- Ҳамма айтганингни қиламан, тортиб ол!

Павел Иванович ялиниб-ёлворар, «Бас қилинглар, пулларингни бераман, паспортларингни топшираман!» дейишдан тўхтамасди.

Жон талвасасида ялинган Павел Ивановичга ҳеч ким раҳм қилмади. Ҳушидан айрилиш арафасида Ботирнинг ишораси билан уни тортиб олдилар. Шалаббо, музлай бошлаган кийимларини ечиб, устига одеял ёпдилар, сўнг ётоқхонага олиб кирдилар.

У ҳушидан кетган, нафас олиши қийинлашган эди...

Павел Иванович ўзига келганида тепасида Олим, Ботир ва Дилбар опа туришарди. Совуқдан тишлари такилларди.

Шериклари азоб чекаётганини эшитиб, кўзгалмоқчи бўлди. Аммо ўрнига қулади, ранги оқариб, туси ўзгарди...

- Қайси тугмани босай? - деди Ботир унга ўқрайиб.

- Болаларинг азизми, новвосларингми ё виллами?

Павел Ивановичнинг иситмаси кўтарилган, пўпи-сага эътибор беришга кучи етмасди. Озгина фурсат ўйланиб тургач, воқеаларни идрок қилди.

- Ҳаммаси керак... - деди аранг.

Ботир ёнидагиларни чиқариб юборди-да, Павел Ивановичга юзланди.

- Петрович адолатсизликни ёмон кўради. Ишларингни айтсам, суд қилиб ўтирмасдан, чор миҳга тортади.

Бу дунёда сендан ном-нишон қолмайди.

- Пулларингни бераман...

- Тезроқ ҳал қил!

У илтимос билан тансоқчисини олдириб келди.

Унинг аҳволи бошлиғиникидан энгил бўлмаса ҳам ўзини тиклаб туришга мажбур эди.

- Машинадан сейф калитини олиб, ертўладаги пўлат сандиқдан бир юз етмиш минг доллар пул олиб кел!

Тансоқчи «Хўп», деб улгурмай, Ботир бир қадам олдинга юрди.

- Бизнинг одамлар билан борали.

- Хоҳлаганинг, энди менга пул керакмас, ўлиб қолмасам бўлди...

Олим билан уч киши тансоқчини ўртага олиб, машинадан калит олишди. Сўнг бош идора ертўласига тушишди. Бу жой етти метр чуқурликда бўлса ҳам ер юзасидаги уйлар каби чиройли жиҳозланган, биллиардхона, бассейн, спорт зал ва айш-ишрат қиладиган бўлимлардан иборат экан. Сўнгги хонадан ўтилгач, эшик электрон усулда очилди ва хона тўридаги элита парда ортидаги темир сандиқ олдида тўхташди. Тансоқчи:

- Сизлар четроқда туринглар! - дея ғалатиноқ қаради.

Олим уни тушунди.

- Очавер, пулларинг ўзларингга буюрсин!

Тансоқчи бир неча рақамларни босди, тиллага ўхшаган ялтироқ калит солиб, ўнг томонга буради. Темир сандиқ ичидан:

- Салом хўжайин, биз фақат сиз учун турибмиз, сизни кутяпмиз! - деган қиз боланинг овози эшитилди. Олим аввалига чўчиб тушгандай бўлди. Кейин...

Сандиқда тилла буюмлар, евро ҳамда сон-саноксиз долларлар турарди. Ҳаммалари қарашди, аммо Олимнинг ишораси билан бир қадам орқага юришди. Тансоқчи пулни олиб, сандиқ эшигини ёпаётганида бояги қиз:

- Хайр, хўжайин, сизга омад тилаймиз! - деди.

Ойликлар, товон пуллари ўша ерда берилди. Сўнг Павел Ивановичга қуриган кийимларини кийгизишди ва уни ертўладаги залга олиб тушишди. Ўттизтача одам уларга эргашди. Кичкина йиғилиш ўтказиш режалаштирилган эди.

- Павел Иванович, гап шундай!

Хўжайин Одимга қаради.

- Бир неча масалани ҳал қилишимиз керак.

- Майли...

- Сен инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун талабларини буздинг, одамларни оғир шароитда ишлатиб, бир тийин ҳам маош бермагансан. Садизм билан шуғуллангансан. Бунинг учун халқаро қонун меъёрлари асосида оғир жазога ҳукм қилинасан ва энг ашаддий жиноятчилар сақланадиган қамоқхоналарда азоб чекишингга тўғри келади.

Павел Ивановичнинг боши осилди.

- Самарқандлик Абдуллани қасрга кўмганингни айтасан!

Хўжайиннинг афти буришди.

- Ўлик ё тиригини айтмасанг, сенга оғир бўлади.

Ўлдирган бўлсанг, жонга-жон тўлайсан!

Павел Иванович ўлиш ва бойликларидан ажрашни ҳеч қачон хаёлига келтирмасди. Ҳозир ростакамига талвасага туша бошлагани атрофлагиларга билиниб қолди.

- У мендан кетган, бошқасини билмайман!

- Ёлғон!

Жабрдийда аёлнинг овози ертўлани жаранглатиб юборди.

- Бўйнига темир билан урганингдан кейин ерга қулагач, юрагига қулоқ солганинг, ёнингдагига «Тинчибди!» деганинг боягидай эсимда. Тирик бўлганида келарди, итдай ишлатардинг!

- Тўғри!

- Биз ҳам кўрганмиз!

- Бу - қотил!

Одамлар ғазабланган кўйи бир-икки қадам олдинга юришгани учун Павел Иванович уларнинг кўзига қаролмади. Нажот истаб, Олим томон тисарилди. Кўзига мўлтиради. Олим билан Ботир маъноли кўз уриштиришаётганди.

- Менда таклиф бор, - деди Олим одамларга. Кўпчилик Павел Ивановичдан эйтиборини узиб, Олим томон бурилди. - Ҳозир тириклар муаммосини тезроқ ечсак, нима дейсизлар?

- Майли! - деди кўпчилик.

- Бу ерда қолиб ишловчиларга...

Олимнинг гапи бўғзида қолди. Ҳамма «Уйга кетамиз, бу ерни елкамизнинг чуқури кўрсин», деб шовқин-сурон қилди.

Павел Иванович икки кун ичида одамларни поезд орқали Ўзбекистонга жўнатиб юборишни зиммасига олди. Улар эсон-омон етиб, кўнғироқ қилишгандан кейин Павел Ивановични озод қилишга келишилди.

- Унгача ертўлада оч ётасан! - дейишди улар. Тирик қолишига ишонган хўжайин одамларини ишга сола бошлади. Бироздан кейин «Бўрдоқиларга ким қарайди?» дея Олимга ялинишга тушди.

- Ойига минг доллардан берсанг, ишлайдиганлар топилади...

Хўжайин совуқдан қизарган кўзларини бир нуқтага тикиб, ўйланиб қолди...

\* \* \*

Олим эртаси куни одамларнинг бир гуруҳини жўнатиб, Павел Ивановичнинг идорасига келганида Интизор кўнғироқ қилди. Олимнинг кўнгли яшнади.

- Интизор! Қалайсиз? Жуда интизор қилвордингизку!



- Менми - сизми, Олимжон ака?!

- И-е! Нега овозингиз бўғилган? Муздек нарса еб кўйдингизми?

- Сиздан хафаман!

- Нега?

- Бир ҳафтадан бери касал ётибман, хабар олмайсиз!

- Нега айтмадингиз, нима бўлди, асалим?

- Шамоллаб қолибман, уч кун 39 даража иситмада ётдим. Сизга кўнғироқ қилганим имконим бўлмади.

Олим анчадан бери ҳол-аҳвол сўрамагани учун ўзини койиди. Бировлар муаммоси билан юрт кезаверибли-ю, севганидан хабар олиш эсига келмабди.

- Шунчалик бағритош эканингизни билмаган эканман!

Қиз овозидаги гина, хафагарчилик Олимнинг юрагида изтироб ўтини ёқди.

- Севгингизга ишонмай кўйдим...

- Нотўғри ўйламанг, асалим! Муҳим ишлар билан ушланиб қолдим. Бугун-эрта сиз билан боғланмоқчи эдим.

- Муҳим эмаслигимни билганимда...

Интизор тўхтади. Нималарни мулоҳаза қилаётгани, андиша ортида қандай фикрлар борлиги Олимга номаълум эди.

- Мен учун ҳаммасидан муҳими - сиз! - деди у телефонни оғзига яқинроқ келтириб, - Сиз учун дунёнинг нариги чеккасига боришга тайёрман!

- Ишонсам бўладими?

Интизор йигитни эътиборидан узоқлаштирмоқчи эмасди. Олим «Бемалол ишонаверинг!» дегандан кейин:

- Исботлай оласизми? - дея жиддий гап бошлади.

- Қўлимдан келади!

- Уч кунда Америкага, мени кўргани келолсангиз гапингизга ишонаман, акс ҳолда ишончимни бутунлай йўқотасиз...

Олим бир неча сония тараддудланди ва «Мени кутинг!» дея алоқани узди...

У Ботирга вазиятни тушунтирди, йўқлигини билдирмасдан ойига минг доллардан ишлашга рози бўлганлар билан келишишни топшириб, ўзи Петровичнинг олдига жўнади. Улар аэропортга бориб, Москва-Вашингтон йўналиши бўйича учадиган рейсга чипта олишди.

Самолётга чиқишига беш-ўн дақиқа қолганида Петрович унинг билагидан ушлади.

- Бир ҳафтада Москвада бўлишинг шарт, келишдикми?

- Эрта келишим ҳам мумкин...

Петрович унинг қўлини сиқиб қўйди.

Самолёт кўтарилганда пастда ястаниб ётган Россия ўрмонлари, қўллар, дарёлар Олимнинг юрагида ажиб ҳислар уйғотди. Анчадан бери жиддий ишлар ташвишида туйғуларига эътиборсиз бўлганини сезди. Интизор ҳақидаги ўйлар юрагини, хаёлини оппоқ булут каби эгаллар экан, муҳаббат соғинчидан қалби энтикди.

ТАҚДИР - илоҳий адолат билан йўғрилган Аллоҳ битиги. Воқеалар кетма-кет рўй бераверали. Инсон шу воқеликнинг измида бўлади. Ҳеч бир зот аввали ва охири бандалари учун номаълум бўлган бу улўф жарандан айро яшолмайди.

Олим иллюминатордан ерга қаради: улкан дарёлар ипдек, ўрмонлар кичкина ўтлоқдек, катта-катта қўллар эса бир ҳовуч сувдек кўринар, уни ҳаёт, тақдир ва умр ҳақида ўйлашга мажбур қиларди. Ҳозир ердан 12 километр баландликда учяпти, яна шунча баландликка кўтарилса, ер ва ундаги нарсалар янаям кичраяди. Коинотга чиқиб, ерга қаралса, у Заркент олмасидай гап. Аммо одам тақдири ва ташвиши, дунёга сиғмайди. Улканликда ердан, ҳатто коинотдан каттага ўхшайди. Бу катта дарднинг миттигина юракка сиғиши Аллоҳ-

нинг мўъжизасими, биз англаб етмаган қонуниятми?!

Кейинги йиллардаги воқеалар - болаликда, канал бўйида кўнглига солган аҳднинг, қарорнинг самараси, айти пайтда Яратганнинг иродаси билан рўй берди. Болаликда қувноқ ва бахтли яшаганида кучли ва шафқатсиз бўлишга қасамёд қилмасди, юрагида шиддат ва жасорат уйғонмаганида бўрини ўлдиролмас, унинг қонини ичмасди. Демакки, кечаги одамларни ҳам қутқаролмас, қондасиз жанглarda ютиб чиқолмас эди. Болаликдаги аҳд, мақсад - айримлар ибораси билан айтганда, туянинг кўнгли ҳаммом тилашига ўхшаса ҳам қисмат аломати эканини унутмаслик кераклигини Олим энди тушуниб етляпти! Ушанда кучли ва шафқатсиз бўлиш қарори камситилган, ҳақоратланган, тупроқ билан битта қилинган кўнглига таскин берганди. Бу шунчаки таскин эмас, аксинча, зулматдан чиқишнинг биринчи белгиси экан!

Ўқитувчига совға олиш учун арзимаган пулни топиб беролмаган ўқувчи дунёдан олган улкан шаҳарлардан бирида ҳаммани ҳайратда қолдирыпти, юз миллионлаб сўмга қодир бўлиб, бир неча қаватли уйлар қурыпти, одамфурушлар сотган, қулдай ишлатилаётган миллатдошларини золимлар чангалидан қутқаряпти. Севгилисига сўз бергани учун бир вақтлар сеҳрли диёр деб таърифланган, етиб бўлмайдиган орзудай туюлган Америкага кетяпти, уммон оша орзусига етляпти.

Хаёли денгиз бўйлаб учаётган чағалайдек беором, бироқ кўнгли буржига яширинган туйғуларни ақл кўзи билан кўришга интиларди у.

Ботир Россияга бориб келиш ҳақида гапирганида «Ишларим кўп, уйим ёлғиз қолади», деб баҳона ишлатган эди. Асосий мақсадни айтгач, қийналган, хўрланган дамлари ёдига тушиб, ғурури кўзғолон қилди, юрагида шижоат, мардлик, ноҳақ жабрланаётган, болачакам, уй-жойим, деб олис юртларда заҳмат чекаётганларга ачиниш ва уларга чин юракдан ёрдам бериш

нияти туғилди. Биров мажбур қилмади ёки тарғибот билан оғдирмади уни.

Олим яна кўп нарсалар тўғрисида ўйлаб кўрмоқчи эди, аммо руҳан толиққани боис, кўзи илинди.

Уйғонганида самолёт ҳамон парвоз қилар, айрим йўловчилар мудрар, баъзилари газета-журнал ўқир, ёшлар қўшиқ тинглаб кетарди.

У мудроқликни тарқатиш учун яна пастга қаради. Атлантика океани кўм-кўк салобат ва илоҳий қудрат билан чайқалар, минглаб метр пастда бўлишига қарамасдан, улкан сувнинг баҳайбат жозибаси кишига куч берар, юракнинг энг нозик пардаларини чертаётганга ўхшарди.

Ҳозиргина стюардесса манзилга яқинлашиб қолинганини, йигирма дақиқадан кейин самолёт Вашингтон аэропортига кўнишини эълон қилгани учун хаёлларини йиғди.

Боядан бери Интизорнинг манзилини топиш ўйлантираётган эди. Ҳозир у билан гаплашган дамлар эсига тушди-ю, самолётдан тушгач, маълумотлар бюросига учралса, манзилни осон топиш мумкинлиги ёдига келди.

Самолёт пастлай бошлади. Олим янги жойни ҳис қилишга улгурмай, аэропорт кўринди. Йўловчилар ўриндиқдан ўнгга силжиб, йиқилиб тушаётгандай юраклар шув этди. Самолёт иккинчи марта шўнғиётганида авиасалонда хавотирли вазият пайдо бўлди. Олим ҳам кўнглида саросима туйиб, одамларга қаради, кўзларига тикилди. Мусулмон ҳам, насроний ҳам «Эсон-омон кўниб олайлик!» дея Яратганга илтижо қилаётгандай туюлди...

Олим таржимон орқали маълумотлар бюросига манзилини тушунтиргач, рус тилида чиройли сўзлайдиган қиз Интизорнинг яшаш жойига қандай борилишини мукамал изоҳлади. У Москвадан чиқаётганида Анатолий Петровичдан дурустгина пул олгани, қолавер-

са, Интизор висолига шошаётгани учун таксида кетишга қарор қилди. Хизматчи уни кузатиб қўйди.

Машина елдек учиб кетаркан, Олимнинг ақли шошди. Боши осмонга теккан, тик қоматли бинолар, реклама таблолари, гўзал жиҳозланган дўконлар, кенг кўчани тўлдириб, дарёдай оқаётган, светофор чизигига маржондай тизилган турли русум ва рангдаги машиналар, гўзал хиёбонлар, кўк майдонлар, гоҳ беўхшов, гоҳ бежирим кийинган минглаб аёллар, қизлар, одамлар дунёси... Ҳаммаси бошқача.

Олим катта йўлдан бурилиб, болалар майдончасига яқинлашганда машинадан тушди. Уйга кираверишда ёши ўтган, аммо қомати расо, соқоли ўзига ярашган, ўйчан нигоҳли, кўзлари теран боқувчи кишига дуч келди. Юзида шарқликларга хос самимийлик бор. Рус тилида салом бергиси келдию, негадир ўзини тийди. Бошини қимирлатганча, йўлакка кирди.

Зиналардан кўтарилар экан, эшикни Интизор очишини, севгилисини кўриб, ҳайратда қолишини истарди.

Мана, ўша манзил. Олим эшик олдида нафас ростлади. Кўнғироқ чалиш олдидан «Эй, Худо, эшикни Интизор очсин!» дея дилида такрорлади.

Афсуски, остонада бошқа бир аёл пайдо бўлди. Олим таваккалига рус тилида салом берди. Аёл инглиз тилида алик олди-да, Олимнинг Интизорга келганини фаҳмлади, шекилли:

- Инди! - дея коридор тўридаги хонага бўйлади. Унинг овози майин ва эҳтиромга тўла эди. Ниҳоят, коридорда қадам товушлари эшитилиб, кўзлари ҳайратга тўлган Интизор кўринди.

- Вой, бу сизми? Кўзларимга ишонмаяпман!

Қизнинг вужуди титрар, севинчини ичига сиғди-ролмай тили калимага келмас, саломлашиш, ичкарига таклиф қилишни-да унутганди. Иккала билагини кўкси ўртасига қўйиб, юраги ҳапқираётганини яширган-

дай, кафтларини юзига босган эди.

- Мадлен! - деди коридор тўрига қараб, - қаранг, ким келди!

Ичкаридан:

- Ким? - деган овоз эшитилиши билан:

- Кўзларимга ишонмаяпман! - деди Интизор.- Олимжон акам!

Интизор Мадленнинг тезроқ чиқишини истаётганди. Олим унга термулди. Сал озган, аммо ўша-ўша мафтункор. Ўзга юрт табиати таъсир қилган чоғи, кўзлари хушёр боқарди.

- Нега ташқарида турибсиз, уйга кириңг! - деди Мадлен.

Олим ичкарига кириши билан орасталик ва тозаликни, ғоят тартибли жойлаштирилгани жиҳозлар бир-бирини тўлдириб турганини кўриб ҳаваси келди.

- Ичкарига, меҳмонхонага ўтинг,- деди Интизор.

- Ойи, Ўзбекистондан меҳмон келди, чиқинг! - деди Мадлен янгроқ товуш билан. Олим меҳмонхонага кириши билан Интизор унга қўл узатди (Меҳмонларнинг айрим гапларини рус тилига Интизор таржима қилиб турарди).

- Яхши етиб келдингизми, Олимжон ака?

- Сиз дуо қилгансиз, шекилли, қушдай учиб келдим.

- Ростини гап, ишонмаган эдим!

- Билганим учун тез келдим... Сизни ишонтиришдан ташқари, соғинганимни унутманг!

- Гап йўқ, акажон! Илгари юрагимни ўртаган ҳамма шубҳалар унутилди.

Интизор нималарни назарда тутаётгани икковига тушунарли эди.

Улар ярим соатдан кўпроқ суҳбатлашишди. Кечки овқат еб бўлингани учун кофе ичишди. Олим илк бор кўраётган одамлар олдида тортинар, дилидагини гапиролмай қийналарди.

- Маргарита хоним, биз кўчада бироз айланиб

келмоқчимиз! - деди қиз.

Хоним уларга яхши сайр тилади. Мадлен ҳавас билан термулиб, уларни зинапоягача кузатиб қолди.

Олим янги бўялгандай чиройли ва ораста зиналардан қадам босар экан, кайфияти кўтарилди.

Улар подъезд эшигидан чиқишаётганда боя Олим билан кўз уриштирган одам кираётган эди. Интизор у билан рус тилида саломлашди. Олим ажабланди Бу одам россияликми? Қизга алоҳида ҳурмат билан қараяпти! Бу қизнинг ҳам қисқа фурсатда у билан яқин бўлиб қолгани-чи...

- Хаёлингизни йиғиштириб олинг, Олим ака! - деди Интизор жилмайиб.

- Нега ундай деяпсиз?

- Григорий Богданович, - деди у чол кетган томонга имо қилиб, - ўттиз ёшигача Тошкентда яшаган, кейин Москвага келган, бу ерда ўн икки йилдан бери яшайди. У - катта рассом, расмларини кўрсангиз ҳайратда қоласиз!

Интизор Олим акасини йигирма қаватли бинодаги кафега бошлади. Олим таом буюрди, Интизор салқин ичимликни эрмак қилиб, унга термулиб ўтирди.

- Бувингиз яхши юрибдиларми? Хайрлашгани борганимда, бетоб эканлар, ичингиз ғаш бўлмасин, деб айтмовдим.

Олим жавоб беришга шошилмади.

- Умрлари узун бўлсин, уларни яхши кўраман!

- Мен ҳам...

- Сизни соғинганимда, олдиларига бориб юрагимни ёзардим, меҳрибон, мулойим эдилар.

Олим мавзуни бошқа томонга бурди.

- Айтгандай, сизга ҳали гапирмадим, а?

Интизор Олимга таажжуб аралаш ташвиш билан боқди.

- Эски уйимизни бузиб, икки қаватли иморат солдим.

- Бувингиз уйни яхши кўрардилар, фотиҳаларини олдингизми?

Олим ҳақиқатни қачондир айтиши кераклигини ўйлаб, аввал ерга қаради, сўнг Интизорнинг кўзига тик боқди.

- Бувим вафот этдилар!

- А?!

- ...

- Қачон? Нима учун?

- ...

- Дуоларини олиш учун етиб боролдингизми?

- Ҳа, бошимни силаб туриб, жонлари узилди...

- Ака, кеч бўлса ҳам таъзиямни қабул қилинг! Ўз бувимдай бўлиб қолган эдилар. Келин олиб, етти қават кўрпачада ўтиришни орзу қилгандилар, жойлари жаннатда бўлсин!

- Раҳмат, айтганингиз келсин! Ўзингизда нима гаплар, ўқишлар қалай кетяпти?

- Анча мослашиб қолдим, мен яшаётган оила аъзолари самимий, зиёли кишилар экан. Мадлен Вашингтон университетиде ишлайди, сирдош дугона, яқин дўстмиз, битта хонада яшаймиз!

Олим мавзу ўзгарганидан хотиржам тортди. Орадаги муҳаббат ҳақида унга гапирган-гапирмаганини билмоқчи бўлди.

- Биз ҳақимизда ҳамма нарсани билладими?

- Ҳаммасини эмасу, сизни биллади...

- Дарров айтиб улгурдингизми?

- Бу ерда ундан бошқа ҳасратлашадиган кимса йўқ! Юрагим ёрилиб ўлиб қолайми?! Ҳар куни тил ўрганиш, қолган пайтларда топшириқларни бажариш ва мустақил иш билан бандмиз. Баъзан шаҳар айлангани чиқамиз. Биласизми, севгимизни айтишимга нима сабаб бўлди?

- Зарурат туфайли гапирган бўлсангиз керак-да, а?

- Мадлен кибру ҳавони билмайдиган, содда аёл.



Кўнглим очиқлигини сезгач, мени сирдош дугона қилиб олди. Бошидан кўп воқеалар ўтган экан.

- Адашмасам, севги саргузаштларини гапириб берган бўлса керак.

- Тўғри топдингиз. Йигити билан Африкага шартнома асосида уч йилга ишлагани боришибди. Аммо йигит беқарор, бегона аёлларга хаёли кетадиган чиқиб қолибди! Бошқа-бошқа шаҳарда ишлаётганлари учун икки ҳафтада зўрға кўришишаркан. Бир йилдан кейин алоқа узилибди, йигитини суриштириб борса, иш жойини, телефон рақамини ўзгартиргани учун тополмабди. Икки ойдан кейин бошқа қизга уйланаётгани ҳақида хабар ва тўйга таклифнома келибди. Хиёнатдан зада Мадлен қаттиқ изтиробга тушибди, тўй кунини жанжал кўтармоқчи бўлибди, аммо танишлари қайтаришибди. Шартнома тугаб, Америкага қайтиш олдидан йигитни кўргани бориб, тополмабди. Суриштирса, кийик овига борганида шер ғажиб ташлаган эмиш...

- Фожиа!

- Энг ёмони - Мадлен йигитига гумонаси борлигини айтгандан кейин кескин ўзгарган экан! Ҳозир ҳомиласи сезилиб қолган...

- Кейин мен ҳақимда гапирдингиз, шундайми?

- Ҳушёрсиз-да, Олим ака!

Улар кафедан чиқиб, хиёбонга боришди. Ярим кеча: кўчалар ёп-ёруғ. Кучоқлашиб, етаклашиб кетаётган ёшлар, кексалар кўп, биров-бирова парво қилмайди

- Тараққиёт, фан-техника зўр бўлгани билан одоб-ахлоқда ўзимизнинг юртга етмайди! Бундаги ривожланишдан оғзинг очилади, бироқ беҳаёликдан кўнглинг айнийди. Ўзбекистон одоб-ахлоқда ҳам жаннатмакон юрт! Уни пулга, тараққиётга солиштириб бўлмайди! Ўзбекнинг файзи, саришталиги шундан!!

Улар катта кўчада қўлтиқлашиб айланишди.

- Меҳмонхонадан жой олганмисиз? - сўради уйга

яқинлашганда Интизор.

- Шошилиб, олдингизга келаверибман!

Интизор ўйланиб қолди. Бир оздан кейин муҳим нарса эсига тушгандай:

- Бояги рассомникида турсангиз-чи? - деди.

- Бир кечани ўтказиб олсам, у ёғи бир гап бўлар...

Кекса рассом икковини самимий кутиб олди. Сухбатдош топилганидан қувонди. Олимга эски қадрдонидай хушнуд нигоҳ ташлади.

- Таниш эмасмисизлар? - деди ҳайрон бўлган Интизор.

- Бу йигитнинг ўктам қарашлари менга ёқиб қолди.

- Шунақа демайсизми, Григорий Богданович, мен Москвада танишгансизлар, деб ўйлабман!

- Сен Москвада яшаганмисан, Алиқ? - қизиқиш билан ундан сўради рассом.

- Россияда ишлайман.

- Яшавор, азамат, кел сени бир бағримга босай!

Улар кучоқлашишди.

- Тақдиримиз ўхшаш экан, мабодо энди Америкага келмоқчимасмисан? - ҳазиломуз савол қотди Григорий Богданович.

- Бу ерлар саёҳат қилгани яхши, ҳатто Россияда қолмайман! Менга ўз юртим ҳаммасидан аъло!

Григорий Богданович унга хуш кайфият билан қаради. Ёшига нисбатан дадиллик билан қўлини мушт қилиб силкиди-да:

- Воҳ! Бу ҳақиқий ўзбекка хос гап! Яша!! деди.

Интизор муддаони тушунтирди, рассом бажону дил қабул қилди. У уйига чиқиб кетгандан кейин:

- Хона иссиқ, ечиниб ётишинг мумкин! - деди Григорий Богданович ўз ўғлига гапираётгандай.

Олим кўйлагини ечиб, стул суянчиғига ташлаши билан рассом унга ғалати тикилди.

- Тўхта! Майкани ҳам еч! - деди тўсатдан ниманидир режалаштираётгандай.

- Нега?

Олим ҳайрон, Григорий Богданович эса ҳамон ҳайрат билан термулиб турар, қувончдан кўзлари ўйнардди. Олим аввалига ҳеч нарсани англамади, гавдасини томоша қилиб атрофида айлана бошлаганида рассомни ўзининг қомати қизиқтириб қолганини тушунди.

- Алик, мен қидирган нарсамни топдим!

- Нима эди у?

- Ўзбек паҳлавони расмини чизолмай армонда эдим! Орзум ушаладиганга ўхшайди. Қадду қоматинг мен орзу қилгандай экан. Бу кеча ухламаймиз. Мен сени чизаман ва у Американинг барча журналлари, газеталарида чиқади, интернетда пайдо бўлади, ўз сайтимга киритаман! Розимисан?

Олим ўйланиб ўтирмади. Омади гапни айтганда, рассом зўр таклиф айтган эди.

- Розиман! Ўзбек ва Ўзбекистон учун бир кеча эмас, бир умр ухламасликка тайёрман!

Улар устахонага киришганида ҳайратланиш навбати Олимга келди. Ижодхона каттакон залдан иборат бўлиб, тўрдаги деворда Леонардо да Винчи, Рембранд, Репин ва бошқа рассомларнинг асарлари дид билан осилган, ўнг девордан ўз ижодидан намуналар, чапдан эса портретлар ва руҳий жараёнларни акс эттирувчи, қалбнинг нозик манзараларини кўрсатувчи модернистик руҳдаги кичик расмлар жой олган эди. Энг муҳими, у яхши кўрган «Нотаниш аёл» ҳам кўр тўкиб турарди. У расмларни томоша қилиб, охирига етай деганда Интизорнинг суратини кўрди-ю, қотиб қолди. У тирик одамдай, ҳозир рамкадан чиқиб, гапириб юборадигандай туюларди.

«Бунга қачон улгурдийкин?» Шунини сўрашга шайланиб турганида Богданович:

- Таажжубга тушма! - деди хаёлларни тарқатиб юбориш учун. - Мадлен уни мен билан таништириб қўйиш учун олиб кирганида чиза бошлаган эдим. Бир

неча кундан кейин зерикиб, ташқарига чиқсам, у дарсдан келаётган экан. Бирпас гаплашиб ўтирдик. Кўз қарашларидаги маъно, ўзига хосликни ўшанда илғадим, характериға хос белгиларни эса гапираётганда ўғирладим. Менимча, ёмон чиқмади. Ўзига ҳам ёқди-ку!

Григорий Богданович расм чизиш учун стол ва асбобларини тайёрлаётганида Олим Интизорни илк кўрган ва севиб қолган лаҳзаларни эслади. Нақадар ажойиб эди-я! Юракда севги алангаси ёна бошлаган бетакрор дамлар! Қария ўша гўзаллик ва жозибани, нафосат ва ғурурни тўғри англабди! Худо талант берган, истеъдоди камол топган рассом экан бу одам!

- Алик, мен томонга - деразага қараб турасан!

Унинг хаёли ўтмишдан хонага кўчди.

- Чиранмасдан, ўктам, дунёга теран нигоҳ ташлаб туришинг керак. Менимча, сенга ҳеч нарсани ўргатишинг кераги йўқ, туришинг менга ёқади. Демак, бошладик.

Бир соатлик ижоддан кейин ошхонага ўтиб, кофе ичишди. У Ўзбекистон тўғрисида сўраб чарчамасди.

- Тошкент баҳори, ёзнинг гўзаллигини, куз таровати ва сокин жозибасини ҳеч қачон унутолмайман асарларимга билинтирмай жойлашиб олаверади. Уларни эсласам, яйраб кетаман!

Олимнинг «Ўзбекистонни севар экансиз, нега кетгансиз?» деган савол бермоқчилигини рассом унинг кўзларидан англаб олди.

- Инсон пешонасини ўзи ўқий олса, ёқмаган битикларни ўзгартира оларди! - деди аллақандай ўкинч билан. - Мен арслонга ўхшайман, изимни қайта босмайман! Тақдир шамоли океан ортига учуриб келди, борини кўравераман!

Худо ҳар кимга ўзига хос тақдир, уни яшаш учун ўлчовли умр берганини унутмаслик керак! Мен ҳар

дақиқамга кунлар, ҳафталар умрини жойлашни истайман. Аммо имкониятларим истагим бўйига тенг эмас! Бу бутун инсоният муаммоси!

Григорий Богданович бироз тин олди, икки чаккасини бармоқлари билан силаб, шифтга қараб ўйга толди. Кўзларидаги ҳорғинлик оғир меҳнат асоратидай таассурот қолдирар, уларда тақдир сийлаган теран бахт акс этганга ўхшарди.

- Юзта суратим жаҳон бозорида қиммат нархларда сотилди, - давом этди у Олим томонга ўгирилиб. - Қувончимни пулга боғлама! Ўша расмларни ярата олганим, одамлар тушуниб, харид қилганлари - болаликдаги орзум эканлигидан қувонаман! Ҳозир кимсасиз саҳрода силлам қуриётган бўлса ҳам, юракда завқ-шавқ ва бахтиёрлик билан кўз юмаман! Чунки тақдир ҳукми билан БОЛАЛИК ОРЗУЛАРИМ амалга ошди. Бу бахтни дунёнинг барча бойликлари-ю миллион йиллик умрларга алишмайман!!

Улар яна икки соат ишлашгандан сўнг рассом:

- Сен дамингни ол, Алик, - деди бор кучини тўплаб, чарчоғини енгаркан. - мен ишни тугатишим керак.

Олим суратни кўрмоқчи эди, аммо Григорий Богданович рухсат бермади.

- Чала битган бинонинг жозибаси бўладими? Қиз ясанганда гўзал бўлганидек расм ҳам битганда завқ беради.

Олим кўнди. Океан устидан учиб ўтиш толиқтирган, эртага бемалол айланиш учун дам олиши лозим эди.

\* \* \*

Ботир молхона эшигини ҳеч кимга очмасликни буюрди.

Ёрдамчи ва қоровулларни алоҳида жойга қамади,

улар ортиқча ноз қилмасдан ҳамма еганини едилар, озод қилишларини кутиб қисматга кўндилар.

Павел Иванович молхонага қамалган ҳўкиздек бўкирарди. Элқатори бўтқани ташқарига улоқтириб, бошқа овқат талаб қилди. Ботир талабни кескин рад этди. У ярим тунда эшикни тепа бошлади.

- Нима дейсан, Павел Иванович? - деди Ботир бепарволик билан.

- Шартингни бажаряпман, оч қолдиришга ҳаққинг йўқ! Айтганларимни беришга мажбурсан!

- Павел Иванович, сен гаровдасан, берганимизни ейишга мажбурсан, яна тўполон қилсанг, Петровични чақириб ёнингга киритаман!

Павел Иванович йиртқич номини эшитгандай, пишиб қолди. Ярим соатдан кейин:

- Ботир, бера қол, розиман...- деди.

Ботир ҳамма ейдиган овқатдан ва ярим буханка нон киритди...

Ўзбекистонга жўнатилган одамлар Қозоғистондан кўнғироқ қилиб, бир кундан кейин ватанда бўлишларини айтишганида хурсанд бўлди. Шу пайт эшик оҳиста очилди-ю, ўша кунги сочи ўсган, озиб-тўзиб кетган одам кирди.

- Эрта-индин буларни озод қилиб, Москвага кетсанглар, бизни еб қўйишади...- деди чуқур қайғу ва хавотир билан.

Ботир ўйланиб қолди. Павел Ивановичнинг қўлидан ҳамма пасткашлик келади, буларнинг пулларини тортиб олиб, ўзларини гумдон қилиши мумкин. Юртга кетгунларича, ҳаммаларини пойлаб туролмайди-ку!

- Сизларни ўзимиз билан олиб кетамиз! - деди Ботир таваккал. Аслида Олим билан маслаҳатлашиши керак. Аммо телефон рақамини билмайди. Нохуш кайфият билан ўйланиб турганида телефони жиринглади...

\* \* \*

Олим эрталаб рассомнинг теран маъноли қиёфасига тикилиб, ҳориганини сезди. Бироқ унинг кўзларида илҳом кайфияти бор.

- Қиёфадошимни кўрсам бўладими?

- Ҳали анча иши бор, Алик! - қайтарди рассом. - Бир ойдан кейин интернетдаги сайтимга кирсанг, бемалол томоша қиласан!

Енгил нонуштадан кейин суҳбатни давом эттиришди.

Олимнинг ҳаёт тўғрисидаги қолипга тушган фикрлари синди. Рассом чуқур маъноли, фалсафий гапларни айтди. Суҳбатдошга ташналиги вазидан эмас, аксинча, тақдир Олим билан учратгани учун сўзларди.

- ВАҚТ - мавҳум тушунча, бизга берилган умр - нақд! Истеъдодли одамлар уни сара ихтиролари, юрт қалбидан жой олувчи асарлари билан безашлари шарт. Узим ҳақимда нимадир ёзиш керак бўлса, ранглардан кўмак сўрайман.

Рассом ўзига гапираётгандай давом этди.

- Қачон дунёдан ўтишни ўйламайман! Ёшимни ёддан чиқарганимдек, нариги дунёга равона бўлиш ҳам хаёлимга келмайди...

Олим унга таажжуб билан қараб қўйди, ўрнидан туриб, унинг ишларига разм солди. Оддий, жозибасиздай туюлса-да, гўзаллик, энг тоза, қайноқ кечинмалар, юракни ром қиладиган умуминсоний гоёлар, руҳиятнинг рангин товланишлари бўртиб турарди уларда.

Қизиқ, манави расмда дарё бўйида қуриган дарахт акс эттирилган. Атрофи кўм-кўк ўтлоқ билан қопланган... Катта дарёга илдизи етиб боролмаган, вақт бўрони қурутдими ёки биров илдизига болта урганми?!

Қуриган шохлари кўкка бўй чўзиб, янги ҳаёт сўра-

яптими, одамзот устидан арз қиляптими? Эҳтимол, у қул бўлмасдан, мағрур ўлишни афзал билгандир?!

Дарё, майсалар, қуриган шохлар орасига яширинган маъно туйғуларини тўлқинлантирди. Кўксиди тинчгина нафас олаётган уммонда бўрон тургандай бўлди.

- Алик, санъатга қай даражада алоқадорсан?

- Соҳам бошқа...

- Ўрта осиелик рассомлар асарлари билан танишман. Шахсга, сиёсатга хушомад иллоти ғашимга тегеди.

Эшик тақиллади.

- Алик, сени Инди сўраб келган!

Рассом устахонасига кириб кетди. «Қизиқ одам!»

Салом-аликдан кейин Интизор Олимнинг қўлидан ушлади.

- Бугун сизга университетни кўрсатаман!

- Улгурамизми?

- Нега ундай деяпсиз?

- Кечки пайт Москвага қайтаман.

- Бемалол, ўзим кузатиб келаман.

Интизор курс машғулотларига қатнашмади, Олим билан университетни айланди. Тушликдан сўнг музқаймоқ дўконига боришганида, Ботирдан ҳол-аҳвол сўраш Олимнинг эсига тушиб, Интизорнинг телефони олдди.

Ботир уланиш тугмасини босиши билан Олимнинг овозини эшитиб юзи ёришди. Салом-алик қисқа бўлди.

- Америка саёҳатини тугатиб, эртага етиб келсанг...

- Нега шошилишч?

- Ҳамюртларимиз етиб боради деб қолишди. Павел Ивановичнинг масаласини биргаликда ўйлашимиз керак!

- Петровичга айтайми?

- Шарт эмас. Ўзимиз эплаймиз. Кейинги муносабатларни келишиб олмасак, қолиб ишлаётганларга зиён етказиши мумкин.



Олим кечқурунги рейсга чипта олганини Ботир билмаган эди.

- Кечки рейсда етиб бораман. Хотиржам бўл, дўстим!
- Хурсандман, кутаман.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. У ёндаги столда ногиронлар аравачасидаги кампирга қараётган таниш қиёфани кўрди-ю, ҳайратдан ёқасини ушлаб қолди. «Ё тавба! Тушимми, ўнгимми? Наҳотки, бу ўша машҳур артист, актёр бўлса?! Тўғри у ўзбек эмас, аммо Ўзбекистонда обрўси баланд эди, ҳатто мукофот олган! Ролларини одамлар гапириб юришади, бир неча марта машҳур газеталарда суҳбатлари эълон қилинган. Истеъдодини хор қилиб юрганини...»

Интизор бунақаларни тез-тез учратгани учун парво қилмади.

- Эътибор берманг, изза тортади!

Лекин Олим у билан саломлашгани борди. Ҳол-аҳвол сўради. Бечора артист унинг кўзига қаролмасди.

- Яқинда кетаман! Бир йилдан бери сиқилиб яшайман. Ўзбекистондаги одамийлик, меҳр-оқибат, муҳлисларимни соғиниб, икки марта касал бўлдим.

Олим ҳурмат билан гапиргани учун унинг тортинчоқлиги йўқолди. Ичи тўлиб турган экан.

- Биласизми, - унинг кўзида чуқур қайғу, изтироб кўринди. - Кечалари тушимда машҳур ролларимни ўйнайман, сўзларини такрорлайман! Бу ҳол гоҳо ўнгимда рўй беради... Шунда уй эгаси «Уйқумни бузма!» деб огоҳлантиради. Кампирнинг қўл-оёғи ишламайди, нафас олишидан бошқа ҳамма ишларини мен бажараман! Тушунаётгандирсиз?! Менга ўхшаганлардан бир нечтаси хўжайиннинг итига қарайди... Баъзан «Шунга лойиқ одаммидим?» дея хўрлигим келади. Тезроқ муддатим келсаю, Ўзбекистонга учиб кетсам!

Унинг кўзларида ёш милтиллади. Тин олганидан фойдаланиб, Олим билан Интизор айрим ролларини эслатиб, кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилишди.

- Раҳмат, ўзимни Тошкентда юргандай ҳис этапман! Юрт нафасини туйиб, кўнглим яйрапти! Нақадар ажойиб юртимиз бор-а?!

У юзини тескари ўғирди, елкалари силкинди, кампир боши билан «тур, кетдик», ишорасини қилса-да, унга эътибор бермасди.

У чинакам йиғлаётган эди....

Кечга яқин уйга боришганда уларни хонадон эгалари кутиб туришарди. Олим эшиқдан кириши билан дам товоқ ёпилган паловнинг ёқимли ҳиди хонани тутиб кетган эди.

Олим энтикканча Интизорга қаради.

- Бу менинг буюртмам эди!

Йигит севгилисининг қўлини сиқиб қўйди, унга нисбатан меҳри товланди.

Ўзбек хонадонларидагидек ҳаммалари стол атрофида ўтиришди.

- Инди бизни ўзбекча овқатланишга ўргатди. Ўзини яхши кўриб қолганимиздек, ўзбек таомларига ҳам қизиқиб қолдик. Аввал ўзи тайёрларди, биз ҳам ўргандик.

Маргарита хонимнинг гаплари самимий эди. Интизор уялгандай ҳаммага бир-бир қараб, хонимнинг гапларини сўзма-сўз таржима қилди. Олим севинганидан жилмайиб, миннатдорчилик маъносида қўлини кўксига қўйганча, икки марта «Раҳмат» деди.

- Инди бизнинг таомларни ҳам қисқа вақтда ўрганиб олди. Хурсанд бўлдик.

Фикрлар эхтиром билан йўғрилган, дилдан отилиб чиқаётган қўшиққа ўхшарди.

Олимнинг самолёти кеч соат тўққизда учарди. Интизор билан Мадлен уни кузатишга чиқишди. Самолётга чиқиш олдидан Олим Мадленга қаради.

- Менинг гўзал севгилим ажойиб инсонлар билан яшаётганидан, ёрдамингизни аямаётганингиздан бахтиёрман. Америкадай улкан мамлакатда қандай яша-

япти, деган хавотирда эдим. Энди хотиржамман. Сизларга ташаккур! Насиб қилса, яна учрашамиз.

Интизор таржима қилгандан кейин Мадлен Олимга қўл узатди...

Интизор эрталабдан бери бир нарса айтмоқчилигини, аммо тортинаётганини Олим сезиб юрвди.

- Бироздан кейин учиб кетаман!

Интизор уни четроққа бошлади.

- Дилимга тугиб қўйганларимни айтиб олай.

- Вужудим қулоққа айланяпти...

- Ака, сиз ҳақингизда интернетда ўқидим, суратингизни кўрдим.

Олим таажжубга тушди. Бироқ Интизор тахминдан ёки ёлғон гапиряпти, деб ўйлашга ҳаққи йўқ эди.

- Қоидасиз жангларда қатнашар экансиз... - юзида норозилик, ишларини ёқламаслик ифодаси бор эди,

- Муваффақиятларингиздан хурсандман, - давом этди қиз. - Аммо бу жанглар Ватанга ҳеч нарса бермайди, кучингизни Ўзбекистон учун сарфлашингиз керак.

Олим унга синовчан назар билан тикилди.

- Бировни майиб-мажруҳ қилиб пул топишингизни истамайман! Қолаверса, ҳар доим ютасиз, деб ҳеч ким кафолот беролмайди. Менга соппа-соғ кераксиз!

Олим жим эшитар, унинг мулоҳазаларига эътироз билдирилмас, қайғураётганидан хурсанд эди.

- Битта таклифим бор...

Олим «айтаверинг», дегандай бош силкиб, Интизорнинг қўлини маҳкамроқ сиқди.

- Сиз ўқишингиз зарур!

- Қаерда?

- Жисмоний тарбия институтида! Шартнома асосида бўлсаям, олий маълумотли бўлишингиз керак. Кучқувватга тўлган, қайноқ даврингизни бировларнинг кўнгилхушлиги, чўнтагини қаппайтириш учун сарфлашингизни истамайман!

Бу фикр Олимга жуда ёқди. Ҳозиргача миясига

келмаганига ҳайрон бўлиб, Интизорни янаям яхши кўриб кетди. Ва унинг ниятини, албатта, амалга оширишни кўнглига тугиб қўйди. Шу пайт ҳаво кемасига йўловчилар чиқарилиши тугалланаётганлиги эълон қилинди. Интизорнинг энг муҳим гапи тилининг учида қолди...

Олим «Ауди»ни аэропорт машиналар турар жойига қўйган эди. Самолётдан тушиб, телефонини ёқиши билан SMS келди.

«Ўзбекистондан эмасмикан?»

Шошганча хабарлар қатламини очди.

«Салом, Алик! Лидияман. Сиз мен орзу қилган паҳлавонсиз. Танишишни истайман. Ҳозир қаердасиз? Илтимос, ёзинг, учрашайлик. Лидия».

«Москвалик ойимтиллага ўхшайди. Аммо ким бу Лидия? Муддаоси фақат танишишми ёки бировлар режасини амалга ошироқчими? Рақамимни кимдан олган?»

Шаҳар ташқарисида ўша хабар яна келди. Аммо Олим Ботирнинг олдига тезроқ етиш, Павел Ивановичнинг тақдири, уйга кетиш ёки Петрович олдида қолиш масаласини бир ёқлик қилиш ҳақида ўйларди.

Бу йўлдан учинчи марта юраётгани учун мажмуага боришга қийналмади. Йўл белгилари, қишлоқ номлари ёзилган кўрсаткичлар адашмай кетишга имкон бераётган эди.

Машинадан тушиб, эшикларни қулфловчи тугмани босиши билан кутилмаганда дарвозадан жангарисифат одам кўринди ва унга ташланди. Олим вазият Ботирнинг назоратидан чиқиб кетганини сезиб, бегона одамга чап берди. Аммо у елкаси аралаш тепганда Олим ўзини йўқотиб қўйишига бир баҳя қолди. Ўзини қўлга олиб, кўз олдида шаффоф бўри қиёфаси гавданиши билан танаси қувватга тўлди. Югуриб келиб, жангарининг бўйни аралаш бошига тепди. У қуладию, аммо ичкаридан яна учтаси чиқди. Улар «Ийй-яя!»

деб ташланганда Олим усталик билан ўртани ёриб чиқди. Ортига қайрилиб, ўнгдаги барзангининг ҳаво йўлига темир мушти билан зарба берди. Аини пайтда чаққонлик ила кейингисининг қўлини қайирди ва бўғиб ҳушидан кетказди. Охиргиси унинг юзига мушт туширди, бироқ ўзи ҳам бўйнига тушган зарбадан ерга қулади.

Ўша лаҳзада эшик ортидан яна тўрт киши югуриб чиққач, у шошиб қолди. «Қоч!» деди аллаким соф ўзбекча талаффузда. Олим овоз қаердан келганини билмади. Биринчи одамнинг елкасига чиқиб, оёғи билан бўйнидан қисди, иккинчиси билан ерга қулади, аммо учинчиси унинг оёғига тепди. У маймундай сакради. Қочишни ўзига эп кўрмади, аммо олдинги гуруҳдан учтаси ўзига келиб, ҳужумга шайланаётганини кўрди-ю, вазият қалтислигини ҳис қилди. Турган ерида бир айланди-да, дарахтзорга қочди. Бироқ жангарилар ҳам ортда қолмай, қува кетишди.

Олим чаққон ва абжирлиги учун тез орада таъқибчилардан анча узоқлашди, беркиниб уларни кузата бошлади.

Аланглаб уни қидираётганларида, тош отди. Янаям панага яширинди. Улар тош отилган томонга кетишганда, Олим ортга қайтди. Кўз очиб юмгунча мажмуа дарвозасидан кирди. Аммо ичкарида уни тўппонча кўтарган Павел Иванович билан тансоқчиси кутиб турарди. Олимнинг капалаги учиб кетди. Ўзини аранг қўлга олди.

- Тўхта, дикий волк!

Павел Иванович кўриқчига имо қилди. У Олимнинг оёғи остига икки марта ўқ узди.

- Яна бир қадам боссанг, сонингга отаман, жангга тушиш тугул, тузалмайдиган чўлоққа айланасан!

Олим унинг пўписасига парво қилмай, сакраб теппишга чоғланди-ю, лекин ортдан берилган зарб боис чалқанча тушди. Уни қуваётганлар етиб келишганди...

Олимни Ботирнинг ёнига қамашди. Павел Иванович қурол билан панжара олдига келди.

- Чархпалак дунёни қара, кеча бу зиндонда мен эдим, бутун сенлар- Очликдан ўлдираман, маразлар! Унинг кўзларида ғазаб, нафрат ёнарди.

- Балки эртага яна сен ўтирарсан, Павел Иванович!

Павел Иванович тўппончасини ўйнатиб кетаркан, бу гапни эшитиб ортига қайрилди.

- Ҳаммаси учун жавоб берасанлар, тирранчалар!

- Нима бўлишини билмайсан, Петровичга хабар берганман ҳали замон келади. Музыка билан кутиб олишга тайёрланиб тур!

Павел Иванович ичидан зил кетди. Ранги оқарди. Петровичнинг номи ўлим ҳукми сингари эшитилаётган бўлса-да, ўзини бепарволикка солди. Кайфиятини туширмаслик, рақиблар олдида кўнглидаги гўлғулани сездириб қўймаслик учун тансоқчига ўгирилди.

- Буларни кечқурун ҳовузга ташлайсан, музлаган танасини юртига консерва сифатида экспорт қиламиз!

Тансоқчи бош силкиб, мамнунлигини изҳор қилди. У нафрат билан боқиб, темир панжарани мўлжаллаб ўқ отди. Ўт сачраб кетди...

- Жонларинг менинг қўлимда, жулдурвоқилар!

Аламзадалар кейинги темир эшикни ёпиб, дарчадан қараганда, Олим терс ўгирилиб олди.

Ертўладаги бу қўлбола қамоқхона аслида ноёб товарларни сақлашга мўлжалланган, баъзан эса жазо камераси бўлиб хизмат қиларди. Уч томони қалин девор, тўрт метрли хонанинг олд тарафи ярми панжара, ўнг тарафида темир эшик бор.

Олим билан Ботир салом-алиқдан сўнг бир нафас жим қолишди. Вазият сукунатни талаб қилаётгандай, ҳар бири рўй берган воқеаларни қай тахлит маълум қилишни режалаштираётгандай тараддудда қолишди. Ёқимсиз сукунатни Олим бузди:

- Бордим, бир кун туриб қайтдим. Ҳаммаси жойида.

Қайтгач, дарвоза олдида машинадан тушишим билан анавининг одамлари ташланди.... Ўзингда нима гап?

- Хашак майдалаш цехидаги татар аёл вазиятдан хабардор экан. Павел Ивановичнинг одамига қўнғироқ қилибди... Кеча кечқурун мени бу ерга тиқишди. Сенга хабар қилолмадим. Телефоним уларда.

Бу гапдан кейин Олим ҳам чўнтагини пайпаслади. Телефони турибди. Фалабадан сармаст Павел Иванович хушёрлигини йўқотибди.

Олимга бояги рақамдан яна SMS келди.

- Лидия!

Ботир «ялт» этиб Олимга қаради.

- Ким дединг?

- Самолётдан тушганимдан бери Лидия деган қиз уч марта хабар жўнатди.

- Ким у?

- Танимайман. Дискимни кўрган экан, дўстлашмоқчимиз.

Ботир кутилмаган тасодифдан қувониб, кўзлари чақнаб, Олимга яқин келди.

- Павел Ивановичнинг қизи ҳам - Лидия. Жавоб ёз, агар ўша бўлса, қийналмай топиб келади. Тезроқ озод бўламиз. Анавиларнинг нияти бузуқ. Куч билан қутулишга кўзим етмайди.

Олим Ботир умид қилаётган тасодифга ишонмагандай иккиланди.

- Петровичга хабар юборсаммикан?

- Ишончини йўқотиб қўймайсанми?

- Бу ҳам тўғри.

- Лидияга жавоб ёзақол, буёғи таваккал.

- Ёзишни билмайман, сен ёз.

- Айт.

- «Павел Ивановичнинг мажмуасида ертўла қамоғидаман, келсанг, шу ерда танишамиз».

Хабарни жўнатишди. Беш дақиқа ўтмай жавоб келди:

«Қандай қилиб?! Бир соатда етиб бораман! Кутиб туринг...»

\* \* \*

Интизор ҳориб уйғонди. Анчагача ваҳимали тушлари таъсиридан чиқолмади. Негадир кўнгли ғаш. Олим акаси манзилига эсон-омон етдимикан? Нега кўнги-роқ қилмади? У тушкун хаёллардан халос бўлиш учун даст ўрнидан турди. Ювиниб-тараниб, уй эгалари билан хушхол саломлашди. Нонуштадан сўнг Мадлен билан ўқишга отланаркан, рассомга кўзи тушди. У ташқарида сигарет чекиб ўтирар, қиёфасида ҳорғинлик сезилса ҳам руҳи тетик.

- Салом, қизлар!

Мадлен «Сенда гапи бор, шекилли», дегандай шеригига имо қилди. Интизор саломлашди.

- Инди, бир минутга ўтир!

Интизор ёнига омонат кўнди.

- Унинг суратини сеникининг ёнига қўйсам, Ромео ва Жюльетта бўлиб қолдиларинг!

Интизор Олимнинг расм ҳақидаги гапларини эслаб, ҳаяжонланиб кетди.

- Наҳотки, битказган бўлсангиз!?

Интизорнинг кўзларида қувонч учқунлари порлади:

- Илтимос, уни менга кўрсатинг!

Ўзининг расми битганда ҳам бунчалар орзуманд бўлмаган эди. Аммо рассом шошилмади. Интизор яна илтимос қилди. Назарида, Григорий Богданович ўз ижодининг қудратидан ҳузур қилаётгандай эди. Интизорнинг бетоқатлиги Мадленга ҳам юқди:

- Нега бунчалар бераҳмсиз-а?!

Рассом мийиғида кулиб, сигарета қолдиғини ахлат қутичага ташлади-да, ўрнидан турди. Розилик алома-



тини иллаган қизлар бараварига қийқириб юборишди.

Улар хонага киришгач, Григорий Богданович рамкадаги расм устига тортилган матони олди.

- Узоқдан томоша қилинглр, яхшироқ кўринади.

- Вой, Мадлен! Расмни қаранг, ҳозир Олим акам гапириб юборадигандай!

- Гераклнинг ўзи-я! Қадди-қоматини қаранг! Йигитниям зўридан топгансан-да, Инди! Мен шундай йигит учун жонимни фидо қилган бўлардим!

Интизор кулимсиради.

- Жонни фидо қилсангиз, у бошқасига кетворадикун!

- А?!

- Шунақа! Йигитлар ёмон!

Мадлен кулди. Қарияга қараб нимадир демоқчи бўлдию, фикридан қайтди. Интизор эса рассомнинг кўлидан тутди.

- Олим акамни чизган шу кўлларингиз толмасин! Доим омон бўлинг! Бу дунёнинг шоҳ асарларидан бўлиб қолишига ишонаман!

Рассомнинг кайфияти кўтарилди.

- Ўзбек паҳлавони расмини чизишни йигирма йилдан бери орзу қилардим. Сен туфайли орзум армонга айланмади. Раҳмат сенга, Инди!

Григорий Богданович унинг кўлини ўпди. Интизор қувончини яширолмай, рассомнинг бировз букчайган елкасига кўл ташлади.

- Афсус, Олим акам ўзи кўрмади-да! Балки кетишимда кўчирма берарсиз, отахон?!

- У эртадан интернетдаги сайтимга кирса, бемалол кўриши мумкин.

- Қандай яхши!

Мадлен аввал Интизорга, сўнг рассомга маъноли табассум билан қаради. Ўзидан фавқулудда бир янгилик кутишаётганига ишонч ҳосил қилгач, ортига тисарилиб, тантанали оҳангда эълон қилди:

- Григорий Богданович, буюк асар яратилганини нишонлаш керак!

- Албатта, мен розиман.

- Америкада ўзбек паҳлавони расми чизилгани ва бу қаҳрамон унинг севгилиси бўлгани учун Инди ўзбекча палов дамлайди.

- Жоним билан!

- Мен битта виски оламан, улуғ рассом билан битта бинода яшаётганим ҳақида фахрланиб нутқ сўзлайман! Яхшими?

- Нақадар гўзал, Мадлен! Баҳоси йўқ аёлсан!

- Кечқурун ҳеч қаёққа кетиб қолманг, соат ўн тўққизда сизникида бўламиз!

- Ўзбекча меҳмондорчиликми?

Интизор ўнг қўлини кўксига қўйиб, бироз эгилди.

- Ўзим меҳмон қиламан!

Қизлар кетишгач, ярим соатдан сўнг Богдановичнинг телефони жиринглади...

\* \* \*

Олим билан Ботирда умид пайдо бўлди.

- Лидия чиндан ҳам Павел Ивановичнинг қизи, шекилли, жавобига қараганда шошиб қолган, бир соатдан кейин етиб келаркан.

Ярим соат ўтар-ўтмас, Павел Иванович тансоқчиси билан кириб келди. Унинг кўзлари ёнар, кутилмаган воқеа уни талвасага туширгани чеҳрасидан сезилиб турарди. Ажабки, қўлида тўппончаси кўринмас, тансоқчиси ҳам қуролсиз. Бояги ғазабидан асар қолмаган, ўзини сипо тутишга уринарди.

- Алиқ, қизимни қаердан танийсан?

Олим ўзини бепарволикка солди. Саволни умуман эшитмагандай, тескари қараганча тураверди. Павел Иванович панжара яқинига келди.

- Мен қизингни танимайман, бирор марта гаплаш-

маганман, тушунарлими?

Тансоқчи олдинга ўтди-да, Олимга ўдағайлади:

- Тўғрисини гапир, Алик, бу хўжайин учун жуда муҳим!

Олим ўзлари кутган воқеа содир бўлганини сезди. Тансоқчи панжарани ушлаб, Олимга рўпара келди.

- Сенга ҳам...

- Мен рост гапни айтдим. Ишонмасанг, мана, Ботирдан сўра!

Ботир қитмирларча бош силкиди. Вазият улар томонга оғаетгани ҳар икки тарафга аён эди.

Олим вақт ўтказиш учун атайлаб гапни чўзар, Ботир ҳам орада қўшилиб, хўжайин билан тансоқчини чалғитарди. Уларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, тепага чиқиб кетмоқчи бўлишган бир пайтда, сўнгги урф бўйича кийинган ўн саккиз ёшлардаги қиз ёнида бир йигитча билан кириб келди. Унинг шашти баланд, жаҳли чиққани, ўзича катта муаммони ечишга чоғлангани, Павел Ивановичдан норозилиги бир қарашдаёқ маълум эди.

Улар Павел Иванович ва тансоқчига эътибор бермай, панжарага яқинлашишди. Бошлиқ шошиб қолди.

- Лидия, сен... сен бу ерга нега келдинг?

У безовталанди, ўзини қўярга жой тополмай, саросимага тушди.

Қиз отасининг сўзларини эшитишни ҳам хоҳламади. Бир қўли билан панжарани ушлади-да, Олимга «Сени нима қилиб қўйишди?» дегандай меҳр ва ачиниш билан термулди.

- Салом, Алик!

- Салом, Лидия, яхшимисиз?

- Сиз билан шундай вазиятда танишаман, деб сира ўйламаган эдим...

Қизнинг ёнидаги йигитча Олимга ҳавас ва қизиқувчанлик билан қўл узатди.

- Салом, Алик, мен Славик, Лидиянинг укаси!

- Демак, Павел Иванович дадаларинг бўлади, шундайми?

- Афсуски, ҳа! - Лидия Павел Ивановичга истеҳзо билан қаради. - Шу киши дадамиз бўладилар...

- Қандай ишлар қилаётганини биласизларми?

- Ҳаммасини эмас! Янги хотинчалари билан бизга кўрсатган томошалари ўзлари ҳақидаги «ғариб» тасавурумизни бойитиб юборяпти...

Гап тугагандай, ҳамма жим қолди. Юракни эзган оғир сукунатни бузишга ҳеч кимнинг ҳафсаласи бўлмади. Ниҳоят, Лидия тилга кирди.

- Дада, - Павел Ивановичга ўтирилди қиз. - Сиз буларни озод қилишингиз керак!

Павел Иванович кутилмаганда қувониб кетди.

- Булар мени музлаган ҳовузга ташлаб қийнашди, ишчиларимни қочириб юборишди.

- Ишчиларимни эмас, қулларимни де, Павел Иванович...- луқма ташлади Олим.

- Буларни озод қилганингиздан кейин иккаламиз гаплашамиз...

- Илтимос, Лидинка, ишларимга аралашмасанг, яхши бўларди.

Лидиянинг жаҳли чиқди. Ортига ўтирилиб, дадасига тик боқди. Кўзлари нафрат билан тўла эди.

- Ёш хотинчангиз Изабелла хонимнинг бир оғиз гапи сиз учун қонун, ўз фарзандларингизнинг илтимосини нега назар-писанд қилмайсиз?! Ойимтилланигизни биздан аъло кўришингизни яна бир карра ишотлади, дадажон!

Павел Иванович қизига эътироз билдиролмади.

- Дада, илтимос, буларни кўз олдимда озод қилинг!

- Мени ноқулай аҳволга соляпсан, ишларимга аралашма, десам тушунмаяпсан.

- Тушунишнйям истамайман...

- Сенга битта саволим бор.

- Хўш?

- Булар сенга ким бўлади?

Лидия ўзини йўқотмади.

- Дўстларим, уларни Москвада ҳамма ҳурмат қилади... Жавобим қониқарли бўлса, буюринг, эшикни очишсин!

- Мени кечирасан-у чиқаролмайман!

- Нега?

- Улар мени 150 минг долларга туширишди.

- Кечирасан, Павел Иванович,- кутилмаганда гапга аралашди Олим, - сен ишчиларингга саккиз ойлик ҳақини бердинг ва озгина товон тўладинг. Лидия, сиз бизни озод қилишини сўраманг!

- Нега?

- Бир соатдан кейин Петрович келса, Павел Ивановичга сичқоннинг ини минг танга бўлади...

Гарчи Олим айтаётган гапига ўзи ишонмаса-да, унинг мазмуни ва қатъий оҳанги Павел Ивановични шошириб қўйди. Бошлиқ тансоқчисига буюрди:

- Эшикни оч!

У қулфга калит солиши билан Павел Иванович қолганларга юзланди.

- Ҳамма чиқиб турсин, Алик билан ёлғиз гаплашим керак! Фақат тезроқ!

Лидия, укаси ва тансоқчи чиқиб кетишди. У панжара олдига келди.

- Сенларни қизимнинг илтимосига биноан озод қиламан. Аммо бу ердан бир шарт - бўлиб ўтган воқеаларни Петровичга айтмаслик шarti билан чиқасанлар!

- Яхши, Павел Иванович, - деди Олим, - меням шартим бор!

- Гапир!

- Мажмуангда қолиб ишлаётганларга зарар етказсанг, Петровичга эмас, ШЕФга айтишга тўғри келади!

Павел Иванович бўшашди. Шарт қўйганидан пуншаймонга ўхшарди.

- Келишдик...

У эшикни очди.

Иккови дарвоза олдига боришганида, Лидия билан Женья уларни кутиб туришар, тунов кунги сочи ўсган ориқ одам ҳам шу ерда эди.

- Ака, бирор гап бўлса қўнғироқ қиласизлар! - Олим шундай деб унга телефон рақами ёзилган қоғозни узатди. - Сизларни ҳеч ким чертмайди, маошни вақтида беришади.

- Раҳмат, ука, қилган яхшиликларингиз биздан қайтмаса, Худодан қайтсин...

Улар хайрлашишди.

Олимнинг машинаси ёнида янги, оппоқ «Жип» савлат тўкиб турарди. Лидия унга яқинлашди-да, Олимга қаради.

- Алик, орқама-орқа кетамиз, район марказида тушлик қиламиз, розимисан?

Олим бош ирғади. Ботир олд ўриндиққа ўзини ташларкан, Олимга жилмайди.

- Жигаридан урганга ўхшайсан, Алик!

Олим мийиғида кулди. Лидиянинг ўзидан кўз узмай, рулга ўтиришини кузатиб, кўнглидан изтироб аралаш ёқимли туйғулар кечди.

- Шу етмай турувди...

\* \* \*

Улар машиналарини икки қаватли кафенинг автомобиллар турар жойига қўйиб, ичкарига киришди. Официант алоҳида хонада ўтиришни таклиф қилди.

- Бугун тушлик менинг ҳисобимдан!

Қиз уларга самимий таклиф қилди. Лекин Олим агар вазият шундай бўлса, ўзи кафедан чиқиб кетишини айтганида, Лидия дарров хатосини тўғрилади:

- Майли, ҳаммаси ўртада бўлақолсин!

Олим бунга ҳам қўнмади.

- Одатимизга кўра, пулни йигитлар тўлайди!

Лидия эътироз билдирмади, аксинча, у ўзига яқин олаётганини ҳис қилиб ичидан севинди.

- Лидияхон, - деди Олим илтифот билан, - таомларни танлаш ва буюриш имтиёзингиз бор!

Лидия жилмайиб, ўзига ширинлик буюрди. Бошқалар таомномага амал қилишди.

Лидия тушлик давомида кўп нарсаларни сўраб олмақчи эди, аммо Олимни эшитишдан, унинг саволларига жавоб қайтаришдан бошқа иложи қолмади. Шунга қарамай, дилидагини тилига чиқаришга имкон топди:

- Қандай қилиб дадам билан можарога кирганларингга тушунолмаёпман...

Унинг саволига Ботир жавоб берди:

- Бунинг тарихи узун, Лидия.

Қиз астойдил қулоқ солди.

- Бир кун телефоним жиринглади. Кўтарсам, адашиб тушган экан, аммо аёлнинг ташвиш ва қайғули овозидан бошига катта кулфат тушганини сездим. Россияда ўттиз нафар ўзбекистонлик барча ҳақ-ҳуқуқларидан жудо қилиниб, қулдан баттар ишлатилаётгани, тезроқ ёрдам берилмаса, аҳвол оғирлигини айтди. Бир кундан кейин яна йиғлаб, қўнғироқ қилди.

- Кейинчи, кейин нима бўлди?

Қизнинг нигоҳларида қайғу, ачиниш ҳислари аксланди. Укаси билан кўз уриштириб олди-да, яна Ботирга савол назари билан боқди.

- Алик икковимиз қидириб келдик, билсак, уларни қийнаётган киши отанг экан!

Қолган воқеаларни Олим гапириб берди.

Қизнинг қўнғлидаги нафрат юз-кўзига кўчди.

- Очиқ айтинглар, дадам қандай зулм ўтказган?

- Павел Иванович саккиз ой уларни қулдек ишлатган, бир кишини уриб ўлдирган, зулм зонасидан қочишга ҳаракат қилганларни музлаган бассейнга

ташлатган, иккита ёш аёлни эса фоҳишахонага ташлаган. Ўзи биттасининг номусига теккан! Энг ачинарлиси, ўттиз нафар одам, оиласи, юрти ва умуман жамиятдан узилган. Уйдагилари билан гаплашишга рухсат бермаган, уларга беш юз доллардан маош ваъда қилиб, сўзининг устидан чиқмаган. Ваҳоланки, Павел Иванович бошлиқдан уларнинг ҳар бири учун ойига минг доллардан пул олган. Биз келиб, уларни озод қилдик ва маошларини олиб бердик. Ҳозир уларнинг йигирма нафардан кўпроғи уйига етиб борди. Қолганлари шартнома асосида ишлашяпти.

Олимнинг ҳикояси Лидиянинг юзларида уят изтиробини, серкиприк қароқларида ёш томчиларини пайдо қилди.

Ташқарига чиқишганида қиз Олимдан четроқда гаплашишни илтимос қилди.

Уларнинг суҳбати бошланар-бошланмас, Лидиянинг телефони жиринглади.

- Эшитаман, дада!

Олим нарироқдаги скамейкага бориб ўтирди. Қизнинг гаплари бемалол эшитилиб турарди.

- Ҳозир вақтим йўқ!

...  
- Москвага кетаман, кеч қолишим мумкин. Шартми?

...  
У нималарнидир мулоҳаза қилиб, ўйланиб турди-да, охири:

- Бўпти, бир соатда етиб бораман! деди.

Олим етиб борганида қиз асабий ҳаракат билан телефонини сумкасига солди. Ва унга маъюс термулди:

- Кечки пайт учрашгани вақтинг борми, Алик?

Олим ўйланиб қолди. «Бу қизнинг мақсади фақат мен билан танишишми ёки бошқа режаси ҳам бормикан? Ишқилиб, унинг ортида Дронкин сингари қит-



мирлар турмаганмикан?»

- Кечки пайт қўнғироқ қиламан!
- Ишонсам бўладими ё ўзим чиқайми?
- Ёдимдан кўтарилмайди.

Лидия укаси билан кетди.

Йўлга тушишгач, Ботир ўз кўнглида пайдо бўлган мулоҳазани билдирди:

- Менимча, у севиб қолган, Олимжон!
- Қаердан билдинг?
- Гапирганида кўзлари ёниб, сен томон талпиниб турибди. Бундан ташқари, шунчаки танишиш учун узоқ йўл босиб келмайди, бизни озод қилиш учун дадаси билан можарога бормайди! У ҳатто жанжаллашиши мумкин эди.

- Нега бунчалик ишонч билан гапиряпсан?
- Дадасининг ойимтилласини гапириб, оғзини ёпиб қўйди, озод бўлганимиз учун бошқа гапларни ичига ютди.

- Яна қандай далилинг бор?
- Бунақа қизлар сендақа келишган, Москвада обрўси баланд йигитларни ҳаммадан олдин илинтиришни кўзлашади.

Олим ҳам «Ботирнинг гапларида жон бор, Лидиянинг туйғулари чин, шекилли», деган хаёлга борди. Чунки бир вақтлар Галина ҳам ўзига кўзлари чарақлаб, шўхчан кайфиятда термулар, ёнидан кетгиси келмас эди. Олим бугун Лидияга қараб, Галинани эслади. Қаерда яшайпти, нима ишлар қилипти, ҳомиладорми-йўқми эканлигини билгиси келди.

Ботир:

- Ишонмаяпсан, шекилли, а? - деганда ҳам ўз хаёллари билан банд эди. «Ишқилиб, Лидия ҳам Галинага ўхшаб мендан фарзанд кўришни кўзламаганмикан?»

- Гапинг тўғрига ўхшайди, Ботир!
- Ҳеч қачон туйғуларим алдаган эмас! Аммо бу ерда

бошқа масала бор.

- Қандай?

- Петрович билан ишлайдиган бўлсанг, Лидия ҳа-  
ёлингни чалғитиши мумкин...

- Кейинги пайтларда кўп қизлар «Дўстлашиш» каса-  
лига мубтало бўлишган. Лидияда ҳам ўшаларникидақа  
ҳавас туғилгандир-да...

- Яхши бўларди...

Москвага яқинлашганларида Петрович қўнғироқ  
қилиб, тез етиб боришларини тайинлади.

- Тинчликми?

- Келганингда айтаман, Ботир ҳам биргами?

- Ёнимда.

- Яхши, тезроқ кел, мен Рязанга кетаман.

Олим машина тезлигини оширди.

- Ҳафта охирида Италияга кетишга тайёргарлик кўр!

Олим Петровичнинг фавқулодда топшириқларига  
кўникиб қолган эса-да, бу галгиси уни доводиратиб  
қўйди. Ахир юртга бориб, уйини ишончли одамга  
топшириши, бувисининг сўнги маросимларини ўт-  
казиши керак-ку! Балки вазиятни Петровичга тушун-  
тирса, вақт берар...

У дилидагиларни айтиб, бошқа сабабларни ҳам қўшиб  
тушунтирди.

- Иложи йўқ! - рад этди Петрович кескин. - Жанг  
кейинги ҳафтанинг шанбасига белгиланган. Дунё-  
нинг барча мамлакатларидан жангчилар, юз минглаб  
евро тикадиган автомобиль, мода ва саноат магнатла-  
ри келади. Имкониятни ўтказиб юбормаймиз!

Петрович Олимга ҳавас билан боқиб турган Ботирга  
юзланди.

- Сен ҳам борасан, Ботир, Қозоғистонда юравермас-  
дан, дунёни кўр!

Олим илтимоси қабул қилинмаслигини тушунди.  
Петрович суҳбатга яқун ясади.

- Бугундан тайёргарликни бошланглар, икковинг

ҳам ёдингда тут: биринчи боришда ютиб чиқсак, дунёни забт этган бўламиз.

Олим билан Ботир ғурурланиб бир-бирига, сўнг Петровичга қўл ташлашди.

Петрович кетиш олдидан:

- Уйдагиларни хотиржам қил, пул бўлмаса жўнат! - деб бир боғлам доллар ташлади.

Кечга яқин иккови энгил тамадди қилиб, спорт залига боришди. Ярим соат югургандан кейин машқларни бошладилар.

Машғулот ярмига етмай кутилмаган, кўнгилсиз ҳодиса рўй берди. Ҳар сафар шуғулланганда, кучига куч қўшилган Олим бу гал нимагадир бўшашиб, тинкаси қуригандай ўтириб қолди. Аввалига шунчаки чарчадим, деб ўйлади. Аммо машқлар бошланиши билан бешбаттар толиқди. «Тавба! Касал бўлиб қолдимми? Ё Павел Ивановичнинг ертўласидаги зах таъсир қилдимикан?»

У хизматкор аёлга кўнғироқ қилиб, кофе келтиришини сўради. Ботир машқ ўртасида ичимлик зарарлигини эслатмоқчидай Олимга қаради. Аммо у тетиклашиш умидида кофе хўплаётганди. Афсуски, кофе бошини оғритгандай бўлдию, куч бермади. Бироздан сўнг кутилмаганда шаффоф бўри ёдига тушиб, кўрқиб кетди. Вужудига куч бағишлаб, қалбида шиддат-шижоат туйғусини уйғотган БЎРИ қани?! Ҳар сафар ёнма-ён югурарди, жангларда танасига сингиб кетганида кучга тўлганини сезмай қоларди. Зарда қилган илҳом парисидай қаёққа ғойиб бўлди? Энди қаердан топади, излаган билан топиш мумкинми?

- БЎРИни топ!

Овоз ташқаридан эшитилдими, тепадан тушдими, билмай, атрофга аланглаб турганида овоз яна жаранглади:

- БЎРИни топ!!

Буйруқни Ботир ҳам эшитаётгандай унга қаради. У

машқларни енгил бажарар, рақибини муштлаётган каби шиддат билан ҳаракат қиларди.

Олим ўзидаги нохуш ҳолатни сездирмаслик учун қийналиб бўлса ҳам бир-иккита машқ бажарди. Ботирдан олдин ювинишга чиқиб кетди.

Артиниб, сочларини қуришиб, диванда чўзилиб ётганида Ботир кирди.

- Тинчликми?

Олим унга қараб, ҳаммасидан хабардор эканини, яшириш фойдасизлигини, биргаликда чора излаш зарурлигини тушунди...

\* \* \*

Павел Иванович қизи ва ўғлини сабрсизлик билан кутиб турарди. Машинадан тушишлари билан иккинчи қаватдаги идорасига бошлади.

- Ярим йўлдан қайтаришингизга арзирли сабаб борми, дада?

- Бор! - деди Павел Иванович уларни игна устида кутгандай асабий.

- Бир оғиз гапинг учун душманларимни озод қилдим, аммо сен мен билан ҳатто хайрлашмасдан ҳам улар билан кетишинг жаҳлимни чиқарганини биласанми?

Лидия отасига терс ўтирар, дунёни остин-устун қилиб юборса ҳам отаси билан гаплашадиган сиёқи йўқ эди.

- Нима гапингиз бор?

- Улар билан қаерда, қандай танишганинг, муносабатларинг қай даражада эканлигини билмоқчиман!

- Улар - дўстларим! Хотирангиз панд беряпти, шекилли

- Алик сен билан таниш эмаслиги, умрида бирор марта гаплашмаганини айтди.

- У адашибди, дада, келишимдан олдин икки марта

телефонда гаплашганмиз. Ҳозир ҳам улар билан тушлик қилдик...

Павел Иванович бўшашди. Аммо масаланинг тубига етмагунча савол беришдан тўхтамоқчи эмасди.

- Нега қизиқиб қолдингиз, ҳайрон бўляпман, дада?

- Шу важданки, - Павел Ивановичнинг чехраси қаҳрли тус олди ва кўзларини ола-кула қилиб, гапларимни уқиб ол, дегандай ўқрайди. - душманам билан дўст бўлишингни асло истамайман, қизим бўлсанг, гапимга кўнасан!

Лидия жим қолди. Павел Иванович кўнглида «гапларим таъсир қилди шекилли», деб ўйлаб турганида Лидия дадасига алам тўла кўзларини қадади.

- Ойим ўлганига олти ой бўлмасдан нима ҳунар кўрсатдингиз? Славик иккимиз «Ўша ойимтиллага уйланманг, онам хотирасини ҳурмат қилинг!», деб ўтинганимизда, илтимосимизни бир тийинга олдингизми?! Энди нега қадр талаб қиласиз?!

Павел Иванович бир неча дақиқа жим қолди. Лидия хонадан чиқиб кетишни ҳам, жавоб кутишни ҳам билмай турганда дадасининг елкалари силкинаётганини сизди, у томонга қараганда кўз ёшларини кўриб, раҳми келди, аммо кўксидаги дард бу раҳмини сиқиб чиқариб, ўрнига қаҳр-ғазабни жойлади.

- Мен ойингни унутганим йўқ, у - юрагимда! - Павел Иванович кўрсаткич бармоғини кўксига нуқиди, аммо Лидиянинг назарида, унинг йиғиси ҳам, титроқ тўла овози ҳам сохта чиқаётганга, гўё навбатдаги родини ўйнаётганга ўхшади.

- Дадажон, юрагингиз шунчалар каттаки, ойим ҳам, бошқа аёл ҳам бемалол сиғаверади. Бунинг устига, ишонаманки, у хотин каттароқ қисмини эгаллаган!

- Билмаган нарсангни гапирма! Ойингни ҳеч қачон унутмайман, менинг ёшимда аёлсиз яшаш мушкуллигини бир куни тушуниб оласан!

- Мен нафақат сиз айтган ҳолатни, балки айтмаган,

айтишни лозим топмаган, аксинча, яшириб юрган бошқа «ҳақиқат»ларингизни ҳам биламан, дада. Бир вақтлар ойимтилланингизга юборган хатингизда юрагингизда фақат у борлигини катта-катта ҳарфлар билан ёзганингизни унутдингизми?

Бундай сурбетлик ва инкор қилиб бўлмас далилни кутмаган Павел Иванович изза тортди. Ҳатто қизига «Нега хатимни ўқигансан?» деган маънода ўқрайди. Лидия ташаббус тизгинини қўлидан қўймай изоҳ берган бўлди:

- Қўрқманг, хафа бўлишга ҳам шошилманг, хатингизни ўқимаганман, бу гапни севимли хотинчангиз ойимнинг туғилган кўнида «ажойиб совға» сифатида ўзи гапириб берган! Ушандан бери юрагим зада!

- Лидия, сен гапни бошқа томонга буриб юборяпсан, кел, Алик билан муносабатларингга чек қўямиз, сендан илтимос, бу менга зарар келтириши мумкин!

- Менинг ҳам илтимосим бор!

- Айт, бажараман!

- Шахсий ишларимга, туйғуларимга аралашманг! Вояга етган, мустақил фуқаро эканимни, ҳуқ-ҳуқуқларимни ҳурмат қилинг! Бошқа гапингиз бўлмаса, мен кетишим керак, бир соатдан кейин Алик билан кўришмоқчийдик!

Қизнинг телефонида мусиқа чалинди. Лидия ула-ниш тугмасини босди-да, дадасининг қулоғига тутди.

- Ишонмасангиз эшитинг, бу - Алик!

Павел Иванович тақдирга тан берган одамдек шаштидан тушиб, бош эгиб қолди. Аммо бирданига Лидиянинг йўлини тўсди.

- Сендан охирги илтимосим бор.

- Тезроқ гапиринг, дада!

- Аликнинг телефон рақамини кимдан олгансан?

- Галинадан!

- Сен ойимтилла деб ҳақоратлаётган Изабелла ҳам ундан олганми ёки сен берганмисан?

- Мен бермаганман, у эрталабдан кечгача Аликнинг дискини кўради, ўзига ўхшаган бирорта дугонасидан топгандир-да!...

\* \* \*

Боя «Бўрини топ!» деган овозни эшитган Олимнинг кўз олдига кекирдаги кесилган бўри ва қон келган, ҳатто ҳиди сезилгандай бўлганди.

У ботинига назар ташлади, томирларида нимадир етишмаётгандай, вужуди қонга ташнадай. Бир неча сония ўзи билан ўзи гаплашди, ичидаги одам нима қилиш кераклигини тушунтирди...

Кечки пайт Лидияга бугун учрашолмаслиги, эртага кечқурун Москва дарёси бўйидаги очиқ йўлакда кўришишни айтганда қиз иложсиз рози бўлди.

Ботир Москва четидаги туманлардан бирида зоопарк борлигини аниқлади. У ер узоқ эмас. Қирқ километр юришгандан кейин аэропортдан ўтиб, чапга бурилишди. Марказий кўча хиёбонидаги зоопаркда уларнинг излагани бор эди...

Бўри панжара ортидаги қафас ичида бир неча марта айланди, гингшиб овоз чиқарди, сўнг Олимга яқин келди. Қарашларида ўзига яқинлик борлигини туйгандай, тикилиб тураверди...

Олим БЎРИНИ жуда соғинганини, озгина кўрмай юрса, ичкиб қолишини сизди.

Ботир Олимни туртди.

- Мана шу яхши!

Қафас эшигини очиш муаммосини ўйлашмаган экан. Қулф мустаҳкам, лом билан айлантириб очиб бўлмайди, тунда арра тортилса, зоопарк оёққа туриб, режа барбод бўлади... Нима қилиш керак?

Панжарага ўйчанлик билан тикилган Ботир бирдан жонланди-да, Олимга қаради.

- Йўлини топдим, кетдик!

Уйга келишганида хизматкор аёл кечки таомни тайёрлаб, уларни кутиб ўтирарди.

\* \* \*

Ярим кеча. Икки қора шарпа вагон-қафаслардан ҳосил қилинган девордан ошиб тушишди. Зоопарк осойишталик оғушида. Ходимларнинг баъзилари телевизор кўришар, қолганлари шаҳар айлангани кетишгани учун қоровул бемалол эди. Хайвонлар емишларини еб, лунжларини ялаб-ялаб уйқуга кетган, бириккитасигина уйғоқ.

Иккови бояги қафас олдига келиб, кутилмаган вазият устидан чиқиб қотиб қолишди. Бўрининг қафаси олдидаги панжара кўринмас, ўрнида темир қопқоқ бор эди. У алоҳида қулфланган. Олим унга қўлини теккизиши билан ичкаридан бўри овоз чиқарди. Қопқоқ шунчалик зич беркитилган эдики, ҳатто ичкарига нур тушмайди. Олим хира нур таратиб, қисқа масофани ёритадиган фонарни ёқиб, синчковлик билан тикилди-да, қулф зулфини пайвандланган жойидан озгина кўчганини, халқаси орасига лом солиб айлантирилса, бутунлай кўчиб кетишини аниқлади.

Унинг тахмини тўғри чиқди. Зулфин кўчаётганда «таранг» деган овоз чиққанини ҳисобга олмаганда, иш хамирдан қил суғургандай битди. Энди иккови ломни ишга солишди. Ботир панжара орасига ёғоч қўйиб турди, Олим аввал ўнгдаги темирни, сўнг чапдаги темирни қайирди. Панжара ораси кенгайгач, Олим қафасга кириши билан бўри унга ташланди. У абжирлик билан ўзини четга олди, бўри ортига қайрилгунча бутун қувватини билакларига тўплаб, жондорнинг бўйнидан бўғди. Бўрининг нафаси қайтиб хириллаб, Олимни тирнай бошлаганида, Ботир унинг оёқларини боғлади. Бошига қалин брезент матодан тикилган қопчиқ кийгизди. Сўнг икковлашиб типирчилаётган



махлуқни қопга солиб, оғзини боғлашди.

Москва яқинидаги бу кичик ўрмонга Олим аввал ҳам бир марта борган, қушлар нағмаси-ю табиат ифорида баҳраманд бўлиб кечгача юрган, хилват жойларини ҳам яхши биларди. Ҳозир бўрини кўтариб келишганда ярим тундан ўтган, тонг ёришишига бир неча соат қолганди. Энди шошилиш керак! Ботир қоп оғзини очиши билан бўри оёқларини қимирлатиб, боғламдан чиқаришга интилар, тишларини гижирлатиб, таҳдид қиларди.

- Иккала оёғини маҳкам бос!

Ботир бўрининг оёқларини бирлаштириб, оёғи билан эзди, қўли билан тепароғидан босиб турди. Олим қассобларга ўхшаб, қисқа дуо ўқиди. Сўнг бўрининг тумшугидан ушлаб, бошини қайирди-да, кекирдаги тепасидан пичоқ солди. Бўри жон талвасасида типирчилади, бўғзидан қон отилган сайин талвасага тушарди. Ботир фонарни бўрининг бўғзига тўғрилади. Қорамтир қон тизиллаб отилар, қорни бўямоқда эди. Олим секин ерга ётди-да, бўри қонидан ютоқиб ича бошлади...

Бироздан кейин бошини кўтариб, оғзидаги қилларни оларкан:

- Сен ҳам ич! - деди. Ботир Олимнинг ўрнини эгаллаб, бир неча хўплам қон ютиши билан сесканиб кетди. Аммо Олимнинг далдаси билан анчагина симириди. Сўнг оғзи четидаги қонни артаётиб, фонарни бўрига қаратди. Вужуди шалвираб қолган эди...

Бўри мурдасини дарахт ортидаги хандақсимон чуқурга ташлаб, қор билан кўмишди. Қон тушган жойларга ҳам қор ташлашди.

Улар хонага етиб келганларида ҳамма жойида ухлар, атроф осуда эди...

Икковлари қаватга кўтарилаётганларида Ботир Олимга қаради. Аммо ҳеч нарса демади. Аввал Олим, сўнг Ботир ваннада чўмилиб чиқишди.

Ботир ўрнига ётаётганида ўзига ўзи гапиргандай бўлди.

- Кўнглим айнияти...

Олим бу ҳолатни бошидан кечиргани учун далда берди.

- Ўтиб кетади.

У ярим кеча ҳожатга чиққанида Ботир ҳамон уйғоқ ётар, кечинмаларини билиш қийинмасди. Кўзлари чақнар, қимирлаганда вужудидан куч ёғилаётганга ўхшарди. Олим жойига қайтаётганда Ботирнинг кийинаётганини кўриб, таажжубга тушди.

- Тинчликми?

- Тонг отиб қолди, бирпас шуғулланмоқчиман.

Олим вужудига қулоқ солди: танасида ғайрат кўзг-олган, оёқлари ерга тегмай юраётганга ўхшарди. Уйқуси қочган бўлса ҳам ёстиққа бош қўйиб, кўзларини юмди...

...Кенг саҳрода юрибди. Атрофда бўрилар, ҳаммаси шаффоф. Олим югурган сайин улар учиб келиб танасига сингар, аллақандай куч уни юқорига тортарди. Мовий рангли чексиз коинот оёқлари остида ястаниб ётибди. Энди атрофдаги чарақлаган юлдузлар ҳам шаффоф бўрига айланиб, танасига сингиб кета бошлади.

У номаълум шарпани сезиб, ортига қаради, Ботир келяпти, Олимга етолмаган бўрилар унга тегарди...

Кўзини очиб кўрганлари тушми, хаёлидан кечдими, билолмади. Сакраб ўрнидан турди. Яшин тезлигида кийиниб, залга тушганида, Ботир йиртқичдан қочган кийикдай югураётганди. Унга қўшилиб югура бошлади. Ёнида иккита бўри ўлжа қувлаётгандай шиддат билан чопар, Олимга куч-қудрат бағишларди. Ярим соатдан кейин улар одатдаги машқларни адо этишди, сўнг Олим сакраб, икки-уч метрга кўтарилганга ўхшар, ўз оғирлигини кўтариш мутлақо қийинчилик туғдирмасди. Залнинг бошидан охирига икки марта

ҳавода айланиб борганида Ботир ҳайратдан ёқа ушлади.

- Браво, браво!

Петрович ярим соатча олдин келганди.

У энгил қарсак чалиб, Олимни олқишлади.

- Алик!

Олим савол назари билан қаради.

- Ишончим комил, биз, албатта, ютамиз! Италиядан дунёни забт этиб қайтамиз. Аммо талтайиб кетма. Мен ошпазга тайинлайман, таомингизга янаям куч берадиган масаллиқлар қўшади.

- Петрович, - сал кулимсираб гапирарди Олим, - полвоннинг мўъжизаси шуки, ҳамма билан баробар ейди, улардан кучли бўлади, полвонлик билакда эмас, юракда! Мана, бизнинг фалсафа!

- Яхши фалсафа, аммо биз кетаётган жой - дунё аренаси! У ерда фалсафалар тан олинмайди. Фақат куч, бешафқатлик ва ғалабага пул тикилади.

- Худо хоҳласа, сизни уялтириб қўймаймиз, Петрович!

- Ҳозиргача хурсанд қилдинг, кейин ҳам сенга ишонамиз, Алик. Қолаверса, икки дўст бир-бирларингга далда бўласизлар.

Олим гурурланиб кетди.

Амалдорлар, магнатлар таъзим қиладиган Петрович унинг атрофида парвона. Бу одам учун биринчи ўринда пул эмас, ўз одамлари катта жанглarda ютиб чиқса, бас. Рақибларни мот қилиб гурурланиш - миллион доллар топгандан афзалроқ!

Икки кундан кейин ташқарига айлангани чиқишганда Интизор кўнғироқ қилди.

- Богдановичнинг сайтига кириб суратингизни кўришингиз мумкин! Мен аллақачон кўрганман!

- Сизга ёқдими?

- Ўзи ёқади-ю, сурати ёқмасмиди?!

Соғинчи ҳаяжонли овозидан ҳам сезилиб турарди.

Кайфияти кўтарилган Олим ўзида йўқ севиниб кетди.

- Сизни соғиндим, Инди!

- Мен ҳам...

- Сиз доим мени интизор қилишга туғилган экансиз, а?

- Нега ундай деяпсиз?

Олим бу саволга жавоб бермади, аслида жавоб шарт эмаслигини Интизор ҳам англади.

- Қачон кўришамиз?

- Бир ойдан кейин курс машғулотлари тугайди, Москва орқали қайтсам, ўша ерда кўришамиз. Аммо менимча, юртимизда кўришганимиз маъқул. Ўзбекистонни соғиндим, дадам, ойим, укаларим ҳар куни тушимга киради

- Тўғри, уларни ҳам интизор қилворибсиз...

Олим бир нафас жим қолди. Билинар-билинемас хўрсингани Интизорга ҳам эшитилди.

- Сиз ҳам соғиндингизми?

- Кимни?

- Дўстингизни

Олим уни тушунди ва мийиғида кулиб:

- Жиннивой, унақа ҳазиллашманг! - деди.

- Ҳазиллашаётганим йўқ, дўстликни назарда тутяпман. Ҳеч бўлмаса ўзи кўнғироқ қилаётгандир.

- Бошқалар билан гаплашишга вақтим йўқ...

- Яхши. Таклифларимни ўйлаб кўрдингизми?

- Албатта! Мен учун қайғурдингиз, раҳмат. Қачонгача юртдан узоқда дайдиб юраман? Европага бориб келгач, Ўзбекистонга қушдек учиб кетаман. Аммо сиз Америкага қочиб қолмайсизми?

- Сиз қаерда яшасангиз, мен ҳам ўша жойдаман!

Интизор қайтишидан олдин Олимга кўнғироқ қиладиган, Москвада кўришиб, юртга бирга қайтадиган бўлиб хайрлашишди.

Интизор Заринани бежиз эслатмади. У кўнғироқ қилиб, Москвага хайрлашмай кетганидан гинасини

билдирган, азобларини енгилга ёрдам ваъда қилганини, ваъдага вафосини кутаётганини эслатиб қўйган эди.

«Зарина бирорта дўстига ичини бўшатган бўлса, у Интизорга етказдимикан?»

Кўнгил уни инкор қилади: Интизор шунчаки жигига тегмоқчи...

Олим хурсанд: қизлар билан боғлиқ саргузашт ва таассуротлар зерикашга йўл бермаяпти. Ҳаёти кутилмаган воқеаларга бой. Лекин Зарина ҳақида ўйласа, миясига ҳар хил фикрлар келади. Мақсади нима? Муносабати жиддийми ёки шунчаки кўнгилхушликми?

Охирги марта учрашганида кўзларига тикилиб, дўстлик меҳрини эмас, муҳаббат алангасини кўрганди. Интизор билан яқинлиги, Олим уни севгани учун ўзини тийиб юрганга ўхшарди. Телефонда ҳам гинасини тушунди.

Ҳозир Интизорнинг пичингини ўйласа, Зарина билан муносабатлари кўнгилсизлик келтирадиганга ўхшайди. Юртга боргач, қиз билан очиқ-ойдин гаплашиб олишга қарор қилди.

Олим кечинмалар гирдобида турганида уни Петрович йўқлади...

\* \* \*

Диёранинг азонда ҳовли супуриши, саришталик билан нонушта тайёрлаши, катта-ю кичикка чиройли муомаласи, энг муҳими, улар кўнглини топиб гапириши, оддий оилала ўсган бўлса ҳам диди баландлиги Шохбозларникидагиларни қувонтирди. Нозик меҳмонлар, кайвони аёллар, яқин қариндошлар келишганда кўз юмиб-очгунча, дастурхонни яшнатиб юборади. Қайнонаси Сурайёнинг таърифича: озгина нарсани кўпдай кўрсатади! Ҳамма ишга улгуриши эса

оила аъзоларида унга нисбатан ҳурмат уйғотган.

Диёра Шоҳбозга меҳр қўйди, аввалги туйғулари тиниқлашиб эҳтиромга айланди.

Қайнотаси ва Шоҳбозга ёқадиган энг муҳим хислати - улар ишдан келишганида доим аъло кайфиятда, кулиб қаршилайди!

Шоҳбоз аввалги гуноҳлари учун ўзини айбласа, бугунги омади учун Олимни дуо қилади: Диёра келгандан бери ишлари юришди: кичик тумандаги иккала квартирасини сотиб, пулини бизнесга тикди, бир вақтлар Олимга беш миллион сўмни юрагини суғургандай берган бўлса, энди ҳаммасига рози! Бизнесдан катта-катта пул топяпти! Онаси эса соппа-соғ...

Кунларнинг бирида Зарина: «Ака, сиз керилишни, кибру ҳавони ташлашингиз керак!» деганида аввал аччиғи келганди. Мана энди тақдирдан мамнун!

Ҳозир Диёра билан Зарина опа-сингилдан ҳам яқин. Зарина севги дарди билан қовурилиб юрган кезлари Диёра:

- Дардингизни айтиб, енгил тортинг! - дея кўнгил сўради.

Зарина «ялт» этиб унга қаради. «Наҳотки, сезган бўлса?!»

Диёранинг қарашларида «Ҳаммасини биламан!» деган фикр жилваланади.

Бугун Диёра поликлиникага кетганди. Зарина яхши кўрган китобини ўқиб тугаллаётганда у кириб келди.

- Кайфиятингиз яхши, демак, натижа сиз кутгандай!

- деди Зарина ҳушёрлик билан, - тўғрими, опажон?!

- Худога шукр! Ҳаммаси жойида.

- Айтгандим-ку, сиз ўгил туғасиз!

Диёра қувонч билан уни бағрига босди, икки юзидан ўпиб, ёнига ўтирди.

- Шоҳбоз акам суюнадиган бўлдилар!

Зарина Диёрага ҳавас билан термулди, кўнгилдан яхши ниятлар ўтди. Аммо дардли хаёллари изтироб

тўла кўзларидан сезилиб турарди. Синчков Диёра унинг бошини силади.

- Сиқилманг, - деди самимий оҳангда, - дардингизни мен билан бўлишинг, енгил тортасиз, асалим!

Зарина «Фақат сизга ишонаман», дегандай Диёрага боқди.

- Ичим тўлиб кетган, опа!

Унинг кўзларида ёш милтиллади.

Уларни ҳеч ким безовта қилмади, Зарина дарду ҳасратини тўкиб бўлди. Охирида:

- Севгим учун курашсам бўладими? - деганида Диёра ўйланиб қолди. Муаммони ечишга қийналаётган қиз Диёрадан жўяли маслаҳат чиқишидан умидвор эди.

- Икки қизнинг бир йигитни севишида ҳикмат бор!

Диёра нажот истаб, «Хўш, хўш?» дегандай давомини кутди.

- Бировнинг бахтини бошқаси тортиб ололмайди, - давом этди аёл, - у насиб этганга буюради. Менимча, ўз бахти учун курашиш хиёнат саналмайди. Орзуга айб йўқ! Унутманг, сиз Интизорнинг эрини эмас, уйланмаган йигитни сеvasиз! Курашишга вақтингиз бор!

Диёра бироз тин олди. Фикрини жамлагандан кейин Заринанинг кўзига қаради. У ҳайрат билан тикилиб турар, нажот йўли топилганидан қувонаётган эди.

- Олим ака севишингизни биладиларми?

- Ҳа, ҳатто менга ёрдам бермоқчи эдилар...

- Умид бор, Зарина! Сизга омад тилайман!

Диёра «Ишларимни қилай», деб чиқиб кетди. Зарина юрагида умид уйғонибгина қолмай, кураш учун дадиллик пайдо бўлди. Кўнглида Диёрага нисбатан «Эсон-омон кўзи ёрисин», деган яхши ният туғилди....

Ярим соатдан кейин Заринанинг халқаро сўзлашув марказига кетаётганини оила аъзоларидан ҳеч ким билмай қолди.

\* \* \*

Олим хизматкорга «Ҳозир бораман!» деди-да, кийимларини алмаштирди ва Петровичнинг ҳузурига кирди. Аллаким билан телефонда гаплашаётган Петрович Олимни кўриб, гапни қисқа қилди.

- Алик, Алик!

Ҳўжайиннинг кайфияти баланд эди. Олим кўлини маҳкам сиқиши билан янаям севинди.

- Омадимиз келяпти! Фақат икковинг ҳушёр бўл, отингни қамчила!

- Тинчликми, Петрович?

Олим «Айтинг, мен ҳам севинай», дегандай кулиб гапирди.

- Эртага Москвага Америка ва Шарқнинг кино магнатлари келишяпти, жангга ҳозирлик кўр икковинг! Катта кураш бўлади, энг муҳими, бошлиқ суратга олишга рухсат берди. Залнинг олти бурчагида камера сизларни тасмага туширади. Қандай маза! Менинг полвонларим бутун дунёга машҳур бўлади, ҳамма уларга тан беради, қарсак чалади!

Петрович муштини тугиб, билагини силкиб, илҳом билан гапирар, юрагидан тошиб келаётган завқи порлаб турган, катта-катта очилган кўзларида мужассам эди.

- Жангчилар қаердан, Петрович?

- Э, улардан чўчима, ҳаммаси сенинг олдингда пашша!

Олим бош қимирлатиб унга қўшилган бўлса ҳам, рақибга паст назар билан қараш мумкин эмас, деган фикрда эди. Бугун-эрта астойдил машқ қилиш ва улоққа кирадиган отдай тайёрланишни кўнглига тугиб қўйди.

- Кечга яқин врачлар келиб, икковингни бир кўриб кўяди. Соғлиқдан шикоятинг йўқми?

- Ҳозирча ҳаммаси жойида...



- Юрак фаолиятини, қонни текширади.

Олим унинг қон масаласидаги фикридан сал чўчиди. Бўрининг қони қўшилиб улгурганича йўқ. Доктор бу ҳақда бирор маълумотга эга бўлиши шарт эмас.

- Менимча, текширишларнинг кераги йўқ, биз яхшимиз!

Петрович буни «Ўз соғлигига қаттиқ ишонади», деган маънода тушунди.

- Сени тушунаман, Алик, лекин кескин жанглار, қалтис ҳаракатлар билан шуғулланадиган одам тез-тез врачга кўриниб туриши керак, унутма!

- Яхши!

Петрович Олим билан бошлашиб, ташқарига чиқди. Унинг билакларини ушлаб, бўртиб турган пайларидан кўнгли тўлди, шекилли, ғайрат ва қувноқлик билан:

- Маҳкам ушла, сенга ишонаман, Алик! - дея қўлларини мушт қилиб силтади.

Кечки пайт Москванинг энг тажрибали терапевт, руҳшунос, эндокринолог ва гематолог врачлари келиб, уларнинг ички органлари, юрак фаолияти, мия системаси ва қон таркибини текширувдан ўтказишди.

- Ҳаммаси жойида, жангга тушиш мумкин! - деган хулоса берилгандан кейин икковининг кўнгли хотиржам бўлди. Олим улар қон таркибини қай жиҳатидан таҳлил қилганларидан хабари йўқ, аммо бўри қони аралашганини билмаганларидан хурсанд эди.

Кечки таомдан сўнг ташқарига айлангани чиқишганда Ботир Олимдан муҳим гап сўрамоқчилигини айтди.

- Бемалол.

- Мен Қозоғистондаги жанглар қандай ўтишини яхши биламан. Аммо Москвада биринчи қатнашим. Жанг усули ҳақида озгина тушунча бера оласанми?

- Дискларни кўрганмисан?

- Ҳа, ҳамма жангларни ўзимча таҳлил қилганман.

Бу ерда асосан нимага эътибор бериш керак?

- Дунё бўйича қондасиз жанглар қондаси битта: айёрлик, куч ва шафқатсизлик! Ҳозир миянгда Олим менга ҳаммасини айтмаса керак, деган фикр турибди!

Ботир ҳайратда қолди.

- Сен нотўғри ўйлама, Олим!

- Сен ўйлаётган нарса менга кинолентадаги тасвирдай аён бўляпти. Тўғрисини гапиравер. Ишонмасанг, ҳозир сенга битта гап айтаман, тан беришга мажбур бўласан!

- Айт-чи?

Ботирнинг ранги оқарди, ўзини ғалати сеза бошладди.

- Олим ухлагандан кейин залга тушиб шуғулланаман, маҳоратимни унга етказиб олишим керак! - деб ўйлаб турибсан.

Олим ерга қараб, бироз тин олди. Сўнг Ботирга қаради, унинг кўзлари катта-катта очилган, лаби қимтилган эди.

- Қалай, тўғри топдимми?

- Деяри...

Ботир изза тортиб бўшашди. Олим унга далда берди.

- Мендан чўчима, рингга тушишга тўғри келса, бошқаси билан қўйишларини илтимос қиламан!

- Нега?

- Уларнинг фикрини яхшироқ ўқийман!

«Доим ўқиб, руҳиятимни забт этадимми? Бу талантми ёки ғайри табиий хислатми? Қачон, қандай пайдо бўлган унда?»

Ботир шу ёшгача ҳеч кимда бундай хислатни кўрмагани учун фикрлари, кечинмалари остин-устун бўлиб кетяпти! Олим уни яшириб юрганми ё энди пайдо бўлдимми?

«Тўхта, Ботир, Олимнинг бу хислати у бўрининг қонини ичгандан кейин пайдо бўлгандир, агар шундай бўлса, унда нега менда йўқ?»

- Шошилма, - деди Олим унга хотиржам тикилиб,  
- озгина вақт ўтсин, ҳаммасига эришасан!

Ботир унга ишонди, кўнглида куч ва ғурур авжланди.

Иккови залга тушишаётганда Олимнинг телефони жиринглади. Дарров экранга қаради: Ўзбекистондан!

Зарина экан! Салом-аликдан кейин ёрдам бериш ҳақидаги ваъдасини эслатди.

- Уйингиздан хабар олгани борувдим, - деди сўнг мавзуни алмаштираркан, - кўшнилариингиз ҳаммаси жойида эканини, фақат илгари спортчи бўлиб ишлаган гавдали одам сизни уч марта излаб келганини айтишди.

Олим «Пўрим»ни эслади. «Ғурури борми ўзи?»

- Яна бир янгилик. Уйга қараб турадиган одам топдим.

Олим «Пўрим»ни эсдан чиқариб, кўчиб келадиган одам билан қизиқди..

- Мен танийманми уни?

- Танимасангиз керак! - Зарина қизиқиш билан гапирарди. - тоғамнинг жиянлари - Сардор ака! Ҳовлилари битгунча хорижга кетган одамнинг уйида ўтиришганди. Улар қайтишаётган эмиш... Қараб турадиган бўлишди. Ҳатто ижара пулиям беришаркан...

Олим гап замиридаги маънони тушунди. Заринага миннатдорчилик билдиргиси келди.

- Сизни анча қийнаб қўйдим, Зарина!

- Шуям қийналиш бўптими? Дўстимга кичкинагина ёрдамим текканидан хурсандман! Ахир, сиз ҳам менга ёрдам бермоқчисиз-ку!

- Раҳмат, улар қачон кўчиб ўтишади?

- Сизни бирор ҳафта ичида келадилар, дегандим. Келарсиз?

Гап оҳангидан «Сизни мен ҳам кутяпман, соғинганман!» деган маъно сезиларди.

- Биринчи қаватдаги иккита хонада туришаверсин.

Ижара пули керак эмас! Ҳовлини супуриб-сидириб, чиройли ўтиришса бўлгани! Қачон қайтишим ҳозирча ноаниқ. Улар қариндошларингиз экан, кўчиб боришаверсин. Калит Одил акада. Айтсангиз, уйни очиб беради.

- Яхши, эртагаёқ айтаман! Тезроқ келинг, Олимжон ака!

- Ваъда беролмайман, аммо ишим тугаши билан учиб бораман!

- Раҳмат, ҳозирча сиздан иккита илтимосим бор.

- Қўлимдан келармикин?

- Келади. Биринчиси, ўзингизни эҳтиётланг, иккинчиси, менга қўнғироқ қилиб туринг!

Олим хайрлашаркан, қиз кўнглида соф муҳаббат, соғинч ва яхши ниятлар тўлиб-тошганини ҳис қилди. Кайфиятини кўтарадиган гап айтгиси келдию, бугунча етарли дегандай ўзини тийди. Алоқани узгандан кейин ўйлаб қараса, кўнгли у томон бурилиб, Интизордан узоқлашиб кетаётганга ўхшади. Энди имкони борича, у билан гаплашмасликка қарор қилди...

\* \* \*

Эрталаб Петрович шошилганча кириб келди. Саломлашгандан кейин Олимнинг елкасига қоқди.

- Жанг кеч соат саккизга белгиланди! Сизларга ишонаман, бугунги жанг бутун дунёда шов-шув бўлади. Италияга боргунимизча кўпларнинг дилига гулгула солиб қўямиз, азаматларим! - деди.

У жаҳон чемпионатининг олтин медали қўлида тургандай ишонч ва ғурур билан сўзларди. Олим «Петрович ҳамма нарсадан хабардор», деган хаёлга борди.

Олим ва Ботир кураш залига киришганида олағовур тинди. Кўпчилик «гув» этиб уларга қаради. Охири скамейкада ўтирган жангчи «Дикий волк», дея пичир-

лади. Дискини томоша қилган янги жангчилар Олимни дарров танишди. Олим ҳеч кимга эътибор бермасдан, кийимларини алмаштирди. Ботир ҳам салкам Олим даражасидаги жангчи сифатида эътиборни тортиди.

Олим залга назар ташлади. Томошабинлар жанг бошланишини ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутишар, ёввойи туйғулар порлаб турган нигоҳларида жилва қиларди. Олим ишқибозлар жангда унга минг-минглаб доллар тикишга тайёр туришганини сезиб, ичидан гурурланди. Муштларини тугиб, «Мана шундай ушлашим керак!» дегандай тишларини ғижирлатди.

Ташкилотчи ҳар сафаргидай қоидасиз жанг тартиблари, натижалари, тақдирлаш жараёнлари ҳақида шошилмай тушунтирди. Уч марта занг чалингандан кейин биринчи жуфтлик рингга чиқишини билдирди.

У кетгач, томошабинлар ўртасида шовқин, ҳуштакбозлик бошланди. Ўн дақиқачадан кейин зал ўзгача жонланди, олдинги қатордаги бўш ўринларга пўрим кийинган, ўта сипо, ақлли ва айёрлиги юзидан, қарашларидан сезилиб турган ўн нафардан ортиқ катта ёшдаги одамлар жамланишди.

Тасвирга туширувчилар илдам ҳаракатлар билан камераларини ҳозирлашди. Иккита врач кириб, жангчиларнинг аҳволи руҳиясини текширди. Ойна ортидан ташкилотчи иккита фамилияни айтиши билан битта оқ ва битта қора танли жангчи рингга чиқди. Зал қийқириқ ва олқишларга тўлди.

Кутилмаганда қора танли жангчи рақибини тепди. Оқ танли жангчи ҳам эпчил экан: мункиб кетди-ю йиқилмади, ҳабашга калла қўйди, зарба ҳабашни сал эсанкиратди. Бирдан оқ танли иккала қўли билан ҳабашнинг қўлини қайириб ташлади. Ҳабаш ингроқ овоз чиқарди, бироқ ўзини ўнглаб, оқ танлининг қорнини мўлжалга олди, оқ танли ортига йиқилиши

билан оғирлигини икки баробар кучайтириб, устига ўзини ташлади. Афсуски, ҳабаш уни доғда қолдиришни эпломмади. Кўкрагига тушган оғир зарбдан нафаси қисилди. Оқ танли унинг сонини оёғи билан босиб, қўлини орқага қайирди, синдиришига бир баҳя қолганда ҳабаш ерни урди...

Зални қийқириқ, турли тилда айтиладиган ҳамду санолар қоплади. Уч киши оқ танлига пул тикди.

Бошқарувчи Олимнинг номини эълон қилганида залда тўс-тўполон бошланди. Кўпчилик полни тепар, айримлар қарсак чалса, баъзилар қўлидаги буюмларни бир-бирига урарди.

Олим зални икки марта айланиб югурди. Сўнг ўртада туриб оёқларини ерга тиради-да, қўлларини чангак қилди, кўз очиб юмгунча ҳавода икки марта ўмбалоқ ошиб, оёқда тик турди. Ҳамма ҳайқиарди.

- Дикий волк, дикий волк! Ур, эзиб ташла! Биз сен билан!

Бу ўтган сафар катта пул тиккан кўзойнакли жаноб эди. У қўлларини осмонга кўтариб, ўрнида айланарди.

- Сенга ишонаман, бошла, азамат!

Олим грек йигит билан олишди. У иккинчи марта сакраб, ҳавода айланганида танасида ухлаётган куч кўзғолди. Грек ўртада оёқларини кериб, биллагини букиб, мускулларини шишириб мақтанганди. Фанатлари бор экан, бир-икки жойдан қийқириқ ва қарсақлар эшитилди.

Шу пайт Олим кутмаган ҳодиса рўй берди. У икки елкасида бўри турганини ҳис қилди. Грек алланарсадан чўчигандай, ортига тисарилди. Олим иккала қўлини айлантириб, бир силкинди, яна тишларини ғижирлатди. Грек яна ортига тисарилди.

- Алиқ, бошла!

Олим грекка қараши билан миясида ёзув пайдо бўлди: у қўрқяпти, аммо рингдан чиқиб кетишга гурури йўл қўймаяпти! Таваккал қилиб тепмоқчи!

Грек тепмоқчи бўлганида, Олим унинг оёғидан ушлаб, орқасига оширди. У мушук сингари қўл-оёғи билан ерга тушиб, бир сония ўйланиб қолди. Олим фикрини уқди: устимга ташланса, айланиб қорнига тепаман!

Олимнинг кўзида ёвқур ўт чақнади. Грек шалвираб, ерга йиқилди. Воқеалар шундай тез рўй бердики, айрим хаёлпарастлар нима бўлганини билмай қолишди.

Олим бошини силкиб залга қаради-да, қий-чув, ҳайқириқ ва шовқин-сурондан телба бўлаёзган оломонни кўрди. Сипо магнатлар энди тик туриб уни олқишлашар, ўринларида сакраб айланишарди.

Жанг беш дақиқача давом этган бўлса ҳам ҳаммани ҳайратга солган, кўпчилик ҳатто пул тикишга ҳам улгурмай қолган эди. Ҳакам Олимнинг бир қўлини кўтариб, рингни айлантираётганда пул тика бошлашди.

- Алик, сен учун элик минг!

- Мендан олтмиш минг!

- Бир кунлик даромадим сеники, Алик!

Ҳакам янги жангни эълон қилганда ҳам фанатлар ҳаяжони босилмаган, жойларига ўтиришмаган эди.

У хонага кириши билан Ботир олдига келди.

- Табриклайман, бунақаси бўлмаган!

Олим раҳмат айтиб, ўрнида машқ бажара бошлади.

- У нега кўрққанига ҳайронман, қандай таъсир ўтказдинг?

- Биринчи марта рингга тушиши, шекилли...

- Э, йўқ, у Европада таниқли жангчи, ҳатто киноларда роль ўйнайди... Қандай чўчитганингга кўпчилик ҳайрон!

«Елкамдаги бўрилар унга кўриндимикан?»

Бу фикр боя миясига келган, лекин бўри фақат ўзигагина кўринишини ўйлаб, бу хаёлдан қайтганди. «Тишларимни бўрига ўхшаб гижирлатганимдан ваҳи-

мага тушгандир...»

Атрофини ўраган жангчилар ҳавас ва ҳасад билан қараётгани учун ташқарига чиқиб кетишни ўйлади, бешафқатлик шиддати билан уларга қарагач, ҳамма ўрнига кетди.

Олим ўриндиққа ўтириши билан кўзлари чақнаган Петрович кириб келди.

- Бопладинг, Алик! Охиригача ана шунақа ушла!

У Олимнинг елкаларига уриб қўйди.

- Бориснинг бир кунлик даромади қанчалигини биласанми?

- Йўқ!

- Юз минг евро! У бирорта жангга бунча тикмаган!

Олим яйраб кетди, Ботир кўлини қисиб қўйди.

Зал гоҳ жимиб қолар, гоҳ қийқириқ билан тўлар, ўн беш дақиқа ўтса ҳам жанг тугамай, ичкаридагиларни безовта қилаётган эди.

Кейинги сафар Ботир грузин жангчи билан рингга чиқди. Олим унинг қулоғига алланарса деб пичирлади... Рақиб чакки эмас экан, шунга қарамай, унга бас келишга уринди. Олимнинг кўрсатмасига амал қилган Ботир ҳам ғалаба қозонди.

Биринчи гуруҳ ғолиблари ўртасидаги жанг анча шиддатли тус олди.

Санкт-Петербург, Америка, Украина, Хитой ва Малайзиядан келган жангчилар рақибларини енгдилар. Иккитаси майиб бўлди, битта жангчига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга тўғри келди. Қолган мағлублар ўзларини асраб, вақтида курашни тўхтатдилар.

Олим билан Ботир иккинчи босқичда ҳам ғолиб чиқишди. Учинчи босқичга ўтаётганда Ботирнинг кўнглини ҳадик қоплади. Олим унинг ташвишини сезиб, далда берди:

- Чўчишга ҳожат йўқ, жангга тушавер!

Олим ғалабага ишонч борлиги учун дадил гапирар-



ди. Ботир ёнидагиларга парво қилмасдан уни ташқарига бошлади. Гулхона олдига етишгач, билагидан ушлади.

- Ютқазиб қўйсам, Петрович ишонмай қўяди!
- Мен ғалабангга ишонаман!
- Нега дадил гапиряпсан?

Олим икки-уч қадам юриб, йўлак четидаги арча олдига келди. Бир неча дақиқалик мулоҳазадан кейин унга сирли қаради.

- Бўрини кўрдингми?
- Қайси бўрини?
- Жангдан олдин келмадимми?

Ботир бир чўчиб тушди. Боя чиндан ҳам кўзига шаффоф бўри кўринган, узоқдан унга тикилиб турган, аммо у ўзича менга шундай туюляпти, деб ўйлаб эътибор бермаганди. Олим ҳозир ўшани назарда тутяптими ёки зоопаркдагини гапиряптими, билмай қолди.

- Кўзимга бир нарса кўрингандай бўлди, аммо аниқ илғай олмадим.

- Кейинги жангда уни чақир, танангга сингиб кетишини кут!

- Унгача рақибнинг қўли баланд келса-чи?
- Ундай бўлмайди!

Олимнинг ишончи Ботирга ҳам юқди.

Бугунги жанг айрим мўлжалларни чиппакка чиқарган, анчадан бери мағлубият нималигини билмай келаётган ғолиблар бирдан аянчли аҳволга тушиб қолганларини ҳазм қилолмаётган эдилар.

- Биринчи ва иккинчи зарба рақибни эсанкиратиб қўйиши керак! Учинчи ва тўртинчисида ўзини йўқотсин, бешинчи зарбанг билан ғалаба байроғини баланд кўтар!

Олим Ботирнинг кўзига қаради. Бу кўзларда ўзига ишонч, гурур мавжланаётган, вужудидан куч-қувват ёғилиб, миясида рақибларни ер тишлатаман, деган

азму қарор мустаҳкамланаётган эди.

- Қувватинг бор, ҳеч нарсадан чўчима, рақиб кўзига тик қара! Енгилиш ҳақида эмас, фақат ғалабани ўйла, аммо рақибга белисандликни хаёлингга келтирма! Ҳадик - яхши, одамни масъулиятга чорлаб туради. Бироқ унинг ҳам меъёрда бўлгани яхши. Буни унутма!

Ҳакам охири босқич бошланганини эълон қиларкан, Олим билан америкалик жангчини рингга чақирди. Америкаликнинг суяклари бўртиб чиққан, мускуллари пайга айланган, қарашлари теран ва маъноли эди. Ҳузини босиқ тутар, шошилмасди. У ринг бўйлаб айланаркан, мақтанишдан кўра, ўзига куч тўплаётгани англашилиб турарди. Олим уни кузатиб, аввал чўчитиб олишни мўлжаллади. Фикрини уқишни бошлаганда америкалик Олимга ҳадик билан қаради. Бояги рақибдай чўчимаган бўлса ҳам, сал тисарилди. «Кўзига бўри кўринди, шекилли...» Шу пайт унинг миясига «Енгилман, шекилли», деган ўй келганини фаҳмлаган Олим югуриб бориб елкасига минди ва унинг гавдасини ерга босиб тушди. У қўли билан тиралиб, Олимни устидан олиб ташламоқчи бўлди, аммо Олим унинг бўйнидан бўғиб олди. У ҳам қўлини Олимнинг боши узра олиб, ерга отиб юборди, Олим тезлик билан турди-да, сакраб унинг устига бутун оғирлиги билан босиб тушмоқчи бўлди, аммо бу пайтда рақиб ўрнидан турган, кескин ҳаракат билан унга интилмоқда эди.

Олимнинг елкасида иккита бўри пайдо бўлди, америкалик чўчиб тисарилди, Олим тишларини ғижирлатиб, орқага тисарилди, рақибни ҳам орқага юрди...

Залдан қийқириқ ва ҳуштаклар эшитилди.

- Алик, шошилма, ўйинни тез тугатма!

- Бирпас айлантир!

Америкаликнинг ишқибозлари ҳам тик туриб қўлларини мушт қилиб, билагини силтарди.

- Жон, бўш келма, сенга йигирма минг тикаман!

- Мен ҳам сенга ўттиз минг тикдим, Жон! Ур, тагингга бос, қўйворма!

Олимнинг фанатлари бирданига ўринларидан туришди.

- Алик, қўрқитиб қўйдинг, ёпиш, кекирдагидан бўғсанг-чи...

- Сенга бриллиант узук тикаман! Бизни хурсанд қил, Алик!

Америкалик яқинлашишга чўчиётганини Олим аллақачон тушунган, шунинг учун ўзини бемалол тутарди. Сўнг яна тишларини ғижирлатди-да, рақибга ташланди. У Олимга мушт солди, аммо қўли яшин тезлигида қайрилди, Олим ёнига сакраб қўлтиғи тагига тепганида бир қўли деярли ишламай қолди. Унда жангни тўхта-тиш фикри туғилганида Олим кекирдагига темир бармоқларини ботирди ва бир неча сония қўйиб юбормади. Нафас олиши қийналаётган рақиб ҳушидан айрилиш олдидан титроқ кафти билан Олимни уриб қўйди...

Ҳакам тагин Олимнинг қўлини кўтариб, рингни айлантираётганда зални қийқириқ, олқиш, хуштаклар босди, бир неча фанат жўр бўлиб «Дикий волк», «Дикий волк», деб бақирарди. Уларнинг завқи ва қийқириғи Олимга куч берар, қалбини чексиз қувонч ва ғурурга тўлдирарди.

Олим ҳакамнинг қулоғига шивирлади:

- Кейингисини тезроқ чақиринг!

- Яхши...

Залдагилар русча қўшиқ куйлашар, Олим ринг бўйлаб югурар, икки ёнида кетаётган бўриларга қараб алланарсаларни пичирлар эди. Бўрилар гоҳ пайдо бўлар, гоҳ йўқолар, ёнида кўринганда тилини чиқариб нафас олаётгани сезилар, олдинга ўтганда оҳанрабоси билан тортарди...

Ҳакам кейинги рақиб билан саломлаштирганда бўрилар унинг танасига кириб кетишди. Хитойлик жангчи Олимга кўпам яқин келавермади. Узоқдан қўл ва

оёғи билан зарба беришга интилар, гоҳо уддалар, баъзан Олимдан зарба еб, энтикарди. Олим бир неча дақиқа унинг зарбаларини кузатди, ҳаракатларини таҳлил қилди, шиддатини синовдан ўтказди. Хитойлик кутилмаганда елкасига сакраб чиқди-да, оёқлари билан бошини қисиб ерга йиқитди. Олимга бу ҳаракат натижасиздай туюлди. Туришга интилаётган рақибнинг кўкрагига шундай мушт солдики, назарида, у бир неча сония нафас ололмай қолди. Олқишлар унга туганмас куч ато этарди.

Шу пайт тасодиф рўй берди. Хитойлик шиддат билан ўрнидан турди-да, бор овози билан бақирганча Олимнинг кўкрагига калла қўйди. Олим орқага икки-уч қадам чекинди, тиралиб тургани учун йиқилмади. Рақиб яшин тезлигида ўзини орқага ташлади. Олим зарба беришга улгурмай қолди.

- Алик, жағига сол!

- Кўтариб ерга ур!

Фанатлар услубини эслатардилар. У икки метр нарида - ўрнида сакраётган рақиб кўзига тикилиб, руҳий таъсир ўтказди ва оёғига тепмоқчи бўлаётганини тушунди. Кутганидай у югуриб келди-да, оёғини кўтарди. Олим тўпиғидан ушлаб, кўтаргач, у кураги билан ерга йиқилди. Олим тик ҳолда устига чиқди-да, тана оғирлиги билан икки марта зарба берди. Бу зарба рақибнинг мадорини қуритиб қўйди. Сўнг уни белидан ушлаб, бошидан баланд кўтарди-да, беҳол типирчилашига қарамай, ринг бўйлаб айлантирди. Ишқибозлар қийқириги зални тўлдириб юборди. Улар пул тикиб бўлишгунча Олим рақибини кўтариб юраверди. Ерга зарб билан ташлаганда хитойлик ўрнидан туролмади. Ҳакам унинг олдига боргач, ортиқ курашолмаслигини билдирди...

Совиб қолмаслик учун машқ бажараётган Олимнинг олдига тасвирчининг шериги келиб, бир неча сония камерага қараб ҳаракатланишни илтимос қилди. У рад этмади...

Бошқа жангчилар билан эсда қоларли воқса рўй бермади. Ботир Олим билан рингга тушмади. Петрович ҳам бунга эътироз билдирмади. Олимнинг мутлақ ғалабасидан боши осмонга етганди...

\* \* \*

Зарина англиз тили бўйича репетитор машғулотидан қайтаркан, йўлда Нигинани учратиб қолди. Ҳар сафар беписанд саломлашадиган Нигина қирқ йиллик қадрдондай ўпишиб кўришди. Турқи-тароватида балқиб турган кибрни ҳисобга олмаганда ўзини унга яқин тутаётганди.

- Олим акамнинг дискини кўрдингми?

Савол шу қадар табиий берилдики, Нигина машҳур хонанданинг навбатдаги альбомини томоша қилганини сўраётгандай эди.

- Қанақа диск?

Нигина Заринага ««Хаётдан орқада қолибсан-ку!» дегандай чимирилиб, назар ташлади.

- Олим акам Россияда қондасиз жангларда қатнашини билмайсанми? Ким айтади сени замонавий қиз дсб?

Кутилмаган маълумот Заринани ҳайратда қолдирди.

- Олим акам шунақа курашадики, дунёдаги манаман деган каратэчиларни бир зарб билан ағдариб ташлайди. Гавдасини, мушакларини кўрсанг, оғзинг очилиб қолади...

Заринанинг ичи ёниб кетди. Рақибдан энгилаётган жангчидай юрагини тушкунлик хавотири қоплади.

- Халқаро сўзлашув пунктидан Олим акамга кўнғироқ қилиб, «Ўзингизни эҳтиёт қилинг», дейишингга қараганда ҳамма нарсани билсанг керак дегандим.

- Буни қаердан биласан?

- Ўша куни, - ниқтаб гапирди Нигина - Ортингда турганимни кўрмадинг. Ўзингда борми-йўқ чиқиб

кетаётганинга чақирсам, эшитмаганга олдинг!

- Ўша дискни бир марта кўрсам бўладими?

Нигина унга беписандлик билан қаради.

- Бир ҳафтагача иложи йўқ!

«Бергиси келмаяпти. Шунча нарсани билса ҳам индамай, писмайиб юрганини», ўйлади Зарина. Унга жуда алам қилди. Юрагида кучли рашк қўзғалди.

- Сен ҳам гаплашгани борганмидинг?

Заринанинг кўзида нафрат ялтиради.

- Ўзлари «Диск жўнатдим», деб қўнғироқ қилувдилар. Яқинда Европага кетадилар. Очиғи, ҳавас қилдим. Франция, Италияни кўриш мазза, а?

Зарина ҳушини йиғишга ҳаракат қилса ҳам толиқиб бораётганди.

- Бир ҳафтадан кейин бўлса ҳам бир кўрай...

- Университетдаги дугоналарим қайтаришса, бериб тураман...

Олим акаси ўша қизлар қўлида тургандай Заринанинг ичи тирналди. Тезроқ дискни кўрса-ю, Нигинага қайтариб бермаса!

- Соғиниб ўлаётган бўлсанг, телефонимдаги расмини бир кўришинг мумкин!

У Олимнинг телефондаги жанг пайтида олинган расмини кўрсатди. «Олим акасининг сурати нега Нигинанинг телефонида юради? У ким бўпти? Курашмасам, ҳаммасидан қуруқ қоламанми?»

Юрагида хилма-хил туйғулар, кечинмалар кураши бошланди. У Нигина билан қандай хайрлашганини билмайди. Руҳияти остин-устин, юрагини рашк, нафрат, ҳаётдан норозилик тўрлари қамраб олган, қалбига тушқунлик тумани бостириб кираётганди.

«Исфархон» кафесида тушлик қилмоқчи эди, кўнглига сиғмади. Хаёлини чалғитиш, юрагини исканжага олаётган нохуш туйғуларни тарқатиш учун Чорсуга пиёда кетди. Танишлари билан саломлашиш хаёлига келмас, бўронга учраган булутдай сабри тўзиб борар-

ди. Гоҳ ўзини айблади, Нигинадан нафратланди, баъзан Олим акасидан ҳафа бўлди, аммо кўнглига таскин тополмади. Чорсудаги ер ости йўлидан чиқиб меҳмонхона олдидаги бекатга етганида шундоққина ёнига оқ «Ласетти» тўхтаб, ичидаги биров уни имлаб чақирди. Қараса, акаси Шоҳбоз! Енгил тортиб қўл силтади.

- Ўтир!

У синглисига олд ўриндиқни кўрсатди.

Зарина тушкунликдан қутулмаганди.

- Тинчликми?

Шоҳбоз тирбандликда узун-узун сигнал чалаётган машиналар орасидан ўтаётгани учун кўзи йўлда эди. Бироқ бир қарашдаёқ синглисининг нохушлигини пайқаганди.

- Нега кайфиятинг йўқ, тушлик қилдингми?

- Ўзим... иштаҳам йўқ...

- Уйга кетасанми?

- Ҳа...

- Пайнетга кириб чиқай, кейин ўзим «Исфархон»да меҳмон қиламан.

Зарина акасини тушунди. У машинадан тушиши билан магнитофон овозини баландлатди. Зулайҳо Бойхонова ширали, эзгин овозда Фарида Афрўз сўзи билан айтиладиган «Мен уларни кечирай, бир қудрат бергил, Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергил», қўшиғини куйламоқда. Зарина унинг овозидаги дард, изтиробни аввал пайқамаган экан, ошиқнинг ширин азобини шу қадар таъсирчан куйлардики, Зарина борлиқни унутди.

Кўшиқ тугаганда Шоҳбоз йўл четига машинани тўхтатиб, хавфсизлик камарини ечаётганди.

Зинапоядан кўтарилишаётганда Зарина кўксига санчилаётган игналар чекинганини туйди.

- Нима гап, Зарина?

Қиз саволни кутгани учун жавобини ҳам тайёрлаб, ўзини одатдагидек тутишга уринди.

- Ҳаммаси жойида, фақат...
- Гапиравер, сени тушунишга ҳаракат қиламан.

Зарина мулоҳазага чўнди. Акаси билан ҳамма масалада очиқ-ойдин суҳбатлашган дамларини эслаб, ўзини эркин тутди.

- Қайси бирини гапирсам экан?..
- Агар Диёрадан хафа бўлмасанг, мен айтаман.

Заринанинг кўнглида «Улар мен ҳақимда қайғуриб гаплашишган бўлса керак», деган илиқ ва ёқимли бир ҳис ёлқинланди.

- Ҳаммасини гапирдимми?
- Учини чиқарди, холос...
- Ҳасрат қиляпти, деманг-у, сизлар ўзимникисиз.

Билганингиз зарар қилмайди. Нима дейсиз, чигалимни ечса бўладими?

- Ечилмайдиган масала борми, синглим?! Унинг сенга муносабати қанақа?

- Ҳар ҳолда, ёмон эмас...

- Битта маслаҳат: туйғуларинг ўткинчи ҳиссиётми, ҳақиқий муҳаббатми - озгина вақт ўтгач, аниқ бўлади. Адашмасам, Интизор билан дугоначилигинг бор, севгидаги хато ўртага совуқлик солиб, қимматга тушмасин... Иккинчиси, ҳозир танлаш имконияти Олимжонда. Келганда ҳаммасини гаплашиб олса бўлади. Учинчи фикр ҳам бор...

Шоҳбоз айтайми-айтмайми, деб иккиланиб турганида Зарина сабрсизланиб акасига қаради.

- Севги - ўткинчи ҳиссиёт, фасллар алмашгани каби вақт ўтиши билан у ҳам ўзгариб, ўрнини меҳр, ҳурмат эгаллайди. Одам севган давридаги жиннилигини ўйлаб, кулгиси қистайди, бирор кишига ёмонлик қилиб қўйса, кейинчалик кўзига қаролмай юради. Менинг Интизорга бўлган севгим ўткинчи эканини кейинроқ унинг нафратига дучор бўлгач билдим, ҳозир у билан учрашсам кўзига қаролмайман... Ақл билан иш тутсанг, бировга ёмонликни раво кўрмасанг, Худо кутил-



маган томондан БАХТ беради!

Зарина чуқур ўйга толди. Ўзтироз билдиргиси келди. Интизорнинг ортидан югуриб, Олимга номардлик қилган даврларини эслади. «Ўзи уйлангандан кейин севди, шунинг учун менга ҳам турмушга чиққандан кейин севишни маслаҳат бермоқчидир. Олим акамни унутиш - қандай даҳшат, наҳотки уни Нигинага ўхшаганлар алдашига йўл қўйиб берсам?»

Диёранинг айтганларини эсларкан, Нигинанинг ишлари ҳам севги учун курашнинг бир турига ўхшаб кўринди. «Шу маккора турли-туман ҳийла-найранг-лари, ёлғон-яшиқлари билан Олим акамни ўзига оғдиршига интилганда мен томошабин бўлиб тураманми?»

Шоҳбоз унинг фикрларини уққандай:

- Олим - жуда ақлли, мард бола, бировга алданмайди, ўзи ҳам бошқа кишини алдамайди. Сен ВАҚТдан нажот кут! Олимнинг Интизорга бўлган муносабати ўткинчи ҳиссиёт бўлса, у дунё гўзали бўлганда ҳам, Америкада эмас, балки бошқа планетада ўқиганда ҳам Олим уни унутади, сенга бўлган туйғулари ҳақиқий севги бўлса, бир кун хузурингга келади, - деб насиҳат қилди.

Қизнинг назарида, Шоҳбознинг мулоҳазалари жўяли туюлди. Уйга қайтишаётганда Зарина халқаро сўзлашув пунктида машинадан тушди.

Акасининг гапидан таскин туйди, жаҳли йўқолди, хафагарчилиги ёзилганди. Алоқачининг олдига келиб, телефон рақамни узатди. Аёл буюртмани қабул қилиб, кутиб туришини айтди. Зарина сўзлашув кабиналари рўпарасига қўйилган скамейкага ўтириб, Шоҳбознинг фикрларини ақл тарозусига солди. «Ҳозир Олим акамни ранжитиб қўйсам, яқинлик риштаси узилиб кетиши мумкин. Қолаверса, Нигинанинг ҳамма гапига ҳам ишониш қийин. Олим акам севган қизи туриб, унга диск жўнатармиди? Мендай дўсти билан аҳёнда бир гаплашадию, у билан доим гаплашиб тури-

шига ишонмайман. Чўпчагини катта холасига айт-син!»

Зарина вужудида енгиллик сезди, юрагини эзиб турган ғам- ғашлик тарқагандай бўлди. Даст ўрнидан турди-да, алоқачининг олдига бориб:

- Буюртмамни бекор қилмоқчиман! - деди.

Аёл «Қанақа қизсан ўзи?» дегандай норози қаради.

- Эндигина тераётгандим-а...

Зарина унинг гапини эшитиб-эшитмади, тез-тез юриб ташқарига чиқди-да, такси тўхтатиб уйига жўнади...

\* \* \*

Петрович аллақандай қувноқ кўшиқни хиргойи қилганча хонага кирди-да, елим халтадаги пулни столга қўйиб, иккала қўлини мушт қилиб билагини силтади. Кайфияти баланд, руҳи бардам.

- Алик, кел, сени бир бағримга босай!

Петрович Олимни кучоқлаб, елкаларига қоқди, кейин Ботирга миннатдорчилик билдирди. Чап қўлини столга қўйиб ўтираркан, икковига хуш назар билан разм солди. Катта бошлиқ ҳамманинг олдида ғурурланиб ўтиргани, улардан жуда хурсандлиги, ҳозиргача уни ҳеч ким бунчалик севинтирмагани, катта жангда улар каби рақибларни эзиб қўёлмаганини тан олди.

- Бугун битта гапни очиқ айтмоқчиман!

Петровичнинг лабларида виқорли инсонга хос ноёб табассум ўйнади.

- Очиғини айтсам, бутунги жангдан кейин Ўзбекистонга нисбатан ҳурматим ортиди. Сизлардай жангчини етиштирган ватанга ташаккур билдиргим келди. Балли, азаматлар, олинглар, ҳалолларинг бўлсин!!

Петрович елим халтани бир кўтариб, катта қисми сеники, дегандай Олим томонга суриб қўйди.

- Катта бошлиқ сизларга икки кун дам берди.

Италияга кетиш олдидан яхшилаб ҳордиқ чиқаринглар. Сўнг уч кун шуғулланиб етказиб оласизлар.

Эрталаб нонушта қилаётганларида Петровичнинг хайдовчиси келди. У ташқарида бўлишини айтиб чиқиб кетгач, кутилмаганда Женя пайдо бўлди. Улар билан жуда куюқ саломлашди.

- Бизга қўшилсанг, нуфузинг ортишига энди ишондингми, Алик?

Олимнинг тез жавоб қайтаргиси келмади. Овқат чайнаётганини баҳона қилиб, ҳозирги вазиятда қандай жавоб ўринли бўлишини ўйлаб олди.

- Очиғи, бундай бўлишини кутмагандим.

- Ҳаёт бахтли тасодифларга тўла. Лекин пешонангга ёзилган қисмат содир бўлиши учун тинимсиз курашининг кераклиги доим ёдингда туришини истардим, Алик! Ҳа айтгандай, дискинг кечгача тайёр бўлади.

Женя бироз тин олгач, Олимга қараб кулимсиради.

- Қизлар безор қилишмаяптими?

- Унчаликмас...

- Павел Ивановичнинг эркаси сенга қандай илакишиб қолди?

- Дўст бўлайлик, лейди.

- Соддалик қилма, мақсади Галинаникидан фарқ қилмайди, шекилли...

- Билмадим...

- Сизларни ўзим жойлаштириб келаман, хавфсиз дам олишингиз менинг бўйнимда. Ярим соатдан кейин жўнаймиз!

Олимнинг Лидия билан алоқасини улар қаердан билишдийкин? Учрашувга ваъда бериб бормагандан кейин қиз кўп марта қўнғироқ қилган, аммо кимнидир ишга солиб боғланмоқчи бўлса ҳам мақсадига етолмаган кўринади.

Ўрмон оралаб ўтган трассадан кетишаркан, Олимнинг баҳри дили очилди, хаёлини ўғирлаган жанг таассуротларию, қизларни хаёлдан чиқаришга ури-

ниб, кўм-кўк арчаларга кўзи қувнаб қарар, руҳиятининг тиниқ осмонида илоҳий нур чарақлагандай тенгсиз лаззат, тиниқ ҳаяжон, шодлик ва севинч туярдди. Тоғларга боқиб, сўнгги марта Қамчиқ довонидан ўтгани, юрт манзараларини эслаб, чин дилдан қувониб кетди. Россия ўрмонлари гўзал, аммо Ўзбекистон таровати, ҳавоси, танга ором бағишлайдиган муаттар эпкинлари олдида ҳеч нарса эмас! Ватан ягона деб қуйлайдиган шоиру хонандалар ҳақ!

Олим шу дақиқаларда ўзига куч-қувват, масъулият берган Ватан муҳаббати эканини ўйлаб, қалбида диллик туйди. Қаерда бўлмасин, туғилиб ўсган гўшаси, ота-боболари ўтган муқаддас тупроқ кўз олдидан кетмади. Америкадай сеҳрли диёрда ҳам юраги тубида Ўзбекистон турди. Қаддини тиклаб, ғурурини мустаҳкамлаб, руҳиятини шонли ёғдулар билан завққа буркади. У - қалбининг таянчи, интиладиган гўшаси, ер юзида пешонасига битилган тақдири эканини бир сония ҳам унутмади. Бу масъулият ва ҳиссиёт ажодлар қонидан ўтганини энди тушуниб боряпти. Яна бир нарсадан ҳаяжонда: Петрович каби одамларда ҳам юртига ҳурмат, эҳтиром уйғота олди. Энди Ватанга ҳамиша ёруғ юз билан, қаддини фоз тутиб боради. Бу - олий бахт, дунёнинг ҳеч бир бойлиги билан ўлчаб бўлмайдиган саодатдир!!

Ботир иккови машинадан тушишлари билан Жения дала-ҳовлининг эшигини очди. Бу ер бежирим, сўнгги меъморий услублар асосида қурилган, ҳовли табиати бино архитектураси билан уйғунлашиб кетган. Иккала тарафи қовжайрай бошлаган ўт билан қопланган йўлакдан боришаркан, димоққа арча ва турли ўтўланларнинг ҳиди урилди. Тана яйраб, руҳият ором оғушига инди.

Нарсаларини хонага жойлаштиришаётганда ташқарида машина сигнали эшитилди. Олим пардани суриб, деразадан қаради. Яшил «Волво»дан ёши кат-

тароқ бир аёл тушди-да, улар томонга юрди. Остига стол-стул жойлаштирилган улкан сосна олдида уни Женя кутиб олиб, алланарсаларни тушунтирди. Сўнг аёл бино тарафга юрди.

Олим кийимини алмаштириб бўлганида, хонага Женя кириб келди.

- Балиқ овламоқчи бўлсаларинг, - деди у деразадан юз метрча нарида кўриниб турган кўлни кўрсатиб, - дарахтлар ортида кичикроқ дарё ҳам бор, шкафда қармоқ анжомлари тайёр, мен шу атрофда бўламан, зарурат туғилса, кўнғироқ қилинглар.

У кетиш олдидан ташриф қоғозини узатди.

Олим Ботирга теварак-атрофни бир айланиб келишни айтиб турганида эшик оҳишта очилиб, ошхона бекасидай махсус кийим кийган аёл кирди.

- Салом йигитлар, мен Ольга Борисовнаман!

- Яхшимисиз, қийналмай етиб келдингизми?

- Раҳмат, сизларга ошпазман! Таомномани тузиб берсаларинг кифоя!

Олим «кўлингиз ширинми?» деб ҳазиллашгиси келди. Ёши катталиги учун «Нима пиширсангиз сяверамиз!» дегандай сукут сақлади. Унга мазали таомлар рўйхатини тузиш завқли кўринди.

- Умид қиламанки, - Ботир Ольга Борисовнага лутф қилди, - ресторан ошпазларидан мазалироқ пиширасиз!

- Ҳаракат қиламан.

- Жуда ёш кўринаркансиз, Оля деб чақирсак, майлими?

Аёл ёйилиб жилмайди.

Икковлон кўл томон юришди.

Ҳаво булутли, енгил шамол эсади. Битта-битта, баъзан тўп-тўп узилаётган япроқлар кўнгилга хазинлик солиб, ўқ еган қушдай ерга қулайди.

Поёндоз каби тўшалган хазон гиламлари умрнинг ганиматлиги, унинг ҳар бир дақиқасини қадрлаш

лозимлиги ҳақидаги ўйларга толдиради кишини.

Оғайнилар кўл бўйида айланишди, ўрмон оралаб дарёга боришди.

Катта сув дарё эмас, атрофни шовқинга тўлдирган сойга ўхшайди, шарқираб оқаётган сув туя ўркачларидай баланд кўтарилар, гирдоб хас-чўп, кўпикларни ютиб юборар, чуқурга шовуллаб қуйиларди. Текисликда милмиллаб, салобат билан оқар, кўзга ташланмайдиган гирдоблари ёқимли кўшиқдай руҳиятга ором беради. Дарёнинг ана шу қисми юзи жилмайган, қалби алғов-далғов бўлаётган одамни эслатарди.

- Италиядан қайтгач, юртга кетамиз!

Олимнинг хаёллари хазондай учиб, фикрлари пароканда бўлди. Ботир бир нуқтага тикилганча ўй сураб, ўзига гапирётганга ўхшарди.

- Умрнинг катта қисми ўтиб, қолганини қадрлаш шартга ўхшайди...

- Тушкунликка берилма, сендаги ҳозирги кечинмалар бегона ерларда кучимизни бировлар обрўси учун сарфлаётганимиз учун туғиялпти, шекилли.

Ботир ўз кўнглидаги гапни Олимдан эшитиб, унга маъносиз боқди. Назарида, унинг қалбидан ҳам хазин туйғулар кечаётганга ўхшади.

Олим индамай ўрнидан туриб, сув яқинига борди, бет-қўлини ювиб, дастрўмоли билан артди, яна ортига қайтди.

- Менга қолса бугун қайтаман, аммо Петрович бизга ишониб турибди. Ҳозир ҳаммасини унутиб, балиқ овласак, қандай бўларкан?

\* \* \*

Биринчи ва иккинчи дарс Заринанинг бу қулоғидан кириб унисидан чиқиб кетаверди. Сабоқлар хотирасида қолмас, борлигини банд этган севги алангаси, Ниғинага нафрат, Олим акасининг соғинчи хотиржам

тинглашга имкон бермади. Кейинги дарсларни ташлаб кетди. Зарина «Исфархон» кафесининг бир чеккасида ўтирганча ҳаёлга берилди, режалар тузди...

Кечқурун хонасида дарс тайёрлаб ўтирганида, акасининг машинаси дарвозахонага кирганини кўриб, уйдагиларга билдирмасдан хонасига таклиф қилди.

- Менга ёрдамингиз керак!

- Қўлимдан келармикан?

- Келади, аммо бу ишни ҳатто Диёра ҳам билмаслиги шарт!

- Махфийми? Хавfli эмасми?

Шоҳбоз кулимсиради. Зарина эшикни беркитиб, акасига жиддий назар ташлади.

- Мен Москвага бориб келмоқчиман!

- Москвага дейсанми?

- Худди шундай, ўртоғимникида дарс тайёрлайман, деб уч кун уйга келмайман...

- Мен қандай ёрдам бераман?

- Бориш-келишимга самолётга чипта олиб берасиз, майда-чуйда харажатларимга ҳам пул-мул дегандай...

Шоҳбоз қиз боланинг жасоратига қойил қолди. Эркак киши бўла туриб, ўзи ҳали Ўзбекистондан чиқмаган, бир мақсадни олдига қўйиб узоқ ўлкаларга бормаган, аммо ўзидан кичкина синглиси севги йўлида Россия пойтахтига бораман, деб турса-я!

Бир вақтлар у «Меҳробдан чаён»даги «Мениям олиб кетасизми, Анвар ака!» дея севгилиси кўзига тик қараган Раънонинг журъатига таҳсин ўқиганди. Синглисидаги жасоратни кўриб қойил қолди, аммо юрагининг аллақасери гаш!

«Қиз болалар биздан мард, шекилли. Диёра сабрли, матонатли бўлмаганида Нигор қўшмачиникида шарм-ҳаёсини сақлай олармиди?! Нега шу хислат баъзи йигитларда кўринмайди?»

- Мен бир ўйлаб кўрай, Зарина!

- Ҳаммасини режалаштириб қўйганман, фақат сиз

ёрдам берасизми-йўқми, очиқ айтсангиз бас!

«Сингилга пул бериб, бегона йигит олдига жўнатиб юбориш эр йигитга тўғри келадими-йўқми?» деган савол Шоҳбознинг юрагини ғаш қилди.

- Агар сен уйдагиларга айтмай бир иш қилсанг-у, мен ҳам сенга ёрдам берсам, нотўғри йўл тутган бўламан! Бундан ташқари, Москвага - Олимжоннинг олдига «Интизорни эмас, мени севинг!» дегандай боришинг орсизлик, ғурурсизлик эмасми?!

Зарина қалқиб кетди, савол мўлжалга тўғри текканди.

- Орзуга орсизлик билан етиш маъқул бўлармикан?!

Савол Заринага оғир ботди. Танага ботган ханжар «Оғриқ мана бундай бўлади!» дея огоҳлантиргандай, Зарина азоб ичида хатосини англаб етди, акасининг кўзига қаролмай, бошини эгди.

- Сен учун дунёни икки марта айланиб чиқишингга етадиган пул беришга тайёрман, аммо ор-ғурур эсдан чиқиб, даюсга ўхшаб қолишни истамайман!

Зарина бир газ чўкди, акаси икки газ кўтарилгандай бўлди. Акаси яна икки оғиз гапирса, ер билан яксон бўлишини сезиб, юзини тескари ўгирди. Бир неча дақиқа изтироб ичида ўйланиб тургач, акасига юзланди, аммо кўзига қаролмади.

Шоҳбоз чиқиб кетди, аммо ўн дақиқада қайтиб кириб, столга бир даста юз долларлик қўйди.

- Агар ҳамма гап-сўзларни четга суриб, боришни хоҳласанг, мана пул!

Зарина қўрқа-писа акасининг кўзига боқди. Чимирилган қоши-ю, чақнаган кўзида ғурур, мардоналик ва ўктамлик ифодаси. Бу ифодани у бир вақтлар тоғасининг кўзида кўрган. Зарина бошини эгди.

- Мени кечиринг, сиздай ғурури баланд акам борлигидан фахрланаман!

Шоҳбоз индамай чиқиб кетди. Зиддиятлардан қалби вайрон сингил кафтани юзига босиб йиғлаб юборди...



\* \* \*

Олим мактабни битирадиган йили каратэ бўйича республика мусобақасида ғолиблар сафидан ўрин олиб, телевизорда чиққанини кўрди-ю бувисининг юраги тўлқинланди. Медаль билан қайтган набирасининг бош-кўзларини силаб, бағрига босган, кечагина етимлик азобида ўксиган набираси эл-юртга танилганидан боши кўкка етди. Бобоси бутун водийга таниқли полвон бўлгани, шу хислати набирасида томир сурганини айтганида, Олим ичига сиғмай кетди.

- Бобонг раҳматлини Ёдгор полвон дейишарди. Она қорнида уч ойлик бўлганида, отаси бандачилик қилган экан. Яғрини кенг, қомати келишган, дўлвор йигит эдилар. Қирққа киргунча катта-катта давраларда курашдилар. Бирор марта кураклари ерга тегмаган. Ҳар сафар уйга катта-катта соврин билан қайтардилар. Асосийси, аёлларга илакишмаган, ароқ касофатдан узоқ юрган, умрининг охиригача нафсини жиловлаган полвоннинг ҳамиша юзи ёруғ бўлади, дердилар у киши.

Буви бирпас тин олди, Олимнинг назарида, энг муҳим гапни айтиш учун нафас ростлади.

- Полвонлик, энгилмаслик билангина эл назарига тушиш мумкин эмас, - давом этди буви, - Ёдгор полвон МАРД бўлганлар! Инсон лафзини минг тиллога олганлар, дўстларини қафтда олиб юрганлар, хиёнаткорни кечирмаганлар! Сен ҳам бобонг каби МАРД бўл, мард ҳақни суяди, ҳақ эса мардни яхши кўради!

Олим ҳар гал ҳақсизликка дуч келса, бу гаплар хаёлида жонланиб, ўзида бошқача қудрат сезади, шуҳрат алангасига чулганса ҳам кўз олдига алпкелбат бобоси келади.

Дронкиндан бежиз Петровичга ўтмади. У жангдан

кейин ресторанда маишатга чорлади, аёл билан кўнгилхушликка йўл берди. Олим ўзини тиёлмади: ёш экан, адашди! Шайтон ҳар ерда ҳозир у нозир!

Петрович уни ароққа ва аёлларга яқинлаштирмади, рақиб мағлублик ишорасини берса, ўзингни тўхтат, чертма ҳам деди. Бу мардлик эмасми?! Бундан ташқари, курашиб топган пулининг катта қисмини беряпти!

Ўтган сафар болтиқбўйилик жангчи билан бир негр курашди. Жанг узоқ давом этди. Ниҳоят, негр рақибининг охириги зарбасига бардош беролмай, чўккалаб қолди. У тиззасини шапатилаб, снгилиш ишорасини берса ҳам рақиб уни икки-уч марта тепиб юборди. Ҳакам уни куч билан тўхтатди. Мағлубнинг устози кескин эътироз билдирди. Аммо жангчи хатосини тан олгиси келмай, зўравонлик йўлига ўтганида, залдагилар бақириб-чақиришди, ҳуштакбозлик бўлди, аллаким фирромга бир бакалалашка «Фанта» отди... Ўзини босолмаган жангчини Петровичнинг одамлари ҳушига келтиришди.

Олим унинг қилиғини жазава эмас, номардлик, деб баҳолади. Жангчи унинг нафратига дош беролмай, кўзини олиб қочди... Хонага шошилиб кирган Петрович:

- Йиқилганни тепиш номардлик, бунини биласанми? Яна шунақа қилсанг, Москвадан қорангни ўчираман!

- деди. Унинг кўзларида ғазаб, нафрат аланга оларди.

Олим жангчининг қилиғини ўйласа, ғазаби тошаверди. Бувисининг гапи ёдига тушиб, бобосидаги хислат ўзига ўтганидан севинди.

- Йигит кишига уч марта омад келади, - деганди бувиси, - биринчисида ёшлиқ қилиб, қадрига етмаслиги мумкин, аммо иккинчи - учинчисини маҳкам ушлаши шарт, ушлолмаса, бир умр қийналиб, боши эгилиб ўтади. Уччасини маҳкам тутса, унга ҳеч ким етолмайди: топганларига Худо барака беради, обрў

мартабаси баланд, ишлари баравж бўлади...

Анатолий Петрович елим халтада пул ташлаб чиқиб кетгач, Олим бувисининг гапларини яна эслади. Боғлам-боғлам евро ва долларларни томоша қилар экан, ўзига савол берди.

- Бу нечанчи омад?

Назарида, биринчисига ўхшади. Италияда ғалаба қилса, иккинчисини қўлга киритадими?!

Қўнглидан ўтган гаплар ўзига ёқди, юрагига севинч, энтиктирувчи туйғулар қуйилди.

- Ўзингни бос!

Бу овоз қасрдан келганини билмади.

- Шукр қил!

Бувиси бу гапни кўп айтарди. Сўзлаётган унинг руҳимикан?

Ҳозир руҳлар кўринмай, одамга таъсир ўтказа олишини ўйлаб, вужуди жимирлаб кетди.

Наҳотки, бувининг руҳи Москвада уни тарбият қилаётган бўлса?! Худонинг ишларига ақлимиз етмайди!

У Аллоҳга шукр, дея пичирлаб бироз енгил тортди, пулни янги сотиб олган жомадонига жойлади. Сўнг яхшилаб ювинди-да, бувиси ёдлатган қуръон сураларидан ўқиб, унга бағишлади. Бояги овозни кутди, аммо панадаги одам кетиб қолгандай, овоз ғойиб бўлганди.

Шу пайт қўлида пул кўтариб, Ботир кириб келди. Кайфияти баланд.

- Қозоғистонда бунча пулни олти ойда топардим, Петровичга гап йўқ! Энди Италияга, албатта, борамиз! Нима дединг, Олим полвон?

- Боришга борамиз, аммо пулларни Ватанга қандай етказиш ўйлантириб қўйди!

- Муаммо йўқ, йўли бор!

- Қандай?

Ботир ҳеч нарса демасдан икковидаги пулни ҳисоб-

лагандан кейин Ўзбекистонга, Латиф ҳожи деган танишига қўнғироқ қилди. Салом-алик қисқа бўлди.

- Москвадаги одамларингиз ҳозир нима иш қилишяпти?

- Улар шу ерда, эртага жўнаб кетишади. Нима гап?

- Бизда озгина пул бор, келиб шундан фойдаланишаверсин, сиз у ердаги вакилимизга бериб қўясиз, майлими?

- Яхши, қанча?

- 100 минг доллар...

- Манзилни айтинг!

Ботир тушунтирди. Уларни аэропортда кутиб олиб, пулни берганларидан кейин Латиф ҳожи Одил акага 100 минг доллар бериб қўяди.

Олим Одил акасига қўнғироқ қилиб, пулни олгандан кейин нималар қилиш кераклиги борасида маслаҳатлашди.

Олим севиниб ташқарига чиқаётганида телефон жиринглади. Экранда нотаниш рақам бўлса-да, боғланишдан ўзини тиёлмади.

Лидия экан! Беш дақиқага кўчага чиқишини илтимос қилди. Олим иккиланиб турганида, ортидан Ботирнинг овози келди.

- Чиқавер, аммо у билан кўп ўралашма!

- Нега?

- Хаёлингни ўғирлайди, шаштингни кесади. Петровичнинг ишончини оқлай олмасанг, ҳафсаласи пир бўлади.

Янги «Мерсадес»га суяниб турган Лидия кўзлари севинчдан чақнаб, Олимга қўл узатди.

- Ваъдангда туролмадинг, Алиқ!

Олимнинг кулгиси қистади.

Хумор кўзлар соғинч билан қадалганида Олим қалбига нотаниш ҳислар ёпирилиб кирди. У энтика бошлади, бироқ одатдагидай тезда ўзини қўлга олди.

- Огоҳлантиргани келдингми, гўзал?

Олим гуноҳини юваётгандай гапирарди. Лидия уни машинага таклиф қилди.

- Яқин кафедра ярим соат ўтирсак, қарши эмасми-сан?

- Ҳозир тайёргарлик бошланади. Бошқа куни ўтирсак-чи...

Қиз илтижо ва ёлбориш билан боқар, Олимнинг назарида уни рад этиш мумкин эмасди.

У вақтини қизғонса-да, таклифни кейинга суришни лозим топмади, аксинча Лидиянинг ёмон нияти йўқлигини сезиб, индамай тураверди.

- Икки кундан кейин Италияга кетасан, қачон қайтишингни билмайман, яхшиси, ярим соат вақтингни аяма!

- Майли, ўн минут ўтирамыз.

Бир километрча юришгач, йўл бўйида тўхташди.

«Водопад» кафесида Лидиянинг укаси кутиб турган экан. Олим билан қучоқлашиб сўрашгандан кейин у чиқиб кетди.

Официант уларга ичимлик қуйди.

- Мени назаринг илмаяпти, Алик!

Лидия ғамгин, ялинчоқ овозда гапирар, Олимнинг эътиборини тортишга интиларди.

«Гинахонлик бошланди».

- Нега?

- Ваъданда турмаганингдан хафаман!

- Нотўғри тушунма, вақтим бемалол эмас. Италиядан келай, Волга дарёсига балиқ овига боришимиз мумкин, нима дейсан?

Лидиянинг кўзлари чарақлади. Бир неча сония йигитга тикилгач, юрагини ўртаган ҳижрон, севги азоби сув сепилган оловдай ўчиб қолганга ўхшади.

- Наҳотки, Алик? Дугоналаримни ҳам таклиф қилсам бўладими?

- Ҳа, мен келгунимча бориш-келиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб қўй.

Лидия даст ўрнидан турди-да, Олимнинг бўйнидан кучоқлаб, юзларидан ўпа бошлади.

- Қанчалик хурсанд қилганингни билсанг эди, Алик!
- Лидия, жойингга ўтир, асалим! Бу ҳаммаси эмас!
- Яна қандай янгилик бор, Алик?
- Келганимдан кейин айтаман! Ҳозирча менга руҳсат бер.

Олим ташқарига қараб юраркан, Лидия сумкасини олиб, ортидан югурди. Машина олдига етганда:

- Мени бир марта кучоқлаб ўпиб қўй, Алик! - деди.

Олим унинг истагини қойилмақом қилиб бажарди.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса рўй берди. Сал наридан бир гуруҳ қизларнинг қийқириғи, хуштаги эшитилди.

- Лидия, сен ютдинг!
- Алик, Лидия сени севади!
- Света минг доллар ютқазди!

Олим гап нимадалигини тушунди. Қизлар шовқин-сурон, кулги билан уларни ўраб олишди. Айримлари Олимни кучоқлаб олишга интилишарди. Олим улар билан ўралашмаслик учун Лидияга юзланди.

- Мени ташлаб қўй!

Лидия машинага ўтираётганида, қизлар эшикка ёпирилишди.

- Бирга борамиз!

Уч-тўрттаси шовқин-сурон билан жойлашиб олгач, ўзларини таништиришди, телефон рақамларини беришди.

- Италиядан қайтгач, балиқ ови эсингдан чиқмай-дими, Алик? - деди Лидия манзилга етишгач.

Қизлар Лидияга «Бизсиз бориб бўпсан!» дегандай эркалик қилишди. У машинадан тушиб, Олимнинг бўйнидан кучоқлади. Қизлар чулдуришар, кўзларидаги ҳасад ўти Лидияни куйдириб юборадиган даражада эди гўё.

\* \* \*

Зарина икки марта сўрашига қарамай, Нигина Олимнинг жанглари тасвири туширилган дискни бергиси келмади. Дискни бошқа қизлар тинимсиз кўраётгани хаёлига келавериб, Заринанинг тинчи йўқолди. Бир неча кун сиқилиб, ўзини қўярга жой тополмай юрди. Бошқа қизлар орқали уни қўлга киритишни ҳам ўйлади. Аммо бегонадан кўра Шоҳбоз акасидан сўраш унга маъқул кўринди.

Уч кундан кейин Шоҳбоз тушга яқин Заринага кўнғироқ қилди.

- Дискни олдим. Кечкурун уйга олиб бораман.

- Ака, сиздан битта илтимос.

- Ҳўш?

- Ўшани СДИ дискка ёздириб берсангиз, майлими?

- Яхши.

Кечга яқин Зарина онасига қарашаётганида, Диёра бувисиникидан келди.

- Мен турганда сиз ошхонада нима қиласиз, Заринахон?

- Озгина қарашиб юбормоқчийдим...

- Дарсингизга кираверинг, ўзим ҳаммасини эплаймаман.

Онаси гапга аралашди.

- Буям яқинда келин бўлади, рўзғорни ўргансинда...

Зарина Диёра билан кўз уриштириб, ширин воқеаларни эслагандай, кулимсираб қўйди. Сўнг қўлини артиб, хонасига кириб кетаётганида, дарвозахонада машина овози эшитилди.

Зарина дискни икки марта кўрди. Олимнинг қаддиқомати, ҳаракатлари ташқаридан қараганда чиройли ва кўркемлигини биларди, аммо жанг кийимида қизларни яна-да ром этиши хаёлига келмабди. Шиддатли

ва нафис ҳаракатлари, рақибини ошириб отишлари, Заринани тамоман лол қолдирди. Аввалига жанг қилаётган Олим акамми ё бошқасими деб иккиланди. Аммо жангдан кейин хотиржам ҳолатини кўрди-ю, гумонлари тумандай тарқади. Оригинал кўринишларни эртага принтерда қоғозга чиқариб олиш учун флешкага солди. Беш-олти хил расмини телефонига ўтказди.

Кўрпага бурканиб ўйларкан, Олимнинг янги қирраларини кашф этиб, уни севиш учун яралгандай сезарди ўзини. Йигитнинг хаёли юрак тубига илдиздай кириб, борган жойини нурга, ширин туйғуларга тўлдирарди. Руҳида ҳеч қачон сезмаган чароғонлик, умид ва қувонч кезарди. Шодликдан ухломмас, хонани айланар, таассуротларини кимгадир айтгиси келарди. Диёра ҳозир акаси билан. Бошқа дугоналарига ишониб бўлмайди.

Анча ётгандан кейин ўзи билмаган ҳолда кўнглини ёқимсиз шабададай нохуш бир туйғу - дискни бошқа қизлар, айниқса, Нигина кўрганлиги билан боғлиқ хаёллар чулғади. Юзлаб қизлар ҳам расмини телефонига олган, кечалари қадди-қоматини ўйлаб ётган, у келса, ҳаммаси олдига ёпирилиб борадигандай, Олим акаси унга тегмай қоладигандай умидсизланди.

Нохуш ўй-хаёллар эртанги кунига таъсир қилибгина қолмай, руҳиятини мувозанатдан чиқариб юборди. Нигина ўзининг асабини бузиш, алам қилдириш ва доғда қолдираётганини билдириб қўйиш учун диск ҳақида гапирган, деган хулосага келди. Бу хулоса аламзадалик туйғусини кучайтириб бораётганини сезса ҳам унга асир бўлишдан ўзини тортолмас эди.

Кўзлари қизарган, кайфияти тушқун ҳолатда ноноштага чиқди. Шоҳбоз «Тинчликми?» деб пичирлади.

- Ҳаммаси жойида!

Шоҳбознинг назарида, синглиси кечагидан анча чўккан, ҳаммаси диск билан боғлиқлиги учун ўзини ноқулай сезди.



Нонушта тугагунча Зарина онаси билан бир-икки оғиз гаплашди, холос. Дадасининг саволларига узуқ-юлуқ жавоб бериб, ўрнидан қўзғалди.

- Тезроқ чиқ, университетга ташлаб қўяман! - деди унга Шоҳбоз.

Катта йўлга бурилишганда Шоҳбоз синглисига қаради.

- Тинчликми?

- Мен яхшиман!

- Яхшига ўхшамаяпсан, ким хафа қилди?

Зарина изтироб билан атрофдаги одамлар оқими, машиналар дарёси ва осмонга боқди.

- Ҳаёт хафа қилди, тақдир ранжитди!

Шоҳбоз машинани йўл четига олиб, тўхтатди.

- Ҳамма севган қизлар яйраб-яшнаб юради, мен кўнгил қўйган одамга биров кўз тикмаслигини истагандим, аксинча бўляпти!

Кўзларига қалқиб чиққан ёшни кўрсатмаслик учун Зарина қизарганча ерга қаради. Бармоқлари билинар-билинамас титрарди унинг.

- Ўзингни бахтсиз дейишинг нотўғри!

- Нега?

- Ҳаёт синовларидан мардона ўт! Севгида омадсизлик тақдирга таъсир қилмайди!

- Сабаб?

- Севги деб куйиш, ғам чекиш оқил одамнинг иши эмас.

- Унда нима?

- Одамлар «Ҳар ошиққа беш кун давр», деган гапни кўп гапиришади. Ёз оқшомларидай тез ўтадиган сармастликка озгина беларво бўл!

- Бўлолмаяман, ака, юрагим сиқияпти, дунё кўзимга қоронғи кўриняпти... Чеккага отиб юборилган тошга ўхшайман...

- Тушкунликка тушма! Ўзингни қўлга ол, яхши кунларинг олдинда, нурли келажак севги билан ўлчанмайди.

- Билмадим...

У кўз ёшларини яширмас, яноқларини юваётган томчилар қалбидан тўкилаётган ғамга ўхшагани учун Шоҳбоз «Синглим енгил тортади», деб ўйларди.

- Яшашдан мақсадинг нима, орзуларингни айт-чи?

- Калламда ҳеч нарса йўқ, ҳатто дарс миямга кирмайди.

- Қизчалигингда ким бўлмоқчи эдинг? Қандай мақсадни олдингга қўйгансан? Наҳотки, орзуларинг бўлмаса?

Зарина бир нафас жим турди. Сўнг дастрўмолини олиб, кўз ёшларини артди. Тўзғиган сочларини тартибга келтириб, енгил хўрсинди. Бошини даст кўтарди-да, акасига қаради.

- Бор!

Овози хазин, кўзлари ғамгин, аммо кутилмаганда кайфияти кўтарилганди. Ҳамма сирлари, режа ва орзуларини акасига айтади. Ягона сирдоши, суянгани у эмасми? Бир вақтлар ҳаётини изга солиш, турмушга очиқ кўз, теран ақл билан қараш учун синглисининг маслаҳатларига амал қилган ва вазиятдан чиқиб кетганди-ку у?! Балки ака маслаҳатлари билан сингил ҳам тўғри йўлни топар?!

Заринанинг кўнгли ёришгандай бўлиб, Шоҳбозга жилмайди.

Шоҳбоз севги ҳақида, чўкаётган одамни қутқариш учун дуч келган калтакни узатиш фойда берганидек, сингилни ғам дарёсидан тортиб олгани ёлғон ишлашига мажбур бўлгани учун виждони олдида қийналмади...

Тушликка чиқишганда гуруҳдоши Лазиза билагидан ушлаб, четга тортди.

- Дугонажон... - у Заринанинг қулоғига пичирлади, - акангнинг синфдоши Олим ака бор-ку?

Лазиза кўзлари ҳаяжондан ёнар, янги таассурот билан нафас олаётгани сезилиб турарди.

- Кеча унинг жангини кўрдим. Ана, гавда, ана куч!  
Воҳ, оғзим очилиб қолди. Очиғи, ўзбек йигити Москвада зўр бўп кетганига қойилман. Даҳшат уриб кўяркан, негрми, ўрисми, фарқи йўқ, битта-биттадан эзиб ташлаяпти... Ҳозир ҳамма қизларнинг тилида Олим ака! Арзийдиям-да!

Лазиза уни ҳаммамиз севамиз, дегандай ғурур билан сўзларди. Зарина қалбининг ўнгида ғурур, чапида ғашлик ва рашк бош кўтарди.

Лазиза тўлиб-тошиб гапирарди. Зарина эса эшитишни истамай, ташқарига чиқиб кетди. Хиёбонда озгина айлангандан кейин сал кўнгли ёзилди, фикри ўзгарди. «Келишган йигит бўлгандан кейин ҳамма гапиреди, яхши кўради, улар мендан Олим акамни тортиб олмаяпти-ку! Мен хунук, бедаво, саводсиз қиз эмасман, ўзимга яраша чиройим, ғурурим бор, қолаверса, улар Олим акамни менчалик танимайдилар. Нигина - ёлғончи, Олим акам у билан телефонда гаплашмайди».

Заринанинг миясида бир фикр «ярқ» этди. Шошганча хонасига борди-да, Лазизани коридорга етаклади.

- Илтимос, дискни қаердан олганингни айтолмайсанми?

- Бемалол, акам бозордан олиб келган, кўчаларда сотишяпти.

- Ростданми, алдамаяпсанми?!

- И-е, нега алдайман?

У Лазизани кучоқлади, икки юзидан чўлпиллатиб ўпди.

- Раҳмат, дугонажон!

Лазиза ҳайрон турганида, дарсга кўнғироқ чалинди.

\* \* \*

Олим кийимларини алмаштираётганида, телефони жиринглади. Нотаниш рақам. Таниш рақамларни

эслаб қолмагани учун ёмон фикрга бормадди. Боғла-  
ниш тугмасини босди.

- Алик, бир минутга кўчага чиқа оласанми?

- Тинчликми?

- Ҳаммаси жойида...

Нотаниш кимса чеченгами, грузингами ўхшаш  
акцент билан гапирар, овозидан ниятини билиб бўл-  
масди.

- Ўғлим ашаддий ишқибозинг, унга дастхатинг  
керак, сен билан расмгаям тушмоқчи, раъйини қай-  
тарма!

Ҳаммасини эшитган Ботир Олимга ташвиш билан  
қаради. У эса парво қилмасдан ташқарига чиқди.  
Йўлнинг у томонидаги «Жигули» олдида ота-бола  
кутишаётганди. Бола автомобиллар оралаб, Олим то-  
мон югурди.

- Иван, шошма!

Бола ҳаммани ваҳимага солиб, машиналар ўртасида  
гангиб турар, қайтишни ҳам, олдинга юришни ҳам  
билмасди. Олим унга қараб юрди, кутилмаганда  
машиналар тифизлашиб тирбандлик ваҳимаси кучай-  
ди. Ҳайдовчилар норози бақириб-чақиринишар, уят сўз-  
лар билан сўқинишарди. Кутилмаганда қора «ПРА-  
ДО» йўл четида тўхтади. Ортидан тўртта «Хунда»  
мотоциклида келаётган тақирбошлар машиналар ора-  
сидан ўтаётган Олимга ёпишишди. У ҳеч нарса қилол-  
май, гангиб қолди. Тақирбошлар апил-тапил Олимни  
машинага босдилар.

«ПРАДО» юргач, тирбандлик озайди, ҳайдовчилар  
хурсанд бўлганча йўлда давом этишди, тўсатдан рўй  
берган воқеа ҳеч кимни қизиқтирмади.

Ҳодисани идрок этгунча Олимнинг қўлини боғлаш-  
ди, бошини ерга эгиб, ёнга қарагани имкон беришма-  
ди.

У боши эгилиб, кўзлари қора мато билан боғланган  
бўлса ҳам, қаёққа келишаётганини тахминан билиб

кетарди.

Марказий йўлга бурилишгач, ўн беш дақиқача юриб, машина ортига қайтди, нотаниш доира йўлдан бир марта айланиб, яна ўша чизиққа тушди, светофорда тўхтаб, яна ортига бурилди. Беш дақиқача юргандан кейин темир дарвоза шарақлаб очилди. Машина ертўлага тушди. Олимни қоронғи хонага олиб кириб кўзларидан матони олишди-да, бурчакда қўлларини бошига қўйиб, орқаси билан туришни талаб қилишди.

Унинг кўзи қамашди. Атрофида ивирсиб юрганларнинг ранги-рўйини, шаклу шамойилини бирданига идрок этолмади. Бир неча марта кўзини юмиб-очгандан кейин улар москвалик тақирбошлар эканини тушунди. Кучи ва эпчиллигини уларга солиштирди: даф қилишни эпполмайди. Лекин улар нимани, кимни кутишяпти? Мақсад қамаш бўлса, эшикни ёпиб чиқиб кетишарди. Икки қадам узоқлашган кўйи роботдай қотиб туришибди.

Бир неча дақиқадан кейин аввал икки, сўнг уч киши кирди. Тақирбошлар хонани тарк этишди. Янги кирганлар Олимни ўзларига қаратишди.

Олим руҳий кувватини кўзига жамлаб, уларга тикилди. Бирортаси бардош беролмади, алланарсаларни баҳона қилиб кўзларини олиб қочишди.

- Ноёб қобилиятингни сезган, биринчи жангга олиб кирган биз эдик!

Қатор бошидаги одам фикрини тасдиқлатиб олмоқчидай ёнидагиларга қаради.

- Биринчи галабани бизда қўлга киритганингни унутма!

Иккинчида турган одамнинг гапи Олимнинг таажубини орттирди.

- Қулликдан сўнг бизга келиб, катта пул топгансан, тўғрими?

Ҳамма Олимдан жавоб кутарди. У рўпарасидагиларнинг фикрини уқиб олди.

Биринчиси:

- Алик барибир рози бўлмайди!

Иккинчиси:

- Дронкин у айтган пулни беролмайди!

Тўртинчиси:

- Тезроқ биз билан ишлашга рози бўлганида «Кўзи-қорин»дан қутулардик! - деб ўйларди. Ўртадагиларга дарёнинг икки томони барибирдек, бошқа нарсаларни ўйлашарди.

Олим ўзини гўлликка солишни афзал билди. Гап замирини тушунмаётгандай талмовсиреди.

- Мақсад нима? Тушунтириб гапиринг!

- Алик, бизни лақиллатма! - деди саф бошида турган олифта.

- Босқинчига ўхшаб машинага босдиларинг, қамадиларинг! Нега?

- Биз билан ишлашга розимисан!

- Олдинроқ айтиш керак эди...

Олим ҳаяжонини яширолмади.

- Мен бунақа йўл тутмасдим...

Унинг кўзида нафрат ва ҳаммасини фикридан қайтарадиган зарба бор эди.

- Узр, Алик, - бирдан гапга аралашди чўққи соқолик ёшроғи, - йигитларимиз сал қўполлик қилишибди.

Олим тезлик билан давом этди.

- Буни Петрович билан гаплашиш керак!

Ҳамма саросимага тушгандай, бир-бири билан кўз уриштириб олди.

- Нега?

- У билан бир йиллик шартнома тузганман, бошқа гуруҳга ўтолмайман! Муддат тугагандан кейин таклифингизни ўйлаб кўраман!

Ҳаммаси истехзоли кулди.

- Жавоб қабул қилинмади!

Тўртинчи одамнинг қитмирлиги остида озгина пўписа кўринди.

- Таклифга рози бўлсанг, Москвадан уч хонали квартира, шахсий енгил автомашина, битта хизматкор берамиз! Шарт шуки, Римда бизнинг номимиздан жангга тушасан!

- Ихтиёр менда эмас, дедим-ку!

- Эй, аҳмоқ, - ғазабланган чўққи соқол бир қадам олдинга чиқди, - чўпчагингни энангга айт, сени бу ерга бекорга олиб келдикми? - у очиқ таҳдид қила бошлади, - ўз ихтиёринг билан бизга ўт! Акс ҳолда, юртингга қайтиб кетолмайсан! Петрович сендақаларга аза тутиб, биз билан ёқалашадиган одам эмас!

- Худди шундай! - ҳамма уни маъқуллади.

Олим кўрққанини билдирмай, мийиғида кулди. Улар ғазаб ва ваҳима билан Олимнинг устига бостириб келдилар. Вазият мураккаблашди.

У ортга тисарилиб, ҳаммасининг миясини титиб кўрди. Кейин бир қадам олдинга юриб, елкасида иккита бўрини ҳис қилди. Уларнинг шарпалари одамларга ҳам сезилди, шекилли, ҳамма бараварига чўчиб кетди. Олим тишларини гижирлатиши билан саросима бошланди. У бир зум атрофга зимдан назар солди-да, сакраб тепиб, иккитасини ағдарди. Учинчиси бурчакка қочди, қолганлари унинг мушти зарбидан ҳар тарафга учиб кетишди. Бурчаклагиси Олимга ташланган эди, темир бармоқлар бўғзидан олиб, нафас олишга имкон бермай қўйди...

Шовқин-суронни эшитган ташқаридаги кўриқчилар отилиб киргач, йиқилганлар зудлик билан ўринларидан туриб, Олимга ташланишди, кўпчилик уни ўраб олди. Чўққи соқолли кўриқчиларни бўралаб сўкди. Ҳамма уни босиб олиб, қўлини боғлагандан кейин эса, бояги сипо турганлар ташқарига чиқа бошлашди. Охирида қолгани:

- Рози бўлмасанг, ертўлада чирийсан! - дея яқин келди-да, Олимнинг жағига бир мушт солди.

Олимнинг қўлига кишан солиб, хонада танҳо қол-

диришганда телефони ёдига тушди. Уйдан чиқаётиб, чўнтаги устидан телефон тугмачаларини ўйнаб ўчирганини билмай қолгани, ёқиш арафасида кутилмаган воқеа рўй берганини эсладию, тасодиф ўзининг фойдасига ҳал бўлганидан қувонди.

Эшик ўртасидаги қалин ойнадан қараб, телефонини чўнтагидан олиш хавfli эканлигини тушунди: ойна нариги томондан ичкарини кўрсатадиган бўлиши мумкин. Телефонга тегмади, зўр бериб ўйлай бошлади...

\* \* \*

Ботир кўчага чиқади, уйга киради - кўчага чиқади, уйга киради, Олимдан дарак йўқ. Телефони ўчирилган. Ўзи қўнғироқ қилмайди. Бошлиққа хабар бермоқчи бўлиб турганда унинг ўзи кириб келди. Бўлган воқеани эшитди-ю, туси ўзгарди. Дераза олдида тўхтаб, Ботирга тикилди.

- Бўлиши мумкин эмас! Қаерга кетса, менга айтиш шартлигини биларди. Кўнгилсизлик содир бўлган!

Олим биринчи марта ғойиб бўлгани учун Анатолий Петрович ўзини қўярга жой тополмади. Халқаро жанг арафасидаги бу сирли воқеа кўнглига аллақандай гулгула соларди.

У Женяга қўнғироқ қилиб, тақирбошлар билан гаплашишни топширди.

- Мен билан юр!

У шаҳд билан гапириб, эшикка бурилди.

- «Кўзиқорин» ўғирлатган бўлса, кули кўкка совурилади.

Ташқарида машина кутарди. Шу пайт бошлиқнинг телефони жиринглади.

- Эштаман, Женя!

У аллақандай манзилни тушунтириб, ўша ерда кутишини, ёнида йигитлари борлигини маълум қилди.



Анатолий Петрович тўппонча олиб, камар орқасига қистирди. Рязань вокзалидан ўтишгандан кейин катта йўлга чиқиб, тўппончани ўқлади.

Муюлишдаги темир эшик олдида у ёқ-бу ёққа юраётган иккита йигитни кўрсатиб, Ботирга имлади.

- Уларни ўзинг тинчитасан!

Машина тўхтагач, Анатолий Петрович Ботирга бир кути сигарета узатди.

- Йигитлар, - деди Ботир машинадан тушаркан, - ёндириб олсам бўладими?

- Эй, чурбан, биз чекмаймиз!

Ботир кўпол муомаладан жаҳли чиққан тарбияли одамдай уларга қайта мурожаат қилди:

- Болалар, чиройли гаплашайлик!

- Қишлоғингга бор, бола!

- Қаёққа?

Улар масхара билан шимолни кўрсатишаётганда, Ботирнинг тўсатдан туширган муштидан эсанкираб қолишди, сўнг кўкракларига, кураклари ўртасига урилган темир зарбдан пешоналари ерга тегди. Келганлар бу икковини машинага чиқариб, устидан қулфлаб, ичкарига йўл олишди.

Анатолий Петрович олдинда, ҳайдовчи билан Ботир кетма-кет ичкарига киришганида, уларни икки барзанги кутиб олди.

- Яқинлашма, отаман!

Улар дев сингари важоҳат билан бостириб келишар, дуч келган кишининг абжағини чиқариб ташлайдиган сиёқлари бор эди.

Бошлиқ иккинчи марта огоҳлантирмади. Тўппонча тепкисини босди. Улар оёқларини ушлаб, доллаганча ерга қапишганларида

коридорнинг ўнг томонидан уч қоровул югуриб келди.

- Деворга қарамасанг, отаман!

Улар додлаётган шерикларини кўриб, буйруққа

бўйсунди.

Шу пайт Женя икки шериги билан ҳовлиққанча кириб қолди. Ва бошлиқ имоси билан девордагиларни ўзига қаратди.

- Алик қаерда?

- Бу ерда йўқ!

- Тақирбошлар олиб келган, бошла!

- Биз билмаймиз, Петрович!

- Учгача санайман, айтмасанг, чўлоқ бўласан! Бир, икки, уч..

Ўқ узилди, биттаси болдиридан яраланди. Ярадорнинг додлаши боягилар оҳ-войига қўшилиб, ғалаговурга айланди.

- Бу ер болалар боғчасига ўхшайди-я!

Женя бошлиққа қарагач, ҳозиргина ўқ еган қоролнинг шериги тилга кирди.

- Петрович, ҳаммаси бекорга бўляпти!

- Нега?

У ғазабга минган, тўппонча ушлаган қўли титрарди. Агар бир оғиз нотўғри гапирса, уни ҳам отиб ташлашга тайёр ва бундан афсус чекмайди.

- Бир соат олдин дала - ҳовлига олиб кетишди.

Анатолий Петрович шошганча унинг олдига келиб, биқинига тўппонча тиради.

- Бошла, ўша ёққа!

Икки қўриқчини машинадан пастга отиб юборишди. Улар панжара тагига думалаб тушишди. Ўринларидан тура солиб, машина ортидан мушт ўқталишди.

Ўрмон ўртасидаги қўл бўйида жойлашган дала - ҳовлига ўтган йили Анатолий Петрович бир муаммо юзасидан адолатни қарор топтиргани келган, «Кўзиқорин» бошқа гуруҳга юз минг доллар жарима тўлаган эди. Ҳозир машина уч айрилишга етиб, ўнгга бурилганда ёдига шу воқеа тушди. Ташқарида момақалди роқ, чақмоқ чақиб, ёмғир шаррос қуяётгани учун муҳокамани шинам ертўлада ўтказишган, «Кўзиқо-

рин»нинг фирибгарлигини фош қилишган эди. Унинг назарида, ҳозир Олимни топиб, «Кўзиқорин»ни чақиртиришади. Сўнг унинг аҳволига маймунлар йиғлайди.

\* \* \*

Кейин кирган икки нафар қора ниқобли кишидан бири Олимнинг қўл телефонини топиб олди.

Унинг қўлига кишан солишди-да, кушеткасимон столга осмонга қаратиб ётқизишди.

Улар ярим стакан сувга оқ кукун солишди-да, Олимга мажбурлаб ичиришди. Бироздан кейин уни ўтқазиб қўйишди. У бирини калласи, иккинчисини боши билан урди, бироқ улар ҳам аяб ўтиришмади, дуч келган ерига тепишди.

Олим кишанни узиб ташламоқчи бўлди, аммо қўллари оғриб, жони қийналди, холос.

Ниқобликлар бир оздан кейин уни яна ётқизишди, яна ярим стакан суюқлик ичиришгач, хонани тарк этишди.

У осмонга қараб ётаркан, мажбурлаб ичиришган суюқликни ўйлаб, қайғуга ботди. Тил устида тахирлик, бемазалик сезаётгани учун қусиб ташламоқчи бўлди, аммо негадир кўнгли айнимайди. Ҳаёти учун хавfli ҳодиса рўй берганини ҳис қилди.

Беш дақиқадан сўнг ундаги нохушлик йўқолиб, вужуди увишганга ўхшаб ширин энтикди. Ҳаёлига Галина билан Тошкентдаги меҳмонхонада ўтказилган тун келди. Аёлнинг нозу ишвалари борлигини эгаллагандай бўлди. Галинанинг гўзаллиги, жозибасини қайта кашф этгандай бўлди.

Аёлни эслаб, эҳтирослари кўзғолон қилаётганда эшик очилиб, оппоқ елкалари очиқ, калта қўйлак кийган, сочлари ёйилган, кўзида эҳтирос ўйнаган Лидия пайдо бўлди! Олим даст ўрнидан туриб, қизга яқинлашди. Уни бағрига босишни ўйладию, тўхтаб

қолди. Биров тайинлаб қўйгандай ёки йигит кўнглини сезгандай қиз сумкасидан калит олиб, уни кишандан озод қилди. Ва кўз очиб юмгунча ўзини Олимнинг эҳтиросли қучоғида кўрди.

- Алик, мени шунчалар ёқтиришинг тушимгаям кирмагани!

- Сен гўзалсан, малагим!

Лидия уни зимдан кузатиб, кечалари умид ва умидсизлик билан ўйлаган орзусига эришаётганидан ўзини қўярга жой тополмас эди.

- Юр, Алик, алоҳида хонага ўтамиз...

Олим сўзсиз бўйсунди, эшикдан чиқишаётганда белидан куйвормас, бўйнидан, лабларидан ютоқиб бўса оларди.

Коридордан ўтиб, иккинчи қаватга кўтарилишди. Кичик фойе охиридаги туркча тахта эшикни очишганида шоҳона ётоқxonани кўриб, Олимнинг оғзи очилди. Лидияни диванга бошлади. Эшик ёпилиб, ўз-ўзидан қулфланди...

Олим қизни кўтариб, диванга отди.

- Алик, мунча шошмасанг...

- Сен ҳақиқий жонон қизсан, Лидия!

- Тезроқ ечиниб, бағримга кел, асалим...

Кутилмаганда эшик очилдию, эҳтирос билан бошланган севги ўйинига нуқта қўйилди. Остонада Анатолий Петрович билан Ботир пайдо бўлди...

- Алик!

Бақирмаган бўлса ҳам, Анатолий Петровичнинг овози даҳшатли янгради. Чўчиб кетган Олим шимини ерга ташлаб юборди. Бир бошлиққа, бир қучоғига чорлаётган қизга қараб, уялгандай бўлди. Аммо эҳтирос ҳаммасидан устун келди: фақат мақсадига етишни ўйларди. Эшик томонга назар ташлаганда кўз олдини туман қоплаб, одамлар кўринмади. У диванга чиқаётганда яна ваҳима билан янграган овоздан ўзига келди.

- Алик, қайт орқангга! У қиз - касал!!

«Касал» деган сўз хунук эшитилди, шекилли, Олим бир сесканиб, савол назари билан қаради.

- Бу беҳаё, - бошлиқ Лидияга нафрат билан боқиб кўлини нуқиди, - СПИД!

Йигит карахт бўлиб қолди. Анатолий Петрович Ботирнинг қулоғига алланарса деб шивирлади, сўнг диван олдига бориб, Олимни пастга тортди. У эси оғиб қолгандай термулиб турарди.

- Сенга нима бўлди?

Қиз Анатолий Петровичдан чўчиб, устига кўрпа тортди. Олим бошлиққа жавоб беришга оғиз жуфтлаган эдиямки, пақир кўтариб кирган Ботир унга сув сепиб юборди. Олим «Уҳх» деб бир сесканди-да, ўзига келгандай оёғини дивандан узди. Ботир кийимларини олиб, уни ташқарига стаклади.

У қиздан кўз узолмас, хонани тарк этишга мажбур бўлаётгани ўкинч тўлган кўзларидан англашилиб турарди.

Кўзигача кўрпага ўраниб, воқеа сўнгини кутаётган Лидия Анатолий Петрович билан ёлғиз қолишдан кўрқиб, шошилиб ўрнидан турди-да, чойшабга ўраниб қочиб кетмоқчи бўлди. Дивандан тушаётганда юзига теккан тарсакидан қалқиб, додлаб юборди.

Анатолий Петрович унинг кетига зарб билан тепди. Йиқилаётганда сочидан чангаллаб, башарасини ўзига қаратди.

- Иккинчи Аликка яқинлашсанг, сени зоопаркка сотиб юбораман, тушундингми, қанжиқ?!

Анатолий Петрович қизни ерга улоқтириб, остонада илкис тўхтади.

- Сендақаларни тириклай кўмиб юбориш керак, исқирт!!

Лидия севгилиси кўнгил узолмай чиқиб кетган, ҳозиргина қарс этиб ёпилган эшикка қараб, дунёнинг норасолиги, тақдирнинг аянчлилиги, севгининг шаф-

қатсиз ўйинларини, алам қиларлиси, ҳеч бўлмаганда Галиначалик омади келмаганини ўйлади-да, титраб-қақшаб йиғлаб юборди...

\* \* \*

- Кўзғовчи дори беришган!

Анатолий Петрович Олимни уйга олиб келгач, кайфиятини бузадиган бошқа гап айтмади, энг зўр врачни чақириб, дори таъсирини йўқотувчи муолажа бошлатди.

- Ҳозирча ухласин, - деди врач ташқарига чиқаётиб, - икки соатдан кейин яна укол қиламан, қолганини тер билан чиқариб юборади.

Бошлиқ бир неча марта кўчага чиқиб-уйга кирди, очиқ ҳавода сайр қилиб, бироз ўзига келгач, Ботирга юзланди.

- Итдан тарқаган «Кўзиқорин» майдакашлик билан доим ғашимга тегеди. Ўйинни эпласанг қил-да, номард! Эсини еган қўшмачи!

Ботир ўзини ҳам айбдор сезаётгани учун таскин берувчи сўз тополмас, индамай эшитиб туравериш ҳам нокулай эди.

- Анатолий Петрович, уни шефга айтиб, ковушини тўғрилатиб қўйсангиз бўлмайдами?

- Э, майдакашлик бизга ярашмайди. Биласанми, Ботир, у бошлиққа айтмайди, деб ғашимга тегишни яхши кўради. Менинг одамимни ундан бошқа олиб кетолмаслигини яхши билади. Топиб олишимниям тушунади, аммо бачканалигини қилаверади... Москвада уни жиловлайдиган куч биргина - биз, шеф мендан хафа бўлишини истамайман. Аммо ундан рухсат бўлса, бир кунда ер юзидан уруғини қуритаман.

У ҳаяжонини босиш учун бирпас ўтирди, сўнг аллакимга қўнғироқ қилиб, одамини тополмагач, Олимнинг олдига кирди.

- Сендай иродаси мустаҳкам жангчини улар қандай кўлга олишганини тушунолмаёпман!

Олим бир меъёрда нафас олиб ухлар, Анатолий Петрович уйғоқ одамга мурожаат қилаётгандай сўзларди.

- Италия жанги олдидан бу ишни ўйлаб топган номардларга минг лаънат!

Хонага тортиниб кирган Ботир бошлиқнинг авзойини кўриб, ортига қайтиб чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо қанчалик тез ҳаракат қилишига қарамай, ўзини эшик ортига улгуролмай қолди.

- Шуғулланишни қачон бошлайсан, Ботир?
- Аликни ташлаб кетгим келмаяпти...
- Тўғри қиласан, етказиб оласизларми?
- Хавотирланманг, ҳаммаси жойида бўлади.
- Алик уйғониб, ўзини яхши ҳис қилгунча меҳмонхонада бўламан, чақирарсан...
- Хўп бўлади...

Ботир кутилмаган, ҳатто бошлиқни ташвишга солган воқеадан ҳийлагина кўрқиб кетди. Бундай ҳолат ўзининг ҳам бошига тушиши мумкинлигини ўйлаб, юраги орқага тортди. Бегона юртда кимнингдир паноҳига юкинишдан ташқари, мудом ўзини ҳимоя қилиш зарурлигини ўйлаб, шаҳарда ёлғиз юрмаслик ҳақида Олим билан келишиб олишни кўнглига тугди.

Дунёнинг норасолиги, гоҳида адолат, ҳақиқат, деган олий туйғуларнинг кимларнингдир қўлида ўйинчоқ бўлиши мумкинлигини ўйларкан, ҳаётнинг сирли, мураккаб томонлари кўплигидан ҳайратга тушди.

Худо нима учун ҳар бир одамга ҳар хил характер берар экан-а?!

Мақсадлар, йўллар бир-бирига мос тушмагани учунгина ўртада келишмовчиликлар пайдо бўладими? Уларни бартараф этиш йўлида кимларнинг моли, яна кимларнинг жони кетади, яна аллакимларнинг ҳаёт оқими бошқа ўзанларга бурилиб кетади. Нега шундай?!

Биров бойлик, мол-давлат учун энг азиз одамими сотишга тайёр, бошқаси эса маънавий бойлигига зарра дарз етса, бундан қалби ларзага тушиб изтироб чекади? Улар бир-бирига яқинлашса, ўз йўлидан чекингандай, эътиқодига хиёнат қилаётгандай, эгаллаган нуфуздан мосуво бўлаётгандай сезади ўзини?

Қисмат деган сирли ҳодисот бизни қаерларга улоқтирмайди, кимлар билан учраштирамайди? Кимнингдир олдида хормиз, кимнингдир ҳузурда мағрурмиз? Нима учун?!

Инсониятни оворай сарсон қилаётган яхши яшаш, катта бойликка эга бўлиш имкониятини излаш туйғуси кишини умрининг сўнгги лаҳзасидагина тарк этадими?

Ботир балкондан катта шаҳарни кузатиб, бундай хаёллар нима сабабдан онг-шуурига ёпирилиб келганини аввалига тушунмади, кейин ўтаётган умрида кўрган-кечирганлари, ўзини қийнаган саволлар туйғуфайли тафаккурида ўзига хос ўзгаришлар содир бўлаётганини англади.

Ичкаридан Олимнинг шарпаси эшитилди. Ботир шошганча унинг олдида кирди.

- Яхши дам олдингми?

- Ёмон эмас, белим эзилганга ўхшаяпти, менга нимадир бўлган...

- Ғалати жараённи бошдан кечирдинг.

Ботир бошлиқ топшириғига амал қилиб, ўтган ишларни ёдига солмасликни маъқул топди.

Анатолий Петрович кира солиб, Олимнинг елкасидан тутди.

- Ўзингни яхши сезяпсанми?

- Чидаса бўлади.

- Менга ростини айт, нима бўлди?

Олим бир нуқтага тикилганча, номаълум хаёлларга чўмди.

- Ўзим ҳам яхши билмайман...



Олим бўлиб ўтган воқеаларни эсида қолганича сўзлаб берди.

Ҳалиям аниқ фикрламаётганини сезган бошлиқ енгил хўрсинди.

- Италия нима бўлади?

- Ҳеч нарса! Улгурамиз, бошлиқ.

- Қанақасига улгурасан? - жаҳлланди Петрович, - Ивиган латтадай шалпайиб турибсан-ку!

- Озгина дам олай, шуғулланаман!

Бошлиқ столга мушт туширди... қирғоқдаги стакан гиламга тушиб, суви полга тўкилди...

- Сени ўз боламдай асраётгандим-а...

У жаҳл аралаш таажжубини яширолмай турганида, врач кирди. Бошлиқнинг гапларини эшитган экан.

- Сиқилманг, Петрович, Алик бир кунда ўзини тиклаб олади.

- Ростданми?- унинг кўзлари қувончдан чарақлаб кетди.

- Мана кўрасиз, сизни уялтириб қўймайди, тўғри-ми, Алик?

Олим бош қимирлатди. Муолажа тугагач, Анатолий Петрович чиқиб кетди. Олим ўзини дадил сеза бошлаганда эса, Ботир олдига келди.

- Залга борамизми?

- Бизни биров уришармиди?

Ярим соат шуғулланишгач, Олимнинг баданидан шов-шов тер қуйилди, вужудини бардамлик эгаллади. Зал четида Ботирнинг арқондан тортилиши, халқадан усталик билан ошишини кузатаркан, миясига келган фикрдан севиниб кетди. Тугал ўйлагандан кейин шеригига айтмоқчи бўлиб, зал бўйлаб югуришни давом эттирди.

Олимнинг асаблари ўзига келгач, кечаги воқеаларни эслаб, дам бошлиқ олдида хижолат тортди, дам эҳтиросга берилди, дорининг таъсири анча вақт жисмидан кетмаслигини ўйлаб, ўзини қўлга олишга астойдил интилди.

«Кечаги иш асабимга таъсир қилди, ўзимни қўлга олиш қийин бўляпти, Италияга борсам, ютқазиб қўйишим, ҳатто кутилмаганда майиб бўлиб сизни уялтириб қўяман, десаммикан?»

Олим шуларни ўйлаб югураётганда нақшинкор устунга суяниб уларни кузатаётган Анатолий Петровични кўрдию, фикрларини сезиб қолаётгандай кўзини олиб қочди. Маржондай терлар танасини тозалаётгани учун енгиллаб борар, қўлини ерга теккизмай ҳавода ўмбалоқ ошиб, оёғи билан ерга тушиб, югуриб кетаверар эди. Бошлиқ бир нафасдан кейин скамейка олдига келди.

- Алик!

- Эшитаман, бошлиқ!

- Ўзингни қандай сезяпсан?

Олим ижобий жавоб беришдан бошқа йўл тополмади. Энди бояги мулоҳазаларини айтолмайди, Италия жангига яхшилаб тайёрланиш, фақат голибликка интилишдан бошқа чора йўқ! Пешонада борини кўраве ради.

- Йигитлар, эртага тушгача тўхташ йўқ! Алик, сен тушдан кейин дам оласан!

Иккови таажжуб билан бир-бирига қаради.

- Ҳайрон бўлманг, Ботирнинг ҳужжатини тўғри-лашга улгуролмадик. Ишонаманки, Алик, сен дўстинг учун ҳам ғалаба қозонасан!

Петрович сир яшираётган одамдай уларнинг юзига боқмай, тез юриб чиқиб кетди.

- Бу ерда бошқа гап бор! - икковининг кўнглидан бир гап ўтди.

Ботир Италияга боришга гоҳ чўчир, гоҳ қизиқиши ортарди. Кўнглининг бир чеккасида «Ютқазсам, Петрович гуруҳдан четлаштиради, холос. Агар жиддий жароҳат олсам, юртга мажруҳ бўлиб кетишим ҳам мумкин», деган қайғу кўкрагидан итариб турарди. Бундай ташвишли ўйлар миясини пармалаб юбо-

раёзган паллаларда уларни Олимга ҳам айтгиси келардию, ўзига ишонмаётганини сездиргиси келмасди.

- Петрович сени аяган! - Ботирга таскин берди Олим. - кейинги жангларга яхши тайёргарлик кўришга улгурасан.

- Бўлиши мумкин!

Кайфияти биров тушган Ботир ташвишларини гапиргиси келмади. Аммо «Ҳеч бўлмаса Италияни кўриб келардим...» деган фикр дилида айланаверди.

«Омад остонасида турибманми, ҳалокат ёқасидами?»

Бу саволни кеча ўзига бир неча марта бериб кўрди, аммо жавоб тополмади. Бошлиқ Италияга бормаслигини айтиб кетгач, ортиқ ўйланмай қўйди.

- Менимча, Петрович бир фалокатдан асради, тажриба кўрган одам-да! Ўзимга ишонмаётганимни сезган!

Бу гапни овоз чиқариб айтдими, ичида гапирдими - аниқ билмайди, аммо Олим таажжубланиб қараб турганидан билдики, овоз чиқариб сўзлабди.

Олим Ботирга таскин кераклигини, ёлғиз қолиб зерикишини сезди.

- Ҳамма жангларни гапириб бераман, иложи бўлса, дискини олиб келаман, ўзинг хулоса қиласан!

Олим гапини тугатиши билан хонага Анатолий Петрович кириб келди.

- Сени ташлаб кетгим келмади, - Ботирга қувонч билан сўзларди у, - Женя икковинг Аликка кўриқчи бўласан! Жангларни кузатиб, янги усулларни ўрганасан!

Бошлиқ чиқиб кетгач, икковлон қучоқлашиб олишди, кафтларини уриштиришди. Ботир ўзбекча ашулани хиргойи қилиб, рақс туша бошлади, Олим беихтиёр қарсақ чаларди.

- Яшасин Ўзбекистон!!

Икковлари тенгидан қийқиришди.

\* \* \*

Олим аэропортга кетиш олдидан Одилга қўнғироқ қилиб, уйини пойлаб ўтирган одамлар ҳақида сўради. Ботир онасига қўнғироқ қилиб, пулни нималарга ишлатишни айтганида, Олим ота-онасини эслаб, енгил хўрсиниб қўйди...

... Болалигида икки-уч йилда бир марта, қачонки, Россия ёки Қозоғистондан қайтишганда излаб келишарди, кийим-кечак олиб бериб, бувисига пул беришарди. Сўнг йиллар давомида келишмас, қўнғироқ қилиб сўрашмас эди. Соғинчдан қийналган Олимнинг ўпкаси тўлса ҳам, ёшини ичига ютиб юборарди...

Ҳозир «Ота-онам билан яшаганимда пулларимни кичик корхона очишга ёки боғ олиб гуллаб-яшнатишга сарфлашарди», деган фикрлар ўтди қўнғилдан.

Олим аниқ сездди: юрагида ота-онасига ажратилган жой бўм -бўш!

Ака-ука, опа-сингилларнинг жойи ҳам гиёҳ унмайдиган саҳродек тақир ётибди!

Улар бу жойни эгаллашлари керак эди. Афсуски, Олимнинг руҳиятида ҳам кемтиклик бор. Муаммолар олдида қийналганда уларга суяниши, меҳрини ҳис қилиши лозим эди. Афсуски...

Олим меҳрсизлик ва соғинч тўлган йилларини хаёлидан ўтказаркан, бу йиллар унинг кўзига файзсиз ва қоронғи кўринарди.

ВАҚТ вокзали йўқ поезддек, аэропортга қўнмайди-ган самолётдек учиб боради, елкасидаги одам дардига қулоқ солмайди, хатоларини тўғрилашга имкон бермайди, ҳаммасига унинг елкасида шиддат билан учиб кетаётганда улгуриш керак. Шунда ҳам у бепарво, бахт ва фалокат сари, охират томон учиб бораверади, учиб бораверади...

Олим аэропорт залида у ёқдан-бу ёққа юриб,

шуларни ўйлаётганида телефони садо берди.

- Салом, Алиқ!

Олим Лидияни таниб, ижирғанди, алоқани узмоқчи бўлди, аммо ўша воқеадан кейин бирор гапи бордир, деб саломлашди.

- Илтимос, Алиқ, иккинчи эшикдан ташқарига чиққин, фақат бир дақиқага, Петрович билмасин, хўпми?

- Нима ишинг бор?

- Дадамнинг фирмасида ишлайдиган ҳамюртларинг сен билан гаплашмоқчи.

Олим бошлиққа қаради: баланд устунга суяниб, Олимга тескари ҳолатда одамлар билан гаплашиб турибди. Дикторнинг самолётларнинг учиб қўниши, рейслар ҳақидаги эълонлари ва одамларнинг галаговури орасида телефондаги суҳбат ҳеч кимга эшитилмади. Олим сал чўчиди. «Кўзиқорин» фитна ўйлаб топмадимикан?» Аммо ҳамюртлари тўғрисидаги гап уни ташқарига одимлатди.

У Худога таваккал қилди.

Эшикдан чиқаверишда, йўл ўртасида оппоқ либос ва оқ туфли кийиб, қора кўзойнак таққан, сочини калталатган Лидия турарди. Бошлиқ тугул, туққан онаси ҳам танимайди!

- Нима дейсан, Лидия? Ҳозир рўйхатга олиш бошланади, тезроқ гапир!

- Дилбар деган аёл сен билан гаплаштириб қўйишимни ўтиниб сўраганди. Ҳозир у билан боғлайман.

Олим уларда бирор муаммо чиқмадимикан, деган ташвиш билан сергак тортди. Лидия аппаратни Олимга узатди.

- Алло, Олимжон, яхшимисиз, укажон, тан-жонларингиз соғми?

Унинг овози қувноқ эшитилар, кайфияти яхши эди.

- Раҳмат, опа, ўзингизда нима гап?

- Шарофатингиз билан ҳаммаси яхши, сиздан мин-

натдормиз. Лидия яхши қиз экан, дадаси билан муросамизни келиштириб қўйгандан кейин ўз уйимиздагидек ишладик, ойлигимизнинг ҳаммасини, ҳатто қўшимча йўлкира ҳам беришди, юртга кетяпмиз.

- Сизларга оқ йўл, опажон!

- Бизда битта фикр пайдо бўлди.

- Эшитаман!

- Ҳаммамиз водийданмиз, бу ерда чорва боқиш, бўрдоқичилик сирларини «ўғирладик», сиз бош бўлиб, ўз еримизда шуғуллансак. Яна бир гап. Ферма қошида гўшт, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мини- завод очамиз, одамларни иш билан таъминлаймиз... Меҳнатимиз ўз юртимизни обод қилади, нима дейсиз?

Пулларини нимага ишлатишни билмай юрган Олимга бу фикр айтиш муддао бўлди. Қувонганидан қийқириб юборай деди. Боягина Лидиядан жаҳли чиқиб турган эди, ҳозир уни яхши кўриб кетди.

- Жуда яхши гап, мен хурсандман. Беш-ўн кунда сафардан қайтамиз, мен сизларни топаман...

- Раҳмат, иним! Сафарингиз бехатар бўлсин! Аммо...

Дилбар опа тўхталиб қолди, алланарсаларни мулоҳаза қилаётгани, айтишга ботинолмаётгани сезилиб турарди.

- Опажон, гапираверинг!

- Мендан хафа бўлмайсиз, опанг ўргилсин! Сиз юртимизга кераксиз, сизни дискда кўриб, очиғи, ҳаммамизнинг бошимиз осмонга етди, сиздай укажонимиз борлигидан чин дилдан қувондик. Аммо, аммо-чи... бу қалтис иш...

Аёлнинг овози титраб кетди, лекин бирдан шахд билан давом этди:

- Ўзимни сизнинг онангиз ўрнига қўйиб кўрдим, бу ишдан қайтарган бўлардилар...

- Тўғри, сафардан қайтиб, юртга бутунлай қайтиш ниятидаман...

- Яшанг, укажон, ҳар қанча хизмат бўлса, Ўзбеки-

стонга қилинг! Сизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин!

Алоқа узилиши билан Лидия гапни илиб кетди.

- Алик, сенга битта илтимосим бор!

- Гапира қол!

- Мен ҳам шу рейсда Римга кетяпман, у кунги қизлардан бирортаси сўраб қолса, Лидияни мен олиб кетяпман, дегин, илтимос, бу сен учун қийин эмас-ку! Москвага қайтганимизда ҳар қандай шартингни ба-жараман!

Лидия кўзойнагини олиб, Олимга қаради. Кўзлари-да муҳаббат алангаси ловуллаб турарди...

- Яхши!

У залга бурилганида, Лидия қўлидан ушлади.

- Римдаги Колизей майдонида расмга тушамиз, йўқ десанг, ўзимни ўлдираман!

- Нима?

Олим шаҳд билан қизга ўгирилди. Негадир юраги «шув» этди. «Яна тузоқ қўймоқчимиз? Ё қизларга мақтаниш учунми?»

- Ҳа, ўзимни ўлдираман! Хўп десанг, Римни ўзим айлантираман.

- У ерда бўлганмисан?

- Бир неча марта...

Олим бошлиқ кўриб қолишидан чўчиб, Лидияга тик қаради.

- Ўша ерда гаплашамиз!

- Раҳмат...

Олим залга кирганида диктор қиз уларнинг рейсига рўйхатга олиш бошланганини эълон қилди. Ботир икковининг сумкасини кўтариб, навбатга яқинлашганида Лидия сумкасини текширув камерасидан ўтказиб, аэропорт майдони томон йўл оларкан, кўзойнагини кўтарди-да, Олимга қараб кўзини қисди. У қувноқ эди. Бу қилиғини Олимдан бошқа ҳеч ким кўрмади...

Лидиянинг жойи уч қатор олдинда экан, самолёт

ҳавога кўтарилгунча икки марта қараб қўйди, Олим Петрович кўрмасин, дегандай юзини тескари бурди. Бироқ Лидия барибир хаёлини ўғирлайверди. «Мен билан алоқага чиқиш учун ҳамюртларимга ёрдам берганидан хурсандман! Аммо Римда бирор муаммо чиқармаса бўлгани. Менимча, кўнглида ёмон ният йўқ!»

347-рейс билан Римга учувчи «Боинг» кўкка кўтарилганида Олимнинг кўнгли равшан, руҳияти баҳор осмонидай тиниқ эди.

Ботир унинг виқорли қиёфасига боқаркан, сафар галабаларга бой бўлишини сезгандай, кайфияти кўтарилди...

\* \* \*

Абдурасул отанинг икки ўғли, бир қизи бор эди. Салима опа билан бир умр аҳил, камтарона яшашди. Катта ўғил Комилжон ҳарбий хизматни Афғонистонда ўташ учун кетганида, уларнинг юрагига биринчи зарба урилганини кўпчилик билмади. Совуқ хабарлар кела бошлаганида ташвишга кўмилиб қолишди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари байналмилал бурчини адо этипти, ўғлингиз қаҳрамон бўлиб қайтади, дея юпатишар, аммо таскин берадиган илиқ сўз топишолмас эди. Юртнинг турли бурчақларига келаётган темир тобутлар бизнинг хонадонга ҳам келиши мумкин, дея ўйлаб азоб чекишар, ўғлимизни ўзинг асра, эшигимдан ўйнаб-кулиб кириб келсин, дея Худога илтижо қилишарди.

Собиқ совет қўшинлари Афғонистондан чиқиши арафасида туман ҳарбий комиссариатидан совуқ хабар келди. Тобутни кузатиб келган вакил ортиқча оҳ-воҳ чекиш, додлаб йиғлаш ҳукумат сиёсатига норозилик, деб тушунтирди. Туман, қишлоқ раҳбарлари, отага таскин беришди.

Тобут устига ўзини ташлаган ота-она қақшаб



қолишди. Темир тобут ҳарбийлар назоратида қабрга қўйилди. Ўғил дийдорига тўйиш ҳақидаги ялиниб-ёлворишари инобатга олинмади. Юраги куйган мотамсаролар арзини кимга айтишни билмай қолаверишди.

Фарзанд доғи ёмон бўларкан: отанинг қон босими тез-тез кўтариладиган, онанинг юраги безовта қиладиган бўлиб қолди. Шу алпозда Собиржонни уйлантириб, Дилбарни узатишди. Шукр қилиб юрган кунларнинг бирида Салима опа тўшакка миҳланиб қолди. У дарди давосиз эканини биларди, касалхонада даволанишга кўнмади, дори-дармон қабул қилишни ҳам истамади. Якка-ю ягона мақсади: қишлоқда интизорлик билан кутаётган севган қизининг висолига етолмай, тўй кўрмай, ота-онани доғи ҳасратда қолдириб кетган Комилжони олдига кетиш эди...

Бир йилдан кейин Парвардигори олам уни ҳузурига чорлади.

Абдурасул ота қаноти қайрилган қушдай бўзлади, дунё қоронғи зиндонга айланди. Аёлини севган, ўрнини ҳеч ким босолмаслигини билган ота Собиржон билан Дилбарга узоқ насиҳат қилмади. «Аҳил бўлинг, бир умр бола доғини кўрманг», деб дуо қилдида, у ёқда кутиб қолишганини айтиб, Худодан енгиллик сўради. Яратган эгам ноумид қўймади...

Дилбар кутилмаган тўсиқларга дуч келавергач, етимнинг униб-ўсиши қийин экан, деган гапга энди ишонди.

У қишлоқ хўжалик техникумини битириб, колхозда агроном ёрдамчиси бўлиб ишлар, уддабурролиги, гапга чечанлиги билан тилга тушганди. Аммо ўзига яраша чиройи, жозибаси бошига савдолар солишини хаёлига келтирмасди.

Турмуш ўртоғи Муроджон олдий оиладан бўлса-да, тушунган, энг муҳими, Дилбарга ишонгани учун

ишдан кеч қолган кунлари болага қарар, қозон-товоққа ҳам қарашиб юборарди.

Хўжалик бош ҳисобчиси Холёр қариб қуюлмаганлар хилидан эди. Хурмача қилиқлари ошқора бўлса ҳам, одамлардан ҳас қилмас, хўжаликдаги чиройли аёлларни кўз остига олиб, аввал яхши гап, совға-салом билан, кўнмаса, ишидан кир қидириб, йўлига юргизар, бўйин эгмаганларни бадном қилиб, колхоздан суриб ташларди.

Дилбар янгилиги, кечгача иш билан оворалиги учун унинг қилиқларини билмас эди. Холёр уни бир-икки марта байрам зиёфатларига олиб борди, Саккизинчи мартда яхшигина мукофот пули ёзиб берди, сўнг меҳмонхонага таклиф қилди. Аёл унинг ниятини сезиб, ўзини тортди, Холёр эса таъқиб қилишга тушди. Дилбар тўсиқларни ҳалоллик ва иш билан енгаман, унинг башарасини очиб ташлайман, деган фикрда эди. Лекин ...

Дилбар хўжаликнинг адир зонасидаги йигирма гектар ерида ғўза ширасига зудлик билан дори сепишни буюрди, аммо Холёр бригадир билан улфат бўлгани учун дорини септирмади. Ўн кундан кейин эса бригадани беш центнер ҳосилдан маҳрум қилган, дея колхоз йиғилишида муҳокама қилдирди. Бундан ташқари, бригадаларга нотўғри кўрсатма бериб, ҳашаротларни йўқотишда қиммат дориларни исроф қилган, дея уч ойлик маоши миқдорида жаримага торттирди. Дилбар шунда ҳам адолат қарор топишига ишонарди. Баъзан пиёда, баъзан хўжаликнинг юк машинасида даламадала юриб, экиндан хабар олар, касал теккан гектарларга қандай дори сепишни буюрар, баъзан тепасида туриб ҳаммасини кундалик дафтарига қайд этиб борарди. Холёр билан юзма-юз келганда тескари қараб ўтарди.

Пахта териш мавсуми қизғин давом этаётганда Дилбар саккизинчи бригадага ҳашарчилар олдига бор-

ди. Уларни пахтаси очилмаган далага солиб қўйишган эди. Дилбар бошқа далага ўтказдирди. Ҳашарчилар иш бошлагунларича кеч кирди. Бундан хабар топган Холёр кечқурунги йиғилишда уни ўзбошимчаликда, масъулиятсизликда айблаб, роса пўстагини қоқди. Бригада бошлиғи унга қўшилиб, агроном ёрдамчиси билиб-билмай ишга тумшуғини суқиб, терим суръатини орқага тортаётганлигини билдирди. Раис билан ҳокимият вакили уни вақтинча ишдан бўшатди...

Кунларнинг бирида иш ҳақи бўйича ёрдамчи ҳисобчи Альфия (уни ҳамма «қари тулки» дерди) Дилбардан ҳол-аҳвол сўрагани келди. Кўпни кўрган, покиза одамдай Дилбарга насиҳатлар қилди.

- Холёрдан кечирим сўра, ёш, кўтариладиган кадрсан, тил топишиб ишламасанг, мақсадингга эришолмайсан!

Келажакда катта лавозимларда ишлаш, юрт учун эзгу ишлар қилиш орзуси юрагини қиздириб, хиёнатга мойиллик туғдирган пайтда «ўғлим», деб азият неккан отаси, нозик қўлларини чўзиб талпинган қизчаси, ишдан кеч қолса, кечки овқат тайёрлаб кутган, эшикдан кириши билан «Келдингми, онаси?» дея кўзлари чарақлаб кетадиган Муроджон кўз олдига келар, виждони қийнала бошларди. Бошқача айтганда, орзулар қурбонлик талаб қилаётган эди. Орзу қимматга тушишини ўйласа, дунё кўзига қоронғи кўриниб кетарди. «Наҳотки, хиёнатдан бошқа йўл йўқ?!»

Дилбар бир умр ишсиз, оч-яланғоч қолса ҳам, оиласига хиёнат қилолмасди, эрини яхши кўргани, оилага садоқати туфайлигина эмас, табиатида, ахлоқида енгилтаклик йўқлиги, имонни бузадиган беҳаёликдан ор қилгани учун шармсизлардан ўзини тортди.

Бир ойдан кейин ишдан бўшатиш тўғрисида колхоз раисининг буйруғини олиб келиб беришди.

Дилбар бир нарсадан қаттиқ ўкинди: хўжаликка

яхши мутахассис сув билан ҳаводек керак, аммо нега уни ҳеч ким ҳимоя қилмади, раис билан бош ҳисобчидан чўчишдими? Ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган жасур одамлар анқонинг уруғими?! Яхшигина аёл бадном бўлиб ишдан сурилсаю, ҳамма жим тураверадими?

Юқори ташкилотларга арз қилиш айбдорлигини айбсиздай кўрсатишга ўхшарди. Қолаверса, улар ҳам раис билан Холёрнинг ҳамтовоқларидай гап эди.

У эгри йўл билан эришиладиган орзулар лаззати ва оилада ҳалол яшаб, армонлар азобини енгиш роҳатини тарозига солиб:

- Энди ишламайман, дадаси, - деди.

Хотинини анчадан бери кузатиб юрган Муроджон унга таскин берди:

- Боламиз катта бўлгунча сенбоп иш топилиб қолар...

Йиллар ўтиб, Муроджоннинг бизнесда иши юришди, ўғил кўришди.

Уйларини замонавий услубда қайта қуришди, «Ласетти» олишди.

Колхозлар тарқаб, фермерлик ҳаракати авж олди. Дилбарнинг яқин қариндоши Сардор фермер хўжалиги ташкил қилиб, уни ишга олди.

Орадан етти йил ўтди. Ҳаммаси жойида, ҳаёт фаровонлашиб кетаётганида, уларга кўз тегди. Муроджоннинг ошқозони оғрий бошлади. Аввалига иш билан бўлиб, зътибор бермади. Озгина ўтгач, дард тўшакка михлаб қўйди. Андижон ва Тошкентдаги клиникада текширилиб, касали аниқланди: ошқозон раки! Дилбар ҳаётдаги энг катта суянчиғидан ажралиб қолишдан қўрқиб, машинани сотди-да, уни аввал Тошкентга, сўнг Москвага олиб борди, аммо дард бедаво экан! Муроджон операция қилингандан кейин уч ой яшади, холос...

Дард қўшалоқ келар, деганларидек, Дилбар эри билан овора бўлиб юрганида Сардорни, молиявий

хатолар ва пахта экиладиган йигирма гектар ерни сотиб юборганликда айблашиб, юқорига шикоят ёзишибди, иш тепасида Холёр турганини у кейин билди.

Дилбар яна ишсиз қолди. Қизи узатиладиган, ўғли уйлантириладиган ёшда. Дилбарнинг сандиғида на латта, на пул бор. Ҳаммасини эрини даволатишга сарфлаган, кўмиш ва бошқа маросимларига анча-мунча пул кетиб қолган эди. Дард устига чипқон, деганларидек, ишсизлик тинка мадорини қуритиб бораётганда уни Россияга ишга олиб кетишганди.

Олим билан Ботирнинг кўмагидан сўнг дастлабки пулларини ўғлига жўнатди, яқинда олганларини ўзи билан олиб кетди. Олим чорва комплекси ва мини-завод қурса, ўзи ҳам маблағ қўшиш орзусида эди. Бу ишга эски шерикларини ҳам жалб этишни режалаштирган.

Қишлоққа келса, кўп нарсалар ўзгариб кетибди.

Сардордан олиб қўйилган ерни таниш-билишларини ишга солиб Холёр ўз фирмасига қўшиб олибди. Аммо пахта майдонларидан йигирма гектарини сотиб, ғалла ерининг катта қисмини ерёнғоқ экувчиларга берган. Кузда эса, пахта режасини бир кунда бажариб қўйибди. Прокурор текшир-текшир бошлаган, гарданига юз миллиондан кўпроқ камомад илинган, ерларини олиб қўйиб, ўзини қамаб юборишган. Шу жараёнда Дилбар келиб, бўрдоқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисида ҳокимга ариза берган. Раҳбар унинг қишлоқ хўжалиги мутахассиси эканлиги, юртга хизмат қилиш фикридан хурсанд бўлиб, Холёрнинг ерларидан бир қисмини фермер хўжалигига расмийлаштириш ҳақида қарор чиқарди...

\* \* \*

Самолёт Россиянинг ўнлаб шаҳар ва қишлоқлари, Украина, Руминия, Хорватия ҳамда Адриатика сувла-

ри оша Тиррен денгизи соҳилидаги Чампино халқаро аэропортига қўнганида тонг бўзара бошлаган, шаҳардаги реклама таблолари, муסיқа билан ёниб-ўчувчи чироқлари, йўл ёритгичлари порлаб турар, машиналарнинг шовқин-сурони бошланаётган эди. Олисдан келаётган денгиз шабаласи салкам тўрт соатдан бери очиқ ҳавога чиқмаган йўловчиларга хуш ёқар, роҳат бағишларди. Шабада қанотларида тўлқинлар шовқини, бўронлар мавжини олиб келаётгандай руҳият иқлимини жунбушга тўлдирарди.

Олим катта залга кириб, юкларни олаётганида ўзини бошқа одамга айланиб қолгандай сеза бошлади. Янгича руҳ, аллақандай дадиллик, нотаниш жойларга мослашиш иштиёқи бутун вужудини эгаллаб олди.

Анатолий Петровичнинг ортидан кўчага чиқишганда олти киши сиғадиган янги русумдаги «Жип» олдида пўрим кийинган, сочларини силлиқ тараган ўттиз ёшлардаги йигит кутиб турарди.

Италия, хусусан, Римни Ботир иккаласи кўрмаган, умуман, Россиядан ташқари, Европа мамлакатларидан бирортасида бўлишмаган, у ерлардаги руҳ, шаҳар ва қишлоқ манзаралари, одамларнинг қарашлари, кийиниши нотаниш бўлгани учун Римдаги ҳар бир бино, кўча ва хиёбонлар, кўнгил очар жойлар, хизмат кўрсатиш масканларига ҳайрат билан қарашар, қайноқ таассуротлар билан бойиб боришарди. Ҳайдовчи ёнидаги Анатолий Петрович «РОУС» компанияси менежери билан муҳим масалада гаплашаётгани учун Олим икковининг қизиқишларию, шаҳар ҳақида сўрамоқчи эканлигидан беҳабар эди. Ярим соатдан кўпроқ юришгандан кейин 1800 йил аввал қурилган Колизей майдони рўпарасидан ўтишаркан, Олим майдон олдидаги салкам эллик метр келадиган рамзий дарвозанинг осмон билан уйғунлашиб кетган баланд устунларига қараб, ҳайрат бармоғини тишлади. Шу пайт ўнг томондаги таксида кетаётган Лидияни кўриб

қолиб, самолётдан тушгандан бери уни ёддан чиқаргани, кўнгил учун кўз билан бўлса ҳам изламаганини ўйлаб, хижолат бўлди. Қиз орқама-орқа юрамиз, дегандай ишора қилди.

Марказдан ўтиб, ўн қаватли меҳмонхона ёнида тўхташди. Олим машинадан тушиб, бино пештоқига қаради: «МАРИАННА».

Ботир юқларини тушираётганда, ўн метр нарига бояги такси тўхтади. Оппоқ шим ва кофтаси ўзига ярашган Лидия сумкасини кўтариб олган таксичи олдида бориб, меҳмонхона қўриқлаш бўлиmidан ўтишгандан кейин залдаги столга юқларини қўйдирди-да, ҳайдовчи билан ҳисоб-китоб қилди ва буюртмалар бўлимига юрди. Олим Лидиянинг янги имижидан хурсанд бўлганча залга бурилди.

Анатолий Петрович ўзига ва Женяга алоҳида, Олим билан Ботирга алоҳида хона буюрди. Олимнинг кўнглида йигирманчи қаватдан жой олиш фикри ўтиб турувдиямки, уларникини ўн еттинчи, Петрович билан Женяникини ўнинчи қават, деб эълон қилишди.

- Пастки қаватлар яхши, нега қувонасан? деди Петрович Олимга.

- Кечаси шаҳарни томоша қилишни яхши кўраман!

- Москвадан ортиқ жойи йўқ!

Олим Ўзбекистонни, Тошкентни эслади, юрагида Ватан соғинчи туйғусини сезиб, жилмайиб қўйди.

Анатолий Петрович индамасдан ҳаммани лифт томон бошлади. Олим секингина Лидияга қаради. У кўрсаткич бармоғи билан бирни тушунтирди, сўнг пастни имлади. Иккови аввалдан тил бириктиргандай, «Кутганимдай...» - дея бир-бирини дарров тушунди...

Ҳамма кабинага чиқиб, юқорига кўтарилаётганда Лидия лифт томон юрди...

Хона уларга жуда манзур бўлди. Ўта замонавий мебеллар, элита пардалар, стол-стуллар, кресло, дунёдаги барча таниқли телеканалларни узатиб берадиган

Энг янги русумдаги телевизор, ҳаво тозалагич ва совутгич киши эътиборини тортмай қолмайди. Хонанинг турли бурчакларига қўйилган, ҳозиргина ўн олтига тўлиб, сирли жилмайишни ўрганган қиздай очилган табиий гуллар, каттакон аквариумда турли рангдаги тилла балиқлар, денгиз тошбақаси одамни янги оламга олиб киргандай сеҳрлаб қўяди. Энг муҳими, пардани суришингиз билан буюк ва залворли тарихини мужассамлаштирган, меъморий маҳобати билан ҳайбат тўкиб турган РИМ кўз олдингизда намён бўлади. Ана, узоқдан дунёга машҳур Колизей майдони ва унинг рамзий дарвозаси устунлари кўзга ташланади.

Олим бир вақтлар тарих китобидан Рим тўғрисида ўқиб, Помпеянинг қулаши суратини кўрганди, ҳозир уни эслади. Ўша Помпея қаерда? Унинг харобалари бормикан?

Олим шаҳардан нигоҳини узиб, хаёлларни йиғиштирди.

Сумкаларни жойлаштириб, кийимларни алмаштириб, ўзини юмшоқ диванга ташлади. Қўлларини икки томонга ёзиб керишаркан, танасида ёқимли ҳузур-ҳаловат туйди. Аини дамда қалбида чексиз ғурур, шодлик ва қувонч бор эди. Синфдошларидан бирортаси кўролмаган дунёга машҳур жойларга келди. Европани бошқариб турган одамларни ҳайратга соляпти, Худо хоҳласа, бу ердан катта ғалаба билан қайтади, кўнгли сезиб турибди.

Лекин қалбида бир ўкинч бор. Шу кундаги маҳорати, шиддати билан расмий мусобақага келганида, албатта, ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарарди. Минглаб одамлар олқишлаётганда юрт байроғини кўтариб, рингда айланаркан:

- Қарсақларни мени улғайтирган ВАТАНимга ча-линглар, уни олқишланглар! - деб ҳайқирган бўларди!! Минглаб, миллионлаб мухлислар, ватандошлари уни



телевизорда кўриб қувонарди, у билан фахрланарди. Майли, балки юртга қайтгандан кейин шундай кунларга етиш насиб қилар. Ноумид шайтон...

Ҳозиргина ваннадан чиқиб артинаётган Ботир унинг тепасига келди.

- Сув мазза экан, ювиниб ол!

Қайноқ таассуротлардан завқ-шавққа тўлиб, руҳи енгил тортган Олим таклифни жон деб қабул қилди.

Анатолий Петрович улар хонасига кирганда Олим қушдай енгил бўлганча артинаётган, Ботир ойнага ўзини солиб, сочини тараётган эди.

- Нонуштага юринглар, бир соатдан кейин машина келади, шуғуллангани борасизлар!

Бошлиқ Олимнинг бақувват танасига, бўртиб турган мушакларига ҳавас билан боқиб жилмайиб қўйди. Ғалабага ишончи ортди.

Тушдан кейин меҳмонхонадан ўн километрча узоқдаги махсус қурилган каттакон спорт залига боришди. Икки соатдан кўп шуғулланишгандан кейин бошлиқ кириб келди.

- Етар, дам оласизлар!

Унинг кўзларида хурсандчилик аломати сезилар, қандайдир хушxabарни айтгиси келаётганга ўхшарди.

- Майли, - дея қўл силтади у. - Айта қолай, сен барибир талтайиб ғалабани бой бермайсан!

Ботир билан Олим унга интилишди.

- Жангга келганлар тўғрисида маълумот олдим!

- Хўш, улар кимлар, Петрович?

- Дадил бўлавер, бирортаси сенга тенг келолмайди, анави «Кўзиқорин» аллақайси жангда сен бир уриб рингдан учириб юборган тожик болани олиб келибди. Фуу! Лекин беғамликка берилма, рақибга белисанд бўлма, балки ўнги ичидадир! Нима бўлгандаям бу халқаро жанг! Илк бор қатнашаётган бўлсанг ҳам, албатта, ютишимиз керак! Зўр чиқсанг, дискингни бутун дунё кўради!!

Олим «Худо хоҳласа!» дея пичирлади.

Эшик тақиллаб, хонага замонавий кийинган, сочини уч бармоқ кенглигида қолдириб, бошқа жойларини тақир қилдирган йигит кирди. Бошлиққа рус тилида салом бераркан, булар билан таништиринг, дегандай имо қилди. Анатолий Петрович аввал Женя билан Ботирни таништирди. Кейин алоҳида ғурур билан таъкидлади:

- Бу Алик! Москвада «Дикий волк» дейишади. Танишиб қўй, Албер!

Албер Олимнинг узатган қўлига «тарс» этиб урдиди, уни бағрига босди.

- Сени яхши биламан, Алик, дискингни кўп кўрганман, эртага ютиб чиқишингни тилайман!

- Раҳмат, Албер! Сенга ҳам омад...

Гап тўхташи билан бошлиқ илиб кетди.

- Албер шаҳарни айлантиради. Мен еттиларда қайтаман, кечки овқатни бирга қиламиз.

Бошлиқ кетиши билан улар ҳам кийиниб, ташқарига йўл олишди. Олим ҳаммадан орқала қолиб, Лидиянинг олдига кириб ўтмоқчи бўлиб, атайлаб секин юра бошлади.

Шериклар кетишгач, у Лидиянинг қаватига югурди.

Бекадан унинг хонасини сўради, бахтига, у рус тилини дурустгина биларкан. Бека ўн еттинчи хонани кўрсатди. Олим тақиллатиши билан Лидия югуриб чиқди-да, Олимнинг бўйнига осилди.

- Келганимиздан бери кутаман, кирай демайсан-а?

- Вақт йўқ, Лидичка!

Лидия Олимнинг бўйнидан кучоқлаганча, қўйиб юборгиси келмай бирпас турди. Олим унинг билакларини тортгач, Лидия шошиб турганини тушунди.

- Биз шаҳар айлангани кетяпмиз, сен нима қиласан?

- Сизлар билан бирга бораман.

- Петрович кўрса, бошим балога қолади.

- Қўрқма, орқаларингдан таксида юраман!

Меҳмонхона чиқаверишида уни шериклари кутиб туришарди. Олимни кўришлари билан таажжуб билан қарашди. Олим парво қилмай қўл силтади.

Лидия чиққунча вақтни чўзиши керак.

- Хўш, қаерларга борамиз, Албер?

- Сен хоҳлаган жойингга, дарё бўйигами, марказдаги антиқа бинолар томошасигами, Колизей майдонигами ҳаммасини кўрсатавераман. Мен дунёга машҳур шаҳримни кўрсатишдан фахрланаман. Бу кўҳна РИМ! Кўрган сайин завқинг ортади. Нимани истасанг, топа оласан!

Женя гапга аралашишни истамай турганди, Ботир унга юзланди.

- Қаердан бошлайлик, Женя?

- Колизей майдонига юрайлик.

Лидия меҳмонхонадан чиқиб, такси тутиб улгурганди.

Олим Албернинг ёнига ўтириб, орқани кўрсатувчи ойнадан Лидиянинг келаётганини кўргач, хотиржам бўлди. Женя буни сезса-да, Олимга индамади...

Машиналарнинг тартибли ҳаракати, ҳайдовчиларнинг сабр билан оралиқни сақлашлари, вазмин ва сипо юришлари Олимда илиқ фикр уйғотди. Машиналар турли русумда сон-саноксиз бўлишига қарамай, шошилмасдан, бир текисда ҳаракат қилар, ҳайдовчиларнинг кўзи фақат йўлда эди. Лидия оқ рангли таксида келар, Олим уни машинанинг ён ойначасидан қийналмай кузатарди.

Колизей майдонига етмай, машинадан тушиб, у ерга пиёда боришди. Албер ўзини сипо ва жиддий тутар, машинага чиқиш олдидан ўзим «гид»ман, дегани учун махсус идорага мурожаат этишмади.

Майдонда одам кўп, жаҳоннинг турли нуқталаридан келган, турли миллатга мансуб одамлар гоҳ русча, гоҳо инглизча, баъзан Осиёнинг аллақайси тилида сўзлашишарди. Гуруҳ-гуруҳ сайёҳларни бошлаб, са-

волларга жавоб бериб юрган гидлар паст овозда, мулойим гапиришар, бошқаларга халақит беришмасди. Икки аср олдин қурилган кўҳна меъморий ёдгорликни илк бор кўраётганлар мўъжизага дуч келгандай ҳаяжонланишарди.

Албер майдон ва рамзий дарвоза устунлари ҳақида ҳикоя қиларкан, Ботир билан Олимни янги дунёга олиб киргандай бўлди. Кўҳна маскан асрлар синоатини ўзида беркитиб, салобат ва виқор билан турарди. Албер гладиаторлар жанги, унинг қонун-қоидалари ҳақида айтганда Олим ғалати туйғуларга чулғаниб, «Денгиз ҳукмдори» корейс сериалини эслади. Жанг Бого майдонда бир неча гладиаторларни маҳв этган, устози билан жангда унинг ишораси билан биқинига қилич санчган. Бу майдонда ҳам зодгонлар учун, хўжайиннинг чўнтагини қаппайтираман, деб не-не мард полвонлар ногирон бўлиб, кўпинча, кўксига қилич санчилиб ўлиб кетган. Майдон ўртасига боришганда, гладиаторларнинг ваҳшиёна ҳаракатлари, ёввойи ҳайрат билан қийқирган оломон, жон тикиб майдонга чиққан ва қилич еб ўлаётган жангчиларнинг азоблари, ачиниш ва хўрсиниқлар элас-элас қулоғига чалинди. Олим ўзининг тақдири билан гладиаторлар ўртасида ёқимсиз ўхшашлик борлигини ўйлаб, нохуш ҳиссиёт туйди. Қадамини секинлатаркан, Дилбар опанинг «Бу қалтис иш, ўйлаб кўринг...» деганлари ёдига тушди.

Олим амфитеатрга баланддан астойдил тикилди, юртини - жаннатмакон Ўзбекистонни, кейинги йилларда кундан-кунга кўркамлашиб бораётган қишлоқ ва шаҳарларни кўз олдига келтирди. Ўтган сафар юртга борганда, айниқса, Наманган, Тошкентни кўриб ҳайратдан оғзи очилиб қолган, янги, салобатли бинолар, коллежлар, турар-жойлар ғурурни кўтарадиган даражада кўп ва чиройли қурилганди. Туман, вилоят марказларидаги амфитеатрлар эътиборини тортганди. Ўзгаришлардан руҳланиб, тумандаги амфите-

атр ўртасига бориб ярим соатча ўтирган, туғилиб ўсган макони обод бўлаётгани учун юрт одамлари, Президентидан хурсанд бўлган эди. Ҳозир кўнглидан яна шунга ўхшаш гурур ва ифтихор туйғуси ўтаётганди...

«Ўзбекистондаги амфитеатрлар ривожланган давлатларни ҳавас қилиб, ўзбек халқини жаҳон цивилизациясига қўшиш, уни ҳеч кимдан кам қилмаслик учун қурилган экан-да!

Лекин Ўзбекистонни бу ерлардан катта фарқи бор.

Бир вақтлар Колизейда гладиаторлар жанги кўрсатилган бўлса, бизда Наврўз, Мустақиллик байрамлари нишонланади, юртга машҳур санъаткорлар иштирокида кўнгилочар дастурлар намойиш этилади.

Колизейда гладиаторларнинг оҳ-воҳлари, фожиали бақиринлари ҳамда зодогонларнинг ваҳшиёна қийқириқлари эшитилган бўлса, бизникида хонандаларнинг ватанни, инсон ва эзгуликни, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари янграб, дилларда эртанги кунга ишонч ва иштиёқ уйғотади. Томошабинлар ваҳший қотилни эмас, истеъдодли санъаткорнинг беқиёс маҳоратини, юртга муҳаббатини, ўз халқига меҳрини олқишлайдилар».

У шерикларига етиб олиш учун қадамини тезлатди, туғилиб ўсган гўшасини соғинганини, Рим, Колизей қанчалик кўҳна, дилтортар ва сайёҳларга тўла бўлма-син, ҳеч қачон Ўзбекистондай гўзал, файзли, қалбга яқин бўлолмаслигини ҳис қилиб, гурурланиб қўйди. У умрида китоб ўқимаган бўлса-да, бошқа тенгдошлари қатори шоир Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини яхши кўради. Ҳозир ҳам беихтиёр унга тақлидан «Римга алишмасман бедапоянгни», деб пичирлади.

- Мени унутиб қўйдинг.

Олим чўчиб тушди. Келишишганидек, Лидия унинг холи пайтини топганди. Йигит қизнинг қўлини қисди.

- Тезроқ расмга тушайлик, мен кетишим керак!

Лидия ёнидаги қиз билан чуғурлашгач, майдон тепасига чиқишди.

- Мана шундай олинг! - деди у Олимнинг елкасига бош қўйиб, билагидан маҳкам ушларкан. Устуннинг икки тарафида бир-бирларига ошиқона термулганча тушган расмлари ҳам қизни хурсанд қилди, сўнг етаклашиб кетишлари суратга олинди. Фотограф ҳар бир кўринишни бир неча мартадан суратга олди, охирида эса Лидияга алланарса деди ва Олим билан ёнма-ён турди. Лидия фотоаппарат тугмасини босди.

Олим Женя кўриб қолишидан ҳадиксираб, улар олдида шошилаётганида, Лидия унинг билагига осилди.

- Кечқурун олдимга кир, зерикапман!

Олим қизнинг кўзига бир қаради-да, одамлар орасига шўнғиди. Қиз умидвор термулиб қолди.

Албер Колизейнинг охириги устун олдида шерикларига алланарсаларни кўйиб-пишиб тушунтирарди. Женя Олимга сирли кулимсираб, қўлини қисиб қўйди.

- Ўзингни эҳтиёт қил!

Олим Женяни тушунди, уялгандай ерга қаради. Айни пайтда кўнглида билинар-билинемас сархушлик, аллақандай туйғуларга асирлик кезиб юрар, бирдан пайдо бўлган бу ҳодиса уни таажжубга солаётган эди.

Шаҳарни кесиб ўтган дарё соҳилида тўхтаб, қаҳва ичишди, қирғоқларни безаган бинолар, хизмат кўрсатиш жойлари, моторли ва эшкакли қайиқлар, чиройли безатилган яхталар эътиборни тортмай қолмасди.

Дарё гоҳо ички тўлқинлари юзага чиқиб, гоҳо дунё ишларидан дарс бериб жилмайган донишманддай вазмин, катта-кичик кемаларни ютиб юборишга қодирдай салобат билан оқарди.

Улкан супермаркет, спорт мажмуаси, энг баланд бинолар, фавворалар ва тарихий ёдгорликларни кўргунларича вақт алламаҳал бўлди.

- Бугунча етар! - деди Женя Алберга, - меҳмонхонага кетамиз!

- Жангдан кейин яна икки кун турасизлар, қолган жойларни ўшанда кўрсатаман.

\* \* \*

Меҳмонхона зинапоясидан чиқаётганда Женя тўхтади-да, «Сизлар кетаверинглар», дея қўл силтади. Шериклари узоқлашгач, ортидан келаётган оқ кийимли, қора кўзойнак таққан қизга сўз қотди:

- Асал қиз, бир минутга вақтингизни оламан!

Қиз эътироз билдирмади. Женя уни кутувчилар жойидаги креслога таклиф қилди. Лидия сумкасини ёнига жойлаштириб, телефонини хотиржамгина унга солди. Сукунатни Женянинг пўписи билан йўғрилган овози бузди:

- Сен битта нарсани унутмагин!

- Нима демоқчисан?

- Жанг тугагунча Аликка яқинлашма!

Қиз кўрсаткич бармоғи билан столни чертаркан, айни пайтда чертиб-чертиб сўзлади:

- Мен ҳали унга яқинлашганим йўқ!

- Парвона бўляпсан... Хаёлини чалғитяпсан. Ҳозирча уни тинч қўй! Акс ҳолда...

Женя Лидиянинг ҳолатига парво қилмасдан ўрнидан турди-да, ўз хонаси томон кетди.

Юрагига нашта санчилган Лидия ўзига келолмасдан, ярим соатча ўтирди. Қорни очганини, вақт ўтганини ҳам билмади. Ўзига келиб, хонасига чиқаётганда дўстлари билан Аликни кўриб, Женянинг гапини эслади ва маъюсланиб, ерга қаради-да, хонасига юрди. Олим ҳайрон...

Лидиянинг Римга келишдан мақсади Олимга пинҳоний режасини айтиш ва уни ўз қарорига кўндириш эди...

Телевизор кўриш, эски танишлари билан телефонда

валақлашиш жонига теккан, кўнгил очар масканларга якка боришга эринарди. Авваллари дугоналари билан кун бўйи томоша, ўйин-кулги қилавериб чарчар, кечкурун тановул қилишга улгурмай, уйқуга кетар эди. Ҳозир асаблари компьютер миясидай бузилган, бирор масалани идрок қилиш ва охирига етишга чидамас, Олим Женя билан Петрович назоратида бўлса, бу ерда қолишнинг қизиғи йўқ эди назарида. У бир соатча ўйланиб ётгач, шуuriда бир жумла «ярқ» этди ва севиниб кетди.

«... Жанг тугагунча Аликка яқинлашма!»

«Женя шундай дедими? Бу билан у «Жангдан кейин учрашувга рухсат этаман», демоқчими? Демак, умид қилса бўлади! Ура! Хўш, жанг эртага! Индинга дам олишади. Яна шаҳар айланишади, ўйин-кулги бўлади. Уларга қўшилиб олишимга рухсат беришар...»

Лидия ҳаяжон ичида хаёлига келган бу фикрга кўпам ишонмади. Петрович уни кўрмаган, Женя эса ҳамма гапни унга айтавермайди.

Агар Петрович индинга улар билан юрмаса, Женяга ёлвориб бўлса ҳам Аликни ўзи айлантиришга кўндиради. Охириги имкониятни қўлдан бермаслиги шарт! У Худодан Олимга мутлақ ғалаба тилаб, янги режа бўйича ишга киришди. Дастлаб Елена Аркадьевнага кўнғироқ қилиб, ёрдам сўради.

- Азизим, сенга аввалгиларидан ортиғини айтолмайман!

Лидиянинг назарида Елена ёрдам бергиси келмаётгандай эди.

- Елена Аркадьевна.... ахир... ҳамма имкониятни ишга солишим шарт.

- Мени оғир аҳволда қолдирма, Лидичка, Алик руҳий бақувват одам, узоқдан таъсир ўтказолганимда ҳозир қўйнингга солиб қўярдим.

Лидия ялиниш бефойдалигини тушунди, аммо озгина бўлса ҳам кўмакка зор эди.



- Кичкина маслаҳат беролмайсизми, Елена Аркадьевна?

- Алик сени ёқтирмагунча ҳеч нарса қилолмайман. Унга юшоқ муомала қил, ўз хоҳишидан ташқари нарсани талаб қилма! Тушундингми?

- Ҳа... Мени хоҳламаса-чи?

Елена Аркадьевна бироз сукут сақлади, ёрдам бергиси келди, шекилли, нафас олиши ўзгариб овозига фалсафий тус берди.

- Александр Дюма: КУТМОҚ ВА УМИД ҚИЛМОҚ, КЕРАК, деган...

У алоқани узди.

Лидия креслога чўзиларкан, бу жумлада бир олам маъно, тўғри йўлни кўргандай бўлди.

Кутиш ва умид қилиш билан ният ҳосил бўладими?

Кутиш - ҳаракат ва изланишларинг натижасига ишонмоқ, умид қилиш - тушкунликни йўқотиш, яхшиликни ўйламоқдир, балки? Албатта, шундай!

У қалбидан, руҳият бурчакларидан, хотирасида тахланиб ётган ўтмиш воқеаларидан саволларига жавоб излаб, Еленадан хурсанд бўларкан, ширин хаёллар оғушида ухлаганини билмай қолди.

\* \* \*

... Интизор оппоқ кийимда эди. Олим билан ёнмаён югураётганда кўйлаги шамолда ҳилпирар, осмонга кўтарилаётган оққушга ўхшаб интиларди. Бир оздан сўнг Олим пастда қолди... У оппоқ булутлар устида битта-битта қадам ташлаб юрганда Олим қичқирди:

- Бир нафас ёнимга туш!

- Сиз чиқинг, Олим ака!

Қиз қўл узати, аввал Олимга етмади, бироздан кейин қўл узатиб, Олимни тортиб олди.

Қиз шаффоф тусда эди. Ётсирамасдан Олимнинг кучогига талпинарди.

- Нега индамайсиз?

Гина аралаш савол Олимни баттар қизартириб юборди. Кўнгилни кўтарадиган гап тополмай турганида Олимнинг кафтига бир нечта юлдуз кўнди. У хурсанд бўлиб, юлдузларни ипга тизди-да, қиз сочига тақиб қўйди. Интизор жилмайди, никоҳдан ўтгани кетаётган қаллиқдай Олимни қўлтиқлаб олди. Кўз юмиб-очгунча дарё бўйида нариги қирғоқдагиларга қўл силташди...

Олим хуш кайфият билан уйғонди. Қалбида жилгадай оқаётган соғинч баҳорий туйғулар билан қўшилиб, танасига аллақандай куч бағишлар, яхшилик ва омад аломатига ўхшарди.

Анчадан бери қизга кўнғироқ қилмади, мени унутиб қўйди, дея Интизор гина қилаётгани аниқ! Туш қиз соғинчи. Олим ўз лоқайдлигидан ижирғаниб кетди.

Ювиниб-тараниб, биринчи қаватдаги таксофонга тушди-да, Интизорнинг рақамини терди. Бир неча дақиқа гудок кетгандан кейин қизнинг уйқусираган овози эшитилди:

- Алло...

- Салом, Интизор!

Интизорнинг уйқуси ўчди, шекилли, бирдан овозини баландлатиб саломлашди.

- Москвалик қизлардан энди қўлингиз бўшадими?

Қиз овозида соғинч, гина, лоқайдликка қарши исён бор эди. Олим гуноҳини ювиш учун баҳона излаётган одамдай бироз тўхтаб қолди.

- Анча йўқ бўлиб кетиб, ширин уйқумни бузганингиз етмагандай, гапирмасдан куйдирасиз, шекилли, Олим ака, бормисиз? Нега телефонингиз ишламайди?

Карахтлиқдан ёзилгандай, Олим бир силкинди.

- Борман, Москвада эмасман. Кўнғироқ қилолмаганим учун узр!

- Қаердасиз?

- Сал узоқда...
- Сирми?
- Сиз учун сир эмас.
- Унда айтинг...
- Италияда, тўғрироғи, Римдаман!
- Оооо! Мазза-ку!
- Сиз ҳам келинг, Колизей майдонини айлантираман!
- Афсус!
- Нега афсус?
- Европа давлатларига визам бўлганда эртагаёқ учиб борардим!

Энтикиб нафас олишидан, шошилиб гапиришидан қиз соғинчи сезилиб турар, кутилмаган кўнғироқдан хурсанд эди.

- Мен эртага Ўзбекистонга учяпман!
- Ҳавасим келяпти!
- Ватанга қайтиш Римга боргандан яхшироқ-да, тўғрими?
- Албатта! Мен ҳам юртни соғиндим!
- Қачон қайтасиз?

Олим ўйланиб қолди. Икки кунлик жангдан кейин яна шунча вақт Римда бўлишадди. Сўнг Москвада бирор ҳафта тургач, баҳона топиб уйга кетиш керак, деган фикр миясидан ўтиб, гўшакни қулоғига яқинлаштирди.

- Бирор ойда борсам керак!
- Шунча вақт у ерда нима қиласиз? Ҳайронман...
- Ишимиз битса, бир кун ҳам турмаймиз...

Олим қизга аниғини айтолмади. Лекин гапнинг учини чиқариб қўйгиси келди.

- Эрта-индин муҳим ишни битирмоқчимиз, менга омад тилаб туринг!
- Сизни доим дуо қиламан, ака...

Интизор алланарса эсига тушгандай, бироз сукут сақлади. Микрофонни оғзига яқинлаштирди, шекилли, сўзлари баландроқ эшитилди.

- Айтгандай, сизга муҳим гапни айтиш ёдимдан кўтарилай дебди.

- Янгиликми?

- Албатта, Григорий Богданович суратингизни битириб, интернетга киритибди. Шунақа зўр ишлабдики, кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Вужудингиздан куч-қудрат ёғилиб турибди, тирикка ўхшайсиз...

- Ростданми?

- Принтерда бир нусха чиқариб олдим. Рассом сайтидан олсангиз бўлади.

- Москвага борганда оламан.

Интизор юртга етгандан кейин кўнғироқ қилишга сўз бергач, хайрлашишди.

Олим «Севган аёлнинг дуоси ижобат бўлади», деган гапни эшитган эди. Интизордан кўнгли хотиржам, Лидия ҳам ғалаба тилаб дуо қилса мадад бўлармиди?! Зарина-ча, севали, ғалабасини Аллоҳдан сўрайди.

У шошилганча хонасига чиқди-да, сумкадан блокнот олиб, унинг телефон рақамини топди. Яна таксофонга югурди.

Зарина икки марта гудок кетгандаёқ кўтарди.

Салом-алиқдан кейин Зарина диск ҳақида сўзлади.

- Дўстман дейсизу гап яширасиз...

- Гина қилманг, сиз билмаган сирым йўқ!

- Нигинага диск жўнатганингиз ёлғонми?

- Қанақа диск?

- Жангларингиз туширилган диск-да!

Олим жангини ватандагилар ҳам кўришганини ўйлаб қувонди, аммо Нигинанинг ёлғони нохуш кайфият уйғотди.

- Ҳеч қандай диск жўнатмаганман!

- Ростданми?

- Рост!

- Олимжон ака!

- Лаббай!

- Жангларингизга қойилман.

- Раҳмат. Яна бир марта дуо қилиб, Худодан сўрасангиз, янги жангда ютаман!

- Чин юракдан дуо қиламан, ака, аммо эҳтиёт бўлинг, улар ҳам анойи эмас, ногирон бўлганларни кўриб юрагим ачишди, сизни Худо асрасин, деб дуо қилдим. Айтгандай, сизга бир янгилик бор.

- Эшитаман.

- Онангиз бизникига келувдилар.

- Тинчликми?

- Манзилингиз, телефон рақамингизни сўраб... Яқинда Қозоғистонда хўжайинлари вафот этибди. Олиб келиб кўмишибди...

- Худо раҳмат қилсин. Мендан қандай ёрдам керак экан?

- Телефонларини берай, ўзингиз гаплаша қолинг...

Зарина рақамларни айтди. Олим у билан хайрлашиб, онасининг рақамини терди.

Онаси унинг овозини эшитиб севиниб кетди. Олим унга таъзия билдириб, кўнгил сўради.

- Ёрдам керакмасми, ойи?

- Қандай кунларга қолдим - а, болам?..

Онаси ўксиб йиғлар, овози титрар, ғамдан қутулиш учун ўғлидан нажот кутарди.

- Уй акасининг номида экан, у юзсизларча уканг икковимизни ҳайдаб чиқарди. Қўпол қилиб айтганда кўчада изиллаб қолдик, болам...

Олим ўйлаб ўтирмади. Янги уйга тезлик билан кўчиб боришини айтди.

- Одил акага айтаман, ҳаммасини ташкил қилади. Қийналсангиз, пул беради. Мени дуо қилиб тулинг, бугун муҳим ишим ҳал бўлса, бир-икки ҳафтадан кейин етиб бораман!

- Раҳмат, ўғлим, бошимни осмонга етказдинг, душманларнинг юзи тескари бўлсин, доим қўлинг баланд келсин!

Ғойибдан келгандай, тўсатдан Олимнинг қалбига

бир дарё севинч, иссиқ туйғулар, танасига куч-қудрат куйилди. Вужуди жимирлади. Сабабини ўйлаб, алоқани узаркан, қулоғи остида «Она дуоси ижобат бўлади!» деган ҳукм жаранглади.

Дунёнинг яна бир азиз гўшасида Дилбар опа деган аёл «Олимжон ҳеч қачон рақибга енгилмасдан, эсон-омон етиб келсин», дея Худодан сўраётган эди.

Галина Москвада у билан танишган ва севги изҳор қилган, ҳатто Олимда ширин туйғулар уйғотган, энг муҳими, Петровичдан қўрқмай, Ўзбекистонга излаб борган, катта-катта хавфли тўсиқларни мардларча енгган, Олимни телбаларча севишини бир неча марта исботлаган. Вазият туғилса, Олимга жон фидо қилишга тайёр ягона қиз. У Лидиядан қизнинг рақамини олиб дуо сўрамоқчи бўлди, аммо Лидия ғашлик қилишини ўйлаб шаштидан қайтди, бу ишидан кўнгли хира тортди.

\* \* \*

- Биринчи босқич шиддатли кечди. Иккинчи босқичнинг ярмига етганда Олим залдагиларга астойдил разм солди. Донғи кетган мамлакатлардан вакиллар, гуруҳлар бор. Ҳаммаси ёввойи эҳтирос билан қийқиради, пол тепади, ҳуштак чалади, ўзи ёқтирган жангини қўллаш учун ҳар хил сўзлар айтиб, пул тикади. Илк босқичда Олимга пул тикканлар кўп бўлди, аммо у ўзи хоҳлагандай жанг қилолмади. Петрович билан режаларига кўра, ким билан курашишидан қатъий назар, ишқибозларни ҳайратда қолдириши, улар эса тик туриб, Олимни олқишлаши керак эди. Олим рақибни кўтариб ерга уриш, қўл-оёғини қайириб синдириш ёки қайтиб туролмайдиган қилиш адолатсизлик бўлишини ўйлаб, енгилиш ишорасини бергандан кейиноқ жангни тўхтатаверди. Буни залдагилар биринчи-иккинчи жангда тушунишмади. Аммо учинчи

жангдан кейин фаҳмлаб, Олимни нафақат кучли, балки мард жангчи сифатида ҳам олқишлай бошлашди.

Иккинчи босқич охирида грек жангчиси ўн беш дақиқача унга қаршилиқ кўрсатди. Ҳатто Олимга кутилмаган зарбалар йўллади.

Олим жиддий курашиш кераклигини тушуниб, ҳушёрликни оширди. Тишларини ғижирлатиши билан шаффоф бўри Олимнинг танасига сингиб, қиёфасига ваҳимали тус берди, шекилли, рақиби тисарилиб, ринг чеккасига қочди.

Олим унинг миясини титиб кўрди: бир баҳона билан энгилиш ишорасини бермоқчи.

У тишларини ғижирлатиб турганида, залдан кўзойнак таққан семиз одам рус тилида қийқирди.

- Алиқ, кўтариб от! Ерга эмас, осмонга улоқтир, сенга элик минг тикдим!

Олим илҳомланиб кетди, Москвадаги сўнгги жангда қўллаган усули ёдига тушиб, шиддат билан рақибнинг қўлини орқасига қайириб, мушти билан бошига урди, у гангиб қолганидан фойдаланиб, белидан ушлаб, боши узра кўтарди.

- От, тезроқ от! - бақирди бояги одам, ёнидагилар ҳам унга қўшилишди.

Олим бор кучи билан уни осмонга отди, ҳамма ёввойи завқ билан қийқирди. Пол тепилди, хуштаклар чалинди. Грек қўлига қайтиб тушганида Олим уни боши узра кўтарганча, ринг бўйлаб юрар, грек типирчилар, аммо қўлдан чиқиб кетолмасди. Залда эса олқишлар авжга минди.

Рақиб Олимнинг билагига уриб, энгилганини билдирди.

Олим уни ерга қўйди. Грек севинганидан уни кучоқлаб миннатдорчилик изҳор этди.

- Мардлик учун раҳмат!

У рус тилида чала гапирди, аммо Олим ҳаммасини тушунди.

Ҳакам навбатдаги жангни эълон қилди...

Охирги босқич яқинлашган сайин Олимни нотаниш ҳадик, билинар-билинемас қўрқув чулғай бошлади. Бу туйғу кутилмаган ғалабалардан руҳланиш, голиблик чўққисига мослашиш жараёними ёки нохушлик аломатими, Олим уни яхши англолмади. У тоза ҳаво олиш баҳонасида ташқарига чиқаркан, Анатолий Петрович Женьяга «Кузатиб бор», деб имо қилди. Олим қўл силтади. Бироқ уни ёлғиз қолдиришмади.

Хаёллари осмонда айланган қушдай бир нуқтада тўхтамасди. Симираётган ҳавоси қувват берди, енгил тортишга ёрдамлашади. Арча остидаги скамейкада асар воқеаларини жойлаштираётган режиссёр каби жанг режасини тузишга киришди. Хотира пучмоқларидан чиқиб, хаёлини эгаллаган Москвадаги курашлар бугунги ғалабалар пойдевори сифатида юрагига қувват берарди.

«Испаниялик шиддатли жангчи (негр) бу сафар астойдил курашиши аниқ. Биринчи босқичда тўртта жангчини темир мушти билан уриб ташлади ва ўн дақиқага етказмасдан чалажон қилиб сафдан чиқарди, иккитаси ўзини эҳтиёт қилишни ўйлаб, беш минутга чидамасдан енгилди, ҳозир хона бўйлаб югуриб юрибди, чарчаш нималигини билмайди».

Олим шуларни ўйларкан, унинг заиф томонларини қидира бошлади. Жангдаги ҳамма усулларини синчиклаб назардан ўтказди, қарашлари, қўл ва оёқ ҳаракатларини хаёлан текшириб кўрди. Америкалик негр билан жангини хаёлидан ўтказаётиб, битта деталда тўхтаб қолди. DVD дискини орқага айлантиргандек, ўша ҳодисани қайта ўйлаб кўрди. У негалир кўкрагига куч бериб, рақибни довдиратишга ҳаракат қиларди. Олим бу усулнинг заиф томонини тушунди. Югуриб келиб, унинг қўлини икки томонга ёриб ташлайди-да, кўкрагига боши билан тўхтовсиз зарба беради. Юраги дош беролмайди, нафас олиши издан



чиқиб, боши айланади, шунда битта зарб билан уриб йиқитади.

Сўнги жангда кутилган вазият туғилди, негр зарбаларга дош беролмади, орқаси билан ерга қулади-да, кафтини ишга солди.

Ҳакам Олимни голиб деб эълон қилиш арафасида негр аламига чидамасдан, унинг оёғини шартта тишлаб олди. Олим болдиридан қон сизаётганини кўриб, бирдан жаҳли чиқди. Азобдан қақшаб, негрнинг башарасига зарб билан тепди. Шалвираб қолган қора танли бир метр узоққа учиб тушди. Одамлар негрга алланарсаларни отар, сўкинар, норозилик ва нафрат билан бақирешар эди.

- Алик, жулдурвоқини саваб ташла!

- Адабини бер, фирромни янч!

Олим жароҳатини ушлаб, тишини тишига қўйиб тураркан, врач билан ҳамшира дори қўйишгандагина кўзини очди. Негр кўпчиликнинг ғазаби, нафратидан кўрқиб, судралганча рингдан чиқаётганда Олимнинг нафратига дучор бўлди.

- Номард, исқирт, ҳе, энангни...

Олим шунча жанг қилиб, бунақа қутурган, мағлубиятга чидолмайдиган жангчини учратмаган эди. Башарасига бутун тоқатини жамлаб қараркан, ичида биров «Уриб янчиб ташла, дунё битта қутурган чўчқадан қутулади!» дерди.

Оқ дока устидан қон сизди. У тишини тишига қўйди, қадам босиши билан оғриқ зўрайгач, Галинага кўнғироқ қилмай, хатога йўл қўйганини фаҳмлади.

Залда бақир-чақир, хуштаквозлик, пол тепишлар билан голибни олқишлашарди. Ҳамшира жароҳатни боғлаб бўлгач, ҳакам уни ринг бўйлаб айлантирди. Олим оқсоқланиб кетаркан, дока устига сизиб чиққан қонни кўрдию, миясига янги фикр келди. Бундан анчадан бери тополмаётганди. Қувонганидан оғриқ камайгандай бўлди.

Икки марта айланишгач, залдан беш-олтита ёш йигит чиқиб, Олимни кўтарганча осмонга ота бошлашди. Ҳамма у билан суратга, видео тасвирга тушишга интиларди.

У Ботирнинг кўмаги билан кийинаркан, Анатолий Петрович атрофида парвона бўлиб гудранарди:

- Ҳаммаси яхши бўлди-ю, ярамас негр ифлослик қилди-да!

Олим шим кийиш учун ярадор оёғини кўтараркан, билинар-билимас ингради, афтини бужмайтирди. Иккала қўли билан сонидан ушлаб, оёғини кўтарди.

- Оғрияптими?

- Ҳали тўхтамайдиганга ўхшайди...

Бошлиқ Олимнинг пешонасини ушлади. Яқинда Москвадан сотиб олган энг замонавий жемперини кияётганда уни суяб турди.

- Ботир, қўлтиғидан ол!

Ботир Олимни кифтига олгач, ташқарига юришди. Машинага ўтиришгач, Петрович Олимга энгашди.

- Мен ҳисоб-китоб қилиб етиб бораман, иложини қилсам, яхши врач топаман!

Олим гапиришга ҳоли етмаган одамдай индамади. Албер ҳамдардлик маъносида қўлини сиқиб қўйди. Женья ўтирган жойида қўлтиғидан ушлаб, ўзига тортди.

- Ҳаммаси яхши бўлади, Алик, хафа бўлма!

- Оғриқ ҳеч нарса эмас, анави иблиснинг номардлиги кўпроқ қийнаяпти, энг муҳими, у касал эмасми-кан?

- Менимча, у соғ, жангдан олдин тиббий кўриқдан ўтказилган. Ифлос, бой берганига чидамади-да! Ҳали қўлимизга тушади. Биласанми, грекни осмонга кўтарганинда, ҳамма ерга уришингни талаб қилди, а?

- Ҳа!

- Уни яксон қилиш керак эди.

- Енгилиш ишорасини берди-да!

- Грекни шафқатсиз урганингда негр кўрққанидан тишлай олмасди...

- Номардлик қилолмайман.

- Улар адолат ва раҳмдиллигинини тўғри тушунмай-дилар! Мардлик учун раҳмат, деб сени калака қилгандай бўлганини тушунмадинг. Энди шафқатсиз бўл!

- Яхши.

Меҳмонхона олдида машинадан тушиб, ичкарига кириб боришлари билан Лидия югуриб чиқди. Женядан тортинмасдан шошилганча Олимнинг бўйнидан кучоқлади, меҳрибонларча юзларидан силади.

- Сенга нима бўлди, Алик!

- Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади!

Женя унга ўқрайиб қараб турар, мулоқот учун озгина имкон бераётганга ўхшарди. Аммо Олимнинг суҳбатга эҳтиёжи йўқлигини сезиб, «Кетдик», дея имо қилди. Лифт кабинасига келишгач, Лидиянинг олдини тўсди.

- Ҳозир Петрович врач олиб келади. Улар кетгач, қарагани кирасан!

Женя Олимни диванга ётқизиб, Ботирга топширди. Ўзи Петровичга қўнғироқ қилиб, москвалик травматолог врач манзилини берди. Бошлиқ бироз тўхталиб тургач:

- Женя, - деди овозини баландлатиб, - Албер икковинг олиб келинглар, жароҳатни шошилмай кўрсин, мен ушланиб қолдим, кечроқ бораман.

- Хўп бўлади.

\* \* \*

Лидияни ваҳима босди. «Наҳотки, севгилим ногирон бўлиб қолса?»

У хонага қайтди-да, ўзини диванга ташлади. Юрагида ачиниш, изтироб билан кўзига ёш олди. Аммо йиғидан наф йўқлигини ўйлаб, кўз ёшларини артди,

дераза олдига келиб, ташқарига қаради. Женя билан Албернинг машинага ўтириб катта йўлга чиқишаётганини кўриб, шошилганча Олимнинг қаватига югурди.

У тўғри Олимнинг тепасига келиб, бошини ушлади.

- Яхшимисан, жоним?

- Бироз.

- Сенга қандай ёрдам беришни билмаяпман...

- Худодан тезроқ тузалишимни сўра!

- Албатта, сўрайман...

Ботир Олимнинг оёғи тарафга стул қўйиб берди.

Лидия кўрпа устидан Олимнинг жароҳатини ушлади.

- Ийй, вой, секин...

Олим жони қақшаётган одамдай афтини бужмайтириб, Лидиянинг қўлини жароҳат устидан олиб қўйди.

- Ёмон оғрияптими?

- Кўзим қорайиб кетяпти!

- Нимадир қилиш керак-ку, ахир!

Ботир гапга аралашди.

- Ҳозир врачга кетишди, - деди у эшик томонга ишора қиларкан.

- Врач кўргач, туни билан тепангда ўтириб чиқаман, майлими?

- Анавилар кўнса, бас!

- Энди жанг тугади-ку!

- Шунақа...

- Айтгандай, дунё жангида ёлиб бўлдингми?

Олим унга кўз қирини ташлади. Умидвор нигоҳ иштиёқ билан ўзига тикилиб турарди.

- Сен дуо қилганингдан кейин ёлиб бўлмай иложим йўқ!

Қиз қувонганча «Ростми?» дея Ботирга қаради. У бош қимирлатиб тасдиқлагач:

- Кўнглим сезганди! - деди.

Лидия унинг икки юзидан ўпиб, пешонасини силади.

Олимнинг хаёлини эса яна юксак эзгу орзу-умидлар чулғади. «Бугунги ғалаба мислсиз, дунёни қўлга киритган зўравонлар ҳам тан олган катта ютуқ, аммо ҳозир расмий, халқаро мусобақада қатнашганда минглаб ва миллионлаб ватандошлари олқишлаётган, ўзи эса, Ватанга хизмат қилганидан гурурланиб, Ўзбекистон байроғини кўтариб рингни айланаётган бўларди. Унинг бу орзулари қачон ушалади?! Ўзбекнинг томирида Алпомиш қони кўпирган азаматлари кучқудратда ҳеч бир миллатдан кам эмаслар!» Олим шу топда негадир бўрилардан ижирғанди, вужудини арслон наъраси қамради. «Йўқ, - деди у тўлғониб, - мен бўрилардан ёвузликни эмас, ёвқурликни ўргандим. Уларнинг ёвқурлиги қонимга ўтди. Энди фарзандларим ёвқур бўлиб ўсишади.» У кичик ўғлини кўтариб, каттасини етаклаб бораётган Интизорни кўз олдига келтирди-ю, ширин хаёлидан энтикди, билинар-билимас пичирлади: «Интизор, шошма! Сени, ўғилларимни опичлаб тоғларга олиб чиқаман ва анави оппоқ, паға-паға булутларга миндираман. Оппоқ булутлар бизники! Қуёш бизники! Йўқ, биз қуёшмиз, оймиз, юлдузлармиз. Ватан бизга интизор. Интизорлик торта-торта танда тоқат қолмади...»

- Нималар деяпсан, Алик?

- Ўзим... деди Олим фаромуш.

Унинг ҳолати Лидияга ҳам таъсир қилди:

- Бошинг тошдан бўлсин! Мен севган йигит ҳамма соҳада биринчи бўлишини истайман!

- Раҳмат.

- Энди қизлар билан балиқ овига боролмаймизми?

- Шу оёқ билан ов қиламанми?

- Нима бўлди, йиқилдингми?

Олим асаби бузилиб, юзини тескари бурди, аммо Лидия кафти билан уни ўзига қаратди. Ботир унга кўз ташлаб, «Айтаверайми?» дегандай розилик сўради.

- Воқеа жанг тугагандан кейин рўй берди.

- Яъни?

- Сўнгги жангда испаниялик мағлуб аламига чидамай, тишлаб олди.

Лидия шарақлаб кулиб юборди.

- Наҳотки! Қойилман!

Сўнг Олимнинг кўрпа устидаги қўлини кўксига босди-да, ўпа бошлади.

- Табриклайман, жоним! Дунёда тенги йўқ полвонсан! Якка-ю яғонамсан!!

Олим ёнбошлаб ётиши билан жароҳати лўқиллаб оғриди. Лидия кўрпани кўтариб, оёққа назар солди. Бинт устидан қон сизар, чойшабнинг кафтдай жойи кип-қизил доғ эди.

Лидия жароҳат атрофини бармоқлари билан секин ушлаб кўрди: Иссиқ! У кўрқиб кетди.

- Тезроқ чорасини кўриш керак!

Дераза олдига бориб, ташқарига қараган Ботир қизга юзланди.

- Тезроқ хонангга кет, улар келишди.

Олим Лидия ёпган эшикка қараб, кўкрак чўнтагини пайпаслади. Излаган нарсаси жойидалигига ишонч ҳосил қилгач, хотиржам тортиди.

Беш дақиқача вақт ўтмай, Женя ва унинг ортидан жиддий қиёфали, барваста врач киришди. У ўзини Борис Иванович, деб таништираркан, боягина Лидия ўтирган стулга чўкди ва Олимнинг дилидагини сезгандай, Ботир ва Женядан хонадан чиқиб туришларини илтимос қилди. Ҳамшира боғловни ечгач, врач тиш ботган жойдан сизаётган қондан олиб микроскопга ўхшаш аппаратда текширди.

- Тоза, - деди ҳамширага аппаратни яшикчасига солишни буюриб. Сўнг жароҳат атрофини эзиб кўрди.

- Уҳҳ, воййй!

Олимнинг овози баландроқ чиқди, шекилли, врач таажжубланди.

- Борис Иванович, сиз билан холи гаплашсак бўла-

дими? - дея Олим ҳамширага қаради. Ҳамшира бошлиқ розилигини сизди-да, хона эшигини ташқаридан ёпди.

- Тўғриси айтганда, жароҳатим оғир эмас!

- Муаммо нимада?

- Гап шундаки, - Олим диванга ўтирган кўйи сўзларди, - мен қоидасиз жанглardan бутунлай чиқиб кетмоқчиман.

Овозини пастлатгани учун врач муддаосини сезгандай бўлди. Олим кўкрак чўнтагидан бир даста юз долларлик олиб, врачга узатди.

- Анатолий Петровичга, ҳеч бўлмаса, бир йил рингга тушолмайди, деб айтсангиз!

- Шу холосми? - деди Борис Иванович одатдан ташқари воқеа рўй бермагандай совуққон оҳангда.

- Ҳа!

- Лекин ҳозир жароҳатга укол қилиб дори қўймаса, газак олиб кетади. Тиш захри ёмон!

- Нима зарур бўлса, қилаверинг!

Врач кўрсаткич бармоғини лабига қўндаланг босди-да, «Тисс!» дея пулни чўнтагига солиб, ҳамширани чақирди.

- Бошлиққа кайфияти тушгандай кўрин ва камида йигирма кун оқсоқланиб юр!

Олим ҳамширага билдирмай, бош қимирлатди. Аммо ичида «Бу одамга ишонса бўлармикан?» деган ҳадик ҳам бор эди.

Муолажа тугаши арафасида Анатолий Петрович кириб келди. Олим врачга «Бошлигимиз шу!» дегандай имо қилди.

- Бизнинг жангчи қалай? - деди у қувноқлик билан. У Олимнинг кайфиятини кўтариш учун ўзини хурсанд кўрсатаётгани билиниб турарди.

- Ёмон эмас... Сиз бошлиғимизиз?

- Нимаиди?

- Ташқарида гаплашамиз...

Ярим соатдан кейин Ботир кириб келди. Сир яши-

раётган одамдай Олимга дадил қаролмас, бир жойда ўтиролмас эди. Дераза олдида бирпас туради-да, коридорга чиқади, телевизорни улаб, кўрсатув ёқмагандай ўчириб қўяди. Олим вазиятни сезди.

- Врач Петровичга нималар деди?

Ботир саволдан қўрққандай Олимга ўгирилди.

- Айтавер...

Олим «Ҳаммасидан хабарим бор», дегандай хотир-жамлик билан унга жой кўрсатди.

- Қисқаси, бир йилгача рингга тушолмас экансан, асосий асаб томиринг эзилган, узоқ даволашдан кейин тузалиб кетаркансан. Врач хулоса ёзиб берди... Петрович аэропортга чиптага кетди, эрталаб Москвага учарканмиз.

Олим хушнудлик билан муштини тугди.

- Йўлини қилиб юртга кетиш керак-да...

У яна ўйга ботди. «Ҳар бир ишдан ҳикмат излаган маъқул. Ҳатто ёмон ишлардан ҳам. Мана, рақибининг ваҳшийлиги - унинг учун Ватанга қайтиш имкони. Худо кутилмаганда бераркан-да бундай имконни...» У Худога шукрона айтди, ўша рақибини чин дилдан кечирди. Оғриқни унутиб, ўзини хотиржам сезди, кўзи илинди.

\* \* \*

Улар аэропортнинг иккинчи эшигидан чиқиб, қора «ЖИП»га жойлашишди. Ўрмон оралаб кетишаркан, Анатолий Петровичнинг кайфияти кўтарилганди. Кечадан бери кам гапираётган бошлиқ Олимнинг елкасига шапатилади.

- Алиқ, шу бугундан бошлаб Москвадаги академик Филимонов клиникасида даволанасан!

Олим бироз ўйланди-да, бошлиққа ўгирилди.

- Сиз ташвиш чекманг, Петрович, яхшиси, рухсат берсангиз уйга кетиб, ўзимиздаги табибда даволансам...



- Э, бошимни қотирма, Алиқ!

У жаҳллангандай кўзларини чақчайтирди, аммо ўзини босиб яна Олимга юзланди.

- Очигини айтсам, - у вазминлик билан гапирарди, - сени бу аҳволда Ўзбекистонга жўнатиш виждонимга тўғри келмайди, сени тишлаган иблиснинг бошлиғидан эллиқ минг евро товон пули ундирдим, бу ёғидан хотиржам бўл!

Олим бироз жим қолди-да, мулоҳазага берилди. Ҳозиргача бошлиқнинг хоҳиш-иродасига мос келмайдиган гап айтмаган. Аммо ҳал қилувчи - нозик лаҳзаларда фикрини ўтказиб олмаса, бошқа вақт унинг ихтиёридан ташқари иш қилолмайди. Бундай имкониёт умуман келмаслигини ўйлаб, дадил бўлишга қарор қилди.

- Анатолий Петрович, фикримни айтишга рухсат берсангиз...

- Гапиравер, аммо унутма, менга соғлигинг керак, ҳали бошқа нарсани ўйлаганим йўқ!

- Шаҳримизда академик табиб яшайди, Санкт-Петербург ва Америкада ҳам офислари ишлаб туради, минглаб мижозларини оғир дарддан халос этган, унга олти ой қатнасам, асоратсиз сағайиб кетишим аниқ!

- Ким у?

- Муҳиддин Умаров!

- Э, уни эшитганман, гиёҳлар билан даволайди.

- Худди ўша! - Олим бирдан жонланиб кетди, - ҳатто машҳур спортчилар, космонавтлар ва олимларни ҳам даволаган. Очигини айтсам, унга ихлосим бор...

Бошлиқ ўйланиб қолди. Олим унинг фикрини ўзгартираётгани аниқ эди.

- Ҳеч бўлмаса, бу ерда уч-тўрт кун дам ол. Сафдан чиққанларни кераксиз буюмдай улоқтириш бизнинг тамойилга тўғри келмайди. Сени эртагаёқ жўнатиб юборсам, оқибатсизликка ўхшаб қолади...

- Сизни яхши биламиз, Петрович, муносабатингиз

самимий, яхши таъминлаганингиздан ғурурланиб юрамиз-ку, бу ёғидан хотиржам бўлинг. Қолаверса, у ёқда бир ҳафта олдин отам бандачилик қилибди...

- Йўғ-э, таъзиямни қабул қил, Алик, нега айтмадинг?

- Беговта қилгим келмади. Энди онамга далда бўлишим керак! Мендан бошқа ҳеч кими йўқ!

Олим осмонга қараб ичида: «Ёлғонимни ўзинг кечир, Худо! Дадамнинг умри узун бўлсин», деди.

Улар етиб келганларида вақт тушга яқинлашган, ташқарида шабада эсарди. Узоқдан момақалди роқ овози эшитилди, чақмоқ чақди. У деразадан шаҳарга қараркан, қадрдон манзарадан кўнгли яйради, оғир довондан ўтганини ҳис қилиб, юрак тубида севинч, шодлик булоқ сувидай қайнаб-тошарди.

Ёмғир шаррос қуйди, томлар, кўчаларга, япроқларга тинимсиз тушаётган маржон томчилар унга завқ берар, руҳиятини губордан тозалаётгандай эди. О, у бир неча кундан кейин туғилган юртида бўлади, Ватанида ўзига ёққан иш билан шуғулланади, одамларга яхшилиқ қилади, муҳими, онаси билан битта оилада яшайди, у Интизорни келин қилиб олиб келади...

Кутилмаганда эшик очилиб, Анатолий Петрович билан Ботир кириб келишди.

- Бу - сенинг ҳаққинг, - деди Петрович кичик жомадонни столга қўяркан, - юз минг евро! Ботирники ўзида.

Олим унга раҳмат айтиб турувдиямки, бошлиқ чўнтагидан бир даста юз долларлик олди.

- Бу майда-чуйда харажатларингга, тезроқ соғайиб кетишингни истайман, Аликжон, сен ҳалол хизмат қилдинг, хурсандмиз!

Олим оқсоқланиб, икки қадам юрди-да, чемоданни олиб, диван ёнидаги журнал столига қўйди.

- Очиги, тақдир сиздай мард, ҳалол одамга ҳамкор

қилганидан хурсандман, раҳмат!

Анатолий Петрович унинг шарқона оқибатини ҳис қилиб, бошини қимирлатди.

- Энди тушликка кетдик!

Бошлиқнинг кайфияти яхши эди. Машинага ўтиришлари билан Женяга:

- «Париж» ресторанига ҳайда! - деди.

Тушлик шоҳона бўлди, Анатолий Петрович ғалаба руҳи билан яшаётгани учун юз граммдан коньяк ичишга рухсат берди. Африка кийиги гўшtidан тайёрланган кабоб, корейсча салатлар ҳаммани ҳайратда қолдирди. Энг гўзал официантлар хизмат қилишди. Бир соатча ўтиришгандан кейин у ўзига алоҳида машина чақирди.

- Сизлар шаҳар айланиб, уйга ул-бул харид қилинглр, кечкурун соат олтида катта бошлиқ олдида кутаман.

У Женяга бир қараб, нигоҳи билан алланарсани тушунтириб, ресторани тарк этди.

Олим Москвадаги кўп жойларни ҳали кўрмаган, дунёга машҳур супермаркетлар, «Болалар дунёси» дўконлари, Лужникидаги халқаро савдо ярмаркасига бормаган эди. Женя эринмасдан ҳамма жойни айлантирди, гид сингари эътиборга молик жойлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берди, арзон, сифатли кийим-кечаклар сотадиган машҳур дўкондорлар билан таништирди.

Олим онасига, ҳатто ўғай укасига кийимлар сотб олди. Болалар кийимларини ҳавас билан томоша қиларкан, уйланиш ва тезроқ фарзанд кўриш иштиёқи борлигини ларзага келтирди. Айниқса, қизларнинг нафис, замонавий либослари қизиқишини аланга олди. Интизорга кўйлак, итальянча кофта олгиси келди-ю, аллақандай туйғу уни тўхтатди. Хаёл суриб турганида Женя:

- Олавер, Алик, севган қизингга ёқади! - дея ҳушига келтирди.

Олим кулимсираб, Женянинг топқирлигини тан олди ва итальянча тикилган 150 долларлик кўйлак, эллик долларлик кофта харид қилди. Ўзига олмонча костюм-шим, икки хил кўйлак, туфли ва бошқа майда-чуйдалар харид қилиб, сумкани тўлдирди. Севинганидан соппа-соғдай юрар, яраси ёдига тушганида, Женяга қараб қўйиб, оқсашни бошларди.

У Анатолий Петровичдан хурсанд эди: эслатмаганда шунча нарса харид қилармиди?

Онаси севилади, кўнгли кўтарилади, ўғай укаси ҳам етимлик дардини унутади.

Интизор ҳам севиармикан?

Зарина билан Нигина эшитса, ёниб кетса керак!

У Диёрани ҳомиладор деб эшитган эди, чақалоққа мослаб кийимлар тўплами танлади.

Вақт ўтганини билмай қолишибди. Женя соатга қараб, шошилганча ҳаммани машиналар турар жойига бошлади.

Петрович Олимни олдинроқ бошлиқ билан таништирамоқчи эди, негадир мавриди бўлмаган, Олим эсига солмаганди.

Уни катта-катта корхона, автосалонлар ва чорва мажмуалари эгаси, қисқаси, Москвадаги йирик бойларнинг бири, деб эшитган. Ҳозир учраштиришдан мақсади таништиришми ёки муҳим иш борми?

Ярим соатда етиб келишди. Олим йўлакка ўтаркан, машинада ўтирган ўзбексифат йигитга кўзи тушди. Аллақаери танишга ўхшарди. У ҳам қаради-ю, олдига югуриб келди.

- Олим ака, сизни яхши танийман, Римда зўр жанг қилибсиз, табриклайман.

Ўзбекча сўзлар Олимга бошқача эшитилди. Қисқа суҳбатда унинг Тошкентдан эканини билди.

- Сиз билан республика каратэ мусобақасида кўришганмиз, а?

- Сиздан икки ёш кичик эдим, учинчи ўринни

олгансиз, тўғрими?

- Ҳа. Бу ерларда нима қилиб юрибсиз?

- Анатолий Петрович ойига ўн минг доллар тўлайман, менда ишлайсан деди, ёмонмас, а?

Олим унинг содда ва беғубор кўзларига боқиб, қалтис йўлдан қайтармоқни ўйлади.

- Укажон, - деди бир қўлини унинг елкасига қўйиб, кўзи билан оёғига ишора қиларкан, - бу ишнинг оқибатини кўряпсан-ку! Арзимаган пул деб, билак кучинг, соғлигинг эвазига бировларга обрў олиб берма!

- Нима қилиш керак, дейсиз?

- Ватанга хизмат қил! Мен йўлини қилиб қайтпман, омон бўл!

Йигитча ўйланиб қолди.

Бешинчи қаватдаги қабулхонада уларни ўттиз ёшлардаги котиб кутиб олиб, катта бошлиқ олдига кириб кетгандан кейин Анатолий Петрович икковларига Михаил Иванович билан гаплашиш қоидаларини тушунтирди.

Ҳашаматли, узун хонага киришганда барваста, кўзойнакли, жиддий одам кутилмаган чаққонлик билан столни айланиб ўтди-да, Олимга томон юрди ва кучоғини очди.

- Келдингми, полвоним? Ҳаммасини бопладинг!

Олим жанг пайти уни кўрган, жиддий раҳбар ҳам қизиқаркан-да, деб ҳайрон бўлган эди.

- Зарбаларингга, рақибни кўрқитишингга қизиқман! Назаримда, сенга ғойибдан куч келади, шиддатга тўласан! Ҳалиям ўша завқ билан нафас оляпман, қойилман!

Михаил Иванович унинг елкаларига уриб, стулга таклиф қилди, сўнг Ботир билан саломлашиб, рўпарадаги стулга ўтирди.

- Ўзбекистонда сендай мард, паҳлавон борлигидан, биз билан ҳамкорлик қилганингдан хурсандман! Жан-

гда ҳамма сени олқишлайди, менинг одамим эканиндан қувониб, гурурланиб ўтираман. Аммо Римдаги кўнгилсизлик... Сен хафа бўлма, Алик, ҳамма ердаям чидамаслар бор.

- Ҳечқиси йўқ, бирор йилда яхши бўп кетади, Михаил Иванович, сизга ҳам эътибор учун раҳмат!

- Қачон учасизлар?

- Бугун кечаси.

- Оқ йўл, паҳлавоним!

У италян гарнитурини очиб, қинли ханжар олди.

- Кавказча қуролни сенга совға қилмоқчиман, - у ханжарни қинидан чиқариши билан чироқ нурида тиғи ярқираб кетди, - сўзинг ханжардай ўткир бўлсин, Алик, эслаб юр!

Михаил Иванович қайтиб келмаслигини сезгандай, Олимга меҳр билан тикилди.

Олим қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирди-да, совғани қўшқўллаб олди.

- Бирор муаммо туғилса, Петровичга кўнғироқ қил!

- Раҳмат, - Олим бошлиққа юзланди, - Михаил Ивановични бошлаб, Фарғона водийсига боринглар, ўзбекча палов дамлаб бераман!

Катта бошлиқ Анатолий Петровичга қараб кулимсиради.

- Борамизми?

- Борсак арзийдиган ишлар қилди.

- Албатта, омон бўл!

- Хайр, Михаил Иванович!

\* \* \*

Кечки овқатдан сўнг Олимга биркитилган рақамдан кўнғироқ келди. Биринчисида кўтармади. Кечадан бери Лидия масаласини ечишни ўйлаётгани учун иккинчи кўнғироқда боғланиш тугмасини босди. Кутганидай, қиз ҳаяжон билан саломлашди.

- Ваъдангни унутиб қочиб кетмоқчимисан! Қизлар балиқ овини кутишяпти.

- Иложим йўқ, Лидия!

- Бир кунга қол, осмон тушиб кетмайди!

- Чипталар олинган, уч-тўрт соатдан кейин аэропор-тга жўнаймиз.

- Э, ваъдангни бажарасанми, йўқми?

У Лидиянинг овозидаги таҳдид ниятига етолмаган маъшуқанинг аламзадалиги эканини тушуниб, эйти-роз билдирмади. Юпатадиган гап айтишни лозим топди.

- Ҳозир қаердасан?

- Кўчадаман, сизлардан кейинги рейсда учиб кел-дим.

- Машинада кел, ўша кафеда гаплашиб оламиз.

- Яхши!

Олим Римдан олган кийимлари билан ясаниб, ошиқ йигитдай ойнага қаради. Оқсоқланиб ташқарига чиқ-қанида, йўл бўйида қизнинг машинаси турарди.

Лидия ўриндиқдан сакраб тушди-да, у томон одим ташлади.

- Соғиндим, Алик!

Олим кечинмаларини билдиргиси келмади. Қиз-нинг кўзларида эса эрка бир истак ёнарди.

Кафеда ўтиришганда ҳам Олим жиддийлигини йўқотмади, Лидия эса эҳтиросини яширишга урин-масди.

- Мени шу кўйи ташлаб кетаверасанми, Алик?

- Оёғимни даволатмасам, ногирон бўлиб қолишим мумкин.

- Энг зўр врачлар Москвада-ку? Сени ўзим парва-риш қиламан, кетма...

Унинг кўзларида ишқий кечинмалар, соғинч олов-ланарди. Кўксини стол қирғоғига тираганча, Олимга эҳтирос билан тикилиши хаёлини ўғирлади. Йигит чалғимаслик учун суҳбатни бошқа мавзуга бурди.

- Айтганча, битта нарсани сўрамоқчийдим...

- Бемалол.

- Мени зўравонлик билан олиб кетиб, дори ичириб, олдинга олиб боришган кун «Кўзиқорин» гуруҳи сен орқали менга касал юқтирмоқчи бўлганмиди?

- Қанақа касал?

Бирдан Лидиянинг туси ўзгариб, тела сочи тикка бўлди. Олим ҳушёр тортди. Аммо гапирмаса бўлмасди. Бир лаҳзалик мулоҳазадан кейин бошини кўтариб, қизга юзланди.

- Петрович сени СПИД деганини эшитдинг-ку!

Қиз ловуллаб кетди, жаҳл билан Петровични сўкмоқчи бўлди, аммо асабийликдан кўра, севган йигити олдида ўзини оқлаши муҳимлигини ўйлаб, тилини тийди.

- Менга ҳам дори ичиришган, у шундай деганмиди?

- Ростдан эшитмадингми?

- Йўқ, ўша Петрович, - деди у нафратини яширишга уриниб, - мендан сени ажратмоқчи бўлган! Сени куч ишлатиб олиб келишганини ҳозир эшитдим. Менга Алик сен билан алоқа қилмоқчи дейишганди...

Лидия жаҳлдан титрарди.

- Юр, машинада гаплашамиз! - деди у Олимнинг қўлидан ушлаб етакларкан, - мени ёмон қиз деб ўйлаганингга чидай олмайман. Фурурим, шаънимга қора чаплагани учун ўша Петровични шу бугун отиб ташлайман!

Қизнинг шаҳди баланд эди. Машинага ўтиргандан кейин қўлларини мушт қилиб, рулни бир урди.

- Алик, ҳозир СПИД марказига борамиз!

У ўнлаб машиналар сигнал чалишига қарамай, тезликни ошириб, йўловчиларни ваҳимага соларди. Ҳатто айрим бурилишларда тезликни пасайтирмай, Олимни чўчитиб юборди.

Етиб келишгач, Олим унинг қўлидан ушлади.

- Лидия, керак эмас, сенга ишонаман!



- Йўқ, Алик, охирига етмасдан қўймайман! Мен ҳақимда ёмон ўйлашингга тоқат қилолмайман!

У ерга қараб қайғуга чўмганча, чуқур ўйга толди.

- Римда кечалари мижжа қоқмай кутдим хонамга қалам босмадинг! Мен аҳмоқ ўша ёлғонга лаққа тушганингни билмаганимга ҳайронман!

Олим қизга бошқа гапирмади.

Қабулга киришганда врач Лидия билан эски танишлардай сўрашди.

- Емельян Фёдорович,- деди Лидия врачга қараб, - зарурият туғилиб қолди. Қонимни текширтирмоқчиман, илтимос, тезлатиб берсангиз.

- Сен соғломсан, Лидия, ҳожати йўқ! - деди врач унга жиддий тикилиб. Лекин Лидия оёқ тираб туриб олди.

Иложсиз қолган врач ҳамширага топшириқ қилди.

Таҳлил учун бир соатдан ортиқ вақт кетди, Лидия жиддийлигини йўқотмасдан кутди. Врач натижани қоғозга ёзди-да, шахсий муҳрини босиб, қизга узатди.

- Қонинг топ-тоза, Лидия, ортиқча ташвишинг кераги йўқ,

- Раҳмат.

- Сен тартибли инсонсан, хотиржам бўл!

У хизмат ҳақини тўлаб ташқарига чиқди. Улар лабораторияга қандай тезликда келишган бўлса, кафега ҳам ўша тезликда қайтишди.

Бояги столга ўтиришгач, ўртага оғир сукунат чўкди. Иккови нимадан бошласа, гап қовушиб кетишини билмаётгандай, оғзига талқон солишган эди. Ниҳоят, Лидия сумкасини стул суянчиғига илди-да, чимирилган кўйи Олимга тикилди.

- Лидия, - деди Олим айбини ювмоқчи бўлган одамдай мулойимлик билан,- шарт эмас эди, мен сенга ишонардим.

Қиз гапиришни истамаётгандай икки сония миқ этмай турди.

- Бу ишни сенинг учун қилганим йўқ! Бошлигингга бериб қўй, - Лидия сумкасидан таҳлил нусхасини олиб унга узатди, - тилини тийиб юрмаса, жонимдан кечиб бўлса ҳам уни ўлдираман!

У асабийлигини яширса ҳам титраган лабларию, кенгайган кўз қорачиғи ошкор этарди.

- Петровичдан ўн карра зўрлар ҳам ҳақлигимни адолат билан тан олиб, мардларча ён беришган. Бировларга ёмонлик қилиб мақсадимга эришмаганман. Аммо Петровичнинг гапи асабларимни зирқиратиб юборди. Севган йигитим олдида гапиргани эса мен кечиролмайдиган ҳақоратдир.

Олим унга қараб шаъни, ор-номуси тозалиги учун қайғураётганини сизди. Кўнглини кўтарадиган гап айтиш учун оғиз жуфтлади.

- Сен хафа бўлма, Лидия! У мени доим эҳтиётлаб юради. «Кўзиқорин»нинг одамлари энг катта жанг олдидан мени зўравонлик билан олиб кетишгани жаҳлини чиқарди. Асаби бузилган вақтда оғзига келганини гапирган-да! Сен тоза, самимий қизлигингни билганман! У ҳам соғломлигингни билади, фақат ўша куни қаттиқ ҳаяжонда эди.

- Қаердан билгансан?

- Мени дадангнинг қўлидан қутқарганингаёқ.

- Яна қандай далилинг бор?

- Қалбинг севги билан тўла, курашчан, адолатли қизсан, сендан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди!

Лидия озгина сукут сақлаб, бошини даст кўтарди.

- Раҳмат, Алик! Мен олдимга катта мақсад қўйганман: шаъним, гурурим учун курашишдан толмайман. Севган йигитим олдида ерга уришларини ҳазм қилолмайман! Кўрасан, Петровичдан қасдимни оламан!

- Лидия, сенга оғирроқ бўлишни маслаҳат берардим...

- Мен орсиз эмасман! Севиш - ҳеч ким дахл қилолмайдиган ҳуқуқим! Поймол қилишга дунё мафияси

бошлигининг ҳам ҳаққи йўқ! Жондан кечсам кечаманки, гуруримдан кечмайман!!

Қиздаги мардлик ва гурур Олимнинг кўзини мошдай очди. Ерга қараганча бир неча сония ўйланиб, бошини кўтариб, қўшиқларда куйланган, ватан, орномус йўлида чиниққан рус қизининг тимсолини кўрди.

Юрагида унга нисбатан чексиз ҳурмат ҳисси уйғонди. Аввалги фикрлар, турли-туман мулоҳазалар фаррош супурган хазондай учиб кетди.

- Таклиф бор, - деди Олим қизга термулиб, - бизда қиз билан йигит севишсаю, бир ёстиққа бош қўя олмаса, дўст бўлишга аҳду паймон қилишади. Ҳатто аллақайси ёш хонанданинг «Ҳеч бўлмаса, дўст бўлиб қол!» деган қўшиғи машҳур бўлиб кетган. Севгингни ҳурмат қиламан, ўзингни қадрлайман, ҳозирги гапларинг умрбод эсимдан чиқмайди! Кел, Лидия, иккимиз дўст бўлайлик!

Олим унга қўл узатди.

Лидия таваккал қилгандай, Олимнинг қўлини маҳкам қисиб, бўйнидан қучоқлади, кўксига бошини қўйганча, дардини тўкиб йиғлаб юборди.

Олим Лидия сиймосида, гурури баланд, ақли билан вазиятлардан чиқа оладиган Заринани кўргандай бўлди.

- Москвага келсам, албатта, сени топаман, сен Ўзбекистонга борсанг, мени қидир! Муносабатларимиз узилмаса, севгинг меҳрга айланади!

Лидия жилмайиб, Олимга қаради. Тақдир ёзувларига ноилож кўнаётганди у.

- Шарқона фалсафа...

- Балки...

- Сени кузатиб қўяман, телефонимни сақлаб қўй. Етиб боргач, қўнғироқ қил, сал тузалганингдан кейин Москвага келсан, ваъдангни бажармасанг, қизлар олдида бебурд бўлиб қоламиз!

Қизнинг иродаси мустаҳкам, идроки тиниқлигига амин бўлган Олим уни маҳкам бағрига босди.

- Ўзингни эҳтиёт қил, Лидичка!

Хайрлашаётганларида Олим унга термулди: Лидиянинг кўзлари жиққа ёш эди...

\* \* \*

Москвадан йўлга чиққан самолёт Шарқ тоғлари шафақ либосини кийганида Наманганга қўнди.

Юрак уриши тобора тезлашаётган, орзиқтирувчи дақиқаларни бошдан кечираётган Настарин кутиш залига яқинлашган ўғли Олимни кўрди-ю, юраги ҳаприқди. Ўғлини тезроқ кўриш учун одамларга эътибор бермай, синдириб ўтиб кетадигандай ойнага яқинлашди. Аэропорт ходимлари кириш эшигини очишлари билан кутувчилар ёпирилиб, самолётдан тушганларни ўраб олдилар.

Настарин ҳаяжон ичида уларни суриб, итариб, Ботир билан келаётган Олим томон талпинди. Келганлар билан кутиб олувчиларнинг салом-аликлари, шовқин-сурон ва ҳаяжонли сўзлари унинг қулоғига кирмас, юрагидан тошиб бораётган соғинч ва оналик меҳри ўғли томон итарарди.

У одамларни ёриб чиққанида Олим эшикка яқинлашган эди. Оломон орасида учрашишди. Олим онаси кутиб олишини хаёлига келтирмагани учун гангиб қолди. «Эсон-омон келдингми, ўғлим?» деган овозни эшитгач, бирданига кўксига бош қўйиб, елкалари, бош-кўзларини силаётган онасини танидию, маҳкам бағрига босди.

- Онажон!!

Настарин йиғлаб юборди. Соғинч ёшлари, севинч ёшлари яноғини ювиб, ўғлининг кўксига томаркан, шодлиги ичига сиғмас, ҳаёти дахлсиз ва орзу қилганидай ўтишини ҳис қилиб, кўзларини юмди...

- Ойи, - деди Олим кўнгли тўлиқиб, - ҳаммаси яхши бўлади.

Она-бола зал ўртасига етишганда бир аёл улар томон кулиб келарди.

- Олимжон, яхши етиб келдингизми, иним!

У Дилбар опани таниди, озгина тўлишган, ҳатто ёшариб кетгандай. У Олимни бағрига босиб, ўз бола-сидай кўришди.

- Олимжон ака, яхши бориб келдингизми?

Олим тахмин қилди: ўгай укам!

- Уканг Раҳимжон! - деди Настарин синиқ овозда Олимга уни кўрсатаркан.

Юклар икки соатда текширувдан ўтиб чиқди. Катта кўчада Дилбар опа янги «Дамас»нинг эшигини очиб, уларни кутаётган эди.

Олим машинага чиқаркан, атрофга назар солди. Далалар, шаҳар кираверишидаги кўп қаватли уйлар, меҳмонхоналар, хиёбонларга қараб тўймасди. У аввал кўрган, сайр қилган бўлса ҳам, файзи, оҳанрабоси билан ўзига тортар, юрагини жизиллатарди. Ўзбекистон ҳудудига ўтишганда юрт тафтини сезган, юраги бир неча марта симиллаб кетган эди.

«Дамас» уй олдида тўхтаганда маҳалланинг болалари «Ана, келишди!» дея улар томон чопқиллашди. Кўни-қўшнилар тўпланишди. Олим ҳаммалари билан сўрашиб уйга кираркан, ҳовлини танимай қолди. Ўзбекона файзли, супуриб сидирилган, сувлар сепилган. Деворлар оқланиб, ҳамма буюмлар ўз ўрнига қўйилган. Саранжом-саришта ҳовли Олимнинг кўнглини яшнатди. Ошхонадан зирваги тайёрланган паловнинг ҳиди келарди. Унинг юраги ҳаприқиб кетди.

\* \* \*

Кечқурун келди-кетди билан овора бўлган Олим барвақт турулмади. Анчадан бери бунчалик тиниқиб,

хузур қилиб ухламаганди. Уйғонганда тепасида онаси турар, кўзида ёш милтилларди.

- Олимжон, туринг ўғлим, нонуштангизга мастава пиширувдим.

Болалигида оиласи бузилган, иккинчи эри билан узоқ юртга кетиб меҳр беролмаган, бувининг қўлида қийналган ўғлининг кўнглини кўтарадиган ёрдами тегмаса ҳам, қайнилари кўчага ҳайдаб солганида, иссиқ жой берган жигарбандини сенсирашга тили бормаётган эди онаизорнинг.

Унинг кўзларида недир сир яширинганини Олим аввалига сезмади. Бир-икки марта астойдил тикилгандан кейин сўрашга журъат этди.

- Ойи, тинчликми?

Настарин бирданига жавоб қилолмади. Аллақандай мулоҳазалар ичида довдиради.

- Кеча... кеча бир қиз ташлаб кетувди...

Настарин халати чўнтагидан икки букланган қоғоз олиб, столга қўйиб чиқиб кетди. Олим тик турганча хатни ўқишга тутинди.

«Олимжон ака, пешонам шўр деёлмайман, аммо ўзимни бахтли санашга ҳозирча эртароқ! Менга Лондондаги ҳуқуқ университетини тугаллаб, шартнома бўйича ишда қолган узоқ қариндошимиз Озод акадан совчи келди. Биз учрашдик, маданияти, билим савияси, муомаласи, кўркемлиги ҳайратда қолдирган бўлса ҳам сиз билан муносабатимизни узоқ ўйладим. Сиз ягона қадрдоним, жондан азиз севганим эканингизни яна бир карра ҳис этдим. Аммо муносабатларимизнинг охири йўқ, севганингиз бор, Худо хоҳласа, унга уйланасиз... ва бахтли бўласиз! Қанчалик ичим ёнаётган бўлмасин, ҳаётга, дарё каби тез ўтаётган умрга очиқ кўз билан қарамасликнинг иложи йўқ! Мен ота-онам дуосини олиш учун Озод аканинг таклифига рози бўлмоқчиман. Аввал келишганимиздек, албатта, дўст бўлиб қоламиз... ЗАРИНА.»

Олим узоқ мулоҳазага чўмди. Деразадан шаҳарни томоша қилди. Одамлар, машиналар, бинолар, дарахтлар, кўм-кўк осмон ва сузиб бораётган парку булутлар, ўзи кўринмаса-да, дарахтлар шохини эгишга интилаётган шамоллар, гоҳ қулоққа чалинаётган ғалаговур, шавқин-сурон руҳига бостириб кира бошлади. «Зарина, бахтли бўл, дўстим!» - дея пичирлади у ва энгил тортди.

Олим ҳаммомда ювиниб қушдай энгил бўлиб, нонуштага ўтираётганда укаси телефон кўтариб чиқди.

- Ака, сизни Интизор деган қиз сўраяпти...

Настарин ўғлига қараб кулимсиради.

- Бўлажак келиним эмасми, Олимжон?!

У жавоб қилишга уялгандай, телефонни қулоғига тутди-да, ташқарига чиқди.

Фамлари ортда қолиб, қувонч ва эзгу ташвишлар келаётганини ўйлаган Настариннинг ўғлига меҳри товланди. Бу меҳр ришталарини ҳеч ким, ҳеч қачон узолмайди. Петровичлар олами энди унга бегона. Бу олам Олимни тоблади, кўзини очди. Олим уларнинг барчасидан миннатдор. Бироқ энди унинг янги, Петровичларникидан мутлақо фарқланадиган йўли бор. Янги йўл бошида турган Олим ўзини қандай воқеа-ҳодисалар кутаётганини билмасди. Билардики, у Ватани бағрида. Унга бошқа нима керак? Шу, бас-да!

**Т А М О М.**

3500 с.ш.

**Боқий МИРЗО**  
**ЎҒРИНИНГ**  
**МУҲАББАТИ**

**РОМАН**

**2**  
**ФАСЛ**

Муҳаррир:	Нурбек Абдуллаев
Тех.муҳаррир:	Собитхон Абдуҳамитов
Дизайнер:	Дилмурод Алимов
Мусаҳҳиҳ:	Улутбек Умаров

2012 йилнинг 27 декабрь куни теришга берилди. 2013 йилнинг 10 январь куни босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 14 босма тобоқ.

Газета қоғозига офсет усулида босилди.  
Адади 1000 нусха. № 225-сонли буюртма  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,  
Навоий кўчаси, 36- уй.

Китобнинг оригинал макети «ЗАКОВАТ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
босмахонасида газета қоғозига офсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,  
«Чорбоғ» кўчаси, 17-уй.